

# ЎШГ

Ўзбекистон ЛКСМ  
Марказий  
Комитети ва  
Ўзбекистон ССР  
Ёзувчилар  
уюшмасининг  
органи

[92]  
Август

Ойлик  
адабий-  
бадий,  
ижтимоий-  
сиёсий  
журнал

1982 йилдан  
чиқа бошлаган

Бош муҳаррир:

Омон МАТЖОН

Таҳрир ҳайъати:

Эркин АЪЗАМОВ,  
Эркин ВОҲИДОВ,  
Хуршид ДАВРОН,  
Владимир ЖОНИБЕКОВ,  
Жиянбой ИЗБОСКАНОВ,  
Ҳамид ИСМОИЛОВ,  
Муроджон МАНСУРОВ,  
Насриддин МУҲАММАДИЕВ  
(масъул котиб),  
Олим ОТАХОНОВ,  
Азим СУЮН,  
Абдуқодир ЭРГАШЕВ,  
Нурали ҚОБУЛ,  
Абдурашид ҚОДИРОВ,  
Ғаффор ҲОТАМОВ  
(бош муҳаррир ўринбосари)

Тошкент  
«Ёш гвардия» нашриёти

ЮРАКДАГИ

БИТМАС

ЯРАЛАР

Менга  
суз беринг

## «Водий томонларда нималар бўляпти ўзи?!»

Собиқ курсдошлар Тошкентга йиғилдик. Ҳеч қутилмаганда мен шу пайтга қадар ўз дарду ташвишига кўмилиб яшаётган тенгдошларимнинг хавотирли саволига дуч келдим: «Сизлар томонларда нималар бўляпти ўзи?!»

Бизлар томонда — Фарғона водийсида нималар бўляётгани матбуот хабарларидан маълум, бироқ, ҳар қалай, қалби тоза ва диёнатли шахс шуурида шундай савол туғилибдими, демак, ўша хабарлардан кўнгли тўлмаган, шубҳаси йўқ эмас.

Аллақандай «ғиёҳванд» ва «газандалар» кирдикори ҳақидаги газета хабари киши дилини ранжитади, алам кўзгайди юракда, начора, осмон — узоқ, ер — қаттиқ, кимга нима ҳам дердинг?! Ким сенинг — ўша ароқхўр ва ғиёҳвандлар қатори йигитнинг дардини тушунарди?

Дўстларнинг саволига нима деб жавоб қилишни билмадим. «Тўпалон» дедим. Йўқ, луғатларни титкилаганим йўқ. Ўзим гувоҳ бўлган ва ҳозир хаёлимга келган воқеалар тамойилдан келиб чиқиб, шундай жавоб қилдим. Зеро, бу ҳодисаларни бўлак атама билан номлаш ҳам қийин. Нимага, нима учун? Дўппини олиб қўямиз-да, ўйлаймиз...

Шаҳарни соғинганимиз учунми, бу ердаги шароит, гарчи у жуда ҳавас қиладиган даражада бўлмаса-да, бизга — куни кеча дорилфунунни битириб кетган авлод кўзига мўъжиза бўлиб кўринади. Мўъжиза бўлиб туюладики, ўттизга кириб ҳали пойтахт — нима, кўрмаган ҳамтенгларимни, шу ерларни бир томоша қилсам деган армондаги онаю шу армонда ўтиб кетган оталаримизни ёдга солади...

Ленин майдонида келиб фавворалар салқини уриб турган сайлгоҳда дам олган, нафас ростлаган бўлдик. «У йўқ, бу йўқ, кризис», деди бир курсдошим.

Тарихчи дўстим эса бу воқеаларни инқилобий вазиятга қиёс этди: «Қуйи табақа эскича яшай, юқори табақа эскича бошқара олмай қолади».

Бу табақалар инқилобдан кейин — тарихда айтилишича — жуда тез суръатда барҳам топиб кетганлигини ҳисобга олсак, ушбу фикр анчайин жўн туюлади, бироқ шу жўн фикрнинг асосида жўнгина ҳақиқат ётган бўлса-чи?

Шеърпараст дўстимиз ўзича шеър ўқийди:

**Юртим, бағрингдек кенг осмонларинг бор,  
Айтсам адо бўлмас армонларинг бор...**

Армонлари адо бўлмаган юрт, халқнинг тақдири ҳақидаги анчайин мураккаб бўлмаган фикрларни мен кишлоғимизда — Чустнинг Калинин номли колхозни марказида бўлган ва маъмурият руҳсатисиз ўтказилган митингга эшитганман.

Митинг! Бирданига ҳушёр тортдингиз. Қандайдир бир чекка кишлоқда митинг бўлиши ҳали бирон марта қулоқларга чалинмаган-да, ахир! Наҳотки митинг ўз-ўзидан бошланган-у, одамлар норозиликлари асосида ётган талабларни маҳаллий ҳукумат вакиллари олдига тўппадан-тўғри қўя бошлашган?!

Вақтли матбуот хабарлари аллақачоноқ қарашларимизни чалғитиб юборган. Ҳар қандай ғайриқонуний йиғилиш ва митинг ўта махфий суратда иш олиб бораётган экстремистлар иши деб қаралаётир. Гўё шу кунларда юз берган воқеалар улар саъйи ҳаракати маҳсули эмиш. Бу фикр қарашларимиз эскирганлиги ва қайта қуришга уйғун одимлай олмаётганлигимиз билан изоҳланади.

Зеро, бу каби фавқулудда воқеаларни шу пайтга-

ча кўрмаганмиз, бўлиши мумкинлигини эса ҳатто ҳаёлимизга келтирмаганмиз. Шунинг учун ҳам дастлаб Фарғонадан, сўнгра Қўқон ва Намангандан етиб келган хабарлар барчани довдиратиб қўйди. Ўз-ўзидан бундай ҳаракатларнинг ташкилотчилари ахтарила бошланди. Тадбиркор ташкилотчилар — «тутқич бермас қасоскорлар» ҳақида турли атамалар пайдо бўлди. Афсус, афсуски, халқни ҳаракатга келтирган, унинг норозиликларига сабаб бўлган ижтимоий шароитни, эсласанг дилинг ўртангудек ночорликни, тангликни, фожиа замирида ётган асосий сабабларни ҳамон тасаввуримизга сиғдира олмаямиз! Меҳмондўст халқ нега бундай қилади, деймиз. Ажабланимиз, лекин шароит ва давр тушунчаларини назардан қочирамиз. Меҳнаткаш ва саботли халқ норозилиги туфайли оёққа қалқдимми, энди унга жиддий муносабатда бўлиш даркор.

Қишлоғимиз марказида бўлиб ўтган руҳсатсиз йиғилишларнинг бирида кўп қатори мен ҳам қатнашдим. Бу ерда нафақат ёшларни, балки соч-соқоли оқара бошлаган кишиларни, қарияларни, пахта пайкалида қиртқирт ишлаб, охири толган ўрта яшар деҳқонларни, куни кеча райком тугул, ҳатто колхоз раисининг юзига тик қарашга журъат этмаган одамларни — қайта қуриш туғдирган онг, қайта қуриш берган журъат ва қарашларга эга кишиларни кўриш мумкин эди.

Воқеаларни четдан кузатган киши ғалати ҳодисанинг гувоҳи бўлади: улар орасида қишлоқ зиёлилари йўқ ҳисоби. Борлари ҳам чет-четда — томошабин. Қирқ-эллик кишилик тўданинг юк машинасига чиқишию қайтиб тушиши, пиёда шаҳар томон юриш қилиши, шу пайт милиционерларнинг етиб келиши — ҳамма-ҳаммаси уларнинг кўз ўнгида рўй берди. Арзимас бир воқеа, ўринсиз айтилган бир фикр ё қалтис ҳаракат бундай пайтда шубҳасиз фалокатга сабаб бўлади. Лекин ўша — халқнинг илғор қисми ҳисобланмиш зиёлилар...

Агар шу йиғинга ҳам қандайдир экстримистлар бошчилик қилди, деб ўйласак, яна хато қилган бўламиз. Бу ва бу каби йиғинлар узунқулоқ гаплар таъсирида стихияли тарзда содир бўлди. Энг ёмони, кўрқинчли томони ҳам — шу, бошқарувчисиз оломон — тизгинсиз куч бир жойга йиғилиб қолар эди. Ёвуз ниятли ҳар қандай ғаним бундай кучни «қонли якшанба»га айлантириб юбориши ҳеч гап эмасди.

Бундан кўра аянқлироғи, етиб келган район ва область миқёсидаги раҳбарлар ҳам кимга нима деб мурожаат қилишни билишмасди. Кўпгина бесамар уришилар сўнгида оломон колхоз идорасига — раҳбарлар билан ошқора мулоқот қилишга йўналтирилди.

— Иккита болам бор, беш йилдан бери шу колхозда ишлаб ҳали уй-жой ололганим йўқ, январдан бери олган ишқакким икки юз сўмга етмайди ҳатто! Ахир, инсоф билан айтинглар, шу билан тирикчилик қилиб бўладими, ахир?! — Сўзга чиққан йигитлардан бирининг гапи бу. Елғиз ўшанинг ҳасрати эмас аммо...

Сўзга чиққанлар ўртага қўйган талаб озмунча эмас, бироқ маълум бўлишича, бир неча ўн йилларда йиғилиб қолган бу муаммоларни бирданига ҳал қилиб бўлмас экан, уни амалга ошириш учун яна ўн йиллар сабр-чидам, матонат билан қилинадиган меҳнат зарур экан.

— Менда сўз бор, — деди бир қария, — офтоб ҳали тепага келганича йўқ, ҳалитдан бошингизга намланган рўмолча қўйиб ўтирибсиз, қуёшнинг тиғида кун бўйи меҳнат қилаётган аёллар ҳақида, уларнинг сиҳат-саломатлиги, шароити ҳақида сира ўйлаб кўрдингизми?

Масъул раҳбар бу саволга жўялик жавоб тополмади, мен ҳам деҳқон ўғлиман, деди, холос. Халққа берилган ваъда шу бўлдики, колхоз умумий йиғилиши

қарор чиқарса, бериладиган томорқа миқдори ошади.

Бугун қишлоғимдан анча узоқда туриб, берилган бу ваъда ҳам анча хомлигини англадим. Ўйламай-нетмай берилган ваъдаю ташланган қадамлар бошқа муаммоларни — янги норозиликларни келтириб чиқармасмикин? Ахир, ҳадемай хўжаликлар ер тақчиллигига гирифтор бўлишади-ку. Эҳтимол, уйларни икки қаватли қилиб тиклаш керакдир?!

Совет кишиларининг энг асосий ҳуқуқларидан бири — меҳнат қилиш ҳуқуқи. Бу ҳуқуқ топталган ерда инсон кадр-қиммати поймол бўлади. Афсус билан айтиш керакки, бутун бир давр мобайнида одамлардаги ижодкорлик, яратувчанлик — қуйдан бўлган ташаббус бўғиб келинди. Буйруқни кутиб яшайдиган, буйруқ билан ишлайдиган, ўйлаш, фикрлашни ўзига эп билмайдиган, руҳан мажруҳ бўлиб етишган авлод бино бўлди, қайта қуриш эса уларнинг қарашларини бор чигалликлари, зиддиятлари билан юзага чиқариб юборди.

Пойтахтда, ҳашаматли меҳмонхонанинг сокин йўлаклари бўйлаб бўлманга қараб борар экансан, бундай муҳташам қасрлар ким учун қурилган ўзи? Ахир бу оламда уч кун туриш, уч кун ўзгалар камситмаган ҳолда яшаш учун деҳқоннинг ярим йиллик, сенинг икки-уч ойлик сармоянг совурилиб кетади-ку! — деб ўйлайсан киши. Ҳа, энг тантанавор дамларингга ҳам қайғуларингни эш қилиб юрасан. Ранглари тиник, қўллари хино юқи қизлар беихтиёр бармоқлари ёрилган, қўллари қадоқ қишлоғинг қизларини ёдинга солади. Уларнинг гуноҳи нима — қишлоқда туғилганими? Мунис, муштипар, меҳнаткашлигимми? «Уларнинг турмуш даражаси қай ҳолатда? Пахта даласида меҳнат қиладиган аёлларимиз қош қорайгандан кейингина ёвондан уйга қайтишади, бола-чакага оби-ёвғон пишириш керакми? Керак. Учоқ бошига боришади ва отам замонидагидай таппи қалаб, қозон қайнатишади. Қадди-басти нечундир яшин урган қайинларни эслатувчи шу аёлларнинг баркашдай қорайган юзларига кўзим тушса, кўзларимдан беихтиёр ёш тиркирайди. Қани улардаги аёллик нафосати? Қани сарв қоматлар, қани латофат, назокат! Кўзлари тўла мунг, армон ва ҳасрат!» — Одил Ёқубов СССР халқ депутатлари съездида айтган бу гаплар нечоғлик ҳаққоний, дардчил...

Ҳа, қишлоқда яшаш — мўъжизалардан бебаҳра яшаш, ҳайратлардан, ҳайратланиш туйғусидан маҳрум бўлиш дегани. Ҳайратланиш туйғусини йўқотган одамнинг жаҳолатга оғиб кетиши осон кечади. Тор муҳит кишиларни бадфезъл, кўпол қилиб қўяди.

«Тўқсон икки бори ўзбек юртидир, тенглик қилинг...» деб ҳайқирган шоир бу кун ҳаёт бўлганида яна нималар дейиши мумкин эди?!

Булар менинг ўн йил ўзим яшаган, ўзлимни энди англай бошлаганимда тарк этган Тошкенту азимда бугун дилимдан кечган ўйлар. Қишлоқда эса магазинларнинг бўм-бўшлиги ҳам, гўшт, тухумларнинг тақчиллиги ҳам, ковуш-махсиларнинг йўқлиги ҳам бирон кишини ташвишлантирмайди, йўқни йўндириб бўлармиди ахир, худди шундай бўлиши керакдай, шундай бўлиши табиийдай, жимгина яшайверасан.

Социалистик жамият ўзининг моҳияти-эътибори билан инсоннинг бахт-саодатга, унинг ўзлигини намоён қилишга қодир имкониятларини очиб беришга хизмат қилиши керак эди. Инқилобнинг етмиш икки йиллигида биз қадриятларимизни поймол этувчи «замонавий усулларни» ўйлаб топдик: ишга жойлашиш учун, арзимас иш ҳақи учун, зиғирдек имтиёз учун муте қўйга тушдик, тобелигимизни намоёйиш қилишга мажбур бўлдик, тарбиядаги идеаллар, ғоялар — ҳавойи гаплар эканлиги



сезилиб қолди. Ҳалол тирикчилик қилиш эса машаққатга айланди. Ҳалол яшашга интилган — ўзларининг ғояларини қурбони бўлган қанча-қанча кишиларнинг умрини елга совурдик, кадр-қийматларини ерга урдик, оёқостига олиб топтадик.

— Халққа ҳақ гапни айтиш керак, — деди рассом дўстим. — Москвадаги, шунингдек, Тошкентдаги митингларда бирон марта ҳам ур-йиқит бўлмади, чунки омманинг олдида тадбиркор зиёлилар бор эди...

«Сиз Петербургда бўлсангиз, ким билан бўлардингиз?»

«Дўстларим билан Сенат майдонида...» — Пушкиннинг ўзига берилган саволга жавоби ёдингиздадир?!

Назаримда, Пушкинга хос ҳалоллик, граждонлик етишмади бизда. Агар, ҳалойиқ ўз ҳолига ташлаб қўйилмаганида, зиёлилар уларга бақамти турганида, ҳеч қўрқмасдан, иккинамасдан уларнинг талабларини раҳбарлар олдида кўтариб чиқишганида бунча хунрезлик, ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир бўлмаган бўлармиди?!

Ғамхўрлик яхши, аммо бу ғамхўрлик ҳалол ва чинакам бўлиши, турли табақалар орасига низо солмаслиги керак. Устоз Горькийнинг зиёлилар ва ишчилар ўртасидаги муносабат ҳақидаги фикрларини эсланг.

Қишлоқдаги социал шароит — медицина хизмати,

газлаштириш, йигирма-ўттиз сўмлик жой учун югуриб-елиб иш қидираётган ҳамширалар тақдири масалалари мен айтган йиғилиш аҳли назаридан четда қолди. Агар муаммолар шу хилда қўйиладиган бўлса — бугун колхозчилар, эртага ишчилар ўз талаблари билан чиқишади. Кейин медицина ходимлари, ундан кейин зиёлилар... Яна нотинчлик, бесаранжомлик бошланади.

Демак, муаммолар аниқ ҳал этилиши, социал адолат, ўзаро тенглик зарур. Митингга масъул раҳбарлар аввал халқни томорқа билан таъминлаб, ундан қолган ерларга пахта экамиз, деб айтишди.

Аслида бундай фикрлар ҳам бир ёқлама. Пахта якка-ҳокимлигига чек қўймай туриб бунга эришиб бўлмайди. Эҳтирос жўш урган юракларни тинчатиш зарурати туғилганда баҳоналар топилаверади. Муҳими, берилган ваъдаларни қанчалик реал ва нореаллигини ўйлаб кўриш, етти ўлчаб бир кесиш лозим. Қанчалик аччиқ, аламли бўлмасин рост сўз керак. Бир-биримизга ишончни мустаҳкамлайдиган рост сўз!

**ҲАСАН МАНЗУРОВ,**  
М. Лермонтов номидаги  
19-ўрта мактабнинг  
тил-адабиёт ўқитувчиси,  
ёш ёзувчи  
Наманган области.

«Қашқадарё ҳақиқати» газетасининг 20 январь сонидида бир давра суҳбатини ўқиб қолдим. Унинг иштирокчилари билдирган фикрларнинг энг муҳимларини келтираман.

Ф. Тиловатов: «Ўзбекистонда яшовчи раҳбарлар, сиёсий ходимлар маҳаллий халқ тилини билиши керак деган таклифлар бор. Яқинда ўтказилган йиғилишлардан бирида областъ комсомол комитетининг иккинчи секретари П. Семёнов ўзбек тилини билмаслигини айтди. Сиз шу масалага қандай қарайсиз?»

А. Н. Олейник: «Ҳозир айрим ёшлар ўртасида маҳаллий халқ тилини билмасликни интернационал тарбияга боғлашдек нотўғри қарашлар мавжуд. Худди шундай тилни билмасликни инсоннинг масъулияти ва маданиятига боғлаш керак».

Менимча, Тиловатовнинг Ўзбекистонда яшовчи раҳбарлар, сиёсий ходимлар маҳаллий халқ тилини билишлари керак деган фикри қанчалик тўғри бўлса, Олейникнинг тил билмасликни интернационал тарбияга, инсоннинг маданиятига боғлаш керак деган фикри шунчалик баҳслидир. Аммо, биз билан яшайсанми тилимизни ўрганишга мажбурсан, дейиш халқлар дўстлигига хилоф иш бўлур эди. Чунки Ватанимизда миллатлараро дўстлик жуда оғир йилларда синовдан ўтган.

В. И. Ленин ҳеч бир тил, шунингдек, рус тилига ҳам алоҳида имтиёз бермасликни қайта-қайта уқирган эди. Шу борада катта хатоларга йўл қўйилди. Мен Тошкент ирригация институтини тамомлаганман. Талабалик йилларимда рус тилидан қарази борлиги учун ёки рус тилида ўқитиладиган фанларни яхши ўзлашти-

ролмаганлиги оқибатида институтдан ҳайдалиб кетган, лекин яхши инженер бўла оладиган истеъдодли тендошларимнинг норози қиёфалари ҳали-ҳали кўз олдимда. Бундан ташқари, колхозларни ҳисобга олмаганда, деярли ҳамма давлат ва жамоат ташкилотларида, барча муассасаларда расмий иш юритиш рус тилида олиб борилади. Демак, тилимиз ҳаракатдаги ишчи тил эмас, балки тўй-ҳашамларда кийиладиган тўн каби сўзлашув ва адабиётдагина қўлланиладиган бўлиб қолди. Баъзи бир шимол халқлари тили нутилиётганлиги, эндиликда она тилини биладиган санокли одамлар қолганлигини

## Адолатли тенглик тарafdоримиз

Ўзбек ёки латин журналистлари эмас, балки рус ёзувчилари таассуф билан таъкидламоқдалар.

Кейинги пайтларда биз жуда билимдон, маданиятли бўлиб кетдик, шу даражага бориб етдикки, ҳатто бир-биримизнинг фикримизни эшитмайдиган бўлиб қолдик, деган гаплар айтилмоқда. Бўлса бордир, лекин биз Лениндан жуда узоқлашиб кетдик, десак анча тўғри бўлади.

Келинг, бу масалалар юзасидан Ленинга мурожаат қилайлик: «Россияда энг кўп тарқаладиган либерал газета-лардан бири — «Русское слово» (1908) Россияда рус тилига душманлик билан қараш рус тилининг «фақат» «сунъий» равишда киритилаётганлиги натижасида «бўляпти» деб

жуда тўғри хулоса чиқаради...» «Нима учун жуда катта, турли халқлар яшайдиган ниҳоятда қоқ Россия бир тилнинг қандай бўлса-да, имтиёзини сақлаб қолиб, ўзга тилларга тўсқинлик қилиши керак?.. Агар Россия Европага етиб олишни истаса ҳар қандай имтиёзларни мумкин қадар тезроқ, мумкин қадар тўла-роқ, мумкин қадар қатъийроқ тугатиши керак эмасми?» (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 24-том, 134—135-бетлар). Демак, руслар ва бошқа миллат вакиллари ўзбек тилини мажбур бўлиб эмас, балки халқимизга ҳурмат ва эътибор юзасидан ўрганишлари керак. Худди шунингдек, ўзбеклар (латишлар ва эстонлар ҳам) рус тилини мажбурликдан ўрганишмасин. Рус тилини пухта билмасак ҳам бемалол академик бўла олайлик. Ҳамма давлат ва жамоат ташкилотларида иш юритиш, Ленин қайта-қайта таъкидлаганидек, энг аввало, она тилимизда олиб борилсин. Жамоат жойлари, меҳмонхоналар, авиа, авто, темир йўл кассалари, справкалар бюрolari, дам олиш уйлари, санаторийлар, поликлиникалар ва ҳоказо-ҳоказолар миллатидан қатъи назар, ҳам рус, ҳам маҳаллий халқ тилини биладиган ходимлар билан таъминланмоғи керак. Токи рус тилини билмайдиган узоқ қишлоқдан Қарши ёки Тошкентдек шаҳри азимга келган ўзбек гапини тушунтира олмай алам билан, «ахир, бу ер Ўзбекистон-ку», демасин. Акс ҳолда катта миллий норозиликларга озик берадиган шароит яшаб қолаверади.

Асадулла ОРТИҚОВ,  
Яккабоғ райони



# ОЛАМ ТИНГЛАГАН СЌЗЛАР

К. С. Халлик,  
Эстония ССР

Бугунги кундаги миллий зиддиятларнинг бош сабаби шуки, ленинча федератив иттифоқ тузиш тажрибаси амалга оширилмади. Аксинча, ҳар қандай маҳаллий ўз-ўзини бошқарувни йўққа чиқарадиган, чеккадагилар барча борада марказга тобе бўлган федератив қобиқ ичидаги унитар давлат барпо қилинди. Бу — ҳақиқат. Миллий адолатсизлик ва унга бўлган муносабатни изоҳлашда, энг аввало, ана шуни назарда тутиш лозим. Мамлакатда миллий муносабатларнинг бугунги кескинлашуви бу — давлат-бюрократик социализмининг аянчли оқибатидир. Бу империял бошқарувнинг ғайритабиий ва антидемократик яшовчанлиги самарасидир. Бу система барча миллатларнинг, шу жумладан, энг кўп сонли — рус халқининг манфаатларини ҳам инкор қилади.

Жаҳон халқлари тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, эндиги босқичда ривожланиш йўли тобора марказлашув ва бўйсинишни мустақамлаш эмас, балки тенг ҳуқуқли халқаро интеграцияга\* эришишдир. Бундай муносабатни тарихий кучга эга суверен субъект сифатида ҳар бир озод халқ манфаатларини бошқа халқлар манфаатлари билан ўзаро келиштириш (асло бўйсундириш эмас) асосида тиклаш мумкин, холос.

\* Интеграция — турли мамлакатлар хўжалик ҳаётининг уйғун иқтисодий сиёсат асосида ривожланиши.

Г. В. Биков,  
Ленинград шаҳри

Иқтисодий ислоҳот жуда-жуда секин амалга оширилмоқда, хўжалик ҳисобини йўлга қўйишда катта тўсиқларга дуч келинаётир. Давлат планларининг бажарилиши учун жавобгарликдан қутулган министрликлар барча маблагларни, шунингдек, халқ меҳнатидан келган даромадни ҳам тақсимлаш ҳуқуқини ўз қўлида сақлаб турибди. Агар корхоналарга керакли молиявий қувватлардан фойдаланиш ҳамда зарур қарорлар қабул қилиш эркинлиги берилмас экан, уларнинг мустақиллиги, ўз-ўзини бошқариши ҳақидаги гаплар қуруқ сўзлигича қолаверади. Шу мақсадда мен барча министрликларнинг ишини қайта кўриб чиқиш, уларни корхоналар учун барча қарорларни чиқаравериш имкониятидан маҳрум этишни таклиф қиламан. Айни пайтда уларнинг сонини камайтириб, шу йўл билан министрликлар эҳтиёжига кетаётган катта харажатларни ҳам қисқартириш зарур.

К. Д. Прунскене,  
Литва ССР

Республикаларга иқтисодий мустақиллик берилишини биз ҳар бир иттифоқдош республика, шунингдек, бутун мамлакат экономикасини бошқаришни қайта қуриш учун

энг биринчи ва энг зарур шарт-шароит деб биламиз. Бу зарурат бир неча сабаблар билан изоҳланади.

Биринчидан, марказлашмаган системага ўтиш ва демократиялаш экономиканинг барча тармоқларини қамраб олмоғи лозим. Буни танлаб, айрим соҳа, алоҳида корхона учун жорий этиш, бутун республика ёки унинг маҳаллий Советларини бу эркинликдан маҳрум тутиш ярамайди. Акс ҳолда, «Бутун ҳокимият — Советларга!» шиори ўз маъносини йўқотади.

Иккинчидан, халқ хўжалиги комплекси деб аталмиш марказнинг хоҳиш-иродаси билан фақат марказ орқали амалга ошириладиган ҳамкорлик — бунинг оқибатлари ҳаммага аён — ўрнига республикалар ва энг аввало, корхоналарга тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўймоқ керак. Халқлар ва уларнинг хўжалигини ҳеч нарса эркин бозор каби бирлаштира олмайди.

Учинчидан, ҳар бир республика ва регион экономикасининг ривожини мазкур региондаги конкрет халқнинг қадимий хўжалик юритиш анъаналари, унинг ўзига хос социал ва табиий муҳим билан ўзаро таъсир хусусиятларини қатъий ҳисобга олиши даркор. Мана шу қоидага амал қилмаслик оқибатида Орол денгизи қуриётир, бошқа кўплаб экологик фожиаларга дуч келямиз.

Тўртинчидан, қайта қуришни шунчаки бирор корхона ёки маъкаманинг ишчи кучи эмас, балки ҳар томонлама манфаатдор инсон амалга оширади. Ишлаб чиқариш коллективларида бу манфаатдорлик бир томонламадир. У ҳаётнинг маиший-территориал бирликка эга жамоа чегараларида бошқарилиши мумкин ва лозим бўлган экологик, социал-демографик, миллий ва маданий қирраларини қамраб ололгани йўқ. Ўз ҳаётининг эгалари бўлишга лаёқатли кичик республикалар худди шундай танглик асоратидадир.

Бешинчидан, қайта қуриш барча республикалар ва регионларда тенг, бир маромда кетаётгани йўқ. Бу табиий ҳол. Шунинг учун ҳам маълум регионда социал-сиёсий активликни, хўжалик юритиш уddaбуронлигини сунъий тўхтатиб туриш бутун мамлакат экономикасига катта зарар келтиради. Бир хил одимлар билан фақат жарлик сари борилади.

## Н. П. Шмелев, СССР Фанлар Академияси

Ўз бериши мумкин бўлган молиявий фалокатнинг олдини олиш учун, энг аввало, мамлакат молия системасини санақча қилиш — мустаҳкамлаш керак. Бу, аввало, бозорда нарх-наво мўтадиллигини тиклаш, мол-товар тақлифи ва пулнинг харид имкониятини уйғунлаштириш ҳамда бюджет танқислигини туғатишни тақозо этади. Бу бизга нима учун керак? Энг аввало, аҳолининг — ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар ва пенсионерларнинг турмуш даражасини кўтариш учун зарур. Агар биз ҳозир одамлар ҳар бир сўм пулни ўзлари нимани истасалар, шуни сотиб олишга сарфлашлари учун шароит ярата олсак, бу халқнинг турмуш даражасини тахминан бир ярим барабар юксалтириш дегани бўлар эди. Иккинчидан, одамларда ўша бир сўмни ишлаб топишга иштиёқ кучаяр ва пул халқ хўжалигининг ривожига кўпроқ таъсир кўрсатар эди. Учинчидан эса, тайёр маҳсулот тақлифи эҳтиёждан устунликка эришмоғи даркор. Бу янги хўжалик системасининг барча куч-имкониятларини тўла ишга солиш заруратини, яъни ишлаб чиқарувчиларнинг ўзаро рақобатини пайдо қилади ва оқибатда сифат юксалишига олиб келади.

Нима учун жорий хўжалик йилида бюджет танқислиги 100 миллиард сўмни ташкил этди? Бунинг қатор сабаблари бор. Биринчи сабаб спиртли ичимликларни сотиш борасидаги пухта ўйланмай амалга оширилган тадбирдир. Бу олижаноб тадбир эди, албатта. Аммо биз олижаноб мақсадлар билан бозор мувозанати ва бюджет танқислиги мувозанатига жуда катта талофат етказдик. Иккинчи хато 1986 йилги, қисқа вақт давом этса-да, жуда зарарли бўлган меҳнатсиз даромадларга қарши кураш кампанияси бўлди. У қишлоқ хўжалигига қаттиқ зарба берди. Учинчи хато шу бўлдики, жаҳон бозоридан нефть баҳосининг пастлашуви

муносабати билан мамлакат импорти мажбуран қисқартирилди. Буни қарангки, биз дон ёки машиналар, турли жиҳозлар импортини эмас, балки кенг халқ истеъмоли моллари импортини қисқартириб, жуда катта зарар кўрдик. Чунки бу турдаги маҳсулотларни импорт қилишда сарфланган ҳар бир сўм валюта бюджетга 8—10 сўмгача фойда келтиради. Ниҳоят, сўнгги хатони мен ҳеч бир оқилна йўл билан тушунтира олмайман. Ўтган йили бюджет танқислиги 50—60 миллиард сўм атрафида бўлса, бу йил бу кўрсаткич, айтиб ўтилганидек, 100 миллиарддан ошиб кетди. Айни пайтда эса капитал маблағлар сарфи ҳам кўпаймоқда. Пулни қаердан оляймиз? Бу шуни кўрсатадики, ҳукуратимиз барча кўрилган зарарларни пул босиш дастгоҳлари ёрдамида қоплаш йўлига ўтган. Капитал маблағлар сарфлашни кўпайтириш учун бошқа ҳеч бир манба йўқ. Бу эса инфляция — пулнинг қадризликни сари онгли равишда қўйилган қадамдир.

## Г. Х. Попов, «Вопросы экономики» журналининг бош муҳаррири

Халқ хўжалигидаги инқирозий аҳвол қайси манбалар ҳисобига бартараф этилади? Гап қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳақида кетаётир. Бу маҳсулотни ишлаб чиқариш кўпаяди, у маҳсулотни тайёрлаш суръати жадаллашади деймиз. Мен бир ҳодиса ҳақида сўрамоқчиман: бизнинг мамлакатимизда у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг ортувини ваъда қилмаган ҳукурат бўлганми ҳеч? Йўқ бундай ҳукурат бўлмаган. Яна савол: бизнинг мамлакатда бир неча йиллик ҳокимиятдан сўнг ўсувчан танглик исканжасида қолмаган ҳукурат бўлганми? Йўқ, бўлмаган. Нега, ахир? Шунинг учунки, бизда хўжалик юритиш механизми яроқсиз. Ҳукурат раҳбарларидан ҳеч ким уни қайта қуришга эришолгани йўқ. Токи ишлаб чиқаришда ҳозир амал қилаётган ижтимоий муносабатлар ўзгармас экан, иқтисодий базис шу ҳолича қолаверар экан, токи хўжалик юритиш системаси ислоҳ қилинмас экан, токи ҳозир амал қиладиган сиёсий бошқарув яшаб қолар экан — биз халқ хўжалигига қанча қўшимча миллиардлар сарфламайлик, керакли самара олиш таъминланмаслиги табиий.

Н. И. Рижков докладида янги хўжалик механизми яратилганлиги ҳақида айтилганда эди, нималаргадир ишониб мумкин бўларди. Ҳозирча яқин икки-уч йил учун «дори-дармонлар» маъмуриятчилик хазинасидан олинмоқда. Аммо маъмуриятнинг бюрократик чоралари асоратини қандай қилиб яна маъмурий расмиятчилик тадбирлари билан даволаш мумкин? Менга шундоқ туюлмоқдаки, биз худди танидаги оғриқ азобидан янги наркотик дори-укол ёрдамида халос бўлишга шошаётган банги одамга ўхшаш ҳаракатлар қилаётимиз.

Инфляция — йигирманчи аср экономикасининг барча мамлакатларда юз берган ҳодисасидир. Кейнсдан бошлаб иқтисодчиларнинг бутун бир мактаби бу жараённи ўрганиб чиқдилар. Буржуа давлатларининг кўп йиллик тажрибаси ҳам бор. Улар инфляция шароитида яшашни ўрганиб олшани. Кимки чет элга чиқса, албатта, ҳар гал нархлар ошганини кўради. Лекин у яна кўрадики, одамлар ҳам тобора фаровон яшамоқдалар. Визда эса «инфляция» сўзининг ўзи ваҳимали шов-шув уйғотади. Нега? Шунинг учунки, биз ҳамон иқтисодни ажойиб таҳлил қилган, аммо юз йил илгариги воқеликни акс эттирувчи «Капитал» асарини гоёлари билан яшамоқдамиз. Бизнинг хўжалик юритувчиларимиз орасида некейинчилиқни ўрганиб чиққан одам топиламанми?

## Чингиз Айтматов, Қирғизистон ССР

Миллий тиллар масаласи менга яқинроқ. Шунинг учун бу ҳақда қисқача сўзламоқчиман. Гап республикаларда давлат тили концепцияси ҳақида бормоқда. Бу жараёнга қонуний асос яратиш керак. Тўғри, умумий андозани ҳам



ўйлаб кўрса бўлади. Давлатнинг федеративлиги тилларнинг ҳам федеративлиги демакдир. Шу маънода иттифоқдош республикалар маҳаллий халқларининг тиллари давлат тили бўлиши керак. Бу ишда ҳам, ўйлашимча, фикрий изчиллик, ишонarli мурасорлик талаб этилади. Қисқача айтганда, жойларда узоқ вақт инкор этилган республикаларнинг миллий тилларига лингвистик тараққиёт учун зарур муҳит яратилиши, улар тирилиб ўз қонуний ўрнини олиши учун шароит муҳайё этилиши лозим. Бу масала жуда мураккаб, айниқса, Урта Осиёда, Расмий муҳитда маҳаллий халқларнинг тили қатнашишига кўникамаган кўпчилик оғайнилариимизга бу нарса рус тилига қарама-қарши қўйиш бўлиб туюлмоқда. Келинглр, ўйлаб кўрайлик.

Рус тилининг буюк даҳоси бизга, ҳаммамизга ўз хизматини қилди ва бундан кейин ҳам мен ўз ҳаётимни бу умумий маънавий бойликсиз тасаввур қила олмайман. Рус тили бу маънода шаксиз ва ҳаммага қулай тилдир. Мамлакатимиз доирасида унга ҳеч қандай хавф таҳдид қилаётгани йўқ. Аммо бу тил ўзининг тарихий тарқалганлиги учун бошқа маҳаллий халқларнинг тилларини сиқиб қўймаслиги керак. Шу маънода ҳар бир халқ ўз халқининг тили бор бўлгандагина халқ ҳисобланишини тушуниш лозим. Тил халқнинг маданий мустақиллигини белгилайди. Агар халқ у ёки бу сабабларга кўра ўз тилини қўллаш ва ривожлантириш имкониятидан маҳрум бўлса, у халқ сифатида йўқолади..

Бу ердан тилларни мукамаллаштириш, миллий халқлар тилига кўпроқ шароит яратган маҳаллий икки тиллилик концепциясини йўлга қўйиш фикри келиб чиқади. Бунга ҳали ҳамма ҳам тайёр эмас. Мурасага, мулоқотга, яқинлашувга бориш керак. Ҳамма нарса икки томонга ҳам фойдали, икки томонни ҳам ҳурмат қилган ҳолда ечилиши лозим.

Афсуски, оммавий ахборот воситалари ҳам ҳар доим бу жараёнга ижобий хизмат қилмайдилар, айниқса, марказий матбуот. Уз миллий эҳтиёжлари ҳақида гапирган ҳар бир кишини миллатчилик ва маҳаллийчиликда айблаш қарийб урф бўлди, айни пайтда ўз халқини инкор қилишга ўрганган нигилистларни қўллаб-қувватлаш, жўяли, ватанпарвар кишиларни миллатчиликда айблаш авж олди. Матбуотнинг бу чиқишлари (уларнинг муаллифлари хоҳлайдиларми, йўқми) одамлар тинч ва хотиржам яшаётган, умумий ташвишлар ва муаммоларни биродарликда ечаётган жойларда қутилмаган салбий ҳодисаларни сунъий келтириб чиқарадилар. Гап миллий масалалар ҳақида борганда телевидение ва матбуот етти ўлчаб бир марта кесишлари керак. Масалан, «Комсомольская правда» жиддий туриб, Олмаотадаги воқеалар айрим мактабларда ёшлар ўз она тилида ўқиётгани учун юз берди, деб ёзади. Буни қандай тушуниш ва нима деб аташ керак?

Мустақиллик ҳуқуқи Қозоғистон Совет Социалистик Республикасини ҳам четлаб ўтмаслиги лозим. Бу республикани қонундан истисно қилмаслик керак, зеро қозоқ халқи — шу ўлканинг қадим уруғларидан бири — мамлакатга нон керак бўлгани ва Европа қисмидан кўп миллионли аҳолини қўриқ ерга кўчиб ўтишига тўғри келганлиги учун айбдор эмас. Бу кўчиш кўчиб келганлар ва маҳаллий аҳолининг процент муносабатларига салбий таъсир кўрсатди. Энди ҳар гал пайти келганда маҳаллий аҳолини четга сиқиб, ўз ўрнини қўрсаб қўйишмоқда.

Қонун, Конституция ҳар бир халқнинг ўзига хослигини ҳимоя қилиши, маҳаллий халқлар, масалан, Урта Осиёда, шу жумладан, қозоқлар ўз ўлкаларидан ташқарида этник уруғдошларига эга эмасликларини ҳисобга олиши керак. Агар бу халқлар ўз ерида маданияти ва тилини ривожлантира олмас экан, мамлакатдан ташқарида уни ривожлантириш имконияти йўқ.

Ҳар бир халқ ўзича бетакрор. Бизнинг матбуот ва телевидение, менинг назаримда, «ўзбекларнинг иши» деган иборани боқибегамларнинг миясига қуявериб, ўзбек халқига нисбатан андишасизлик қилмоқда. Бу ишга ўзбекларнинг нима алоқаси бор? Бу ҳақорат нима учун? Бу халқ ўз ҳаётини пахта етиштириш каби ҳосиятсиз, серминнат ишга тиккани учунми? Ёки пахта давлат хазинасига валюта келтирадиган энг муҳим экин экани учунми! Агар уюшган

жиноятчилик у ёки бу жойда бўлса, бу билан ҳуқуқтартибот органлари шуғуллансин, халқнинг миллий гурурига тажовуз қилинмасин. Бу сўзни қрим-татарлари ҳимояси учун ҳам айтиш керак.

Қачонгача биз миллий қисматнинг бу фожиона чинқирига бепарво қараб тураемиз. Бизнинг оммавий ахборот воситаларимиз (жумладан ТАСС) бу халқ худди шундай ноинсоний зўравонликка лойиқ деб тасвирлашда давом этмоқдалар. Ахир бемаънилик-ку бу! Бутун бир халқ устидан бундай ҳукм чиқаришга кимнинг ҳаққи бор? Ҳатто яратган оллоҳ ҳам бундай ҳуқуққа эга эмас. Нима, уруш йилларида сотқинлар ва қочоқлар фақат қрим-татарлар ичидан чиққан-у, бошқа халқлар иллатсиз эдимми? Бунақа бўлмайди. Уруш урушлигини қилади. Бу — кураш, бу — қаҳрамонлик, бу — қайгу ва шафқатсизликдир. Бу — асирлик ва сотқинликдир. Бу — ғалаба ва мағлубият ҳамдир. Буларнинг ҳаммаси ҳар қандай халқни домига тортиши мумкин. Бу нарсага диалектик ёндашиш, ҳеч бир халқнинг гурурини поймол қилмаслик лозим.

Мамлакатимизнинг немис аҳолисига нисбатан йўл қўйилган ва қўйилаётган адолатсизлик ҳақида ҳам айтмасам бўлмайди. Ўруш пайтида қувгин қилинган, тарқатиб юборилган, хўрланган бу халқ бугунгача сиёсий камситилмоқда. Агар совет немисларининг маданий ва административ автономияси тикланидан бўлса, бу ҳаммамизга хизмат қилади. Немис автономияси барчамизга намуна бўлгусидир.

Келинглр, ўз ўтмишимиздан хулоса чиқарайлик. Токи келгусида бундай ҳодисалар қайтарилмасин. Халқларнинг этник тугаллик сифатида дахлсизлигини таъминлайдиган, ҳеч бир сиёсий, давлат ва ирқий сабабларга кўра халқларнинг қувгин қилишга йўл қўймайдиган конституцион кафолатлар ишлаб чиқиш лозим. Ҳар бир халқнинг ўрни у тарихий вояга етган ерда бўлиши керак.

## Одил Еқубов, Ўзбекистон ССР

Биз етмиш йил бадалида, ҳа-ҳа, бир неча асрга «татиғулик» мана шу давр ичида жон қадар азиз бўлган жуда кўп қадриятларимиздан жудо бўлдик. Шулар ичида шундай бир қадрият ҳам борки, минг афсус, унинг ўрнини бирон-бир нарса билан қоплаш бағоят мушкулдир. Тирикчиликнинг мушкуллашганлиги, бирида очин, бирида тўқин яшаётганимиз туғайли, инсоний қадр-қимматни ер билан битта қилувчи узундан-узоқ навбатларда навбат қутишлар туғайли юз берди у. Инсон боласига хос бўлган энг олий-жаноб фазилат бўлмиш раҳм-шафқатдан, муруватдан асар қолмади бизда. Ваз устига шу хислат ўрнини тошбағирлик ишғол этди. Кишилар меҳр-оқибатсиз, ён-веридагилар дардига лоқайд, илтифотсиз..

Муҳтарам Чингиз Айтматов бу ерда айтгани каби, чиндан ҳам пахта бехосият неъматга айланди. Мамлакат охириқабатда пахта мустақиллигига эришди ҳам. Ҳатто кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бойликка ҳам эга бўлди. Лекин дехқонга, унинг аёлига, бола-чақасига шундан нима наф теғди? Саратоннинг жазирасида худонин берган кунни ўн икки соатлаб қирт-қирт заҳмат чекиш, ҳатто дам олиш кунлари, байрамлари, таътил нималигини билмасдан офтоб тиғида тер тўкиш шу дехқоннинг гарданига тушмадими?!

Хўш, шундай хом-ашёни етиштираётган дехқон, машаққатли меҳнат қилиб, ҳолдан тойган унинг шўрлик аёли қандай шароитда яшамоқда ўзи? Бу одамлар машаққатли меҳнатлари эвазига қанчадан ҳақ олишаётир?! Уларнинг турмуш даражаси қай ҳолатда? Пахта даласида меҳнат қиладиган аёлларимиз қош қорайгандан кейингина ёвондан уйга қайтишади, бола-чақага оби-ёвгон пишириш керакми? Керак. Учоқ бошига боришади ва отам замонидагидай гаппи қалаб, қозон қайнатишади. Қадди-баста нечундир яшин урган қайинларни эслатувчи шу аёлларнинг офтобга қорайган юзларига кўзим тушса, кўзларим-



дан беихтиёр ёш тирқирайди. Қани улардаги аёллик нафосати? Қани сарв қоматлар, қани лафотлар, назокат! Кўзлари тўла мунг, армон ва ҳасрат. Мен биламан, мамлакатимиздаги ҳамма деҳқонларга ҳам, рус деҳқонларига ҳам қийин. Аҳволни ўнглаб олиш ниятида ҳукумат эзгу тадбирлар қўллаётганидан мен ҳам мамнунман. Лекин, биродарлар, ҳар қалай, пахта-пахта-да. Жанубий Америкадаги тошбағир оқ танли фермерлар тутган йўлни бир эслайлик-а. Улар пахта плантацияларида ўзлари ишлашни исташмади, бу заҳматдан хотин, бола-чақасини ҳам халос этиш учун бориб Африкадан неча юз минг қора танли кишанбанд этиб, олиб келишди. Аммо адолат юзасидан шуни ҳам айтиш керакки, наслу насабини пахта заҳматидан асраган ўша қаҳри қаттиқ фермерлар ҳам келгусида қўларидан соғлом, яъни оғирини енгил қиладиган насл етишин учун уларни тўйдириб боқилган. Шунинг шарофатиданки, бўйи икки метрли қоратанли польвонлар дунёга келди. Ва уларнинг авлодлари бугунги кунда Америка спортининг, санъатининг гултожларидир.

Хўш, бизнинг қишлоқлардаги болалар-чи? Бу ўринда спорту маънавий камолот ҳақида гапириб ўтиришнинг ўзи ортиқча. Улар қорни тўйиб овқат емаётирлар (ахир, жон бошига йилига атиги йигирма килограмм гўшт тўғри келади), оғир меҳнат қиляётирлар, шунинг оқибатида уларни ҳатто армияга ҳам олишмаяпти. Олишган тақдирда ҳам қурилиш батальонларида хизмат қилишаётир. Деҳқонларимиз бошига тушган қулфат ҳақидаги шу муҳтасар гапимдан сўнг, муҳтарам Николай Иванович, мен сизга мурожаат қилмоқчиман: Давлат план комитетидаги ўртоқларнинг пахта мамлакатга керак, у стратегик хом-ашё-ҳисобланади, валюта даромадида салмоқли ўрин тутади, деган гаплари тўғрими? Агар, тўғри бўлса, нега энди бизда у сув текинга сотиб олинаётир?

Инқилобга қадар, Николай Иванович, «Туркистанские ведомости» газетаси қайд этганидек, рус савдогари (ҳа, ўша ўлкамизга бу меҳнати оғир экинни олиб келган рус савдогари) бир пуд пахта вазига ўн саккиз пуд бугдой берар эди. Бизнинг жонажон социалистик давлатимиз эса бир килограмм пахта учун ўртача ҳисобда эллик тийин ҳақ тўлаётир. Бу пулга Тошкентдаги Олой бозорида атиги ярим килограмм бодринг беради, холос (ўртоқлар, яна шуни ҳам эслатиб ўтишни ёстардимки, бир килограмм пахтадан иккита эркаклар қўйлаги тикилаётир, уларнинг қиймати камида эллик сўм туради)...

Табий бойликлардан илмга зид равишда шафқатсизларча фойдаланиш етмиш йил мобайнида шунга олиб келдики, бугун ўлкамиз экологик ҳалокат ёқасига келиб қолди...

Утган йили Орол муаммосига бағишлаб КПСС Марказий Комитетида ўтказилган кенгашда академик Аганбегян Ўзбекистоннинг табииоти, замини ва охир-оқибат халқи дучор бўлган қабоҳатларнинг ҳақиқий сабабларини ҳеч ким билмаслигини таъкидлаган эди. На Давлат план комитетидагилар, на Давлат агросаноат комитетидагилар билмайди бунди, деди у, боз устига республика меҳнаткашлари елкасига бўлар-бўлмас мажбуриятларни юклашадикки, бу мисоли туманда йўл қидиргандек. Шу боис академик етуқ иктисодчи олимлар, экология тадқиқотчилари, шифокорлар, қишлоқ хўжалиги мутахассисларидан ташкил топган обрў-эътиборли фавқуллода иктисодий комиссия тузиш кераклигини, бу комиссия Ўзбекистонда қандай аҳвол рўй берганлигини гоёт теран таҳлил қилиб, ҳукуматга бу аҳволни тўла-тўқис, очиқ-ойдин қилиб изоҳлаб бериши зарурлигини қатъий уқтириб айтди.

Биродарлар, менинг ишончим шунга комилки, анча вақтга чўзиладиган келажакда эмас, балки яқин-ора йилларда Ўзбекистон мамлакатимиз аҳолисининг ярмини еб-ичиришга қўриб етиши мумкин. Бунинг учун республикани пахта яккаҳокимлиги қусуридан қатъий туриб қутқармоқ керак, меҳнатга жон-дили билан боғланган халқнинг турғунлик йиллари етказган беҳудуд қутқудан қутулишига ва ниҳоят унинг ҳам кўкрагига шамол тегишига ёрдам бериш лозим...

## Ўлжас Сулаймонов, Қозоғистон ССР

Биз бутун тарихимиздан кўр-кўрона воз кечмоқчи эмасмиз. Ахир қораликлардан ташқари унда умумий руҳий қадриятлар ҳам етишди, қайғули нарсалар қаторида фойдали тажрибалар ҳам бўлди, уларни асрамоқ ва давом эттирмоқ жоиздир. Лекин айнан шунинг учун ҳам пок нарсаларни қонли нарсалардан ажратмоқ керак. Шундай, миллионлаб одамлар хат-хабарсиз ғойиб бўлдилар. Бугун улар хотираси фарёд солмоқда, бугун биз зўравонлиқни қоралаш имкониятига эгамиз. Бу ахлоқимиз ҳамда ҳуқуқий онгимизнинг ўсаётганидан далолатдир. Олмаота студентлари ва ишчилари мамлакатда биринчи бўлиб рухсат этилмаган намоёишларга чиқдилар. Агарда 1986 йил декабрь ойидаги Олмаота воқеалари демократик тарзда кенг муҳокама қилинганда ва тушунилганда эди, аҳтимоли Тбилисида 9 апрель ҳодисалари рўй бермасди. Мен Олмаота фожиали воқеалари сабабларини янги инсонпарварлик нуқтаи назардан қараб чиқилса, тўғри бўлади, деб ҳисоблайман. Барча хатлар ҳамда телеграммаларни Олий Советнинг тегишли комиссиясига топшираман, у ерда шу масалада доклад қилишга ҳам тайёрман. Барча юртдошларим — қозоқлар, руслар, немислар, украинлар, уйғурлар, корейлар, туркларни, не-не синовларни бошдан кечирган Қозоғистон халқини ҳозирги ҳолатнинг гоёта жиддийлигини англашга чорлагим, агарда биз матонат кўрсатиб умумий манфаатларимизнинг қадр-қимматини тушунсак, унда адолат рўёбга чиқиши мумкинлигига ишонтиргим келади.

Қанчадан-қанча дард-алам йиғилиб қолган мамлакатда, у қанчалар кучли акс садо бермоқда. Онгида жароҳатлардан қон силкиб ётмаган биронта халқ йўқ. Кўпларимизнинг қўлларимизда месхети турклари, қрим-татарлари, абхазлар, ингушлар, чеченлар, гогоузларнинг нолакор талаблари турибди. Олий Совет Миллатлараро муносабатлар комиссияси олдида улкан вазифа бор, келаси Съездгача ўша қийинчиликларнинг жиллакурса айримлари халқ килиниши зарур. Қорабоғ туғуни тобора қаттиқ чандилмоқда, бу ишга борган сари этник, диний ва бошқа салмоқли жиҳатлар кўпроқ тортилмоқда. Академик Лихачев миллатлараро тортишувларда маданиятнинг аҳамияти ҳақида ҳаққоний гапларни айтди. Масаланинг тарихини ҳар томонлама, тўла билмасдан туриб, бунинг аҳамияти чекланган ҳолда қолади. Халқлар кўп замон бир ёқлама йўналишдаги билимлар билан тарбияландилар ва худди ана шу нарса жуда кўп миллий хафагарчиликлар ва дағдағаларнинг сабабчисидир. Мана шу жўшқин мавзуларда тўпламлар, ҳужжатларнинг махсус туркумларини нашр этиш жоиздир. Маданият ўзаро пeshвос қадам ташламоқни талаб қиладди. Бундай тўпламга холос тарихий маълумотлар билан биргаликда Сумгайтнинг шафқатсиз ҳақиқатини, Бокудан ҳавога кўтарилган тайёранинг ҳалокати сабабларини ҳам киритиш керак. Зотан, ўша тайёрада ўша зилзиладан талафот кўрганларга, ўз жафокаш қўшниларига мадад бериш учун элликта озарбойжон жангчи йигитлар учинган эди. Йигитлар дўстлик ришталарини қайта боғлаш учун ўз ҳиссаларини қўшмоқчи эдилар. Ҳайхотки, бу ишга жонларини қўшдилар, қўлларидан келгани шу бўлди. Уларга ҳайкал қўйилмади, матбуотда уларнинг номлари тилга тушмади, уларнинг доғи-фироғи ота-оналаригагина маълум. Бундай исзис, олжаноб ҳодисалар оз эмас, улар ҳақида доим ёзиш керак. Бир-биримизга шафқат билан қарайдиган бўлайлик. Ўзбекистондаги воқеалар тасодиф эмас, Бошқирдистон ҳам тасодифмас. Бу — даҳшатли зил-замбил мажоз, башорат ва биз уни ўқимоғимиз шарт. Бир нарса раванс: мамлакат илма-тешиқ қувурлар билан тўлиб кетган экан, яна босимга зўр бериш ақлдан эмас. Миллий ва ижтимоий норозиликнинг қуюқ ёнилгиси болалар тушган поездлар кетаётган йўлларга қараб оқмоқда. Болаларимиз ва набираларимизга шафқатсизликни мерос қилиб қолдирмайлик. Биз ҳақ қозондик, улар эса саодатли бўлмай асти иложлари йўқ.

## Тўлапберган Қайипберганов, Қорақалпоғистон АССР

Оролда содир бўлган ва бугунги кунда юз бераётган экологик ҳалокатни ўз кўлами ва узоқ давом этадиган оқибатларига кўра жаҳондаги сўнгги энг катта ҳалокатлар билан қиёслаш мумкин. Қўрбонлар, бир умр ногирон бўлиб қоладиган кишилар бор. Заҳарланган, яроқсиз ҳолга келтирилган замин, ҳувиллаб қолган ва вайрон бўлаётган кишлоқлар бор...

Бугунги кунда бизнинг еримизда мева, сабзавот етиштириш хатарли... Ризқи-рўзимиз бўлган замин бутунлай заҳарланган, барбод қилинган. Илм-фан ҳали Қорақалпоғистоннинг бир қарич ерини ҳам гербицид, пестицид, дефолиантлардан тозалай олмайди, бундай доривор аввалги йилларда ҳар гектар ерга тонналаб солинар эди. Тупроқни қўлга олсангиз, унда эндиликда тупроқ ҳиди эмас, балки дори ҳиди келади...

Орол бўйидаги одамлар табиий ўлим билан ўлмайдилар, улар қирилиб кетишга маҳкум этилган...

Янги тузилган чақалоқлар орасида майиб-мажруҳлар кескин кўпайди. Автоном республикада ўтказилган диспансерлашнинг тўлиқ бўлмаган маълумотларига кўра текширилган ҳар икки кишидан бири асосан ич терлама, қизил-ўнғач раки, сариқ касал билан оғриган, вабо учраб турибди.

Энг хавфлиси шуки, беморлар орасида болалар кўпчилигини ташкил этади. Инвалидлар мунтазам кўпайиб бормоқда. Қорақалпоғистоннинг бир қанча районларида врачлар оналарга гўдакларни эмизмасликни тавсия этмоқдалар, чунки она сути заҳарланган. Она сути заҳарланганлиги инсон ақлини лол қолдиради. Вужудга келган вазиятда келгуси аср бошларида Орол бўйидаги бирорта соғлом одам қолади деб ишонч билан айтиш қийин. Улка тез орада ўзини боқишга қодир бўлмаган боқиманда кишилар яшайдиган жойга айланади. Экологик ҳалокат манзарасидаги ҳаёт кун сайин ёмонлашмоқда. Мева ва сабзавотлар заҳарли моддалар билан тўлиб тошган. Республикада асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мамлакатдаги ўр-тача даражадан бир неча барабар паст.

Сайловчилар ҳар бир учрашувда мендан: жаҳонда ўз аҳолисининг заҳарланишига йўл қўяётган ана шундай давлат борми, деб газабланиб сўрайдилар.

Биз ўз ихтиёримиз билан эмас, балки Марказий планлаштирувчи органларнинг марҳамати билан шундай аҳволга тушиб қолдик. Бу, аслида, ўта жинояткорона иқтисодий сиёсатнинг оқибатидир.

Менга, биз тўғримизда ҳукумат ғамхўрлик қилмоқда, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Орол денгизи районида экологик ва санитария вазиятини тубдан яхшилаш, Орол ҳавзасида сув ва ер ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш ҳамда уларни муҳофаза қилишни кучайтириш чоралари тўғрисида» 1988 йил 19 сентябрь қарори қабул қилинди, деб эътироз билдиришлари мумкин. Тўғри, шундай қарор бор, ammo биринчидан, ўлимга олиб борадиган касалликни доволаш тўғрисида гап борганда, бу қарор муаммони тўла-тўқис ҳал этмайди. Шу жиҳатдан ҳар қандай чала-чулпа чоралар — касални доволаш эмас, балки шунчаки — дафн муддатини бошқа вақтга кўчиришди... Қарорда денгизни қайта тиклаш тўғрисида лом-мим дейилмаган. Иккинчидан, бундай қарорлар узоқ истиқболга мўлжалланган бўлиб, биз учун еса шойлинич ёрдам талаб этилади. Ниҳоят, бу қарор ҳозирча яхши амал қилмаяпти...

Кузда совуқ эрта тушиши ва баҳорнинг кеч келиши оддий воқеа бўлиб қолди. Шу йил 29 апрель кuni бошланган туз аралаш чанг бўрони ҳам Орол денгизининг акваторияси кескин қисқартирилганлиги натижасидир. Илгари Орол устидаги ҳаво оқими Арктикадан келадиган совуқ шамол йўлига қалқон бўлиб турарди. Урта Осиёда бу йилги юз берган офат — май ойида қор ёғиб, деярли барча экинларни совуқ уриб кетганлиги — бунинг яна бир даҳшатли исботидир. Шойлинич равишда дадил ҳаракат қилиш зарур.

Биринчи. Ўзбекистонда ҳукумат қарорлари бажарилишини назорат қилувчи депутатлар группаси ишлаб турибди.

Аmmo Оролнинг тақдири Урта Осиё республикалари ва Қозғистонгагина боғлиқ эмас. Шунинг учун мен СССР халқ депутатлар съездининг фавқулодда ваколатларига эга бўладиган махсус депутатлар группасини тузишни талаб қиламан. Чунки бундай экологик офатни айрим айрим республикалардан биронтаси ҳам ҳал эта олмайди.

Иккинчи. Пахта майдонлари тез ва кескин равишда қайта қилинган. Тўғри, пахта — тўқимачилик хом ашёсигина бўлиб қолмай, айни пайтда стратегик маҳсулот ҳам эканлигини биз биламиз. Афтидан, биз стратегик мақсадда пахтани қолдиришга мажбурмиз. Бироқ ундан тўқимачилик мақсадида фойдаланишни қисқартиришимиз керак. Пахтани экспорт қилишга йўл қўйиб бўлмайди. Ҳозирги пайтда пахта билан савдо қилиш ўз граждандаримизнинг соғлиги билан савдо қилиш демакдир.

Учинчи. Деҳқончиликнинг экстенсив усулларига барҳам бериш пайти келди. Сугориладиган ерларни, экин майдонларини кенгайтирганлик учун жинойи жавобгарлик тўғрисидаги қонун зарур. Акс ҳолда плани бажариш учун ортиқча майдонларга чигит экиб, демак, ортиқча сугориш ишқибозларининг пайини қирқа олмаймиз. Сув учун ҳақ тўлашни шойлинич жорий этиш зарур. Ва уни ҳисобга олиш пайти келди.

Сўнгги тадбир. Ўзимиз экологик ҳалокат оқибатларини бартараф этишнинг уддасидан чиқолмас эканмиз, кулфатни яширмай, у ҳақда бутун дунёга рўй-рост айтиш лозим. Орол бўйини экологик офат зонаси деб расмий равишда эълон қилиш ва жаҳон ҳамжамятини ёрдамга чақириш зарур.

## А. В. Горбунов, Латвия ССР

Қанақани мустақиллик ҳақида гап бормоқда, бунда биз нимани назарда тутаямиз? Биринчидан, бу бизнинг давлатимиз эркин, ўз ички ва ташқи сиёсий мақомини қандайдир четдан бўладиган тазйиқларсиз белгилаш ҳуқуқига эга суверен иттифоқдош республикалардан тузилганлиги фактини тан олишдир. Шу боис СССР Конституциясининг 70-моддасини қўйидаги таҳрирда баён этишни таклиф қиламиз: «Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи — иттифоқ келишувига биноан тенг ҳуқуқли совет социалистик республикаларининг ихтиёрий бирлашуви натижасида тузилган иттифоқ, кўпмиллатли давлатдир. Бу бирлиكنинг асосида миллатларнинг эркин равишда ўзини ўзи белгилаш принципи ётади». Иккинчидан, шу нарсанинг зарурлигини тан олиш лозим: давлат ваколатларини шу тарзда қайта тақсимлаш керакки; натижада иттифоқдош республикалар ўз территорияларида давлат ҳокимиятини тўлалигича амалга оширишлари мумкин бўлсин. Биз бунда иттифоқдош республикалар бирламчи, федерация эса ҳосила эканлигидан келиб чиқамиз. Фақат республикаларгина Иттифоққа у ёки бу ваколатлари бериши ёхуд уни қайтариб олиши мумкин, акси бўлиши мумкин эмас. Зеро, республикалар иттифоқни вужудга келтирган.

Учинчидан. Республика ўз территориясидаги ресурсларга мустақил эгаллик қила олмаса, уни суверен давлат деб тан олиш мумкин эмас. СССР Конституциясининг 11-моддасида ёзилишича, ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмон, шунингдек, асосий ишлаб чиқариш воситалари истисносиз давлат мулки, яъни совет халқининг умумий бойлиги ҳисобланади. Бироқ агар иттифоқдош республика халқининг ерга, ерости бойликлари, сувга, ўрмонга ва ушбу республика территориясида вужудга келадиган ёки ҳозирда жойлашган бошқа нарсаларга эгаллиги конституция орқали мустаҳкамланиб қўйилмас экан, республикаларнинг қанақаниг иқтисодий мустақиллиги ҳақида гап бориши мумкин — бунинг тасаввур ҳам қилиш қийин.

Ниҳоят, тўртинчидан, суверен давлатнинг қонунчилик фаолияти чекланган бўлиши мумкин эмас. Шу муносабат билан биз СССР халқ депутатларига мурожаат қиламиз. Ҳозир амалда бўлган Конституция съезида ҳар қандай масала бўйича қонун қабул қилиш ҳуқуқини беради. Бироқ агар ўйлаб кўрадиган бўлсак, бу республикалар суверенитетига зид келади. СССР халқ депутатлари съези ва Олий



Совет ўз қонунчилик фаолиятида федератив муносабатлар даражаси ва муаммолари билан чегараланади, бошқа масалаларни иттифоқдош республикалар қонунчилиги ихтиёрига қолдиради, деб умид қиламиз.

## Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР

Бизда етиштириладиган пахта толасининг атиги ўндан бир фоизининггина республиканинг ўзида қайта ишланиши ақлга тўғри келадими, ахир? Пахта якказироатчилигининг бекиёс даражада кенгайиб кетиши бутун ўлкамиз учун тўсиқ бўлибгина қолмай, том маънода унинг кулфатига айланди, ер-сув ресурсларининг қуришига, далаларнинг бекиёс даражада кимёвий заҳарланишига, аҳолининг ялли касалланишига олиб келди. Орол — бу ерда таъкидлаб ўтилганидек, бунинг ёрқин мисолидир.

Пахта етиштириш — жуда оғир жисмоний ва маънавий куч-қувват талаб қиладиган ниҳоятда қийин, ҳолдан тойдирувчи меҳнатдир. Менинчга, биз ҳозирча пахта толасидан хийла исрофгарчилик билан фойдаланмоқдамиз, уни кимёвий тола билан алмаштириш ҳақида кам ўйлашмиз, ҳолбуки, хорихда бу иш аллақачон йўлга қўйилган. Уртоқ депутатлар, ўзингиз ўйлаб кўринг. Совет Иттифоқида тайёрланадиган умумий пахта толаси ҳажмининг (бу тахминан 2,5 миллион тонна демакдир) қарийб 700—800 минг тоннаси экспорт қилинади, қолганидан ички эҳтиёжлар учун фойдаланилади. Бинобарин, биз амалда ана шу тола-ни техник мақсадлар учун сарфлашда жаҳонда энг юқори ўринда турамыз — бу кўрсаткич бизда 14 фоизни ташкил этади, Японияда эса бу кўрсаткич 3 фоиз бўлиб, АҚШда эса бир фоизга ҳам етмайди. Совет Иттифоқида ип-газлама матолари бошқа мамлакатларга нисбатан икки баробардан

кўпроқ тайёрланади, бироқ бизда умумий истеъмол ҳажмида кимёвий толалар улуши энг паст бўлиб 30 фоизга ҳам етмайди, бу ГФР, Италия ва Японияга нисбатан 2—3 баробар кам демакдир. Социалистик ҳамдўстликка аъзо бўлган дўстларимизга ҳам фақат уларнинг ўз-ўзини таъминлаш учунгина зарур миқдордаги пахта толасини етказиб бериш кифоя-ку, ахир.

## Б. Н. Ельцин, Москва шаҳри

Ислохот амалга ошириш учун ҳар бир иттифоқдош республикага кўпроқ сиёсий ҳуқуқлар, шунингдек, иқтисодий ва молиявий мустақиллик бериш, уларни хўжалик ҳисобига ўтказиш керак.

## И. Х. Тооме, Эстония ССР

Мавжуд ва марказлаштирилган хўжалик механизми ўз аҳамиятини бутунлай йўқотди ва шунинг учун ҳам унинг ҳеч қандай истиқболи йўқлиги ҳаммага равшан бўлса керак деб ўйлайман. Уни сақлаб қолишга уриниш, у нима билан асосланган бўлмасин, фақат умуман мамлакатда ҳам, унинг регионларида ҳам иқтисодий ва сиёсий вазиятни кескинлаштиришга олиб келади.

Комил ишонч билан айтаемизки, экономикани тубдан қайта қуриш фақатгина бошқаришни децентрализициялаш принципига, республикалар суверенитетига, регионларнинг ўз-ўзини бошқариш ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга асосланиши мумкин.



## Унутилган жасорат

Пахта яккаҳоқимлиги, аввало, республика экологик ҳолатига, одамлар соғлиғи, қолаверса, иқтисодий ва маданий тараққиётимизга ҳам салбий таъсир кўрсатаётгани кенг жамоатчиликка равшан.

Республикада пахта яккаҳоқимлиги зарарларини айтар эканмиз, пахтага бўлган катта эҳтиёжни эътиборда тутиш керак. Пахта етиштириш планлари камайтирилмас экан, яккаҳоқимликка барҳам бериш амримаҳолдир. Планларни эса эҳтиёж тақозо этади. Афсуски, бизда пахта толасига бўлган барча эҳтиёжлар ҳалигача пухта ўрганилмаган.

Тақдир тақозоси билан менинг ёшлигим Украинада ўтган. Шу

боис пахта мустақиллиги учун кураш йилларида Урта Осиё халқлари вакиллари Украинанинг жанубий районларида кўрсатган жасоратлардан хабарим бор. Улар жаҳон тарихида биринчи марта суғорилмайдиган ерларда юқори ҳосил олишга эришган эдилар. Пахтачиликни миридан-сиригача биладиган бу деҳқонлар гектаридан 20—25 центнердан ҳосил олишган. Ҳозир Украина ССРнинг Херсон областидаги Скадовск райони марказида ўзбек пахтакорлари шарафига ёдгорлик ҳам ўрнатилган. Афсуски ана шу тарихий тажриба унутиб юборилди. Чунки у заҳматқашлар «қулоқ тугатиш» йилларида сургун қилинган одамлар эди.

Олимларимиз, журналистлар ва раҳбар ҳодимларимиз бу масала билан қизиқсалар, архив материаллари ва ҳали ҳаёт бўлган «қулоқ»лар, уларнинг болалари ёрдамида тарихий ҳақиқатни тиклаш мумкин. Шу билан республикамизда пахта яккаҳоқимлигини тугатиш учун реал бир имконият вужудга келар эди. Ҳозир нафақат Украинанинг жанубий областлари, балки Молдавия, Грузия, Арманистонда ҳам бемалол пахта етиштириш мумкин. Украинанинг жанубий районларида катта каналлар қазилга-

нини эътиборга олсак, суғориладиган қоратупроқ ерларда аввалдиган ҳам мўлроқ ҳосил етиштириш мумкин.

Бу йўлнинг катта иқтисодий самарасини англаш қийин эмас. Мамлакатимизнинг Европа қисмидаги ва социалистик мамлакатлардаги тўқимачилик комбинатларини қоратупроқ ерлар пахта билан таъминлаш аввало транспорт харажатларини кескин камайтиради. Айрим «мутахассислар» Ўзбекистонда пахта етиштириш камайтирилса, республика экономикаси оғир аҳволга тушиб қолади, деган фикрни илгари сураптилар. Бу жуда нотўғридир. Чунки пахта ўрнига далаларда мўл ғалла, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштириш, боғдорчиликни ривожлантириш, айниқса, ем-хашак мўл-кўлчилигини таъминлаб, чорвачиликдаги аҳволни ўнглаш, қисқа муддатда республика аҳолисини гўшт, сут, тухум билан таъминлашни Умумиттифоқ даражасига кўтариш мумкин.

Иброҳим КАРИМОВ,  
Беруний номидаги ТошПИ  
доценти





Эшқобил Шукур



1961 йили Сурхондарё областида туғилган. ТошДУнинг Ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Республика телевидениесида муҳаррир бўлиб ишламоқда. «Сочлари сумбул-сумбул» шеърый тўпламининг муаллифи. СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси.

Тилимни куйдирди булбулнинг сути,  
Танглаймни ёқди гул ичирган қон.  
Мен икки дунёни бир ҳатлаб ўтиб,  
Оғзимга солганим бор-йўғи талқон.

Кўзимни музлатди жаҳаннам ўти,  
Кўнглимни хор қилди бу «гулзор, чаман».  
Мен икки дунёни бир ҳатлаб ўтиб,  
Кўз очиб кўрганим бор-йўғи туман.

Қулоғим қар қилди ҳақнинг сукути,  
Бу сукутми ва ё тилсиз қатағон.  
Мен икки дунёни бир ҳатлаб ўтиб,  
Эшита олганим бор-йўғи ёлғон.

### Сочала

Чимилдиқ торлари силкинди,  
Кемадай чайқалар чимилдиқ.  
Юлдузлар қайрайди тилимни,  
Бедана бўламан: «питпилдиқ-питпилдиқ...»

## Чимилдиқ торлари силкинди... \*\*\*

Сочала сочилди, сочала,  
Юрагим очилди, чечалар.  
Юракни майдалаб сочайин,  
Майдалаб-майдалаб сочайин.

Чимилдиқ қиқирлаб кулади,  
Пойимга тўшаклар отар гул.  
Осмоннинг шакарин яладим,  
Булбул бўлиб қолдим. Мен — булбул.

Сочала сочилди, сочала...  
Тилларим шакар-ей, чечалар.  
Тилимни майдалаб сочайин,  
Майдалаб-майдалаб сочайин.

Бир ўтни оқизиб келар ой,  
Тўкар олтин попуқлар юлдуз.  
Ул ўтда мен куяй, мен ёнай,  
Қақнус бўлиб қолдим. Мен — Қақнус.

Сочала сочилди, сочала  
Тош кўзим янчилди, чечалар.  
Кўзимни майдалаб сочайин,  
Ўзимни майдалаб сочайин,  
Майдалаб-майдалаб сочайин...

\* \* \*

Отанг сени йўқлаб Тошкентга келди,  
Энди уйғон, кўзингни оч, тош.  
Етмайдими сенга беш йиллик ўлим,  
Отанг келтирибди бир халта кўз ёш.  
Унга юзингни юв, юрагингни юв,  
Қара, бош-оёғинг қоп-қора қурум.  
Отанг етмиш йилни судраб келибди,  
Сени қўйвормайди беш йиллик ўлим.

### Бир кун

Бир кун келар...  
Худонинг қизлари — сўлим мусичалар  
Осмон ювган ҳалол тумшуқларида  
Олиб келадилар ўша Бир кунни.

О, бизнинг Бир кун келар...  
Куюнчак момолар, азиз момолар,  
Йўрғаклаб берарлар ўша Бир кунни,  
Бешикка беларлар ўша Бир кунни.  
Боболар кафтига тўлар дуолар.

О, бизнинг Бир кун келар...  
Шунда тўртовимиз катта супада,  
Дастурхон бошида бирга бўлармиз.  
Сувлардай шалдираб кулармиз,  
Тўртовимиз тўртовора бўлармиз.

О, бизнинг Бир кун келар...  
Фотима чумчуқлар фаришталардай  
Бир куннинг кўксига тумор тақарлар.  
Чақмоққалб қақнуслар йўлнинг четиغا  
Исириқ тутатиб олов ёқарлар.

О, бизнинг Бир кун келар...  
Нондай ҳалол бўлар дастурхонимиз,  
Қуёш каби бутун бўлар нонимиз.  
Шунда тўртовимиз бир-биримизга  
Кўнгил ушатармиз, кулгу ушатармиз.

О, бизнинг Бир кун келар...  
Шунда тўртовимиз Бахтни кўрармиз.  
Қуёш бизга атаб туғар у кунни.  
Менинг тўрт жойдаги тўртта жоним-ей,  
Охир тўртовимиз бирга бўлармиз,  
Суюнчи берармиз мусичаларга.  
О, бизнинг Бир кун келар...

\* \* \*

Бунга бир йилдан сўнг гуллар келади,  
Эшикни юракдай қоқарлар «дук... дук...»  
Ялпайган остона жавоб қилади:  
«Эшқобил уйда йўқ!»

Ун йилдан сўнг келар бева шамоллар,  
Тоғларнинг кўзидан сачраб кетар дўқ:  
«Қайтингиз, қарғалган гумроҳ аёллар,  
Эшқобил Ерда йўқ!»

Турналар келади юз йилдан кейин,  
Ҳар бири тумшукда келтирар бир чўғ  
Ва мовий байроқлар бош силкир майин:  
«Эшқобил кўкда йўқ...»

Бу ўтар дунёдан минг йил ҳам ўтар,  
Келарсан... Ер-осмон ботади терга.  
Шунда кесаклардан ўт чиқиб кетар:  
«Эшқобил шу ерда!»

\* \* \*

Кўкракда йўлбарслар уяси,  
Оловли қиличлар, чақмоқлар.  
Алам қилади-да, ахир, қорнингда  
Хўжалик юритса қорағулоқлар.

Кўкракда шаҳарлар қулади,  
Жон сўқди оятдай армонлар.  
Алам қилади-да олий бандага,  
Оёққа илашган сомонлар.

Кўкракда ер шари тўқнашди  
Ўзидан каттароқ юрак билан.  
Алам қилади-да, бундай юракни  
Биргаллашиб емоқ туллак билан.

Кўкракдан турналар кўчдилар —  
Қўшиқнинг узилмас қарвони.

Сариқ чумолилар ташиб кетдилар  
Мамонтлар йўргаклаган дунёни.

Кўкракдан бургутлар учдилар,  
Чангаллаб учдилар осмонни.  
Алам қилади-да оғзи бурнингдан  
Қуйсалар бўғзингдан тўкилган қонни.

Ҳаммасига «майли», ҳаммасига «хўп»,  
Қай диннинг йўлига қурбон тулпорлар.  
Бугун тобутимни синдиран «тўп-тўп»  
Кўкракдан дарахтдай ўсган чўқморлар.



## Менинг қўшиғим

Мен сени боладай суйсам нетайин,  
Кўйингда бевадай куйсам нетайин,  
Кўйингда бевадай куйсам нетайин,  
Суйгунчигим менинг, суйгунчигим-эй...

Тилимни тишлабман куйиб куйларам,  
Қувонгим келар-да, нега йиғларам,  
Суйгунчигим менинг, овунчигим-эй...

Бўсаға, суяниб мунғайсам, куйма,  
Мен йиғлаб олайн, сен эса уйнаб,  
Суйгунчигим менинг, суянчигим-эй...

Дунёдан тўярам, ўздан тўярам,  
Тўйиб-тўйиб яна сени суярам,  
Суйгунчигим менинг, куюнчагим-эй...

Бу кўнгил қўймаса, мен-да нетарман,  
Бир куни сенга айланиб кетарман,  
Суйгунчигим менинг, суйгунчигим-эй...

Дилфуза Кўзиева



Йиқилгани тепма...

— Чиқинглар. — Бек атрофга сергак қулоқ тутиб ҳеч сас эшитмагач, шундай шивирлади ва ханжари сопидан янада маҳкамроқ чангаллади.

Шу заҳотиёқ қамишзор шитирлаб, бирин-кетин иккита барваста йигит буй кўрсатди. Уларнинг ортидан яна учта қуролланган киши пайдо бўлди. Қайдадир улиб қўйган шоқолга жавобан сайхонликдаги чўпонларнинг қўтонларидан бўрибосар итларнинг оғир вовуллагани эшитилди, уларга қўшилиб аллақандай кучукча ҳам ангиллади, аммо яна сокинлик ҳукмронлик қила бошлади.

— Қани, кетдик эмаса! — жарангдор овозда буюрди Бек. Ёзининг энгил эпкиниданми қамишзор бир титраб қўйди. Улар гурасгурас юриб кетишди...

Ҳамиша тун билан миужжа қоқмай чиқадиған Гулрўй келин негадир бу оқшом тошдек қотиб ухлабди. Бироқ шунда ҳам тонг ёришишига яқин жунжикиб уйғонди. У кўзини очиши билан милт-милт ёнаётган мойчиноқ бир лоп этдию ўчиб қолди. Танча ҳам совибди. Гулрўй тиши тикирлаганча кўрпага баттар бурканаётганди, эри у сал қимирлаши билан безовталанганча чўчиб, кўзини очди. Сўнг:

— Сенми? — деди уйқусираб, — ухласанг-чи... Бирпас ўтмай ўзи яна пинакка кетди. Эрига боқиб, Гулрўйнинг кўнгли алланечук бўлди. Бечора уйқусида ҳам игнанинг устида. Қайданам шу ғалваларга бош бўлиб қолган. Гулрўй унга тегибдики, бирор кўни бетаҳлика ўтганини эслолмайди. Эри қачон отига миниб, горнизонига кетмасин, то дийдорини кўрмагунча мана ҳозир унинг ўлигини ортиб



ХИКОЯ



1970 йилда Қумқўрғон районида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультети 3-курсда ўқийди. Республика ёш ёзувчиларининг V семинар-кенгаши иштирокчиси. Хикояси «Ёшлик»да илк мартаба эълон қилиниши.

келишади, деб юрак ҳовучлаб ўтиради. Шу зайл кун узоғи билан телба-тескари дунёда яшайди. Айниқса тўиларининг эртасигаёқ содир бўлган ўша даҳшатли ҳодиса уни ҳамон титроққа соларди...

Одатларига кўра ҳеч кимнинг хаёлига келмаган пайт, қоқ тушда қишлоққа ваҳимали қийқиришганча Бекмуродбекнинг йигитлари бостириб келишди. Улар ўтовларга ўт қўйиб, йўлда дуч келганини қиличдан ўтказмасдан, тўғри горнизон жойлашган ёққа йўртишди. Бирданнига атрофни милтиқларнинг гумбур-гумбури тутиб, одамлар ўша суворийларнинг янада қаттиқ шиддат билан чувиллашганча ортага қайтишаётганларини кўришди. Бироқ бир неча отлик қизил аскарлар тўдани кетидан ўққа тутишидан атроф баттар чанг-тўзон бўлиб кетганлиги боис қишлоқдагилар босмачилардан бири қандайдир одамни қайиши билан эгарга боғлаганча тупроқ йўлдан кўпкаридаги улоқдек судраб олиб кетаётганини кўрмай қолишди.

Бир ҳафта ўтиб, йўлдош қизил юз-кўзи шилинган, қонга ботган уст



кийими пора-пора бўлган, деярли ярим яланғоч ҳолда уйга кириб келганда, бир кунгина ҳам келинлик лаззати насиб этмаган Гулрўй тўшақда беҳол ётар, унинг бошида холаси ва яна бир кинначи кампир «куф-суф» билан овора эди. Кампирларнинг Йўлдошга кўзи тушиши ҳамон севинчдан кўра кўрқинчга ўхшаш овозда бақириб юборишди. Йўлдош ўзига отилмоқчи бўлган бекачларини суриб ташлаб, ҳансираганча келиб, Гулрўйнинг бошига энгашди.

Келинчак уни танидию истиҳолани ҳам йиғиштириб, бор кучи билан мадорсиз қўллари-ла куёвини бўғиб қўйгудек тарзда бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди. Бир пас шу зайлда титраб турди-ю, сўнг алаҳсирай бошлади. Гулрўй лабларини Йўлдошнинг қулоғидан олмаган ҳолда телбаларча тинимсиз саволлар ёғдирар, нималар деяётганини на ўзи, на Йўлдош англай оларди. Ниҳоят, эри унинг бошини катта катта кафтларида тутиб ёстиққа қўйди. Ва шишиб, бодраб ёрилган лабларини аранг қимирлатиб деди: — Ҳеч нарса сўрама! Мен... номардлик қилдим!

Уша воқеадан кейин анчагача Гулрўйнинг ичини нимадир таталаса-да, одамови бўлиб қолган эрининг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилиб юрди. Бироқ барибир Йўлдош унга ёрилмади, ёриллолмади...

Буларнинг боисини Гулрўй кейинчалик бошқаларнинг оғзидан эшитиб билди.

Уша босқин чоғи Бекмуродбек йигитлари Йўлдош қизилни тириклай ўз кўрбошиларига етказишган. Бекмуродбекнинг мақсади — Йўлдошни йигитларига қўшиб олиш эди. У аввалига Йўлдошни хўп мажбурлаган. Яхши ҳам гапирган, ёмон ҳам: «Отанг сени нима учун оқ қилганини унутмасанг бўларди, лоақал! Сен кимни ҳимоя қиляпсан ўзи? Соқолингни қириб бебелбоғ, бесалла бўласан деган ғайридиними?!» Бироқ Йўлдош ҳам аҳдидан қайтмай тураберган. Ахийри Бекмуродбек бундай деган:

«Барибир икковимизнинг ҳам қўлимиз қон. Аммо йўлимиз икки томонга экан. Қани, бор энди. Тўрт ёғинг қибла. Бироқ эсингда бўлсин: бундан кейин ҳеч қачон биз бугунгидек бўлолмаймиз. Ҳеч қачон!!!»

Йўлдошбек батамом ўлим чангалдан қўтулганига чинакам ишонч ҳосил қилиши ҳамон, йўлида дуч келган биринчи отрядгаёқ бош бўлиб, шу заҳоти Бекмуродбек тўдаси яширинган ерга бостириб борди. Афтидан Бек худди шундай

бўлишини билса-да, бироқ Йўлдошбекнинг собит қолишига кўпроқ ишонганди.

Бу катта босмачи тўдасининг устидан эришилган қутилмаган ғалаба барибир ҳеч кимга татимади. Чунки Бекмуродбек ўзи яна ўн-ўн беш чоғли энг сара йигити билан арвоҳдек ғойиб бўлганди. Шундагина Йўлдошбекнинг бадани музлаб, нима қилиб қўйганлигини англади: бундан буён у ўзини эркак деб санашига орияти йўл қўймаслигидан даҳшатга тушди...

Гулрўй шуларни эслаб ётаркан, хаёли ҳозиргина кўрган тушига томон қочди:

Тавба, эри куёв сарполарида, янги беқасам тўн кийиб, яшнаганча оппоқ отда келяпти... Карнай-сурнай садоси, ёр-ёр авжиде. Бироқ атрофда ҳеч бир одам зоти кўринмасди. Гулрўй ҳайратланиб, эрининг қошига келди.

— Тинчликми? Нималар бўляпти ўзи? Бу кимнинг тўйи?

Йўлдошбек кулди:

— Бизнинг тўйимиз-ку, Гулрўй! Гулрўйнинг олови чиқиб, юзини беркитиб олди:

— Вой-й, уятсиз! — сўнг эрига шивирлади: — Ахир яқинда ўғиллик бўламиз деяпмиз-ку...

Йўлдошбек қаҳ-қаҳ урди. Унинг кулгусидан ҳурқан остидаги улкан оқ от қаттиқ пишқириб, кўкка сапчиди ва устида Йўлдошбек, тинимсиз кишнаганча қоп-қора осмоннинг юзидан ялмоғизнинг кўзидек совуқ мўралаётган оининг атрофини икки бора айланди. Йўлдошбек қора терга ботганча отининг бошини қайиришга уринарди, лекин эпполмасди. Ва ниҳоят той оининг атрофиде учинчи бор айланаркан, Йўлдошбек ҳам, улови ҳам бир чайқалишдию оппоқ тутунга айланиб қолишди. Кўп ўтмай оини гардишидек ўраб олган ғалати нурли тутун ҳам, ой ҳам, сув озига тош тушганда тарқалиб кетган тўлқиндек ёйилганча, кўздан йўқолди ва фақат зулумотгина атрофни чулғади...

Гулрўйни яна уйқу элита бошлади. Шу пайт туйқус эшикдан қорнинг ғижирлагани эшитилгандек бўлди. Келинчак кўзларига қумдек тикилиб қолган уйқуну қуволмасида, ҳушёр туриб яна кулоқ тутди: кимдир, кимлардир ўтов атрофини энли қоплаган қорни ғижирлатмасликка тиришиб, аста-секин шу ёққа яқинлашармиди-ей... Гулрўй кўрқиб, эрини турткилади. Ташқари-

дан итлари Олапар бир «вов» деди-ю, сўнг хириллаб қолди. Кўп ўтмай эса умуман уни ўчди. Йўлдош жойидан ирғиб тураркан, қўлини кийимлари устида ётган маузерига узатгандики, ўтовнинг эшиги тарақлаб кетди-да, ичкарига мўр-малаҳдек бир неча саллални йигит бостириб киришди:

— Тегма! Тегма наганга! Итдай отиб ташлайман!!! — бақирди энг олдиндагиси. Гулрўй додлаганча ўзини шу одамнинг оёқлари остига отди. Бироқ унинг ортидан гумбурлаб эшитилган овоз шу заҳоти остонада турганларнинг бирини қоядек қулатди. Гулрўй жон-жаҳди билан тирмашган оёқлар уни зарб билан тепиб, бурчакка ирғитди. Бироқ худди шу оннинг ўзида ер тўнтарилиб кетгандек, қора уй бир ёнга қараб оғиб тушди... Йўлдошбек босмачиларни саросимада қолдириб, ўтовни керагасидан даст кўтариб, қўйлақан ҳолда ўзини ташқарига урганди. Йигитлар сўкинишганча унинг ортидан отилишди. Оламни қасир-қусир ўқ овози тутиб, отларнинг дупирлаб югуришгани эшитилди...

Қишлоқда тонг нотинч отди. Чошгоҳга яқин биринчи ўқ овозини эшитибоқ оёққа қалқиган қишлоқдаги кичкина отряд қирдан қайтиб келди. Аскарларнинг еттитаси шахид кетишганди. Йўлдош командирнинг эса мурдасини мутлақо таниб бўлмасди: босмачилар унинг қорнидан ичак-чавагини ағдариб, юзини даҳшатли тарзда қилич билан чавақлаб ташлашганди...

Бек йигитлари билан ўша тайинланган дарвозага етгач, худди уларни тирқишдан пойлаб тургандек, шу заҳотиёқ жулдур чопонли букри чол тавозе билдириб баттар энгашганча пешвоз чиқди. У ғашга тегар даражада ялтоқланаркан, меҳмонларни «қани-қани»лаб ҳовлига бошлади. Энг орқадаги йигит ҳам остона ҳатлаши биланоқ шошганча ёғоч эшикни танбаладию катта қулф солди.

Ниҳоят олтмиш ёшлардан ошиб қолган, калта соқолли, тўларок, афтидан кўп кўргуликларни бошидан ўтказган, қадди дол кўринса-да, қув кўзлари унинг ўта уддабуррон ва ўта қайсар одамлигини кўрсатиб тургувчи, мискин чеҳрасига мутлақо қарама-қарши тарзда юзида жилваланаётган маккор табасумли кимса — мезбоннинг ўзи ҳам кўриниш берди:

— Қадмларига ҳасанот, бегим! Келсинлар, келсинлар!..

Бироқ мезбоннинг саломлашиш-

га узатилган қўли ҳавода муаллақ қолди.

— Қани, бошла энди. Қаерда ўзи у? — совуққина деди меҳмон бетакаллуфлик билан олдинга юриб. Мезбон итоаткорлик билан унга йўл бўшатганча, ҳамон бир қўлини кўксидан олмай, иккинчиси билан қай томонга юриш лозимлигини кўрсатди. Бироқ Бекнинг кетидан меҳмонхонага ёпирилишмоқчи бўлган йигитларни кўриб:

— Э-эй... — деб юборди ноҳос кимдир.

Бек шартта орқага қайрилди.

— Бегим, мени афв этинг... — кўрқа-писа гапираётгандек деди мезбон, иложи борича азиз меҳмоннинг кўнглига тегмасликка ҳаракат қилиб. Сўнг кўзи билан Бекнинг йигитларига ишора қилиб деди:

— Келинни... бегона кўзларнинг олдида олиб кирсак қандоқ...

Бек унинг гапини охиригача эшитмаёқ маъқуллагандек бошини силкиб қўйди-да, йигитларига бошқа хонага ўтишларини буюрди. Сўнг одмигина ясатиғлик меҳмонхонага этик-петиғи билан кириб борди.

Кўш бақбақали, юзи серажин, сариққина дум-думалоқ кампир қават-қават солинган шойи кўрпаларга ёнбошлаб олишган Бек ва мезбоннинг олдига дастурхон ёйиб, турли ноз-неъматларни тўкиб ташлади. Мезбон нон ушатаркан, олинг қани, деб қўйди. Бек чор-ночор нон кавшаркан, эшикдан кўзини узмай сўради:

— Қачон бўласиз энди?

Катта пичоқ билан чинни лагандани калла-почанинг қорамтил этини суюғидан ажратаётган мезбон оғир гавдасини оҳиста кўтарди:

— Хоҳласангиз ҳозироқ кўришингиз мумкин. Аммо... негадир мулладан ҳалигача дарак бўлмаётир. Изидан одам юборганимга ҳам анча бўп қолди-ю...

Бекнинг бир қоши норози тарзда юқорига кўтарилиб кетганини кўриб, дарҳол уни тинчлантиришга ҳаракат қилди:

— Ҳозир етиб келишса керак. Буёғидан сира ташвиш тортманг... Эшик очилиб, ҳалиги кампир хонага бошини суқди:

— Нима қил дейсиз, бой ота?

— Куёв йигит келинни кўриб қўймоқчи. Олиб кир! — буюрди мезбон.

Кампир илжайганида сийрак, нос чекаверганидан кўкариб кетган кемшик тишлари кўринарди.

— Келинни ҳали ясатганимизча йўқ эди-да, отам... Омма шундай-

лигида ҳам қўрмағур бир қўлтур сув билан гўлтиллаб ичгудай хўшрай! Пари дейсиз-а, пари!..

Кампир хингиллай-хингиллай ғойиб бўлди. Бироқ бир пас ўтмай яна унинг овози эшитилди:

— Иби, киравер, энанг айлансин! Жур, кўрқма, мана ўзим қошингдаман-ку, жур...

Ахйири жодугар кампир ичкарига катта паранжига чирмалиб олган қизни судраб киритди. Паранжининг билинар-билинемас титраши қизнинг овоз чиқармай йиғлаётганини ошкор этиб турарди. Мезбон улар тарафга ортиқ аҳамият қилиб ўтирмай, шу уйнинг хўжайинлигидан тисланби, меҳмонни ўз эркига қўймоқчидек бамайлихотир чой хўплашга тушди.

Бек жойидан тоғдек кўтарилиб турди-да, юрагининг гурс-гурс ураётгани юзига ҳам тепчиб, қизга яқинлашди. Узига жуда яқин келган Бекка ялтоқланибми, сусти босибми қийшайганроқ оғзи хиёл очилганча қараб қолган кампирга но керак буюмга боққандек совуққина кўз қирини ташлади-да, оҳиста, озор беришга чўчигандек асирасининг юзидаги чачвонини кўтарди...

Қиз шу заҳоти оппоқ, нимжон қўллари билан юзини чангаллаб беркитиб олди. Бек бир муддат унинг ниҳолдек нозик бўй-бастига, ҳалпиллаган кўйлак тагида билиниб-билимай турган ингичка белчаси, озгин елкаларига илк даъфа мўъжизага дуч келган одамдек маҳзли термулди. Сўнг:

— Тушир қўлингни! — деди амирона, бироқ бироз титроқ товушда. Қиз бўйсунувчанлик билан дилдираганча аввал биринчи, кейин иккинчи қўлини юздан олиб, кўксига босганча, кўзлари юмуқ ҳолда ранги қум оқариб тураверди... Бек бу гал унинг бир-бири томон интилган кўйи таранглашган ингичка қошларини ўпмоқчидек юқорига қараб қайрилган намчил мужгонларию пушти лабларининг пастидаги нуқтадек қора холи, мунчоғу туморлари ечиб ташланганига қарамай мрамардек товланаётган бўйнини кўриб, қаршисидаги шу нозик вужуднинг бекорга таърифи кетмаганини англади ва шундай нафис бахт ўзига — Бекмуродбекка насиб этганидан энтикиб кетди. Ниҳоят, қиз, ўлдирсанг, ўлдириб ташламайсанми, деган чексиз алам билан кўзини очди ва қутилмаганда қаршисидаги одамнинг юзини, кўзларини кўриб, қорачиқлари ичида нимадир лоп этиб ёниб кетдию маъсуманинг ёноқлари дув қизариб, шоша-пиша нигоҳларини

ерга қадаб олди: Бек у кутганчалик ниҳоятда даҳшатли эмас, аксинча жуда хушсурат киши эди...

Масрур Бек қизнинг чачвонини қайтадан авайлаб туширди-да, бениҳоя шодлик билан ўрнига қайтди. Ҳамон оғзи ярим очилган кўйи ағрайиб турган кампир дарҳол ўзига келдию қизни елкасидан тутиб яна ҳиринглаганча олиб чиқиб кетди.

Мезбон ёнгинасига чўккан Бекка, «энди ишонгандирсиз», дегандек мамнун қараш қилди. Бек хиёл жилмайгандек бўлди, сўнг негадир ўйга чўмиб қолди.

— Менга қара,— деди тўсатдан Бек кўзларидан алланечук учкун сачратиб.— Мен сенинг ниятинг нима эканлигини биламан. Ахир барибир мен сенинг душманингманми? Душманингман! Аммо билиб қўйки, қутурган итларга ем бўлсам бўламанки, ҳеч қачон сенинг қўлингда ўлмайман! Эшитдингми?

Мезбоннинг ранги сал ўчгандек бўлди. Бироқ у муштумини ерга тираб, Бекнинг кўзларига тикка боқди.

— Сенинг ҳам гапинг чин... — деди тишлари орасидан. Бироқ шу ондаёқ тошдек қилт этмас чеҳрасига юпқагина табассум ёйилди, шунга яраша овозидаги кескинлик ўрнига ҳам афсусланганнамо оҳанг кирди:

— Ҳа, йигитларинг ёлғиз ўғлимни чавақлаб кетишди... Нима ҳам қилардим... худонинг амри шу бўлгандан кейин. Аммо мен...

Мезбон гапини тугатолмади. Бекнинг ёвқур қараши унинг нигоҳини дастурхон попуқлари орасига бекитишга мажбур этди. Ниҳоят мезбон бир ютиниб қўйди-да, паст, аммо аниқ эшитиладиган тарзда, қасам ичаётгандек бундай деди:

— Мен уни оқ қилганман... Ҳали ҳам сўзимни қайтиб олганим йўқ! Бир зум орага чўккан, иккаласи учун ҳам ниҳоятда оғирлик қилиб бораётган сукунатни биринчи бўлиб Бек бузди:

— Унга қанча тўлов бердинг?

Мавзу тагин келинга кўчганидан мезбон ҳам енгил тортди. Салмоқлаб деди:

— Ҳар қанча бўлса ҳам арзийдиган мол, бегим...

Бек шартта ёнидан йириккина халта чиқариб, дастурхонга тап этказиб ташлади:

— Бу ерда минг бор, кам бўлса, айт...

Мезбон ўнғайсизланиб қолди:

— Бегим! Бу қанақаси, бегим?... Мен ахир... Тўхфа...



— Ҳм, туҳфамиш... Мен туҳфани ҳам қуруққа олмайман. Бепул нарса насиб қилмас,— унинг гапини бўлди Бек. Бирпас ўтгач, мезбонни олатмоқчидек, бироз киноя билан деди:

— Бундан ташқари, ҳисобли дўст айрилмас, деганлар.

Хаста боласининг бехос биғиллаб йиғлаб юборганидан чўчиб кетган Гулрўй бешик пардасини кўтарди-ю, чинқирганча ўзини ортга ташлади. Қандайдир оппоқ, қуюқ туманли ҳалқа боланинг бўйнига илондек чирмашганча уни бўғмоқчига ўхшарди. Гулрўй ўзига келиши ҳамон «ҳалқа»ни ўғлининг бўйнидан юлқиб олмоқчи бўлиб шошиб кўлини узатгандики, ингичка туман шу заҳоти лип этиб ғойиб бўлди. Аммо бир пас ўтгач, Гулрўй уни энди ўзининг билагига кўриб, ҳайратдан қимирлолмай қолди. Сўнг кўлидаги сирли «билагузук»ни «ечиб» ташлашга уриниб силтинганди, бармоқларининг учларидан чарсиллаб кўк учқун сачради. Даҳшатга тушган Гулрўй ўзи билмаган тарзда кўлини қаттиқроқ силкиб юборди. Бироқ бу гал «ҳалқа» биллагидан сидирилиб тушди-да, аввал у ўтирган бўйрани, кейин сассиз-содосиз бутун ўтовни ўраб олди. Гулрўйнинг димоғига гуп этганча нам тупроқнинг хуш бўйи урди. Энтикиб кетди. Ўтовни сирли чулғаб олган оқ, оппоқ туманга термулиб тураверди. Бироқ тўсатдан оқ гардиш кўздан ғойиб бўлди. Шундагина Гулрўйнинг ёдига боласи тушдию жонҳолатда бешикка тирмашди ва беихтиёр яна орқага қалқиб тушаёзди.

Уч кундан буён безгакдан кўз очолмай, ана кетди, мана кетди бўлиб ётган, йиғлайвериб мадордан қолган болакай кўзлари йилтиллаб, бешикка илинган кўзмунчоқли туморчани томоша қилиб ётар, юзи ҳайратланарли тарзда касалманд сўлғинликни йўқотиб, икки ёноғи лўпиллаб аввалгидай тиниқ қизғиш ҳолига келганди. Бола онасига кўзи тушиши ҳамон беланган оёқ-қўлини питиллатганча бўшатишга уринди. Бироқ уددасидан чиқолмагач, аввал узун, сийрак киприкларини бир пас пирпиратиб турди-да, лабчаси бурилиб йиғлаб юборди. Ҳайратдан дағ-дағ қалтираётган Гулрўй бировнинг амри билан қилаётгандек, ўзи англамаган ҳолда болага кўкрак тутди. Бола очкўзлик билан эма бошлади. Гулрўй шу зайл боласига термулиб тураверди ва бирдан фарзандининг, Ёдгор ўғлининг бутунлай соғайганлигини, энди... энди ўлмас-

лигини аниқ ҳис қилдию юзини бешик тутқичига босганча қувончдан ўкраб йиғлаб юборди...

Тўсатдан...

— Келин, ҳу, келин!

Гулрўй ирғиб туриб кетди. Шошганча ёқасига туфлади. Ҳали тонг бўзармаган бўлса... Ким экан бемаҳалда келган?

— Келин!!!

— Ким?... — зўрға овоз берди Гулрўй азадорлигини билдиргувчи оқ доқа рўмолини бошига тортаркан, ёноқларини артиб.

— Бу мен... Қўлдошбойман...

Аёл қотиб қолди: Қўлдошбой?! Ажаб? Углининг еттиседаёқ тўсатдан пайдо бўлиб, эртасига яна домдараксиз йўқолган қайнотаси? Наҳот?!

— Вой, бова! Келинг, кириб, ичкарига ўтинг,— ҳамон довдираганча деди юзини яшириб пешвоз чиққан келин ва бирдан тилини тишлади: у юрак ютиб қайнотасига илк даъфа гапирганди. Ёшига нисбатан анча тетик, барваста чол остона ҳатлади. Гулрўйнинг юраги безовта тапганча яна бир бор эшитилар-эшитилмас «ўтинг» деб қўйди-да, чироқ пилигини бир оз кўтариб, кўрпача ташлади.

— Ўғил кўрибсан деб эшитдим,— деди Қўлдошбой ҳамон остонадан жилмай, шу билан бирга кўлидаги қанор халтани ҳам ерга қўймай.— Ишқилиб жони эсонми?

Келин рўмоли билан оғзини беркитиб, секин пичирлади:

— Худога шукр...

— Илойим умри билан берган бўлсин,— ўпкаси тошиб дуо қилди Қўлдошбой. Бир пас ўтиб овози баттар титраб деди:

— Келин! Мен шу бугун ўзимга берган сўзимнинг устидан чиқдим. Мана Йўлдошнинг, отасиз дунёга келган нораста боланинг, очилмай хазон бўлган сенинг хунинг, мана!!!

Қўлдошбой шундагина ҳалидан буён кўлидан қўймаётган қопни бир силтаганди, унинг ичидан қопқора думалоқ нарса пўстакнинг устига дуп этиб тушди-да; юмалаганча бориб бешикнинг оёқ учига тақалиб тўхтади. Шундагина келин бу нарса одамнинг боши эканини англаб, ранги оқарганча, рўмоли сирғалиб ерга тушиб кетди. Талмовсираб бошдан-оёқ дир-дир титраб, кўзларидан дув-дув ёш юмалаётган Қўлдошбойга ағрайиб қаради:

— Эн-нажо-он... Қ-қандай ахир... Қанда-ай?! — шивирлади.

...Қўлдошбой барибир Бекмуродбекни тузоғига илдирганди...

Никоҳ ўқигани мулла етиб келгандан сўнг ҳам Бек қуролини кўлидан қўймай ўтирганди. Шундай бўлишини илгаридан фаҳмлаб олган Қўлдошбой эса никоҳлаш чоғи куёвга кийдирилиши лозим бўлган катта шойи желак енглариининг учини билантирмай тиктириб ташлаганди. Мижғов мулланинг инжиқлиғию ирим-сирим туфайли тўнни кийишга мажбур бўлган Бекмуродбекнинг қўллари куёв либоснинг чапти ташланган енгидан чиқмай қолганидан фойдаланган Қўлдошбойнинг одамлари жон-жаҳдлари билан Бекка ташланишган. Бироқ Бек бир силташда уларни елкасидан улоқтириб ташлаган ва ҳатто ўқ узишга ҳам улгурган. Аммо узун тўннинг барлари оёғига чирмалиб, аранг остонага ётган чоғи кимнингдир қиличининг ўткир дами унинг сўнгги нафасини ҳам чўртта қирқиб ташлаган...

У одам — бир замонлар қишлоқнинг беги, Йўлдош қизилни оқ қилган ота, мезбон — Қўлдошбой эди...

Ниҳоят ўзига келган келин эмаклаганча жонсиз бошга яқинлашди. Титроқ қўллари билан унинг юзини ўзига қаратди: Бекнинг қуюқ қошларию чехрасида тошдек қотган мардлик, вахшийлик ва аллақандай... маъсумлик... Қоп-қора қаттиқ соқоли ва келишган қирра бурни...

— Эвоҳ!.. — оҳ уриб юборди келин.— Уруш экан-да! Қирғин деганлари, қиёмат деганлари шу экан-да!!! Шундай одам ҳам жувонмарг кетибди-я, шундай одам!!!

Гулрўй бошини тавоф қилмоқчи бўлиб бармоқларини унинг муздек пешонасига теккизиб, кўзларига сурди.

— Худо раҳмат қилсин...— пичирлади секин ва бирдан калланинг кўзлари «ярқ» этиб катта-катта очилиб кетдию аёл жисмига чақмоқ урилган янглиғ ҳушидан айрилиб, ағнаб тушди...

Бекмуродбекни ҳам Йўлдош партизан ва у билан бирга ўша мудҳиш қунда шахид кетган етти аскар дафн этилган мазорга қўйишди. Бу дунёда каллакесар ўтган, у дунёда ўз бошини тополмай юрсин дейишиб, мурданинг калласини ва танасини алоҳида-алоҳида кўмишди.

Шу алғов-далғовлардан кўп ўтмай кутилмаганда бутун қишлоққа ўлат тарқалди. Норасида гўдак болалар ҳеч нарсдан ҳеч нарса йўқ бирин-кетин бир кечадаёқ шайтонлаб қолишар, тонгга бормай жон таслим қилишарди... Мазор



болаларни очкўзлик билан ютар, эвазига қўйнида сонсиз кичиккина дўнгалар ҳосил қиларди...

Оқсоқоллар ҳар доимгидек бу кеча ҳам офатнинг қандай олдини олишни келишиш учун йиғилишган пайт тўсатдан ўтовга Гулрўй кириб келди. У боласини биров тортиб оладигандек бағрига маҳкам босган, гўдак эса нафаси қайтиб чирилларди.

— Эртан-мертан менинг ҳам шу ёлғизим ўлиб-нетиб қолса, мен муштипар қандай қиламан?! — ҳўнграб юборди бева остона ҳатлабоқ.— Бошимни бориб қайси тошга ураман? Нега бекнинг ўлигини бунчалик ҳўрлаб қўйдилар, нега?! Ахир у ўз калласини ахтариб, бизнинг болаларнинг бошини еяётганини наҳот билмаётисизлар, наҳот?! Хўрланган ўлик биз тириклардан қасдини олмаётисизми, қасдини?!

Гулрўйнинг фарёди сабабми, ё оқсоқолларнинг ўзлари аниқ бир тўхтамага келишимми, ишқилиб шу тўннинг ўзидаёқ қабристонга йўл олишди. Йўл олишди у ерда кўрган ҳайратланарли манзарадан тонг қолиб, калималарини аранг ўгира олишди...

...Бекмуродбекнинг калласи ва танаси алоҳида қўйилган икки катта ва кичик дўнгликдан аждар илон оғзидан чиққан янглиғ пов этиб олов отилар ва бу олов шиддат билан бир-бирга талпиниб, чирмашиб кетишга уринар, аммо ораларида бир қарич, ярим қарич масофа қолмай, етишолмасдан, вошил-лаб яна ортага қайтиб кетишарди. Бир пас ўтиб қабрдаги мурданнинг икки бўлак жисмидан мадор олган янглиғ, олов янги куч билан ловуларди.

Эртаси кун азондаёқ мазор бошида бир қўйни сўйишиб, қон чиқаришди. Кейин қишлоқ эркалари Бекмуродбекнинг калласини танаси билан қўшиб кўмиш учун қабрни очишди. Очишди-ю, сесканганларидан яна «астағфирулло» деб ёқаларини чангаллашди: Бекнинг танаси аллақачон ириб кетиши керак бўлишига қарамай, ҳамон мумиёлангандай, оппоқ, топ-тоза ҳолда турар, сумбати эса гўё икки баравар катталашиб, узайиб кетган, қоп-қора боши ҳам ўша — ҳозиргина уйқуга кетган жоҳил кимсанинг чеҳраси каби қаҳрли, сокин чимирилган тусда қотиб турарди...

Улат тўсатдан қандай тарқаган бўлса, шундай йўқолди. Орадан бир йил ўтибми, бир неча йил ўтибми, ишқилиб аввал хотинларнинг пичир-пичирида, кейинчалик

чор атрофдаги қишлоқларга шундай миш-миш ёйилди: Хўжайли қишлоғидан Гулрўй отли нафаси ўт қушноч чиқибдимиш. Одам аъзосининг оғриқ чиқараётган жойига бармоқ учини теккизса бас, дард шу онда қирқилармиш. Кўрларга кўз, гунглага тил ато этаётганмиш.

Қизиғи бу миш-мишлар тўқима эмас, айнан ҳақиқат бўлиб, бу афсонавий ҳақиқат шу зайл қолиб кетаверарди, токи...

Содиқ чўпонни келтиришганда у гоҳ ўзига келар, гоҳ яна оғзидан кўпик чиқариб, бемаъно кўзларини шипга тикканча чақчайиб қоларди. Чўпоннинг атрофини қалдирғочдек ўраб олишган бола-бақраси изиллаб йиғлашганча унинг музлаб қолаётган оёқ-қўлини бири қўйиб, бири уқаламоқчи бўлишар, катта ўғли тинимсиз «ота, ота»лаб ўзини ўкраб юборишдан базўр тутганча чолни елкасидан ушлаб силкиларди. Кимдир Содиқ чўпонни охири ичкилик хароб этганлигини пичирласа, кимдир чўпоннинг душманлариям боракан, шуйтиб кетишибди деб тусмолларди. Бироқ тўсатдан чўпон тилга кирдию аранг шундай деди:

— Қушноч... Гулрўй момо... Оппоқ... гўрида кўрдим...

Дўхтирлар чўпоннинг ўлимини аниқлашди: каттиқ кўрқувдан орқа миясига қон қуйилибди.

Содиқ чўпонни бандаликни топшириб, ўрнига қўйиб келинган куннинг эртасига қишлоқда бир шивир-шивир баданларни илон теккандек жунжиктирганча ўрмалади: эмишки қоқ ярим тунда Гулрўй момонинг қабридан оппоқ, тумансимон ҳалқа отилиб чиқиб, бу нурли ҳалқа катталашган сайин, осмонга, ойга қадар кўтарилмоқчи бўларкан...

Буни қишлоқнинг бир неча ишончли эркалари ва ҳатто Гулрўй момонинг якқаю ёлғиз боласи Ёдгор раис (эллик ёшида ҳам шўрлик ҳамон бефарзанд эди) ҳам ўз кўзи билан кўриб, даҳшатдан қотди.

— Бидъат... Бўлиши мумкин эмас! Бу... бу... Йўқ! Бўлиши мумкинмас!!!

Ёдгор раис шартта ортига бурилдию қоронғу осмонда беозор ҳалқаланаётган оппоқ, нурли тумандан кўзларини узмай, тинимсиз дуо ўқиб, калима ўгиришаётган тўртбеш чоғли қарияларни ҳам қолдириб, «Нива»сига ўтирди ва қабрис-

тон сукунати эгаллаган даштнинг жим-жит бағрини тилкалаб юборгудай тарзда машина моторини вағиллатиб жўнади.

Машина текис йўлдан ўқдек учиб бораркан, раиснинг бутун аъзойи баданидан шариллаб муздек тер қуйиларди. Назарида ҳозиргина кўз ўнгида энасининг қабридан кўкка сапчиган ўша фаройиб туманли ҳалқа орқасидан тинимсиз таъқиб этаётгандек бўларди. Ёдгор раиснинг қорачиқлари ўт сачратиб, кўзидан отилиб кетгандек бўлдию жон ҳолатда тормозни босишга улгурди ва устига чиқволиб, елкаларини эзганча ўткир тирноқларини кўксига ботириб турган шилимшиқ, жирканч махлуқни ағдариб ташламоқчидек бутун гавдаси билан ўзини орқага ташлади.

Ўзи бугунгина ишу ташвишдан қўли бўшаб шу қайсар қарияларнинг гапи учун ярим тунда уларга ёш боладек эргашиб келаверган эди. Мана оқибат: юраги яна хурж қила бошлади. Ёдгор раис титраганча ғаладонни очиб, пайпаслашиб, у ердан кичкина шиша идишни кўлига олди, ундаги соққа дорилардан бирини тилининг тагига ташлади.

Ярама! Бу юракни деб энди камида бир ҳафта ўзига келолмай юради. Эртага эса мажлис чақиртириб қўйган...

Кўксидаги оғриқ яна жимиллаб, кўзида ёш ҳалқалантирди.

«Тавба! Ҳозир кўрганларим ростми ё рўё?» Бироқ яна ўз ўйидан ўзи тутақиб кетди:

«Бўлиши мумкин эмас! Ҳаммаси шу чолларнинг ваҳимасидан». Аммо энди фикрлари унга буйсунмай қўйди. Негадир ўкраб-ўкраб йиғлагиси келди.

«Энажон-ей, бунингиз нимаси энди? Фаришта эдингиз-ку, энажон, фаришта! Қанақасига энди мундай?..»

Оғриқ пасаяя демасди. Бу ҳам етмагандек қон босими ҳам кўтарила бошлади шекилли, боши оғирлашиб, бутунлай увушиб қолди. Ёдгор раис онгининг бир бурчида ваҳм йилт этди: «Наҳот шу кимсасиз йўлда ўлиб қолсам!» Шу уйни ўйлаши ҳамон кўзларини «ярқ» этиб очди-ю, қаршисига ҳалқаланиб турган оппоқ туманни кўрди. Туман унга яқинлашган сайин бутун жисми оловда эригандек эриб, қайгадир паства оқиб кетаётгандек бўлди. Даҳшатдан қичқирмоқчи эди, аммо улгурмади. Унинг бўйнига илондек ҳалқаланиб олишга улгурган нурли туман овозини чиқармай қўйди. Лекин кўп ўтмай

раиснинг эриб, сувга айланган танаси аста-секин ўз ҳолига қайтиб, соч толаларидан оёқ учию тирноқларигача ёқимли титроқ билан қопланди. Бу бир дақиқа ҳам давом этмади. Ёдгор раис энди гўё енгил булутга айланиб қолганди... Шу зайл кўкда юза кетди ва ғалати манзарани кўрди:

Худди куёвлардек яп-янги беқасам тўн кийиб, оппоқ отда виқор билан келаётган суворий...

У гарчи отаси ҳақида заррача тасаввурга эга бўлмаса-да, падарини шу заҳотиёқ таниди.

Кейин унинг кетидан бир-бир босганча, гул-гул яшнаб, Гулрўй пайдо бўлди... Бироқ уни ҳам ҳарир булутлар пардаси кўмиб юбориб, самода қалқиб-қалқиб бир бешик оқиб кела бошлади. Бешикда ётган болакай тинимсиз чирилларди. У йиғлаган сайин боши катталаша борди. Тўсатдан чақалоқнинг юзи ўрнида қоп-қора соқолли, келишган қирра бурун, мармардек манглайли, чеҳрасида қаҳр, жоҳиллик ва аллақандай... маъсумлик қотган кимсанинг боши кўринди.

Шу заҳотиёқ чақмоқ чаққандек қандайдир ўша, унга таниш оқ, оппоқ туманли ҳалқа ярқ этиб отилиб чиқди ва...

— Бугун пайшанба. Жума кундан қолдирмаслик керак. Пайсалга солаберсак, бу ишнинг савоби ювилиб кетаверади...

Тўқсондан ошган Райим бобонинг гапини бошқа мўйсафидлар ҳам тасдиқлашди.

— Эмаса, оқсоқол — гапга қўшилди Валисоат мулла, Раис бова район-пайон деб кетмаган бўлса, кўплашиб ҳозир уйига борсак-да,



қайтадан маслаҳатни пишитсак... Нима дедингиз?..

— Маъқул.

Раиснинг уйланганига энди етти-саккиз йил бўлган иккинчи хотини, сариқдан келган ўрта ёшлардаги қотма жувон анча сўзамол эди.

— У киши, агар Раим бовалар суриштириб келишса, мени мазор бошига чиқиб кетди деб айт, деганча эртаминан кетгани, ҳали да-раги йўқ...

— Ие?! — тутоқиб кетди оқсоқол. — Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ кетаберадими мазор бошига?!

— Ким билади, — елкасини қисди жувон, — оғил томондан белпелам олгандай бўлувди. Кейин яна саярқаямми-ей...

— А?! — оқсоқол ёнбошида турган мулла билан кўз уриштирди. Мулла беихтиёр оқ оралаган соқолини сийпаркан, ерга қараб билинар-билимас тарзда бошини сарак-сарак қилди.

— Кирингизлар, чой-пой ичиб турингизлар қани, кеп қоларлар... — астойдил мулозамат қилди жувон.

Аммо Райим оқсоқол ҳам, мулла ҳам аёл олиб чиққан дастурхондаги нондан қуруқ оғиз қайтмаслик учун фақат бир-бир тишламгинадан олишди-ю, бошқа чурқ этмай чиқиб кетишди...

Мулланинг шубҳаси тўғри чиқди. Ёдгор раис ўзи ёшлиқдан жангари эди... Қариб ҳам...


Эркаклар етиб келиб кўришсаки, Гулрўй момонинг қабридан номнишон йўқ. Ёдгор раис ахийри оқсоқолларнинг қистовини қондириб, онасининг қабрига ўт қўйиб юборганди. Райим бобо бир нима юрагини ғарчча тишлаб олгандек, «Аттанг!» деб юборди.

— Худонинг ўзи кечирсин-эй... — юзига фотиҳа тортди мулла. Бошқалар ҳам шундай қилишди.

Бироқ «худо кечирмади»...

Бутун қишлоқ неча ўн йиллардан буён ҳам бироз кўрқиб, ҳам суйиб қадрлашадиган, пайғамбар билишадиган Ёдгор раисдан на эртасига ва на индинига дарак бўлди. У на ерда бор эди ва на кўкда...

Абдували Қутбиддин



1960 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетини тугатган. «Найсон» шеърлар тўпламининг муаллифи. Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида адабий муҳаррир.

1

Қафасдаги бедана...  
Чумчуқлар шохлардан-шохларга ўтарлар...  
Олмани тешиб чиқар қурт...  
(Осмон кенг)

Қафасдаги юрак...  
Симобдай югурик лаҳзалар...  
Очлар-тўқлар тўлдирган маъво...  
(Олам кенг)

Қафасдаги умид...  
Қопқонни ғажийётган бўри...  
Туёғидан қон ва нур оқизган кийик...  
(Алам кенг)

2

Кўҳи Коф  
Чўққисида тангри  
Қўйнида қуш боқар...  
Қушки,  
Тумшугида тонг болалайди...  
Қушки,  
Уфқлар...  
Шафақлар...  
Камалаклар...  
Унинг кўз ёши...  
Қушки,  
Ноласи куйлатар суякларимни...

3

Чумоли кўзичалик кўк...  
Нуқтадан кичикроқ кеча ёки тун...

Мушукдай қора ёғдуга ўч ёлғизлик...  
Хўкиз миниб юрган ер соҳиби...  
Қаттиқ нонни арралаб ётган  
Жаҳонгир...

Очимтир-кўкимтир тоғ...  
Ёқут жилғага оёқ сунган гадо...  
Сўқимдай виждон, имон ва таъма...  
Жимжилоғини сўраётган гўдак  
Ўғри...  
Ўғри...  
Ўғри...

4

Қор гулхани...  
Биғиллаб қайнаётган човгун...  
Бўғотларда ҳакалаб юрган қиш...  
Қор чақмоғи...  
Этаги куйган изғирин...  
Қор бўрони...  
Ўйин тушаётган аёл...  
Чарх уриб... Чарх уриб...  
Чарх уриб...

5

Аввал косибга учра дилингни чегаласин...  
Аввал кулолга бор янги бир кўза берсин...  
Аввал темир ковуш топ...  
Аввал пўлат кўйлак кий...  
Кейин...  
Тошга ёлбор бошингни тош қилсин...  
Дастурхонга ёлбор еганинг ош қилсин...  
Кейин...  
Жўна Чархфалакчининг олдига...  
Бахтингни очиб берсин...  
Очиб берса...  
Аввал...  
Аввал...  
Аввал...



Кулоғига панжара тутган одиллик...  
 Тўсиқларда тилинган сас, садо, овоз...  
 Тепса тебранмас сукут хўжалари...  
 Туёқ, човут, панжалар маҳкамаси...  
 Каллакесар ҳуқуқ...

Гуруч тозалаётган чол...

Доғланиб ачиётган тақдир...  
 Ерни кунгабоқардай қоқиб олаётган мункирлар...  
 Пайкалларда шишган нафс...  
 Суякхўр оғизли калтаклар...

Гуруч тозалаётган чол...  
 Қон аралаш кулгу...

7

Кафтдаги тупроқ...  
 Бармоқларингни ёз... Тўкилар малаклар, фотиҳлар  
 Тўкилар малаклар, фотиҳлар, заколар...  
 Нокаслар, фаҳшлар, салтанатлар...  
 Тегирмон юрғазар бақо...  
 Кафтдаги тупроққа баробар кеча...  
 Эрта... индин...  
 Сев қорани, оқни, сариқни...  
 Сўзларни, ёзувларни, дахлсизликни сев...  
 Кафтдаги тупроқ...

8

Чинқирик...  
 Маймунлар сесканар олис-олисида...  
 Бақирик ўрмонида бўрон қутура...  
 Телба наҳрларда ваҳший наъра...  
 Деразаларни очинг...  
 Қалдирғочлар кирсин...  
 Уларнинг ортидан...  
 Қувғинга учраган Ҳаққуш...

9

Э-э-эйий...  
 Тулпор пайдо бўлса ёнимда...

Дард айтсам...  
 Мин деса...  
 Э-э-эйий...  
 Юз йиллик йўл боссак...  
 Туш деса...  
 Тушсам...  
 Э-э-эйий...  
 Орқага қайтмаса...

10

Тақиллатсанг...  
 Кир десалар...  
 Кўрсатсалар Улуғбек бошини...  
 Осмон харитасини...  
 Мана бу ерда десалар Алптегин...  
 Мана шу ерда Гўрўглининг гўри...  
 Ханжар берсалар...  
 Кўксимга урсам... урсам... урсам...  
 Улар йиғласалар...  
 Йиғласалар...

11

Ажриқли дала...  
 Оғриқли меҳнат...  
 Кўм-кўк оғушга синган қўй-қўзи...  
 Эртадан-кечгача хас-хашак фами...  
 Пичан ғарамидан оғир юк...  
 Каламуш миясидан енгилроқ мия...

12

Анор гулига монанд сарой...  
 Ўн икки қизғиш  
 Эшик...  
 Ирғишлашиб қулунлар кишнар  
 Ёлларида ялтирар  
 Учқун...  
 Ингичкадан ингичка сўқмоқ  
 Аршдан ерга чувалиб тушар...  
 Очилади ўн икки эшик...  
 Ўн икки тобутда  
 Сабр ётар...  
 Шундай умр  
 Кун-йил тафсири...  
 Ирғишлашиб қулунлар кишнар...  
 Ёлларида ялтирар  
 Учқун...

## БОҒЛАНМАГАН БОҒЛАНИШЛАР...

Туркум одатий ўқишда узук-юлуқ таассурот қолдиради: сатрлар бир-биридан қочик, гўё умумий мазмунга қовушмаган, алоҳида-алоҳида, қолаверса, уларни боғлайдиган шу умумий мазмуннинг ўзини ҳам илғаш қийиндай.

Дейлик, «Қафасдаги бедана... Чумчуқлар шохлардан-шохларга ўтарлар... Олмани тешиб чиқар қурт... (Осмон кенг)» деган бошламани муайян шеърини кайфият аниқлиги, айниқса, япон ҳокку ва танкаларига хос манзара-руҳиятга яқинлиги билан бир қадар осонроқ изоҳлаш мумкин. Шеърнинг иккинчи банди: «Қафасдаги юрак... Симобдай югурик лаҳзалар... Очлар-тўқлар тўлдирган маъво... (Олам кенг)» сатрлари ҳам бир-бирига боғланган ҳолда ташқи тафсилотларни бир-биридан узоқлаштиришни бошлайди: «симобдай югу-

рик лаҳзалар» «очлар-тўқлар тўлдирган маъво» билан чиқишолмаётгандай туюлади. Кейинги банд эса сатрларнинг бир-бирига «бегоналиги»ни тўла барқарор қилади: «Қафасдаги умид... Қопқонни ғажийётган бўри... Туёғидан қон ва нур оқизган кийик... (Алам кенг)» ва умумий туркумни «уч нуқталар» — узук-юлуқлик ихтиёрига бериб қўяётгандай кўринади.

Абдували Қутбиддин биз кутган боғланиш йўлидан эмас, балки зид — кутилмаган томондан келади: фақат бир-икки шеър эмас, умуман туркум айни шу «узук-юлуқлик»ка, ишораларга асосланган. Ҳар бир сатр алоҳида, ҳар бир ташбеҳ мустақил ҳолда ўзига ва унсиз сўйлаётган қандайдир ботиний мазмунга кулоқ тутган. Шу маънода туркум бир жойга жамланиб, гўё бир-бири билан гаплашмай, лекин кўплашиб бир нарсани яқдил кутаётган одамлар руҳиятининг алоҳида-алоҳида чизгиларига ўхшаб кетади. Бу одамларнинг нимани кутаётганини ҳаммасидан бирваракай сўраб

Таёқ дўқиллайдир кунотарда...  
Кунботарда варақланар китоб...  
Қуёшдан тепароқда ўчоқ гурлар...  
Сўзларни пиширар Яссавий...

Саҳродан саҳрога кўчади қуллар...  
Нақадар...  
Нақадар чўзилган очарчилик...

Рух  
Сичқон ила ҳамтанлик қилса...  
Рух  
Ҳамсафар бўлса илон-ла...  
Сичқон ер остидан шафаққача борарди...  
Илон  
Кўк тоқидаги инсонларга етказарди хабар...

Ўсимликлар дунёси...  
Ҳайвонот дунёси...  
Бани одам дунёси...

Учта дўнг, тепалик...  
Уч талотўм...  
Уч латофат...  
Уч қойим-қиёмат...

Уч ғариб мозорат...

Қоронғуликдан ўтгач...  
Ёп-ёруғ хум бор...  
Хумда бир тўп калит бор...  
Қўрқма калитни ол...

Хув ана чақмоқлар тўплаган хазина...  
Хув ана худолар тўплаган жонзотлар...  
Хув ана одамлар тўплаган ҳақорат...

Чигиртка оёғи...  
Балқиган дала...  
Илк бор товланган мингоёқлар...  
Товуш чиқарган лайлатул-қадр...  
Шохлари зарҳал қайрағоч...  
Қизига попук тақаётган пари-пайкар...  
Қадри қиммат олам...  
Қадри ширин ҳаёт...

Бойўғлига улфат шамол...  
Харобаларда кезар...  
Вайроналарга ағанар...  
Тикан супурги...  
Уфқ томонларда...  
Уфқ томонларда...  
Симурғ тўфони...

Суманлар давраси...  
Гумбази саҳн...  
(Аёл-эркак-гўдак...)

Ёғдулар ўрайди...  
Тошиб келар кеча...  
Қуёш кемаси...  
(Аёл-эркак-гўдак...)

Умидлар меҳвари...  
Орзулар гулшани...  
Ниятлар тож-тахти...  
(Аёл-эркак-гўдак...)

Қуёш кемаси...



эмас, балки ҳар бирини алоҳида суриштириб, ҳолатларини бир-бир тушуниб билиб олиш мумкин — туркумнинг калити, менингча, шунда. Демак, уни одатий — сидирға ўқишдан маъни чикмайди. Шеърлар айна шу «узук-юлуклик»ка — тасаввурнинг тўла тафсилотига эмас, йилт этган лаҳза-зарраларига асосланади. Яъни, тўхтаб билан ўқиб, аввал ҳар бир ташбеҳни кўнгилга кўчириб, тўла кўлам-манзарасини тиклаб, кейин навбатдагисига ўтиш керак бўлади. Шунда умумий ботин мазмун — катта, яхлит бир тасавури қаршисида лол қолиб, тўйғуларидан тили бойланиб, кўраётган-сезаётган, ўйлаётган тахайюлини ҳар замонда бир ҳаяжонли — аниқ хитоб қилаётган одамнинг кўнгил ҳолати тикланади.

Бунда ҳар сатр — ташбеҳнинг макони-майдони, шунга яраша умри бор, уни тўлиқ ҳис этмай, кейингисига ўтиш қийин. Устига устак, улар ўзича мураккаб, ғалати янгиллик. Умуман, Абдувалининг ўй-хаёллари, мушоҳада усули бугунги шеър тарзидан кескин фарқланишини,

мазкур туркум унинг шу пайтгача шакл ва садоли мазмун борасидаги изланишларини тўла ўзига қамраб олганини назарда тутсақ, ундаги шеърларни тўла англашда дарёда оқаётган сандиқнинг ичидаги ким эканини билмай, уни тахминлашдай қийин, лекин ташна бир синчковлик ҳам пайдо қилади. Бу ҳам, менингча, эртанги кун шеърятининг бир фазилати: ҳозир шунга ўхшаган асарлар (Абдували Қутбиддин билан бирга Азиз Саид, Мақсуд Бекжон, Баҳром Рўзимуҳаммад каби навқирон шоирларимиз ижоди мисолида) шеърхонни муайян маънода беш-ўн йил кейинги бадий мушоҳаданинг мураккаб ўзига хосликларига тайёрлайди, янгича тасаввурларга асос солади.

Аҳмад АбЗАМ

# Тоҳир, малик Алвидо, болалик

## Қисса\*

Аҳбор кириб, хаёлим бузилди. У менга бир даста дафтар варақларини берди. Чиройли ва бадхат, саводли ва чаласавод ёзувлар. Иншонинг мавзуи ажабтовур: «Бахт ва бахтсизлик, эзгулик ва ёвузлик ҳақида».

Билмадим, бу мавзу кимнинг ақлидан чиққан экан. Бахт ва бахтсизлик, эзгулик ва ёвузлик ҳақида асрлар бўйи неча-неча донишмандлар баҳс қурганлар. Бу ерда, қуёш нурлари симтиконтлар орасидан ўтадиган жойда, қоровул итлар тинмай вовуллаб турадиган нохуш гўшда бахт ва бахтсизлик ҳақида нима деб ёзиш мумкин? Биламан, колония фақат симтўсиқлар эмас. Колония — болалар тақдири, аламлари, дардлари жамланган жой. Иншога, шубҳасиз, шу алам, шу дард тушган бўлиши керак.

— Аввал ўзингникини ол, — дедим Аҳборга.

Аҳбор варақлар орасидан ҳуснихат билан ёзилган иншони олиб узатди. Уқийман:

«Бу ерда атрофга қарашни ёқтирмайман: баланд девор, симтиконт ортидан кўча шовқини эшитилади, уйлarning бўғотлари кўринади. Бу томлар остидаги иссиқ хоналарда бахтиёр ота-она, бахтиёр ўғил-қиз яшайди. Бу ердан ўн-ўн беш чақирим нарида, худди шундай том остида бир оила яшайди. Улар ҳам бахтиёр эдилар. Эндичи, бир ўғиллари шармандалик тамғаси билан симтиконт ортига ташлангач, бу оиладаги бахтиёрлик қуёши сўнмадими? Мен — бахтсизман. Уйнаб-куладиган давримни қамоқхонада ўтказаман. Ота-онам ҳам бахтсиз — ўғил ўстирдим, деб яйрайдиган маҳалда шармандалик юкидан қадди эгилиб, кўча эшигига кўз тикиб яшайди. Мен уларни бахтсиз қилиб қўйганим учун икки қарра бахтсизман. Бахтли бўлиш учун нима қилиш керак, билмайман, ҳар ҳолда бахтни кутиб узоқ йиллар яшашим, курашишим керак».

Аҳбор фикримни эшитишни хоҳламагандай дарров иккинчи иншони узатди:

«Бахт — озодликдаги ҳаётдир. Истаган жойда ўқи-санг, истаган жойда ишласанг, ишинг одамларга маъқул келса — бахтлсан. Мен бу ерда ҳам ўқиб, ҳам ишляпман. Лекин бу бахт эмас. Ёшим ўн еттига борди. Отам бор. Аммо онам йўқ. Ўз онанг бўлиши — бахт. Уч йил олдин отамни қамашди. Бу отам учун ҳам, мен учун ҳам улуғ бахтсизлик эди. Отам чиқадиган пайтда мен қамалдим. Бахт деган нарса бизга насиб этармикин? Уғирлик туфайли бу ерга тушиб, ўйлайман: ўғирлик қилишга ҳожат бўлмаса, ҳамма нарса муҳайё турса, ҳеч нима қидирмай, санқимай яшасанг — бахтлидирсан. Чўнтагинг қуруқ бўлса-ю, ўғирлик қилсанг, сўнг қамалсанг — бундан ортиқ бахтсизлик борми?»

Аҳбор учинчи иншони тутди:

«Отам ароқхўр эди, онамни урарди. Мени бувим олиб кетиб боқдилар. Ун иккига кирганимда бувимни машина босиб ўлдирди. Уйга қайтдим. Бувимникида бахтли эдим. Бу ерда отам энди онамга кўшиб мени, ҳатто синглимни ҳам дўппосларди. Бир куни сўйил олиб уни калтаклади. Кейин уйдан қочиб кетдим. Уғирлик қилиб кун кечирдим. Энди бахт нималигини билмайман. Бу ердан чиқиб нима қилишимни ҳам билмайман».

Кутганимдек бўлиб чиқди: иншолар — тақдирлар, аламлар мажмуаси эди.

Ташқарида сафланиш ҳақида буйруқ янгради. Сухбат қизиби, кеч кирганини сезмабмиз. Энди Аҳбор сафга чиқиши керак. Рўйхатдагилар номма-ном чақирилиб, текширилади.

Мен колониядан қайтгач, ёзганларимни қайта варақлаб ўтириб, Аҳбор билан бўлган суҳбатни, болалар ёзган иншоларни бир-бир эсладим. Колонияга ҳар бир боришим руҳий эзгинлик билан яқунланади. У ердаги болалар, гарчи шу жазога лойиқ бўлсалар-да, барибир уларга одамнинг раҳми келади. Бу болаларни кимдир йўл бошида ушлаб қолиши мумкин эди, деб ўйлайман.

\* Давоми. Боши ўтган сонларда.



Аммо қани ўша «кимдир»? Нима учун ҳеч ким бу бола-ларни ушлаб қолмади. Колониялар торлик қилиб, ёнига қўшимча ётоқлар қуриляпти. Демак, ўша «кимдир» ора-миздан буткул йўқолиб кетяпти. Бу даҳшат-ку ахир! Бу даҳшатни қачон англаб етамиз?!

Шу ўйлар мени бир неча кун ёзув столига яқинлаш-тирмади. Хаёлим Асрор, Қамариддин, Салимда эмас, савол назари билан қараб қолган Аҳборда эди. Кунлар ўтиб, аста-секин яна Асрорнинг оламига қайтдим. Улар-нинг тақдири яна мени ўзига чорлади. Қўлга қалам олиб, асарнинг давомини ёза бошладим. Асорат оловида қоврилаётган Асрорнинг ёнига қайтдим.

## Томчи ёхуд Асрорнинг икки хил она билан учрашуви ҳақида ҳикоя

Денгизнинг беҳудуд бағрида, мавжлар орасида яша-ётган томчи бир кун тиниқ осмонга маҳлиё бўлиб, юк-сакларда яшамоқни орзу қилибди. Қуёшга илтижо эт-ган экан, унинг муножоти қабул бўлибди. Қуёшнинг илқ нурлари томчини денгиз бағридан юлиб олиб-ди-да, юксакларга кўтарилди бошлабди. Бу орада томчи-ни маҳлиё қилган тиниқ осмон юзини булут тўсибди. Қуёш нури томчини шу булут устига қўндирибди. Бу ер шунчалар совуқ эканки, томчи дийдираб охири муз пар-часига айланибди. Кейин булут устидан сирғалиб туша бошлабди. Сал пастроқ тушгач, баданига иссиқ ўтиб у яна асл ҳолига қайтибди. Аммо шамол уни ҳайдаб ке-тибди. Оқибатда томчи қадрдони денгиз мавжларига эмас, қақраб ётган тупроққа тушиб сингиб кетибди. Унинг қўқат илдишларига илашиб ёруғ жаҳонга чиққуни-ча анча вақт ўтибди...

Анҳор бўйлаб бораётган Асрор шу томчи кўйига туш-ган. У аввал қўрқиб, кейин маҳлиё бўлиб Қамариддин-нинг осмонига чиқди. Энди ерга қай аҳволда тушади? Тупроққа сингиб, кейин қачон асл ҳолига қайтади, бу Асрорга номаълум. Гарчи одамлар «Мирқосим ака сув-га тушиб кетиб ўлибди» деб юрган бўлсалар-да, унинг кўнгли тинчигани йўқ. Ёлғизлик уни темир тирноқлари билан бўғади. Кўнгли нима истаётганини Асрорнинг ўзи ҳам билмайди. Одамлардан қочишни хоҳлайди, биров билан гаплашишга тоқати йўқ. Кўнглининг бу майлига итоат этса яна ёмон — ёлғизлик чангалида тўлғона бош-лайди. Кеч киришини эса қўрқув билан кутади. Қоронғу тушиши билан ўша одам — Мирқосим унинг хонасига кириб келади. Қарашлари ҳеч ўзгармайди, ҳатто киприк қоқмайди. Энди у Асрорга ташланмайди. Томоғидан бўғмайди. Мўмин, итоаткор одамдай жим ўтиради, хўр-синади.

«Бошпаналаринг йўқ эди. Отанг энди кўкариб келаёт-ган эди. Уйимдан жой бердим. Кейин ҳовли олишида балоғардон бўлдим. Чақалоқлигингда кўтарган эдим. Бағримга босган эдим. Шу кўкрагимга тепдинг. Қаттиқ тепдинг. Ҳали ҳам оғрияпти. Улган бўлсам ҳам оғрияп-ти. Ал улғайганингда елкамга миндириб ўйнатганман. Шу елкамга ҳам тепдинг. Суягимни синдириб юборган-сан шекилли, оғрияпти. Улган бўлсам ҳам оғрияпти. Да-данг опамнинг тўйига бормагандан кейин «одамгарчи-лиги йўқ экан», деб борди-келдини узиб юборган эдим. Сен мени танимадинг. Мен эса сени танидим. Тепмасанг бўларди, ўлмасдим. Улганимдан хафа эмасман. Бир кунмас-бир кун барибир кетаман-да бу дунёдан. Бола-ларим ҳали ёш эди. Ҳеч бўлмаса ўн йилдан кейин ўлдир-

санг ҳам майли эди. Ҳозир уйимга бордим. Эзилиб ўти-ришибди бояқишлар. Узим ҳам эзилиб кетдим. Чидай олмасдан чиқиб кетиб, сенинг олдинга келдим. Била-ман, сен энди урмайсан. Мен ҳам сенга тегмайман. Кел, елкамга мин, сени ўйнатаман. Узоқларга олиб бораман, юр...»

Асрор жавоб беришга кўрқади. Итоаткорлик билан ўрнидан туриб унга эргашади. Дераза олдида яқинлаш-ганда Мирқосим йўқолиб, Асрорнинг кўзлари мошдай очилиб, қўрқувга тушиб ўзини орқага ташлайди.

Кўзи илинди дегунча яна ўша аҳвол.

Бу тонгни ҳам шу аҳволда кутди.

Оёғи тортмаса ҳам мактабга кетди. Икки соатга чидаб ўтирди. Танаффус пайтида дипломатини кўтарди-да, индамай чиқиб кетди. Кейинги кунлар ичи одамови бў-либ қолган Асрорнинг қилиғи синфдошларини яна бир ажаблантирди. Кўпчилик унинг тумтайишини «пул йиғиб адасига берганимиздан хафа» деб ўйларди.

Кинохона олдида Қамариддин йўқ эди. Тўдага яқинда қўшилган икки бола писта чақиб ўтирарди. Асрор улар-га эътибор бермай ўтди. Бир-икки кун аввал анҳорга яқинлашса юраги орқасига тортиб кетаётган эди. Мар-ҳум сувдан сапчиб чиқиб унинг ёқасига ёпишиб олаёт-гандай эди. Бугун оёқлари шу анҳор ёқасига бошлади. Не ажабки, бу сафар сув юзасида у одамнинг кўзлари кўринмайди. Лойқа сув «ҳамма сирларни ёпиб юбор-дим, хотиржам юравер», дегандай оҳиста оқади. Бу со-кинлик Асрорнинг юрагига далда берди. Бироқ, одам ўлдирган ерга етганда ўзи сезмаган ҳолда тўхтаб қолди. Яна ҳаммаси кўз олдида гавдаланди...

...Узоқдан у одамнинг қораси кўринди. Салим билан Шомил туриб ундан сигарет сўрашди. У одам «кутиб турувдиларингми, ҳаромилар» деб сўқди. Шомил мушт туширди. У одам кучли экан, бир уриб Шомилни учириб юборди. Салим ҳам урди, у одам «уруғни қуритиш мана бунақа бўлади» деди. Кейин Салим бирдан сонини чан-галлаб қолди. Кейин Қамариддин турди. Унинг ургани ҳам етарди, Асрор нимага қўшилди? Балки Қамариддин урганда ўлгандир у киши?..

— Нима қилиб турибсан?

Асрор чўчиб тушиб орқасига қаради: Қамариддин ўқрайиб турибди.

— Нима бор бу ерда? — деди у ғазаб билан, кейин Асрорнинг елкасига туртди. — Қани юр, бу атрофга келма дедим-ку! Яна дарсингдан қочдингми? Башканг ишламай қоляптими? Ўзингни тут!

Улар аста юриб боришар, пивоҳона олдида бўш ши-шаларни машинага ортаётган Талъат эса чекиш баҳона-сида улардан кўз узмай кузатарди.

Кўприкка етганларида Қамариддин чўнтагидан бешта юзталиқ чиқарди-да:

— Салимникига ташлаб чиқ, — деб Асрорга узатди.

— Нима деб бераман?

— Шунақага башканг чатоқ-да. Китобим бор эди, де. Кейин шу китоб ичидан экан, деб бер. Аэропортда ҳа-моллик қилиб йиғарди, де. Бор. Ҳа, бугун гастролга ке-таман. Икки-уч кун бўлмасам керак. Салимдан хабар олиб тур.

Қамариддин шундай деб тез-тез юриб кетди.

Асрор эса бораёми-бормайми, дегандай қилиб се-кин-секин одимларди.

Салимнинг онаси ҳовлига экилган помидор кўчатла-рини теша чопиқ қилаётган эди.

— Санқи ўртоғинг келгани йўқ ҳали, — деди у Ас-рорнинг саломига алик олиб.

Асрор китоби борлигини айтди.

— Кириб олавер, биласан-ку нарсаларини. Кошки ки-тоб ўқийдиган бола бўлса.

Асрор кириб китоб ахтарган бўлди. Ҳолбуки, қидиришга ҳожат йўқ, уч-тўрт ўқув қўлланмаси синган оёқ ўрнига гишт қўйилган майиб хонтахта устида чанг босиб ётарди. Қўлга илинган китобни олиб, чангини қоқди. Ҳовлига чиқиб аёлга яқинлашди.

— Опоқи, китобнинг ичидан чиқди, — деди унга пулни узатиб.

Аёл қаддини ростлаб, бир пулга, бир Асрорга ажабланиб қаради. У юзталиқ пулни энди кўраётган эди. Пулни қўлига олиб у ёқ-бўёғини айлантириб кўрди.

— Ростакам пулми? — деди соддалиқ билан.

— Ростакам бўлса керак.

— Бунча пул!.. Уғирламаганми?

— Билмадим... йўқ... Аэропортда юк таширди-ку, йиққандир.

— Йиққандир?.. Нимага йиғади? Қани, буюққа юр-чи. Аёл этагини қоқди-да, уни бир туп баҳайбат тут остидаги супага бошлади.

— Утир, сен эсли боласан. Қуриб кетгуримга ўхшамайсан. Тўғрисини айт, ўғирлаганми?

— Айтдим-ку?

— Айтганинг курсин сени. Ҳамоллик қилиб шунча пул топи бўларканми?

— Топса керак... топади. Битта чамадонга бир сўм олади. Уттизта ташиса — ўттиз сўм. Ун кунда уч юз сўм.

Асрорнинг ҳисоби аёлни ишонтирди шекилли, индамай қолди. Кейин елкалари силкиниб йиғлай бошлади.

— Пешонам шўр бўлмай ўлсин, — деди у бурнини тортиб, — пешонам шўр бўлмаса шу аммамнинг бузоғига тегаманми? Эр экан деб тегибман, туғиш керак деб туғаверибман бу итваччаларни. Болам бечора шу ёшда чамадон ташиб пул топса-я!.. Ман ўлгур уни ўғри деб юрибман. Сен қуриб кетмагурнинг ҳам раҳминг келмайди ўртоғинга. Чилдирма чалишни ўргатсанг-ку, юрарди ёнларингда. Одам бўлиб қоларди.

Асрор шуни ўйламаган экан. Рост, кичкина ноғорани тикиллатиб юрса бўларди-ку. Дадаси жон-жон деб кўнарди. Беш-ўн сўм билан қутуларди. Эҳ, аттанг... «Шу ишлар тинчиб кетса, ёнимга оламан», деб қарор қилди Асрор. Аёл эса дардқашга ёлчигандай, ҳасратини тўкиб соларди.

— Нимага худонинг қаҳрига учрабман, билмайман. Бошқаларга ўхшаб олдири-и-иб ташласам ғазаб қилса майлиди. Худо берган деб туғаверган бўлсам, насибасини бермайдими? Сан билмайсан, баъзан ҳафтада бир гўшт еймиз-а. Амакинг ўлгур инвалид бўлиб инвалидмас, одам бўлиб бутун одаммас. Умидим Салимдан эди. Бу ҳам пешонамга сиғмайди шекилли, кўнглим сезиб турибди. Санқигани санқиган. Тўғрисини айт, ростдан мусобақадами?

— Рост, у зўр бокс тушади.

— Ютса пул оладими?

— Олади.

— Қанча?

— Билмайман.

— Пул олса майли-я, башарасини кўкартирганига яраша, бир кам-қўстига яратади. Пул тўплаб қўйгани яхши бўлибди боламнинг. Қишнинг ғамини ёзда ейиш керак. Укалари бу қишни аранг чиқаришди. Қишлик кийим олиб қўяман. Одам боласига ўхшаб юришсин бояқишлар.

Асрор аёлнинг гапларини эшитатуриб «рост гапиряптиларми ё лоф уряптиларми» деб ўйлади. У бирон-бир оила гўштга ё нонга муҳтождир деб ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Унинг назарида муҳтожлик ўтмишда қолиб кетган, ҳозир ҳамма ерда тўкинлик, тўқчилик эди. Ҳозирги гапларни эшитиб ўзича ҳисоб-китоб қилди. Ун уч жон

кунда эл қатори гўшт-ёғ ейман деса... пул чидайдимми? Нон-чоё етиб турса ҳам катта гап. Демак... Асрорнинг отасидан хафа бўлиши ноўрин. Еб-ичириш, кийинтириш осон эмас экан-да? Асрор шу ёшга етгунча атрофга зийрак разм солмаганидан ажабланди. У ҳаёт ҳақидаги фикрини серҳашам тўйлар, пулдор одамларга қараб бичаркан. Шундай ёнидаги дўсти оиласининг хароб яшашига эса эътибор бермаган экан. «Салимнинг отаси дангаса-да», деб ўйлаб қўя қоларкан. Ота дангаса бўлмаган тақдирда ҳам рисоладагидай яшаш оғир эканига ақли етмаган экан. «Ҳозир мана шу оддий ҳақиқатни кашф қилиб, ақли лол бўлиб ўтирибди. Аёл эса ўғлининг ўртоғига ҳасрат дастурхонини очиб қўйган. Гаплари охирадими ё болага гапириш бефойдалигига фаросати етдимми, ҳар ҳолда ҳасрат дастурхонини ёпди.

— Уртоғинг келиб қолса, айтаман, ўзи бориб кўради сени. Бир амаллаб чилдирмакашликни ўргат, хўпми?

Асрор у билан хайрлашиб, анҳор ёқалаб кўприк томон юрди. Кўприкка етмай ўрамага кўзи тушиб, тўхтади. Урама сув оқизиб келган хасларни хўплаб ютарди. Урама хасларни ўрай-ўрай тўсатдан битта кўзга айланди. Каттагина кўз — ўша одамники. Худди бир кўзини юмиб, иккинчисини Асрорга қадаганга ўхшайди. «Кўрдингми, энди менсиз болаларнинг аҳволи нима бўлади, ким боқади уларни?..» Асрор уни тепганда ғалати овоз чиқарган эди. Ҳозир ўрамадан чиққан овоз ўша одамникига ўхшаб кетади. Асрор чўчиб орқасига тисарилди. Кейин сувга қарамасликка тиришиб, тез-тез юрганича кўприкдан ўтиб кетди.

Кун тиккага келмаган, мактабдаги дарслар тугашига вақт бор. Асрор кўп ўйлаб ўтирмай йўлни Қамариддиникига бурди.

Салим мизғиб ётган эдими ё хаёли бирон нима билан банд эдими, Асрор кириши билан чўчиб тушди.

— Ҳозир уйингга кирдим, — деди Асрор ундан ҳол-аҳвол сўрагач, — ойнини кўрдим. Қамар пул берувди. — Асрор шундай деб пулни қандай бергани, онасининг сўроққа тутганини айтиб берди.

— Яхши бўпти, — деди Салим хазин жилмайиб. — Укаларимга кийим-бош оладилар. Укаларимни кўриб юрагим сиқилади. Ойимга қийин, менсиз қийналадилар.

— Сенсиз қийналиб... нима, бир ҳафтада туриб кетсан.

Салим кўзларини шифтга қадаганча жавоб берди.

— Шу ётишимда ўлиб кетсам керак. Тузалсам ҳам қамалиб кетаман.

— Бу нима деганинг?

— Қамардан ажрамайман мен, билдингми! Уғирлик қилса ўғирлик қиламан, одам ўлдирса ўлдираман.

— Салим! — Асрор қулоқларига ишонмади. Бу гапни ўртоғи айтяптими, эси соғми унинг?

— Ҳа! — Салим овозини баландлатиб жавоб берди. — Ҳа, билиб қўй: Қамар билан бирга борганман ўғирликларга. Яна бораман. У менга отамдан азиз. Қамардан бошқа ҳеч кимга керакмасман. Мактабнинг керагим борми? Йўқ, учга ўқийдиган бола керакмас уларга. ПТУ менга керакмас. Мени ким ишга олди? Ҳеч ким. Мени Қамар бағрига олди. Умрим бўйи чизган чизигидан чиқмайман. Бойваччаларни қийратаман. Онам учун, опаларим, укаларим учун қийратаман уларни.

— Онанга нима ёмонлик қилди улар?

— Билмайсанми? — Салим тирсагига тиралиб қаддини кўтарди. Ярасида оғриқ туриб афтини тириштирди. — Ҳаммасига ўшалар айбдор. Нарх-навони ошириб юборишди. Доктордан тортиб ўқитувчиларга пораб ўргатишди. Замон шуларники. Истаганларини ейдилар, истаганларини қиядилар, истаган қизлари билан маишат қиладилар. Ҳеч кимдан кўрқмайдилар улар. Ҳамма нар-



са уларнинг қўллариди. Мактабинг ҳам, милициянг ҳам, институтинг ҳам уларнинг чангалларида. Сен калланга ишониб институтга кирмоқчимсан? Кириб бўлсан. Даданг анов мактабдан чиқариб тўғри қилган. Олим бўлишинг учун пул керак. Отангинг тўйма-тўй юриб топган пули етмайди, билиб қўй.

— Мен кирмоқчи бўлган институтга бойваччалар яқинлашмайди. Математика билан пул топишолмайди-ку улар? Халқ хўжалигим, юридик ёки шарқ факультетими десанг бошқа гап.

— Математика билан сен тирикчилик қилмайсан. Улар топади йўлини. Шундай топадики, Пифагоринг ҳам ҳайрон қолади.

— Қамар менга пул бермоқчи. Уқимасанг ўлдираман, дейди.

— Тўғри айтибди. Шу калланг билан ўқимасанг ўзимоқ ўлдираман сени. — Салим шундай деб жилмаймоқчи бўлди, аммо оғриқ азобидан инграб юборди. — Мен укаларимни ўқитаман. Агар уларни ҳам саккизни битириб ПТУга жўнатишса мактабингга ўт қўяман, қараб турсан.

— Укаларингнинг ўқигиси келмаса-чи?

— Уқигиси келади. Пул бўлса ўқишади. Менда бўлади пул. Уларни ўқитаман. Опамнинг болаларини ҳам ўқитаман.

— Гапларингдан чолга ўхшайсан. Уқигинг келса, аввал ўзинг ўқи.

— Менда шароит йўқ.

— Бор, шароит бор. Биз билан бирга юрасан. Қамарга айтаман, сенга тегмайди.

— Сен билан? Отарчи бўламанми? Жиннимисан?

— Ҳа, нима бўпти, ор қиласанми?

— Ор қиламан. Хафа бўлмагин-у, ор қиламан. Ундан ўғирлик минг марта яхши.

— Сен... бу ерда бекор ётавериб... ғалати бўлиб қолибсан.

— Ғалати дейсанми?.. — Салим бошини ёстиққа қўйиб яна шифтга тикилди. — Ғалатиман, тўғри. Илгари бола эдим. Қорним тўйса бўлди эди. Бу ерда ётволиб ўйладим: энди бола эмас эканман. Фақат қоринни ўйласам, итдан фарқим йўқ экан. Мен нимага шу аҳволга тушиб қолдим, сен нимага ўғирларнинг ичиди юрибсан. Қамар нимага ўғри бўлиб кетди. Сен шуларни ҳеч ўйлаганмисан? Уйламагансан. Ноғорачангни тикиллатиб пул ишлашдан бўшамайсан. Мен эса ўйладим.

— Ҳўп, ўйлаган бўлсанг ўйлагандирсан, сабабини топдингми?

— Топдим, — Салим шифтдан кўзини олиб, Асрорга тикилди. — Ҳаммасига одамлар айбдор. Одамлар бизни шунақа қилиб қўйишди. Шунинг учун улардан ўч олишимиз керак. Сен бизга қўшилмайсан. Узинг истасанг ҳам қўшмаймиз. Сенинг йўригинг бошқа. Биз эса ўч оламиз. Анали одамни қандай тинчитган бўлсак, бойваччаларни, аблаҳларни шундай тинчитамиз.

— У одам бойвачча эмас, ишчи экан.

— Қаёқдан биласан?

— Онам танирканлар.

— Сувдан чиқибдимми?

— Ҳа... Қамар айтмадимми? Иккинчи куни чиқибди. Одамлар мастликда чўкиб ўлган дейишяпти.

— Бойвачча бўлмаса ҳам аблаҳ. Битта сигарет кимни ўлдирибди. Йўқ, деб қўяқолмайдими бўлмаса, нимага сўқади. Тирик қолганда ҳам кейин тинчитиб кетардим...

Асрор дўстининг гапларидан гангиб ўтирарди. Салим, унинг назарида соғ одамнинг гапларини айтаётган эмасди. «Уч», «тинчитиб кетиш...» қандайдир ваҳший, ёвуз одамларнинг гаплари бўлиб туюлди унга. Демак, у яхши кийиниб, «Волга» ёки «Жигули»да юрувчи ҳар бир

одамдан ўч олиши мумкин. Ҳаром пул топадигандан ўч олса бир нав, ҳолбуки у ҳам Салимга ёмонлик қилмаган, ўз аравасини ўзи тортиб юрибди. Салимга профессор Қутбиддинов дуч келиб қолса-чи? Уни ҳам тинчитадими? Дунё таниган олимдан ҳам ўч оладими? Қутбиддиновнинг айби нима? Яхши топиши, яхши яшашими? Меҳнати назарга, истеъдоди эвазига яхши яшяпти-ку? Унга ёмон назар билан қарашга Салимнинг нима ҳаққи бор?

Асрор Салимга шуларни айтмоқчи эди, «ё наша чекиб довдираяпти, ё яраси оғриб, аламини кимдан олишни билмаяпти, тортишиб, жиғига тегмай», деган қарорга келиб индамади.

Овози яқиндагина раста бўлган, турмушнинг ачиқ-чучугини эндигина сал-пал тортган бу икки бола ҳаёт фалсафасини ўзларича талқин қилиб, ўзларича тушуниб, ўзларича хулоса чиқаришган эди. Болалик тасавури, болалик сурури, яшаш ҳамиша лаззатли, умр фақат ёруғликдан иборат деган тушунча болалик даври ҳатлаб ўтилиши билан биринчи қоронғуликка, биринчи ноҳақликка... урилиб, барча сурурларини чилпарчин қилиб юборган эди. Улар бу қора нур, бу муртадлик, бу маккорлик, бу мўлтонилик — ҳамма-ҳаммаси яқиндагина да пайдо бўлгану уларни бир-икки ҳамла билан тугатиб юбориш мумкин, деб ўйлардилар. Бу маразларнинг асрлардан асрларга, замонлардан замонларга турли кўринишларда ўтиб келаётганини, чопса чопилмайдиган, ёқса ёқилмайдиган иллатлар эканини билмайдилар ҳам. Не-не алломалар, не-не донишмандлар шу маразлар қурбони бўлганидан ҳам беҳабарлар. Буни билиш учун ҳали узоқ яшашлари, курашишлари, мағлубият аламларини тотишлари, кураш алаңида ёнишлари керак. Ҳаётнинг бешафқат эканини тушуниб етишлари лозим. Ҳозир ҳаётни ўз қаричлари билан ўлчаб, ўз идроклари билан тасаввур этиб, ўз йўлларини белгилаб қўйганлар. Салимнинг йўли анёқ — борса келмас йўл. У Қамариддин ортидан кўр одамдай эргашади. Асрор, илгари айтганимиздай, уч йўл қаршисида гангиб турибди. Аввал Қамариддин ҳам чорларди уни. Энди кўкрагидан итаряпти. Нима қилсин у?

Икки дўстни шу аҳволда бир қанча муддатга ташлаш вақти етди. Унутмаган бўлсангиз, ички ишлар бўлимида майор Солиев Санжар Келдиёровни сўроқ қилиши керак эди. Энди сиз билан биргаликда ана шу тергов иштирокчиси бўлайлик.

## Тергов ёхуд ишнинг чалкашиб кетгани ҳақида ҳикоя

Келдиёров самолётдан тушдию хунук хабар эшитди: ўғлини қамоққа олишибди. 126-модда билан айблашаётганмиш. Бу уч йилдан саккиз йилгача деган гап эмиш. Агар ишхонаси кафилликка олса иш анча енгиллашармиш, аммо Санжар заводдан бўшаб кетган эмиш. Бу ҳам етмагандай, болалардан наша чиққанмиш.

Келдиёров буларнинг ҳаммасини бирданига ҳазм қила олмади. Уғли бировни урган бўлса, тўполон чиқарган бўлса тушуниш мумкин эди. Бола шўх, бировни урган бўлса ургандир, дерди. Аммо ўғирлик қилиши тасаввурига сиғмади. Нимаси етмаётувди, нимага ўғирлик қилди. Егани олдида, емагани кетида бўлса. Кўнгли тусаган ҳамма нарса муҳайё этилган бўлса. Ё мардлик қилиб бирорта ўртоғининг гуноҳини бўйнига олиб турибдимми?



«Шунақадир. Менга орқа қилиб ўртоғининг гуноҳини енгиллаштирмоқчидир», деб ўйлади Келдиёров.

Аммо нима учун ишдан бўшаб олди? Саккизинчини битиргач, кечкида ўқийман, деб икки оёқни бир этикка текиб туриб олди. Хўп дейишди. Бироқ кундузи ишла-тишмади. Ҳордиқ чиқарсин, кечкида ўқиш ҳам қийин дейишди. Кейин видео билан наша ғалваси чиқиб қол-гач, ишга жойлашга мажбур бўлишди. Бу ёқда замон ўз-гариб, нозиклашди. Ишни милиция ёпди-ёпди қилгани билан бирон ғаламис чиқиб қолиши мумкин, деб Сан-жарни заводга беришди. Завод катталаридан бири Кел-диёровнинг ошнаси, болани ўз соясига олди. «Завод йўлланма бериб институтда ҳам ўқитиб олади, худо хо-ласа, бизнинг ўрин бегона бўлмайди», деган эди. Сан-жарнинг бўшаб кетганини нечук у билмай қолган? Кел-диёров мана шуларга гаранг эди.

Келдиёров ўғлининг хатти-ҳаракатларини тушуна ол-масди. У Санжартойига барча шароитларни яратиб бе-риши баробарида фарзанди унга яқинлашмай, аксинча узоқлашиб бораётганини ҳануз фаҳхламас эди.

Дейдиларки, устара сартарошнинг ёнида зерикиб ташқарига ўйнагани чиқибди. Юзига офтоб урилиши би-лан атроф чарақлаб кетибди. Устара ўзининг офтоб нурида ял-ял яшнашидан ғурурланибди. «Сартарош-нинг қўлида юрган эканман-да, энди одамларнинг баша-расига суртилган совунни, ўсиқ соқолларни қиртишлаш учун қайтаманми, мен бунга номус қиламан», деб юра-верибди. Шу аснода ёмғир ёғиб қолиб, панага берки-нибди. Орадан кунлар ўтиб у яна ташқарига чиқиб юзи-ни очибди. Э, вох, бу нима кўргилик! Унинг юзини занг босган, офтоб нури юзларида илгаригидек ўйнамас эди...

Келдиёров ўғлининг шу ҳолга тушганини англаб етмас эди. Ривоятдаги устара-ку, ўз манманлигининг қурбони бўлди. Санжарни эса офтобга — жимжима ҳаётга ота-онанинг ўзи олиб чиқди. Боланинг ял-ял яшнашига ав-вало ўзлари маҳлиё бўлишди. Мана энди устаранинг ёмғирда қолганидан, оқибатда занг босганидан жабр топиб, ҳайратга тушиб туришибди.

Келдиёров ёрдамчиси кузатувида район ички ишлар бўлими бошлиғи ҳузурига кирди. Подполковник бундай ташрифни кутган, аммо Келдиёров бунчалик тез етиб келар деб ўйламаган эди. Шу сабабли бир оз довдира-ди. Унга қўл узатиб кўришди-ю, кўзига тик қарай олма-ди. Бу ожизлиги учун ўзини шу ондаёқ койиди. «Нима-дан қўрқаман, айбдор у, мен эмас-ку», деб ёғинди.

— Солиевингиз билан бир гаплашмоқчиман, — деди Келдиёров подполковникнинг рўпарасига ўтириб. Бу билан «ҳамма гапдан хабарим бор», демоқчи бўлди.

Майор Солиев кириб унга босдан-оёқ разм солди. — Уртоқ Келдиёров сиз билан танишмоқчи экан-лар, — деди подполковник вазиятни юмшатиш мақса-дида.

— Биз сирдан танишмиз, — деди Келдиёров совуқ оҳангда. Бу билан гўё «вазиятни юмшатишга ҳаракат қилманг, мен бу ўжар одамни янчиб ташлайман», де-моқчи бўлди. У Солиевга кибр билан тикилди: — Сиз жуда қайсар одам экансиз. Телефондаги илтимосим кор қилмабди-да?

— Уғлингиз устидан жиноий иш қўзғатилди. Бу илти-мос билан битадиган иш эмас, — деди Мақсуд Солиев. Тик турганича сўроққа тутилиши унга малол келди. Шу сабабли гапни калта қилиб чиқиб кетмоқчи бўлди. Бироқ Келдиёров яна гап қотди:

— Илтимос билан битмаса пул билан битадими? Бу гап Солиевга шапалоқ урган билан баробар бўлди.

— Пул билан ҳам битмайди, ўртоқ Келдиёров, — деди ғазабли пичинг билан, — битиш йўли битта.

— Катта кетманг, майор... — Келдиёров чўнтагидан сигарет чиқариб лабига қистирди-да, ёрдамчиси узат-ган гугуртни ёқиб тутатди. — Сиз ўғлимни ўғирликда айбламоқчимисиз?

— Ҳозирча шу модда билан.

— «Ҳозирча» деганингиз нимаси? Бошқа айб ҳам та-қамоқчимисиз?

— Иш якунига етмагунча бир нарса дея олмайман.

Келдиёров энди мушт еган одамдай гангиди. «Нима деяпти бу одам ё атай лақиллатяптими? Йў-ўқ, бунда бир гап бор. «Ҳозирча»сининг оқибати ёмон бўлмаса гўрга эди...»

— Менга қаранг, майор, мана, бошлиғингиз ўтириб-ди. Мен кичкина одам эмасман, лекин сиз билан кели-шишим мумкин. Сизга янги уй олиб берайми, пенсияга чиқар экансиз, «ГАЗ-24» десангиз ҳам майли. Ё ўғлин-гизни ўқишга олиб кириб қўяйми? Нима дейсиз, тиланг тилагингизни. Бола эркалик қилибди, бадном бўлмасин.

— Гапингиздан худди шаҳаншоҳга ўхшайсиз. Аммо мен сиздан тилак тилайдиган кул эмасман, — деди Со-лиев. — Ҳотамтойлигингизни асраб туринг, буёқда суд бор, колония бор, балки улар тилаб қолар тилакларини.

— Шунақами?... — Келдиёров «башаранг қурсин» де-гандай юзини ўғирди. — Сиз бўшсиз, кетишингиз мум-кин.

— Илтифотлари учун раҳмат, аммо мени сиз эмас, бошлиқ қақиртирган, — шундай деб қаддини ғоз тут-ди. — Кетишга рухсат этинг, ўртоқ подполковник.

Рухсат теккач, Мақсуд Солиев қабулхонага чиқиб, графиндаги сувдан қуйиб ичди. Ҳазабини босиш учун чуқур-чуқур нафас олди. Ҳовлига чиқиб крандаги сувда юзини ювди. У бошлиқ ҳузурига чақирилганда Санжар-ни сўроқ қилишни бошлаган эди. Энди ғазаб ўтига мин-ган ҳолда қайтиб терговни давом эттирса чегарадан чи-қиб кетиши мумкин эди. Шу сабабли ҳовлида бир оз нафас ростлаб турди.

Санжар Келдиёров ва шерикларининг ўғирлик қил-ганлари исботланди. Жабрдийдалар уларни аввал расм-дан, сўнг юзма-юз учрашувда танишди. Ўғирлик энг ибтидоий усулда, ҳеч бир ниқобсиз, ҳеч бир алдовсиз содир бўлган эди. Гўё улар ишга милиция аралашиси, оқибатда фош этилишларини билмагандай, шундай ки-ришгану керакли нарсаларни олиб чиқиб кетаверишган. Улар ўғирликка ё маст пайтларида, ё наша таъсирида боришган, ё даҳлсиз қолишларига аниқ ишонишган, ё чинданам гўл бўлишган. Мақсуд Солиев учинчи гумонга ишонмайди. Унда тўртинчи гумон ҳам бор: улар Мир-тиллаевни ўлдиргач, бу жиноятни ёпиш учун ўғирликка боришган. Ҳар ҳолда Келдиёровнинг изига шу қотиллик иши туфайли тушиб, янги жиноятни ўзи ҳам кутмаган ҳолда очди. Агар унинг асосий мақсади қотилликни очиш бўлмаганида, Келдиёровнинг ишини бугуноқ тер-гов бўлимига ошириб юборарди. Ишнинг энг нозик, энг қийин жиҳати энди бошланди. Солиев фақат бир нарсага гаранг: мақсад қотилликни ёпиш бўлса, нима учун икки хонадонни босишган? Биттаси ҳам етиб ортарди-ку?

Санжар Келдиёровни сўроққа олиб киришганда бола-да саросима йўқ эди. У бир-икки танбеҳ бериб қўйиб юборишади деб ўйлаганди. Кундузи қўлга олиниб, тун-ни қамоқда ўтказиши ҳам уни саросима булутига ўрай олмаган эди.

— Менга бир нарсани тушунтириб бер, — деб сўроқ-ни бошлади Солиев, — Ўғирлик қилиш сенга нимага зар-рур бўлиб қолди? Бирон нимага муҳтожлигинг бўлма-са?..

— Ўғирлаганимиз йўқ, уч-тўрт кун кўриб қайтариб берардик.

— Демак, ўғирламадинг, қарзга олдинг, протоколга шундай деб ёзамизми?

— Ҳа.

— Хў-ўш... унда нима учун пичоқ ўқталдиларинг? Уч-тўрт кунга бериб туришмагани учунми?

— Йўк. Тўғриси айтмайми, айтсам қўйиб юборасизми?

— Қани, аввал айт-чи?

— Биз сотиб олмоқчи эдик. Учтага бермади. Ғирт чайқовчи экан у муттаҳамлар. Беш мингдан камига йўк, деб туриб олди. Кейин... кечқурун бордик.

— Профессорнинг номидан борибсизлар, у одамни қаердан биласизлар?

— Содиқ ўқийди ўша ерда.

— Шеринг Сомоновми? Хўп, демак, сотиб олмоқчи бўлгансизлар? Уч мингни ким бермоқчи эди, сенми?

— Пул йиғдик.

— Уч минг сўм-а, қандай йиғдинглар?

— Қандай... биринчи синфдан бери йиғардик. Кейин ишлаб топдим.

— Ишлаб топганинг маълум бизга. Қани, айт-чи, заводдан нимага кетиб қолдинг?

— Ишлагим келмади.

— Мирқосим Миртиллаев устанг эдимми?

— Ҳа.

— У билан нимага уришиб қолдинг?

Санжар «шуни ҳам биласизларми?» дегандай ажабланиб қаради.

— Мен ҳар қандай қораялоққа қул бўлмайман, — деди у кўзини лўқ қилиб.

— Қораялоқ деганинг Миртиллаевми?

— Ҳа, ўша.

— Қул бўлмайман, деганинг нимаси, у сени қулдай ишлатмоқчи эдимми?

— Заводда ишлагандан кейин қул бўлмай нима?

— Миртиллаев сени нима учун урган эди?

— Заводинггаям, ўзинггаям деб сўкувдим.

— Ургандан кейин индамай кетавердингми?

— Ҳа...

— Нимага, сендай болани бир қора ишчи урса-ю, индамай кетаверсанг?

— Ҳамма нарсанинг вақти-соати бор.

— Демак, ўч олишни юрагингга тугиб қўйгансан?

— Мен калтак еб индамай кетадиган бола эмасман.

— Ушандан кейин Миртиллаевни кўрдингми?

— Йўк.

— Эслаб кўр, балки кўчада тасодифан кўргандирсан?

— Кўрмадим.

— Учратиб қолсанг нима қилардинг?

— Билмайман...

— Сумка кимники эди, нашани ким олиб келган?

— Билмайман.

Шу ерга келганда Солиевни подполковник чақириб қолиб, сўроқ узилган эди. Мақсуд Солиев ҳозир ҳовлида нафас ростлай туриб шу қисқа савол-жавобни эслади. «Ишчини одам ўрнида кўрмайди, «қораялоқ» дейди. Унинг назарида заводда ишловчи — қул, — деб ўйлади Солиев. — Шундай фикрда юрган бола ишчини ўлдириб сувга ташлаб юбориши мумкинми? Мумкин. Уч олишни юрагига тугиб қўйганини яширмайди. У ишчидан шапалоқ еганини ҳеч ҳазм қила олмаган. Пивохонада Миртиллаевни тасодифан учратиб қолгану пайтини бой бермаган. Балки ўлдириш нияти бўлмагандир. Уч-тўрт киши орасида копток бўлган Миртиллаевни ўлиб қолди, деб ўйлаб, кўрқанларидан сувга ташлаб юборишгандир?..» Энг оғир савол шу. Бунга жавоб топишнинг ўзи бўлмас. Уғирликни-ку, бўйнига олади. Лекин, қотилликни бўйнига қўйиш учун далил керак. Далилни

балки Талъат топар? Бугун эрталаб пивохона хўжайини билан учрашди. У Миртиллаевни ҳам, Санжарни ҳам суратдан таниди. Таниганда ҳам кутилмаган воқеани айтди: «Санжар ўша куни пивохонада бўлган. Миртиллаевни ҳамманинг кўз олдида уриб, чиқиб кетган. Энди нимага тоняпти?»

Мақсуд Солиев пивохона хўжайинига учрашиб, гувоҳномасини кўрсатганда у довдираб қолаёзди. Расмларни кўриб, савол кутиб ўтирмай, кўрқанидан ҳамма гапни айтиб берди. Майор ҳозир унинг жавдираб турган кўзларини эслаб мийиғида кулиб қўйди-да, ичкарига юрди.

Хонасига қирай деганда ичкаридан чиқаётган овозни эшитиб, жойида тўхтади. Эшбоев сўроқни давом эттириб, ўз усулига содиқ ҳолда Санжарни сиқувга олаётган эди. У Солиевга ўхшаб гапни узоқдан бошлашни ёқтирмасди. Айбни шартта айтиб, «бўйнингга ол!» деб туриб оларди. Баъзан кўрқитарди, баъзан уришдан ҳам қайтмасди. Солиев уни кўп оғоҳлантирди, бўлим бошлиғига ҳам айтди. Бироқ Эшбоев барибир ўзиникини маъқулларди. Жиноятчи — одамгарчиликдан чиққан шахс, шу учун ҳам у билан одам тилида гаплашиш шарт эмас, деб ҳисобларди.

— Бўйнингга олсанг олдинг, бўлмаса қамоқда чирийсан.

— Мен ўлдирганим йўқ уни, билмайман...

Санжар асабийлашаётган эди. Эшбоев бу такаббур, безбет болани бўйин эгишга мажбур қилолмаган эди. «Ишни бузибди баччағар», деди Солиев ўзича, кейин шарт эшикни очиб, ичкарига кирди. Санжар бурчакда тинч турар, Эшбоев ундан икки қадам берида стулга оёғини чалиштириб ўтириб олган эди.

— Эшбоев, — деди майор, унинг ишидан ранжиганини сиртига чиқармай. — Сиз мана бу икки одамни соат ўн саккизга етказиб келинг, юзма-юз учраштира-миз, — Солиев шундай деб пивохона хўжайини билан Имомалиевнинг номи ёзилган қоғозни берди. Эшбоев чиқиб кетгач, майор стулларни жойига қўйди.

— Утир, — деди кўзлари пирпираб қолган Санжарга. Кейин ҳозирги суҳбатдан беҳабардай, чала қолган сўроқни келган жойидан давом эттирди:

— Демак, сен Миртиллаевни кўрмагансан?

— Кўрмадим.

— Сен «Чеҳра» деган пивохонани биласанми, ҳеч кирганмисан?

— Кирмаганман.

— Унда мана бу протоколни ўқиб, гапларим ҳаммаси тўғри, деб қўл қўй.

— Қўймайман, ҳеч қайси қоғозингизга қўл қўймайман. Саволингизга жавоб ҳам бермайман. Менга дадамни чақириб беринг, кейин гапираман.

— Даданг билан учрашдим ҳозир. Лекин у билан кўришганингнинг сира фойдаси йўқ.

— Мен сизни ёмон кўраман! Дадам сизни йўқ қилиб юборади!

— Шуну билиб қўй бола: мен дадангдан зўрларини ҳам кўрганман. Дадангга умид қилма. Мени яхши кўра-санми, ёмон кўрасанми, сенинг ишинг. Лекин саволларимга жавоб беришга мажбурсан. Ҳозир сени камерага олиб бориб қўйишади. Яхшилаб ўйла. Жавобдан бўйин товласанг, терговни чалғитсанг, ўзингга қийин. Ишни тезроқ яқунлашга ёрдам берсанг жазо енгиллашиши мумкин. Сен билан бугун кечроқ яна кўришамиз. Унгача шерикларинг билан гаплашай.

Навбатчи милиционер кириб Санжарни олиб чиқиб кетди.

Санжарнинг икки шериги пивохонада бўлишганини, Санжар бир кишини урганини, уни ажратиб олиб чиқиб



кетишганини тасдиқлашди. Қолган иккитаси пивохолага киришганини бўйинларига олишди, аммо Санжарнинг бир кишини урганини сира «эслашолмади».

Эшбоев иккала гувоҳни ҳам айтган вақтга етказиб келди. Санжар ва унинг шериклари ёнига яна тўрт болани ўтказиб аввал пивохолага хўжайинига, кейин Имомалиевга рўпара қилишди. Пивохолага хўжайини тайсаллаб ўтирмай аввал Санжарни, кейин яна уч болани ажратиб кўрсатди. Имомалиев эса анча пайсалга солди. У болаларни таниб турса ҳам дафъатан кўрсатишга қўрқди. Ниҳоят, шулар шекилли, деб Санжар билан узун болани кўрсатди. Санжар жингалак сочли, кўзга яқин бўлгани сабабли даъвогар-жабрланувчилар ҳам, бу икки гувоҳ ҳам тезда таниган эди.

Солиев Санжар билан пивохолага хўжайинини олиб қолиб, бошқаларга рухсат берди.

— Келдиёров, демак, сен ўнинчи май оқшомида пивохолага бўлмагансан, шундайми?

— Ҳа.

— Уртоқ Мамаюсупов эса сени бўлган, уруш чиқарган деяптилар.

— Ёлгон.

— Гувоҳ Мамаюсупов, сиз нима дейсиз?

— Бу бола тез-тез келиб туради, акахон, аммо тинч кириб, тинч чиқарди. Уша куни нима худо урди буларни, билмайман. Окаси жонидан, бўйнингга олиб қўявер, оқаларингни қийнама. Кайфчиликда уриб юборибман, де, вассалом. Акахон, бу бола кўп урмади. Битта ё иккита уриб қолди. Кейин дарров ажратиб олишди. Пиволариниям йичишмай чиқиб кетишди.

— Балоғатга етмаган болаларга ичкилик сотиш мумкин эмаслигини биласизми?

— Булар балоғатга етмабдими? Йўғ-э, савлатини қаранг, от хурқади. Буларни кап-катта йигитлар дебманда, болалигини билсам, яқинимга йўлатмасдим.

— Билгансиз, гўлликка солманг ўзингизни.

— Улай агар...

— Бу боланинг отасини биласиз-а?

— Биладан. Йўқ, сал-пал эшитганман.

— Яхши, протоколга қўл қўйинг. Ҳозирча бўшсиз.

— Ҳозирча? Ҳали яна келаманми?

— Керак бўлсангиз чақирамиз.

— Хўп бўлади, бош устига, — у шундай деб қуллуқ қилди-да, имзо чекди, кейин Санжарга юзланди: — Окаси жонидан, булар нима деса хўп деявер. Адангни маломатга қўйма.

— Бор-э, сўтак!

— Келдиёров! — майор шундай деб столни муштлади. Бундан Санжар эмас, пивохолага хўжайини чўчиб тушди.

— Қўяверинг, акахон, ёш-да, эси кириб қолади. Хўп, мен кетдим.

Мамаюсупов сўроқда тулкилик, Имомалиев эса қуён-юраклик қилди. «Пивохолага сал-пал жанжал» чиққанини эслади. Бироқ масофа узоқ, қоронғи эканини пеш қилиб, бошқа саволларга жавоб беришдан бўйин товлади. «Пивохолага ораларида қизлар бор эдимми?» деган саволга ҳам «кўрмадим» деди. У ҳар бир саволга жавоб қайтаришдан олдин Санжарга хавотир билан қараб оларди. Назарида, бу бола сапчиб туриб кекирдагини узиб ташлайдигандай эди.

Имомалиев чиқиб кетгач, майор Санжар Келдиёров билан юзма-юз қолди.

— Уртоқларинг ҳам Миртиллаевни урганингни тасдиқлашди. Энди нима дейсан?

— Ҳаммаси ёлгон. Ҳаммасини сотиб олгансиз.

— Пивохоладан саккиз яримда чиққансизлар. Ундан ўн беш минут ўтганда ўғирликка киргансизлар. Орада

бир ярим соат вақт бор. Шу ораликда қаерда эдинглар? — Пивохолада бўлганим йўқ. Менга дадамни кўрсатинглар.

Санжар билан гаплашишнинг фойдаси йўқ эди. Уни чиқариб юбориб Солиев ёлғиз қолди. «Болалар соат унгача кўчада юрдик, дейишяпти. Анҳор бўйида йўл пойлашмабди. Лекин улар-анҳор ёқасида болалар ўтиришганини кўришган. Санжарни тинчитиш билан овора бўлиб кимлар ўтирганига эътибор беришмаган. Санжар нима учун ҳаммасини рад этяпти? Ҳали ҳам отасига ишоняптими? Бўйинимга олсам чиқариб юборишади, деб ўйлаяптими? Улар соат саккиз яримда чиқиб кетишган. Миртиллаев яна жойига қайтиб ўтириб пиво ичган. Ким билан ўтирган? Ким билан ичган? Мамаюсупов таниши керак. Бугун топиб гаплашаман у билан». Солиев шу қарорга келиб, ўрнидан турди.

Энди у пивохолага боратурсин. Биз икки дўст — Асрор билан Салим ёнига қайтайлик. Уларни танлаган ҳаёт йўллари қаршисига рўпара қилиб қўйган эдик...

## Юпанч

### ёхуд Асрорнинг зиёфатдаги кечинмалари ҳақида ҳикоя

Дам-бадам инграб ётган Салим оғриққа чидай олмай вой-войлаб юборди. Асрор шошиб бир қўлида унинг елкасини ушлаб иккинчи қўлининг кафтини пешонасига қўйди. Пешонадан муздек тер чиққан эди.

— Салим, доктор чақирайми, ҳеч ким билмайди-ку барибир. У одамни кўмиб бўлишган-ку?

— Йўқ, керак эмас. Тузалиб қолди. Қотган жойи тортишиб оғрияпти. Сен кетавер. Қамарнинг онаси кўрса, карвонсарой қилиб юбордиларинг, деб жаврайди. Эртага бозор томон ўтсанг, қулупнай олиб кел. Егим келяпти.

Асрор катта хонага чиққач, диванда оёқ чалиштириб, сигарет чекиб ўтирган Қамариддиннинг онасини кўрди-ю шошиб қолди. «Қачон келди, гапларимизни эшитган бўлса-я», деб саросималанди. Кейин салом бериб чиқиб кетмоқчи эди, аёл уни ёнига чақирди.

— Утир, — деди рўпарасидаги юмшоқ креслони кўрсатиб, — ўртоғингни кўрдингми?

Асрор қирққа борган бўлса-да, чиройини, тароватини йўқотмаган бу аёлнинг киприклари узун кўзларига, ярим очик кўкрагига қарашга ботинмай, ерга боққанча «ҳа, кўрдим», деди.

— Аҳволи тузукми?

«Нимага сўрайди, ўзи кўриб турибди-ку?» Асрор шу ўй билан унга бир қаради-ю, ўткир нигоҳига дош беролмай кўзларини олиб қочди. Кейин:

— Яхши, — деди секингина.

— Ҳечам яхши эмас. — Аёл сигаретни ёнида турган кулдонга эзди. Унинг аччиқлангани шу ҳаракатидан сезилди. — Болани жувонмарг қиласанлар. Яраси ириб кетади. Доктор чақиринг керак.

— Менам шунақа девдим, кўнмаяпти.

— Кўнмаяпти... Бир нарса бўлиб қолса, ким жавоб беради, сенми?

— Нега энди? Мен...

— Қамар ҳам шундай дейди. Ҳамманг бир гўрсанлар, — у шундай деб кўз ўрнига соат ўрнатилган тилла узугини бурай бошлади. Узукни чиқариб олмоқчи бўлдими ё асабийлашгандаги одати шу эдим, Асрор ту-



шунмади. Индамай ўтираверди. Ниҳоят, аёл тилга кирди:

— Сен уларга ўхшамайсан. Бошқачароқсан. Билиб турибман. Қамар ҳам сени яхши кўради шекилли. Қамар камдан-кам одамни ёқтиради. Сенинг бахтинг бор экан. Қамар ҳатто мени ҳам ёмон кўради. Ҳалигача ақалли бир марта бўлсин, «она» демади-я мени! — Аёлнинг овози титради. — Ахир мен уни кўчага ташлаб қўйганим йўқ эди. Узимни тутиб олгунимча болалар уйига бердим. Айбим шуми? Унинг нимага қамалганини биласанми?

Асрор бош чайқади.

— Билмаганим яхши. Лекин мен биламан, — у бир нафас жим қолди, хўрсинди. — Кўзим олдида юз берган ҳаммаси. Ушандан бери ундан кўрқаман. Қамокда йўқ бўлиб кетсин, деб худога нолалар ҳам қилганман. Ҳеч замонда она боласига шунақа тилак тилайдими, а?... Кўрқардим ундан, жуда кўрқардим.

— Нимага гапирясиз менга бу гапларни? — деди Асрор ажабланганини яширмай.

— Эшит, жим ўтириб эшит. Қамар сени яхши кўради. Сен уни йўлга солишинг мумкин. Мен ундан кўрқаман... Она демаса ҳам майли, унга айт, мени холи қўйсин. Кечалари ухлолмайман. Унинг овози яна титради. — Уни эсласам юрагим така-пука бўлиб кетаверади. Мана, ўзинг эшитиб кўр, — аёл шундай деб Асрорнинг қўлини олди-да, чап кўкрагига босди, — Асрор уялиб қўлини тортиб олди. Аёл бехос қилиғидан боланинг уялганини сезди, бироқ, ўзини билмаганга олиб, гапни давом эттирди. — Манови болага ё доктор чақиринглар, ё бошқа ёққа олиб кетинглар. Менам одамман ахир, меҳмон-измон чақиролмай ҳам қолдим. Айтсанми, а, унга?

— Айтман, — Асрор шундай деб қутулмоқчи эди, аммо аёл уни яна гапга тутди:

— Сен ўқийсанми? Ҳа, билиниб турибди, ўқийсан. Буларнинг биронтасиям ўқимайди. Ўқимайдиям, ишламайдиям бу такасалтанглар. Сен нимага буларга аралашиб қолдинг? Булар сени ҳам турмага тикади. Биласанми буни? Уфғи, муттаҳам ҳаммаси, билмайсанми буларни?

— Қамар... яхши одам, унақа деманг.

— Яхши одам?... Ҳм, — Аёл истеҳзо билан жилмайди. — Яхши одам, дегин?... Кўрасан ҳали унинг қанақа яхшилигини. Лекин сен... — Аёл Асрорни икки елкасидан ушлаб силкиди, — гапларимни унга етказа кўрма. Эшитса ўлдиради мени... Шусиз ҳам... — аёл уни қўйиб юбориб рўмолчаси билан бурнини чимдиди, — кунда минг ўлиб минг тириляпман. Сен секин тушунтир унга. Бирор уй топиб чиқиб кетсин. Бу уй меники эмас, бир одам олиб берган. Келиб туриши керак. Билиб қолса, сенларга ҳам қийин. Сен тушунтир, хўпми?

Асрор аёлнинг мақсадини тушуниб, «хўп» деб қутулди-да, ўрнидан туриб аста юриб чиқиб кетди. «Жинни хотин экан-ку, — деб ўйлади Асрор зиналардан туша туриб, — ўғлини ҳам шунақа дейдими? Уйдан ҳайдайдими? Қамарга айтаман, бунақада бу хотин сотиб, қаматиб юбориши ҳеч гап эмас...»

Асрор кўчада боратуриб Салимнинг онаси билан Қамариддиннинг онасини ўзича таққослади. Унинг болалик тасавури аввало ташқи кўринишлардаги фарқларни илғади. Ҳар икки аёлнинг кийиниши, гаплари, ўзини тутиши... Уларнинг ҳар иккиси ҳам бахтсизлигидан нолиди. Афсуски, Асрор ҳали ёш, йўқса яна кўп нарсаларни фарқлаган бўларди. Айтайлик, ҳар икки аёл чинданам бахтсиз. Салимнинг онаси шу тўрт девор, шу бир парча ер, сигирдан бошқа нарсани кўрмади. Энг арзон кийимларни кийди. Бола туғиб, бола ўстирди.

Уларнинг уст-боши, емоқ-ичмоғи билан банд бўлди. У кўкраги ярим очиқ қўйлақлар, ясама киприклар, кўз ўрнига соат ўрнатилган тилла узуклар орзу қилади. Орзу қилган бўлса ҳам ўзича орзу қилгандир, аммо шуларни кийсам, тақсам, деб сиртига чиқармаган. У фақат болаларининг уст-бошини ўйлади. Шу деб эри билан кўп марталаб қирличоқ бўлди. Қамариддиннинг онаси эса шу ёшга кириб ўзидан бошқа одамни ўйламади. Унинг қайғуси йўқ эди. Айни чоқда бахти ҳам йўқ эди. Агар Салимнинг онаси билан танишгудай бўлса, сира иккиланмай уни бахтли дерди. Чунки унинг бир этак боласи бор, ёмон бўлса ҳам бошида эри бор. Демак, қариганда хорланмайди. Унинг-чи? Кими бор? Қариганда ким қарайди унга?

Асрорнинг ҳали буларга фаҳми етмайди. Бахт ҳақидаги тушунчани бола бир хил, катта одам бошқа бир хил тарзда талқин қилади. Шундай бўлса ҳам, Асрорнинг болаларча зеҳни энг муҳим бир нарсани тўғри ажратди: Салимнинг онаси яхши аёл! Уни хор қилмаслик керак! Бунинг учун Салим Қамариддиннинг кўчасидан чиқиши шарт. Асрор буни айтади Қамариддинга. Қамариддин яхши одам, тушунади буни. Асрорга қандай яхшилик қилаётган бўлса, Салимга ҳам шундай меҳрибонлик кўрсатиши аниқ.

Шаҳарга асталик билан оқшом қўнмоқда. Асрор офтобда қизиган баланд уйлар оралаб шошилмай юриб борар, хаёли бугунги учрашувлар билан банд эди. Уйга етиб, темир гаражнинг темир дарвозалари очиқ эканини кўрди. Дадаси энди келдимикин ё кетяптимикин? У саволга жавоб топгунича, оқ «Жигули» гараждан чиқиб кўча ўртасида тўхтади. Дадаси машинадан тушиб уни кўрдию қовоқ уйди.

— Қаёқда юрибсан?

— Консултация бор эди, — деди Асрор ёлғондан.

— Консултациянгдан ўргилдим, — деди дадаси зарда билан, — бор асбобларни олиб туш.

Асрор итоаткорлик билан қадамни тезлатиб, зинадан кўтарилди. Уни онаси кўриб хурсанд бўлиб кетди.

— Вой, келдингми-ей, болажон, аданг ёниб турувди-я... Дадангнинг одатини биласан-ку, сал вақтлароқ келмайсанми? Қорнинг тўқми, ке, бир пиёлагина чой ичиб ол. Ичмайсанми, бўлмаса тезгина тушақол. Ёрилиб кетмасин даданг.

Улар қайси бир маҳалла гузаридан ўтиб, торроқ кўчага бурилдилар. Асрор бу маҳаллага тўй бахона аввал ҳам келган, фақат номи эсида йўқ. Дадасининг айтишича, бу маҳаллада сахий тўралар яшайди. Улар бурилган тор кўчада ўнга яқин машина бир-бирига тиралиб турибди. Дадаси бежавотирроқ жой танлаб, машинани қўйди. Пишиллаб туриб руль билан педалга қулф илдида, машинадан тушди. Дераза тоқчаларига рангдор чинни плита терилган, ҳафсала билан зеб берилган уй олдида яхши кийинган, ўрта ёш хипча одам кутиб олди.

— Келинг, ҳофиз, келинг, кўзлар тешилиб кетди-ку кутавериб, бунақамас-да энди... Ие, асбоб қани?

«Бошланди» деди Асрор ғижиниб. Қайга боришмасин, аввал ўзлари киришар, дуо-фотиҳадан сўнг Асрор секин чиқиб тор, доирани олиб кирарди. Дадаси бу одатни сира бузмас эди. Тўйгами, зиёфатгами йиғилганлар эса ҳамма вақт шу асбобни пайровда суюқ аския қилишарди. Аскиялар бир хилда бошланиб, бир хилда тугар, одамлар дадасини калака қилишса ҳам у қуллуқ қилиб келаверар, Асрор эса ич-ичидан ғижиниб, асабийлашарди. Ҳозир ўша пайров айнан такрорланган, улар ичкарига таклиф қилиндилар. Ҳовлидаги орас-талиқ уй эгасининг яхши дид эгаси эканидан далолат эди. Ҳовли ўртасида мрамар фаввора, атрофда гилос,

олма дарахтлари, дарахт атрофи райҳон. Улар этак томонга солинган катта уйга киришди. Уй, Асрорнинг чамасида, мактаб залидан сал кичикроқ. Элликтача одамга мўлжаллаб тузалган дастурхон атрофида йиғирматача меҳмон қўриб ўтирарди. Дадаси таъзим билан кириб меҳмонлар билан сўрашгач, улардан бири узатилган чойни олиб, Асрорга қаради. Бу — «асбобларни олиб кир» дегани. Асрор бу вазифани бажаргач, торни дадасига бериб, ўзи доирани қизитгани ташқарига чиқди. Темир ўчоқдаги оловга доирани тутди. Ошпазлар унинг саломига алик олишди-ю, кейин унга эътибор бермай, суҳбатларини давом эттиришди:

— Иккита тўрт пудлик қозонда юз йиғирма кило гуруч дамлашган экан, эрталаб саккиз бўлмасдан чанги қиқиб кетди. Ошна-оғайнини ҳам йиққан эканлар-да. Тамом бўлман, демайди. Маҳалла раиси тўн кийдириб улгурмайди. Беш юзтача тўн кийдирди-ёв...

— Одамгарчилиги бор-да. Базмда ҳофизларга гал ҳам тегмабдию?

— Э, қанчаси хафа бўлиб жўнаворди. Шер келган жойда уларга нима бор?

— Салоҳиддин аканинг ҳам тўйи зўр бўлди, дейишади?

— Унчалик эмас, зикналиги бор-да унинг. Ўзи пул дегани ачиб-бичиб кетгандир, лекин сир бой бермади. Одам кам бўлди. Қирқ кило гуруч дамлабди.

— Йўғ-э?

— Ана, Жўравой ошпазнинг ўзи дамлабди. Хотин ошига ҳам ортириб берган бўлса керак. Э, ака, мен сизга айтсам, гап тугундаги пулда эмас, гап йигитнинг кўча кўрмаганлигида. Замон нозик деб ўтирасанми, пулинг борми, соч, ўйна, кул.

Улардан бирини уй эгаси имлаб чақирмаганда гаплари ҳали бери тугамас эди. Асрор доирани қиздириб киргач, дадаси бир жуфт ашула айтди. Бу орада хона тўла бошлади. Одамлар қўшиқ сўзларини тингламас эдилар. Худди хонада қўшиқ айтилмаётгандай, бир-бирлари билан гаплашиб ўтирардилар. Уларнинг тўроқларига фақатгина ҳофизнинг ширали овозию қордан таралаётган куйгина кирарди. Агар шу пайт дадаси қўшиққа «Э, ғофил бандалар, разиллигингизга борман», деб қўшиб кетса биров тушуниб етмас эди. Асрор одамларнинг бундай эътиборсизликларига кўникиб қолган. Қўшиқ тугагач, тўрдаги басавлат одам ёнида ўтирган, қотмадан келган қалдирғоч мўйловли йигит ўрнидан турди.

— Тише, ўртоқлар, — деди у биллур қадаҳга санчик билан уриб қўйиб, — Акрамхон акамнинг меҳри Амударё эканини кўриб турибмиз. Бу дастурхонда йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Нимага шунчалик оврагарчилик? Шунинг учунки, Акрамхон акамнинг акахонлари, ҳаммамизнинг меравой акахонимиз Зайниддинхон акамизнинг мартабалари баланд бўлди. Бир ҳафтадан бери қулинг ўргилсин, базани гуллатиб ўтирибдилар. Акрамхон акамиз бундан хурсандликларини мана, биз билан баҳам кўриш учун шу дастурхонни тузадилар. Минг раҳмат сизга. Олинг — олдирманг. Биринчи қадаҳни Зайниддинхон акамизнинг соғлиқлари учун ичамиз. Ҳамма туриб ичади. Зайниддинхон акамизга бундан катта мартабалар насиб этганда ҳам шунақа ўтиришайлик. Ичмаган номард. Қани, кетдик...

Қадаҳлар уриштирилиши қўшиқ бошлашга ишора эди. Аммо қўшиқ яримламай узилди.

— Тише, ўртоқлар, энди сўз жонажон акахонимиз Зайниддинхон акамларга.

Басавлат одам ўрнидан туриб томоқ қирди.

— Шунақа укахонларим борлигидан хурсандман. Мендан қайтмаса, худодан қайтсин. Акрамхоннинг

ўғилчаси бу йил мактабни битиряпти. Мана, домла Турдиев бизнинг арзимас дастурхонимизга келиб ўтирибдилар, ўғилчани шу кишига икки қўллаб топширамизда, а, Акрамхон?

Нотиқнинг бу ёнида ўтирган сариқ сочли киши бош ирғаб қуллуқ қилди. Нотиқ давом этди:

— Биздан қайтмаса, болаларимиздан қайтади, домла, диссертациянгни бошлайверинг, мана, хизматда биз турибмиз. Укахонларимизни ранжитмасангиз бас.

«Ҳали бу домла кандидат ҳам эмас экан-да, — деб ўйлади Асрор, — мана шунақа зиёфатларда еб-ичиб, буларнинг пулини олиб, Отауллага ўхшаган саводсиз ўғилларини ўқишга киритади. Шу пуллар эвазига ўзи кандидат бўлиб олади. Институт эса инкубаторга ўхшаб саводсиз мутахассисларни чиқараверади. Салим ҳақ. Бунақаларга кун бермаслик керак. Ҳамма бузғунчиликни шулар бошлашади...»

Асрорнинг ғаша келиб, доира қизитиш баҳонасида чиқиб кетди. Қайтиб кирса ўша «акахон» ҳали ҳам гапиряпти, Асрорнинг назарида бу одам ўтирган ҳар бир меҳмон шарафига гап айтди шекилли. Ниҳоят, гап тугаб, қадаҳлар уриштирилди.

Яна қўшиқ бошланди. Бу орада олтин ҳалли, кийик тасвири туширилган косаларда шўрва тортилди. Қўшиқ узилмади. Иккинчи қўшиқ якунланай деганда Асрор эшикдан кириб келаётган кишига кўзи тушдию юраги ўйнаб, бадани музлаб кетди. Доирани чертаётган бармоқлари ўзига бўйсунмай, усулдан чиқди. Эшикдан ўша одам — Мирқосим Миртиллаев кириб келган эди. Асрор нима қилишини билмай қолди. Дадаси қўшиқни тугатиб, биқинига туртиб қўймаганида ҳали бери ўзига келолмас эди.

Пойгакроқда ўтирган меҳмонлар ўринларидан туришиб у одамни юқорига ўтиришга ундашди.

— Қани, Мирхалил ака, тўрга, Зайниддинхон акамизнинг ёнларига, — деб кисташди.

Унинг исмини эшитиб, Асрор сал тинчланди. Янги меҳмон кўпчиликни безовта қилгиси келмай, тўрга чиқмади.

— Мирхалилхон ука, бандалик экан, акани ҳам бериб қўйибсиз, ҳозир эшитиб хафа бўлиб ўтирибмиз, — деди басавлат одам.

— Ҳа, энди оллонинг иродаси экан, мастлик қилиб сувга тушиб кетибдилар. Энди айбга буюрмайсизлар, бир ёқда азадорлик, бир ёқда бунақа хурсандчилик, табриклаб кетай деб келдим.

— Хўп ажаб иш қилибсиз, ука. Ўтганларнинг жони жаннатда бўлсин, қолганларнинг умрини берсин, қани, дастурхонга қаранг.

Шу билан зиёфат маромига тушиб кетди. Қўшиқ авжига чиққанида тўрдаги басавлат киши ёнидан бир даста пул чиқариб, битта элликталикни ажратди-да, олдадаги қулупнай пўчоқ солинган ликопча устига қўйиб узатди. Ликопча қўлма-қўл бўлиб, пулга пул қўшилиб ҳофиз томон оқди. Дадаси ашула айтишни тўхтатмаган ҳолда бош ирғаб даврага миннатдорлик билдирди. Бир маҳал ҳалиги одам иккинчи ликопчага пул қўйиб узатди-да;

«Ўзбегим»ни, олинг, ҳофиз, — деб буюрди.

Дадаси Навоийдан айтаётган қўшиқни шарт узиб, «Ўзбегим»ни бошлаб юборди.

— Оҳ, оҳ, оҳ, — деди у киши ҳали қўшиқ сўзлари айтилмай туриб.

— Маъносини тушунармикин булар, — деб ўйлади Асрор, — ўзбегим деб оҳ-воҳ уради, пул қистиради-ю, бир жойда бир оила ўн бир болани боқишга қийналишяпти, десанг юзларини тескари буришади. Салим ҳақ. Салимни йўлидан қайтармаслигим керак. Ўзим-чи? Бу-



ларга хизмат қилиб юравераманми?» Шу хаёлга бориб Асрор яна усулдан чиқди. Дадаси унга қараб, бош силкиб усулга солиб олгач, ашуласини давом эттирди.

Ярим тун бўлди ҳамки, зиёфат тинмади. Алжиб, чуриллаб қолган меҳмонлар кетма-кет қўшиқ талаб қилишади. Акахонларга бўлган ҳурматларини билдириш учун тинмай пул қистиришади. Асрор тўйма-тўй юриб ҳам бунчалик чарчамаган эди. Охири бармоқлари қотиб, ўзига бўйсунмай қолди. Дадаси унинг аҳволини тушуниб ашулани доира жўрлигисиз айта бошлади...

Улар уйга тонготарда келдилар.

Асрор тошдай қотиб ухлади. Зиёфатга борганидан бир жиҳати қувонди — бу тун азобларсиз кечди.

Асрор шунча тунлар ичи биринчи марта осойишта уйкуга кетган экан, майли, уни ўз ҳолига қўйялик. Бизни майор Солиев кутяпти.

## Чигалнинг учи

### ёхуд майор Солиевнинг оёқлари остига тузоқлар қўйилгани ҳақида ҳикоя

Пивохона хўжайини майорни кўриб эсанкираб қолди. Пештахта ортидан югуриб чиқиб, қўшқўллаб сўрашди.

— Бир-икки бола кирувди, чиқариб юбордим. Хўп кўзимизни очиб қўйдингиз-да, раҳмат сизга.

— Мамаюсупов, хотирангиз яхшига ўхшайди. Эслаб кўринг: ўша оқшомда Келдиёров Миртиллаев ўтирган столга келдими ё Миртиллаев болалар ўтирган столга яқинлашдими?

— Болалар ҳўв бурчакда ўтиришган эди. Жанжал ҳам ўша ерда бўлди. Раҳматли Миртиллаев борган бўлиб чиқади-да. Уни шу болалар ўлдиргани ростми?

— Ким айтди сизга?

— Ҳайронман, одамлар оғзида дув-дув гап. Қотилларни ушлашибди, деб юришибди.

— Тил бесуюк-да, а? Энди яна бир эсланг: Миртиллаев калтак егандан кейин яна пивохонада қолган экан, ким билан ўтирган эди? Унинг ҳамсухбатини кўрсангиз танийсизми?

— Танийман. Сизга керак бўлса танийман.

— У одам кейин ҳам келдими пивохонага?

— Пиво бўлади-ю, келмайдими? Келган, ҳозир ҳам у шу ерда.

— Менга холироқ жой беринг, кейин ўша одамни секин чақирасиз. Яна пивохонага овоза қилиб юрманг.

— Улибмизми, акахон, бизам тушунамиз, ишингиз нозик, ҳа.

У шундай деб пастак эшикча орқали орқа ҳовлига йўл бошлади. Бўш қутиларни қўйиб олиб давра қурган уч йигитга яқинлашиб секингина нимадир деди, унинг гапини майор эшитмади. Узала йигит ҳам бараварига унга қараб олишганидан сездики, Мамаюсупов ваҳима бир гап айтган. Йигитлар:

— Гап йўк, акахон, хафа бўлган — ўғри, — деб ўринларидан чаққон туриб, шисаларни кўтаришди-да, майорга салом бериб, ичкари кириб кетишди.

Майор уларнинг ўрнини эгаллади. Зум ўтмай Мамаюсупов эллик ёшлардаги бир кишини бошлаб келди.

— Мана, акахон, Собитбой бирга бўлганлар раҳматли билан.

— Ким ўлдирган экан, ўша ҳаромиларми? — деди Собит, майорнинг рўпарасидаги қутига ўтириб. —

Ҳаммасини отиш керак.

— Отишдан аввал қотилларни тутиш керак.

— Тутмадингларми?

— Тутмадик. Шунинг учун сиз билан гаплашиб олмақчиман.

— Акахон, хизматчилик, бораверайми? — деди Мамаюсупов гапни бўлиб. Рухсат теккач, миннатдорлик билдирди-да, ичкари кириб кетди.

— Мен уни ўлдиришганини кўрмадим. Кўрганимда айтардим, — деди Собит.

— Урган болаларни танийсизми?

— Келиб туришарди... бойвачалар-да...

— Миртиллаевни-чи, уни танирдингизми?

— Уям келиб туради. Илгари бирга ишлаганман. Келиб қолса улфатчилик қилардик.

— Кўп ичармиди?

— Йўқ. Уч шишадан оширолмасди.

— Сиз... ҳозир қаерда ишлайсиз?

— Мактабда қоровулман.

— Заводдан нимага кетдингиз?

— Манови савил йўлдан урди, — Собит шундай деб шишаларга имо қилди.

— Уша куни Миртиллаевнинг пули кўп экан, сезмадингизми?

— Пулини кўрмадим-у, лекин уч-тўрт кишини меҳмон қилди.

— Сиз нима учун бирга кетмадингиз?

— Шунча пивони ташлаб кетаманми? У хурмачасига сиққанича ичди. Кейин кетди. Хотини йўқ, болалари ёлғиз. Вақтлироқ бориши керак. Мен уйга эрта борганим билан одам келдими, ит келдими дейишмаса. Шу ер беркилгунча улфатчилик қилиб ўтираман-да.

Майор қарасаки, Собитбой деганлари ҳасратга тушадиган. Шу сабабли унинг кўнглига қараб ўтирмай, гапини шарт кесди:

— Болалардан калтак егандан кейин алами қўшиб кўп ичиб юбормадими?

— Йў-ўқ, айтдим-ку, учтадан ортиғини эплолмайди, деб. Бу қурғур ҳаммининг ҳам хурмачасига сиғавермайди-да, ака.

— Болалар унга гап отишдими, нимага туриб борди уларнинг олдига.

— Болалар бир нималар деб алжишаётувди, аниқ эсимда йўқ, «қораялоқлар соғ бўлсин», дейишдимийей, «куллар» дейишдимийей, хуллас, хахолашаверишди. Пивохонани бошларига кўтариб юборишди, ҳаромилар. Бойвачча-да, пул кўп — кўнглига сиққанини қилади.

— Кейин нима бўлди?

— Мирқосим турди. Жингалак сочлига бир нима девди, у уриб қолди. Урганни кўрмадим. Ажратишаётганини кўрдим.

— Болалар чиқиб кетишаётганда индашмадими?

— Индашди. Сўкишди. Онаси ҳам қолмади, холаси ҳам қолмади...

— «Ҳали кунингни кўрасан, чиқ, кутиб турамиз» дейишмадими?

Собит ўйланиб қолди. Қулоғига қистириғлик ярим чекилган сигаретни олиб тутатди. Майор унинг жавобини тоқат билан кутди.

— Йўқ, дейишмади. Кутиб турамиз, дейишмади. Анови жингалак соч, уруғингни қуритаман қораялоқ, деди. Буни аниқ эшитдим.

— Миртиллаев болани танир эканми?

— Шогирди экан. Бола катта охурдан ем еганмасми, ишчиларни менсимабди. Кейин Мирқосим бир шапалоқ уриб юборган экан. Бола, назаримда, шунинг аламида юрган-да...

— Болалар кетганидан кейин Миртиллаев нима деди?



— «Бу ҳаромиларнинг одам бўлиши қийин», деди. Аммо жуда тўғри гапни айтди. Мен бу гапга минг фоиз кўшиламан.

— Бошқа ҳеч нима демадимиз?

— Йўқ, кейин эсга ҳам олмадик. Гапирган билан фойдаси борми? Биз гапираверамиз, улар оталарининг паноҳида айшларини суриб юраверишади.

— Анҳор бўйидаги жанжални кўрмадингизми?

— Йўқ. Агар мабодо уларни ушласангиз, ҳаммасини отинг, хўпми? Халқнинг олдига олиб чиқиб отинг, аяманг сира.

Майор чўнтагидан бир даста сурат чиқариб Собитга кўрсатди. У Келдиёров ва унинг шерикларини адашмай, бир зумда ажратиб берди. Шундан сўнг Солиев унга миннатдорчилик билдириб, ўрнидан турди. Собит ичкари кириб жойига ўтирди. Мақсуд Солиев эса пештахтага яқинлашди.

— Анови йигитни танийсизми, мендан пиво олган эди? — деди пивохоноа хўжайинига Талъатни кўрсатиб.

— Бу йигит йўқ эди у кунни. Кейин пайдо бўлди. Қамоқдан яқинда қутулибди.

— Менга чақириб беринг уни, — майор шундай деб изига қайтди.

Талъат ҳаялламади.

— Нима янгилик бор? — деб сўради майор.

— Мен билан бирга ўтирган йигитлардан гумон қилмасам ҳам бўлади. Киссавур улар. Кундузи автобусда ишлашаркан. Уша кунни бу ерга келишмаган. Тўйда бўлишган. Қамариддин деган бир йигитдан шубҳам бор. Ўтириб чиққан. Атрофида болалар бор. Менга қайишмади. Девнинг кучи бор унда. Каратэга уста. Менам бас келолмадим. Бир ўспиринни анҳор ёқасида икки марта кўрдим. Сал ғалати роқ. Қамариддин уни таниркан. Бугун етаклаб олиб кетди. Шу тўдани ўрганиш керак.

— Нима учун?

— Бу ерга жим келиб, жим кетаркан.

— Фақат шунинг учунми? — майор шундай деб Талъатга синовчан тикилди.

— Шугина эмас. Қамариддин мен билан яккама якка чиқди. Мендай безори нима учундир унга маъқул келмади.

— Эски ҳунарини йиғиштирган бўлса-чи?

— Унда атрофига нима учун бекорчи болаларни тўплаб юрибди? Эски ҳунарини йиғиштирганига мен ишонмайман. Менга рўйхуш бермагани — эҳтиёткорлигидан. Нимага эҳтиёт бўляпти? Нимадан чўчияпти? Киссавурлар ноз қилиб ўтиришмади. Мени сафларига қўшишга тайёр.

— Сабабини биласизми?

— Сабаби... — Талъат буни ўйлаб кўрмаган эди. Шу учун хаёлга толди. Сабаби... Қамариддин каттароқ иш қилса керак. Ёки... у ишбоши эмас, ижрочи бўлиши мумкин.

— Атрофидаги болалар-чи?

— Уларми?... Билмадим, ўйлаб кўрмадим.

— Умуман фикрларингизда жон бор. Киссавурлар ўтириб чиққанми?

— Йўқ.

— Қамариддиннинг эҳтиёткорлиги сабаби аввало шу: у қамоқда хўп пишиб олган. Киссавурларингиз ҳали ғўр. Қамариддин чиндан ҳам сирли одамга ўхшайди. Атрофидаги болалар билан қизиқиб кўриш керак. Биронтасининг исмини билолмадингизми?

— Киссавурлар биттасини танишар экан, Салим деган бола, боксчи эмиш.

— Ёши нечада?

— Сўрамабман. Бўлса ўн беш-ўн олтидадир?

— Гуруҳлар орасида рақобат сезилмадимиз?

— Йўқ, ҳаммаси ўзича тинч.

— Шу ҳол сизга қизиқ туюлмадимиз?

— Ҳаммаси ўз иши билан овора, бир-бирига халақит бермагандан кейин...

— Калта ўйляяпсиз. Катта балиқ борлигини билишади булар. «Катта балиқ» катта ишларни мўлжал қилган. Шу сабабли кичиклари тинчдир. Каттаси ким, шуни аниқлаш керак?

— Миртиллаевни шу «катта балиқ» ўлдирган дейсизми?

— Йўқ, улар бунақа оддий одамларга тегишмайди. Лекин қотиллар шу атрофдагилар бўлиши мумкин. Агар бу ерда зерикмаган бўлсангиз, яна уч-тўрт кун юра туринг. Энди чиқиб, пивохоноа хўжайинини айтиб юборинг.

Талъат чиққач, зум ўтмай Мамаюсов пайдо бўлди.

— Бу безбетни қаердан топдингиз, худобезори-ку у? — деди Солиев ўрнидан туриб.

— Э, сиз сўраманг, мен айтмай. Ишга оласан, деб, томоғимдан ғип бўғиб олди, ўғлимни уриб учириб юборди. Энди ўзингиз бир илож қилиб...

— Мен аралашсам бўлмайди, сизни бир бало қилиб кетиши ҳеч гапмас. Ўн кун чидайсиз. Ўн кун ичида ишга кириши керак. Кирмаса, унда биз аралашамиз. Сиздан илтимос, одамлар оғзидан у-бу эшитсангиз, менга етказинг.

— Бажони-дил, акахон. Сизга лозим бўлса, вужудимиз қулоқ-ди.

— Аммо... ўзингиз гуллаб юрманг. Биласиз-а бу-нинг оқибатини?

— Ўлибмизми акахон, биз ҳам ўқиган одаммиз...

Майор Солиев пивохоноа залидан ўтатуриб ўтирганларга бир назар ташлаб олди. «Бу ерга тўпланганлар дунёнинг бирдан-бир юпанчи шу шиша ичида деб билишади. Ана шу юпанч эртами-индин ўзларини гўрга тиқишини англамасалар ҳам хира пашшадай ёпишаверишади, — деб ўйлади майор ташқарига чиққач. — Ҳа, худди хира пашшанинг ўзи булар. Йўқ, пашшадан ҳам нодонроқ. Пашша-ку, оқибатини билмай ёпишади ширага. Булар-чи? Шу ерда жанжал қилиб, олатасир бўлиб кетиши учун биргина нобоп гап кифоя. Ҳозир уларга: «Биродарлар, шу ишингиз чакки, уйларингизга боринглар, болаларингиз билан яйраб ўтиринглар», десам, «милициянинг шундан бошқа иши йўқми?», дейишади. Жанжал чиққудай бўлса: «Дод, милиция қаёққа қараяпти!» — деб фарёд уришади. Булар-ку, энди ўнганмас. Болалари-чи? Ота бу аҳволда бориб боласининг ўқишию қаерда юргани билан қизиқармиди? Отасининг аҳволини билган бола ундан ҳайиқармикин? Боланинг ёмон йўлга кириши учун яна қандай шароит керак? Болалар хилма-хил, оилалар хилма-хил, жиноятлар хилма-хил... Оиласи ночор бўлганидан бола жиноятга кирди, десанг, ўзига тўқ оилаларнинг болалари «мана мен» деб турибди. Амалдорнинг боласи десанг, ишчининг боласи... Булар барчаси қандайдир кўринмас ип билан боғланган. Буларни феодализм сарқити, десанг, орада неча авлод ўзгарди. Қолаверса, бугунги жиноятлар феодаллар даврида бўлмаган. Ғарбнинг таъсири десанг, ғарбнинг яхши ишлари ҳам бор. Яхши ишлар туриб, ёмонларини қабул қилишга сабаб нима? Жиноятчилар, айниқса болалар, адолатга ишонишмайди. Инсонга ишонч беришдан кўра, ундаги ишончни қувиб чиқариш осон. Ишончни қувиб чиқаришга ғарбдагилар ҳисса қўшаётган экан, ўш, ишонччи ким беради? Ота-онами, мактабми, атрофдаги одамларми!..»

Мақсуд Солиев шуларни хаёлидан ўтказиб, бир зум

тўхтади-да, орқасига, пивдхонага ўгирилди. «Уша ерда кайф қилиб ўтирганлар кимга ишонч бериши мумкин?»

Майор кеч бўлиб қолганига қарамай, ишхонасига қайтди. Талъат билан бўлган сўхбатдан сўнг унинг рўпарасида яна бир йўл очилган эди. У ҳозирча Келдиёровларга нисбатан бўлган гумонидан воз кечганича йўқ. Майор Талъатнинг гапларини фикр тарозисига солиб қўриб «ҳар икки йўл бир нуқтада учрашмасмикин?» деган ҳаёлга борди. Агар Қамариддин ижрочи-гина бўлса, у ё пихи қайрилган жиноятчилар хизматида (балки тенг шерикдир?) ёки бойваччалар хизматида. Ҳар ҳолда унинг ҳаёти билан қизиқиб кўриш зарар қилмайди. Солиев шу қарорга келди.

Майорнинг омади бор экан: Қамариддин шу район милициясида рўйхатда тураркан. Солиев унинг «Иш»и билан шошилмай танишиб чиққач, болалар инспекциясига кўнғироқ қилди. Лейтенант Муллақўзиевни топпомағач, эрталаб у ерга кириб келишни ният қилиб уйига йўл олди.

Уйга келиб, хотинининг нохуш кайфиятда ўтирганини кўрдию аввалига унга эътибор бермади. Лекин унинг гапларини эшитгач, ҳайратдан донг қотди:

— Уйни топширишимиз керак эмиш. Бизга шаҳарнинг нариги четидан икки хонали уй ажратишибди. Ижрокўмдан келиб, тайинлаб кетишди.

— Уғлимиз оиласи билан чет элда, келаси йили қайтади, демадингми?

— Э, айтдим, гапга тушунармиди улар...

Мақсуд Солиев шу шаҳарлик бўлишига қарамай, укалари уйланадиган бўлиб, уй торлик қилиб қолгач, ижара жой топиб чиқиб кетган, ўн бир йил ижарама-ижара дарбадар кезган эди. Мана шу кенг-мўл уйни олишгач, қанчалар хурсанд бўлишганди... Энди уни топшириш... Бир ўғли ўқишни тамомлагач, йўлланма билан чўлга кетди. Бири хорижда. Иккови олдинма-кейин қайтади.

Солиев бир уюм тикан устида ётгандай туни билан азобланиб чиқди. Эрталаб мўлжали бўйича болалар инспекциясига эмас, район ижроия комитетига қараб юрди. Ижрокўм раиси уни танир эди, илиқ кутиб олди. Майорнинг гапларини диққат билан эшитди-да, ҳаёлга толди. «Раиснинг хабари йўқ экан» деб ўйлади Солиев. Аммо раис тилга кириши билан бу ўйнинг пуч экани маълум бўлди.

— Иложимиз қанча, — деди раис елка қисиб, — шундай кўрсатма бор. Икки мингинчи йилгача ҳаммани уй-жой билан таъминлашимиз керак.

Майор бу гапдан ҳанг-манг бўлди. Асаблари қақшаб, бармоғи титрай бошлади.

— Яхши, — деди у ғазабини ютиб, — бизни кўчирдингиз. Келаси йили икки ўғлим оиласи билан қайтса, уларни қаерга жойлаштирайсиз?

— Бу ўшанда ҳал бўладиган масала.

— Сиз менга бир нарсани очиқ айтинг: бу кимнинг буйруғи?

— Кечирасиз, ўртоқ майор, мен сизга ҳисоб бермайман. Мен билан бу оҳангда гаплашманг.

— Бу буйруқнинг қаердан чиққанини айтмасангиз ҳам биламан. Сиз эса ўша ҳомийларингизни огоҳлантириб қўйинг: чувварани хом санашибди. Мен уйни бўшатмайман. Келдиёровнинг ишини ҳам тўхтатмайман. Вақти етганда бу қилингангиз учун сиз ҳам жавоб берайсиз.

Раиснинг гапи оғзида қолди. Солиев шарт туриб чиқиб кетди. «Қачонгача бундай ижрочилар одамлар тақдирини ҳал қилиб ўтиради. Мен-ку, ҳақимни қолдирмайман. Ҳақ-ҳуқуқини танимайдиган бўш-баёв одамлар-чи? Шу тўраларнинг гапини гап деб билиб

сарғайиб юраверадиларми? Уни инсон деб шу лавозимга халқ сайлаганидан кейин халққа қайишмай, «буйруқ бажараман», деб ўтиришини қара...» Майор ичида бир сўкиниб олди.

Болалар инспекциясида Муллақўзиев уни кутиб ўтирган эди. Майор ҳали ғазаб отидан тушмаган, шу сабабли лейтенант билан совуқроқ омонлашди. Муллақўзиев буни бошқача тушуниб, ўзини оқлай кетди:

— Кеча оқшом йўқлаган экансиз, уйма-уй юрувдим. Ота-оналар билан гаплашадиган гаплар бор эди...

Майор унинг гапларини эшитмагандай, муддаога кўчди:

— Қамариддин Зайниддинов деган рецидивистни танийсизми? Кўзи ғилай, гавадли. Атрофида болалар тўпланаркан?

— Танийман. Уларнинг «штаби» кинотеатр олдида.

— Болалар рўйхатда турадимми?

— Шунақалари ҳам бор, — лейтенант столи тортмасидан бир тўплам қоғоз чиқариб варақлади. — Сизга берган рўйхатимда бор эди улар.

— Салим деган бола-чи? Боксчи экан. Рўйхатингиздан топмадим.

— Салимми? — лейтенант ўйланди, — бор шунақа бола. Лекин у бизнинг рўйхатда турмайди, анҳорнинг нариги бетида яшайди.

— Телефон қилиб билинг-чи?

Лейтенант қўшни район болалар инспекциясига телефон қилиб, керакли гапларни аниқлади:

— Рўйхатда тураркан. Саккизинчини битириб, ҳунар-техника билим юртига борибди. У ердан кетибди. Ишга кирмабди. Бекор санқиб юрганмиш. Оиласи нобопроқ эмиш.

— Нобопроқ деганингиз нима? Ота-онаси ичарканми?

— Йўқ, кўп болали оила.

— Кўп болали оила нобоп бўларканми, қаердан топасизлар бундай гапларни. Боланинг адресини олдингизми, қани, юринг.

Салимининг онаси уларни кўриб шошиб қолди.

— Вой худо, келинлар, тинчликми? — деди хавотирланиб. Ҳовлига икки милиционернинг кириб келиши уни ташвишга солган эди.

— Тинчлик опа, хавотирланманг. Йўлимиз шу ёққа тушган эди, бир хабар олайлик, дедик. Туруш-турмушингиз қалай?

— Йў-ўқ, мелиса туруш-турмушдан хабар олмайди, ўғлимга бир нима бўлдимми?

— Салимбекками? — майор унга тикилди. — Ундан нимага хавотирдасиз? Узи қани?

— Узимми?.. Узи мусобақага кетган.

— Қачон?

— Бир ҳафтача бўлди шекилли?

— Қаёққа кетди, аниқ билийсизми?

— Шуни сўрамабман... Узини кўрмадим, ўртоғи айтиб кетди.

— Ўртоғи ким?

— Асрор деган бола. Бирга ўқишарди. Жуда эсли бола у.

— Салимбек мусобақага тез-тез бориб турадимми?

— Ҳа... ойда бир боради шекилли?

— Салимбек «мусобақа»дан қайтса ишга кириши керак.

— Биламан, лекин ҳеч ким ишга олмаяпти. Бошқа бир милиса йигит уч-тўрт келди, шунақа деб. Бола бечорани ишга олишмаса нима қилайлик? Узим икки

1. Бир неча марта қамалган одам.



марта бирга бордим. Болабоп иш йўқ дейишади. Жу-  
вонмарглар ҳаммаси пулга ўрганган. Пул берсанг  
ишга олади. Мен болаларимга овқат-озик олайми, по-  
рага пул тўплайми?

— Майорга аёлнинг ҳасрат дафтари керак эмас эди,  
шу сабабли гапни бурди:

— Салимбекнинг Асрордан бошқа ўртоқлари ҳам  
борми?

— Бордир, аммо уларни танимайман. Келишмайди.  
Асрор келиб туради.

— Асрор охирги марта қачон келди?

— Кеча... йўқ, аввалги кўни шекилли?

— Нима деди?

— Китоби бор экан, олиб кетди.

— Ўртоғим қайтдими, деб сўрамадими?

— Сўради шекилли... Вой-эй, бу калламда гап тур-  
майдиган бўлиб қолган.

— Салимбекнинг Қамариддин деган таниши ҳеч  
келганми? Кўзи ғилай, баланд бўйли, ёши ҳам катта-  
роқ.

— Йўқ, келмаган... Нимага суриштиряпсиз? Бир нима  
бўлганми ўзи, айтаверинг, ўзи анчадан бери юрагим  
ғаш.

— Ҳеч нима бўлгани йўқ. Биз... Салимбекнинг ишга  
кирган-кирмагани билан қизиқиб келувдик.

— Киради, келиши билан ўзим орқасидан тушаман.

Улар хайрлашиб, йўлни мактаб сари бурдилар. Мак-  
таб директори лейтенант Муллақўзиевни яхши та-  
нирди, шу сабабли уларни кўриб унча ажабланмади.

— Ҳаваскор безориларимиздан хабар олгани кел-  
дингизми? — деди у ҳазилнамо оҳангда. — Мактаби-  
миз ҳозир анча тинч. Ҳамма имтиҳонга тайёргарлик  
билан овора.

— Салим Бекжонов деган ўқувчингиз ёдингиздами?  
Ўтган йили саккизинчини битирган экан.

— Ёдимда, ҳунар билим юртига юборувдик. Кетиб  
қолибди. Қишда қўшни райондан милиционер йигит  
келувди, мактабга қайтариб олинг деб.

— Олмадингизми?

— Мактаб карвонсарой эмас-ку? Ўқишнинг ярми ўт-  
ган бўлса. Бола ёмон ўқигани учун билим юртига  
юборганмиз. Кейин... у бошқа районда яшайди... Қа-  
дам олиши ҳам сал чакки деб эшитаман. Ўзимизники-  
лар етиб ортади.

— У бекорчиликдан бешиб, жиноятчиларга қўшилиб  
кетган бўлса-чи?

— Унда билмадим, — директор зўрма-зўраки жил-  
майди, — бу энди сизларнинг ишингиз.

Бу гапни эшитиб, майорнинг жаҳли чиқди.

— Фалсафангиз дуруст экан, — деди у, норозили-  
гини яширмай, — ёмон ўқиса, қадам олиши чакки бўл-  
са кўчага чиқариб қўясизу ташвишдан қутуласиз. Мили-  
ция бекор қолмасин, дейсиз-да, а?

— Кечирасиз, мен педсовет қақриб қўйган эдим, —  
деди директор майорнинг ғазабига чап бериб.

— Салим мактабда бокс билан шуғулланармиди? —  
сўради майор унинг баҳонасига эътибор бермай.

— Бундан хабарим йўқ, жисмоний тарбия ўқитувчи-  
сидан сўраймиз буни. Қақрайми?

— Йўқ, керакмас. Бизга ҳозир Асрор деган ўқув-  
чингиз керак. Тўққизинчи синфдан.

— Асрор? У сизга нима учун зарур бўлиб қолди? Энг  
аълочи ўқувчиларимиздан у. Яхши оиланинг фарзанди.

— Биз ундан бир-икки нарсани сўраб олмоқчимиз.  
Директор ўрнидан туриб, қабулхонадаги котибга  
Асрорни топиб келишни буюрди. Кейин жойига қайтиб,  
бола тарбиясининг машаққатлари ҳақида гап бошлади.

— Ҳозирги болалар жиловини туттирмайдиган бў-

либ қолган. Мана, энг яхшилардан деб юрганмиз  
шу Асрор ҳам қилиқ чиқарибди. У саккизинчидаги бир  
қиз билан юрар экан. Менга айтишса ишонмабман.  
Қизни тартибга қақирдик.

— Нима учун қизни?

— Қизнинг оиласи чатоқ. Онаси йўқ. Отаси мажруҳ.  
Бу қиз болалар уйида бузилган. Боланинг бошини ай-  
лантрияпти. Асрор мияли бола. Математиклар макта-  
бида ўқиган. Биров йўлдан урмаса тўғри юриб, тўғри  
туради.

Хонага тўладан келган аёл кириб, директорнинг га-  
пи узилди.

— Мана, тўққиз «А»нинг синф раҳбари Сожида опа.  
Бу ўртоқлар Асрор билан суҳбатлашмоқчи эканлар.  
— Асрор... йўқ. Кетиб қолибди, — деди синф раҳба-  
ри айбдор одамнинг овози билан.

— Кетиб қолибди? — директор қошларини чимир-  
ди. — Қаёққа кетади? Нимага кетади?

— Мазаси йўқ шекилли... Шу ҳафта икки-уч марта  
кетиб қолди. Сал ғалатиноқ юриш-туриши.

— Қачондан бери шунақа? — деб сўради майор  
уларнинг савол-жавобига араллашиб.

— Тушунмадим? — деди синф раҳбари унга қараб.

— Юриш-туриши қачондан бери ғалатиноқ? Унингчи  
майдан буюғини эсланг, — деди майор саволга аниқ-  
лик киритиб.

— Ун биринчида... география ўқитувчиси билан ури-  
шиб қолган, кейин адабиёт дарсида иншо ёзмай чиқиб  
кетган. Шундан бери бир келиб, бир келмай юрибди.

— Буни нимага мен билмайман? — деди директор  
овозини баландлатиб. — У билан гаплашдингизми?

— Йўқ ҳали...

— Боринг, сизга рухсат. Педсоветдан кейин гапла-  
шамиз.

— Кечирасиз, яна бир саволим бор, — деди майор  
сарф раҳбарини тўхтади. — География ўқитувчиси  
билан нима учун уришган, билмайсизми?

— Назаримда, анови қиз туфайли. Қизни тартибга  
қақришган экан. Қиз Асрорга айтган бўлса, аччиқлан-  
гандир?

— Асрор илгари ҳам шунақа интизомсизлик қилиб  
турармиди?

— Йўқ.

— Ана шунинг учун ҳам дарров чора кўриш керак  
эди, — деди директор.

Майор унинг аралашувиغا эътибор бермай синф  
раҳбари билан суҳбатини давом эттирди:

— Асрор безори болалар билан юрармиди?

— Мен кўрмаганман... Лекин қизлар кўришган экан,  
кинохона олдида ўтираркан.

— Буни нима учун менга айтмагансиз? — деди ди-  
ректор овозини баландлатиб.

— Ўзим кўрмаганимдан кейин...

Майор синф раҳбарининг ноқулай аҳволга тушиб  
қолаётганини сезиб унга рухсат берди. Кейин дирек-  
тор билан хайрлашиб, изларига қайтишди.

— Муллақўзиев, энди сиздан илтимос, болалар  
спорт мактаблари билан боғланинг. Салимнинг қаер-  
да шуғулланишини аниқланг. Шу кунларда қаерларда  
мусобақа бўлаётгани билан ҳам қизиқиб кўринг.

Кинохона олдидан ўтаётиб икковлари ҳам беихтиёр  
дарахт соясидаги ўриндиқларга қарашди. Оёқларини  
чалиштириб, сигарет тутатаётган болалар уларни кўриб,  
сигаретларини яширишди. Муллақўзиев тўхтаб: «Ша-  
мил!» деб қақирди. Болалардан бири яқин келиб, са-  
лом ҳам бермасдан «нима ишингиз бор» дегандай  
тикилди.

— Сенга айтувдим-ку?..



Лейтенантнинг гапи охирига етмай, бола «кино ҳам кўриб бўлмайдими?» деб тўнғиллади.

— Бошқа ошналаринг қани? — деди Муллақўзиев пўписа билан.

— Қанақа ошналарим?

— Салим қани, Асрор қани?

— Мин уларга қоровулми?

— Кеча Салимга қўшилиб кимни урдинг?

— Минми? Қанақасига?.. Ҳеч кимни урганим йўқ. Салим йўқ-ку?

— Қаерда у?

— Билмайман. Қаравулми мин унга?

— Кеча бўлмаса ўтган куни ургансан. Узингнинг кучинг етмайди-да, а? Салим боксчи, нима бўлса шунга югурасан. Сенларнинг дастингдан у қамалиб кетади.

— Ҳич кимни урганимиз йўқ. Сизни алдашган.

— Хўп, ҳали текшириб кўрамиз. Бу ерда ўтирмаларинг, бор. — Бола ўзича тўнғиллаб нари кетди. Муллақўзиев майорга қаради: — Гумонингизда жон бор, ўртоқ майор. Бу болалар ниманидир яшираётганга ўхшашади.

— Агар буларда сир бўлса талвасага тушишади. У ҳолда биз ишни тезлатишимиз керак.

Солиев Муллақўзиев билан хайрлашиб, ишхонасига йўл олди. У бугун Келдиёров билан яна бир гаплашмоқчи эди. Хонада Эшбоев ёлғиз ўзи нимадир ёзиб ўтирарди.

— Келдингизми? — деди у бошини кўтариб, — сизни излаб юришибди.

— Ким?

— Шаҳар бошқармасидан подполковник Зиганшин.

— Оббо... Келдиёровни чақириб гаплашмоқчийдим. Сен сўроқ қилмадингми?

— Келдиёровларни олиб кетишди.

— Қаёққа? — майор ажабланиб Эшбоевга тикилиб қолди.

— Шаҳар қамоқхонасига. Шаҳар прокуратурасидан топшириқ бўлибди. Ишга наша аралашгани учун ўзлари тергов олиб боришармиш. Хуллас, у ердагиларда бизга ишонч қолмаганга ўхшайди. Ё Келдиёровга бас келолмайди булар дейишганми...

Солиев шаҳар прокуратурасига телефон қилиб, уларнинг тушунтиришларини диққат билан эшитди-да, енгил тортди.

— Тўғри қилишибди, — деди у трубкани жойига қўйиб.

— Балки тўғридир, лекин шахсан менинг иззат-нафсимга теғди бу, — деди Эшбоев. — Жиноятни очамиз, жиноятчини тутамиз-у, яна бизга ишонишмайди. Нима, мен нашани қаердан олишганини аниқлаб беролмасмидим? Ё сиз уларнинг қотиллигини бўйинларига қўйиб беролмасмидингиз?

— Гап бунда эмас. Келдиёров ҳамма фронт бўйлаб ҳужумга ўтган. Мақсад — унинг пайини қирқиш. Сен хафа бўлаверма.

— Менга нима, мен ишни тергов бўлимига оширдим ҳисоб. Сизнинг ишингиз чала, энди ўша ёққа бориб сўроқ қилаверасиз.

— Яна шошибсан-да, билардинг-ку?

— Буйруқни бажардим, — Эшбоев шундай деб, тескари қараб эснади.

— Ана энди ўзингга келдинг. Яна бу кишининг иззат-нафслари бор эмиш. Сенга қўйиб юбор, деб қаттиқроқ буюришса — қўйиб юборардинг.

— Йўқ, қўйиб юбориш бошқа масала. Мен вазирамни бажардим. Уғрилар топилди, ушланди, бўйнига қўйилди. Яна нима қилишим керак?

— Эшбоев! Билиб қўй: бунақада узоққа бормайсан.

— Сиз-чи?

— Мени қўявер, сен ёшсан, ўзингни ўйла.

Солиев шундай деб хонадан чиқди.

Шаҳар бошқармасининг махсус бўлимидан Зиганшин йўқлаган бўлса демак, кимдандир шикоят тушган. Кимдан бўлиши мумкин? Солиев бора-боргунча шуни ўйлади. Зиганшин, тилла ҳалли кўзойнак таққан, тепакал киши уни ўрнидан туриб қаршилади.

— Чақиртирмасам ўзингча келай ҳам демайсан, — деди у майорга қўл узатиб.

— Иш кўп, биласан-ку?

— Биламан. Яна илоннинг думидан босибсан. Пенсияга чиқмоқчи эдинг-ку, яна нима ғалваларга аралашиб юрибсан?

— Ҳаммасини билсанг керак. Бекорга чақирмагандирсан?

— Биламан... биламан... фақат иккита машина олиб сотганингни билмас эканман. Шу ростми?

— Иккита олганим рост. Биттасини тўққиз йил миндим, жиянимга арзон-гаровга сотдим. Кейингиси уйда турибди.

— Одам уриб юборганинг-чи?

— Архив кўтарилганга ўхшайди-ку? Одам урганим ҳам рост. Лекин айб ўша одамда бўлган, у маст экан. Менда айб йўқ эди, ҳаммаси тасдиқланган.

— Кеча қўлга олинган болани урибсан?

— Тушунарли... Демак, Келдиёровнинг қўли бу ерга ҳам етибди-да? Нима қилай, пенсияга чиқиб кетайми, шуни айтгани чақирдингми?

— Улкангни босиб, ишингни қилавер, деб чақирдим. Узингга маҳкам бўл, деб тайинлагани чақирдим. Олифтагарчилигини қаранг-а, бунинг!

— Эрталаб райижроқўмга кирувдим. Уйни бўшатишни талаб қилишяпти. Шаҳарнинг шимолидан икки хонали уй беришибди.

— Ана, кўрдингми, сен қуршовга олингансан. Уйлаб ишла. Тушкунликка берилма. Бошқа гапим йўқ. Биз шикоятни текширишга мажбурмиз. Сен бизга эътибор бермай, ишингни қилавер.

«Сен ишингни қилавер...» Майор Солиев Зиганшин билан хайрлашиб чиқиб унинг сўзларини эслади: «Сен ишингни қилавер...» Айтишга осон. Биров оёқларинг остига тузоқлар қўйиб ташласа-ю, сен ҳеч нимани кўрмагандай кўзингни чирт юмиб юриб ишингни қилаверсанг...»

Келдиёровнинг найранглари Солиев учун янгилик эмас. Бунақа ишларни аввал кўриб дардини ичига ютарди. «Ҳа, буларнинг бўлгани шу-да», дерди. Ушанда Зиганшин айтганидай «ишини қилаверарди». Энди-чи? Замон ўзгарди, гаплар ўзгарди, нима, одамлар ўша-ўша найрангбоз бўлиб қолаверадими? Келдиёровларнинг даври даврони ўтмадими, фақат либосини ўзгартирдими? Солиев мана шу жумбоқнинг тагига етмай ҳайрон.

Солиев «ишини қилавериш» мақсадида Қамариддин-никига қараб юрди. У хаёлларига банди бўлиб, дам ғазабланиб, дам ўзига-ўзи тасалли бериб борарди. Келдиёров уни синдиришни мўлжаллаган. Бошқа одам балки йўлидан қайтарди. Лекин Солиевнинг қайтиши сира мумкин эмас. Агар қайтса, иродаси дарз кетса, у одам эмас, кўрқоқ бир махлуққа айланади. Йўқ, у уйи учун курашмайди, ёзилган тўхматдан куймайди. Барча найранглари учун у биратўла жавоб беради — Солиевнинг аҳди шу. Солиев Келдиёровнинг мақсадини яхши тушуниб турибди. Келдиёров ундан шунчаки ўч олмоқчи эмас. Йўқ, бу тоифаларнинг нияти ўзгачароқ бўлади. Улар эртани ўйлашади. Эртами-индин Келдиёров тои-

фа одамнинг эркаси бир қилиқ чиқарса терговчиға ёки инспекторға «яхшилиқча ишни ёпди-ёпди қил, бўл-маса майор Солиевдай хор бўласан», дейиш учун ҳам керак бу найранглар. Солиев чекинишни қанчалик истамаётган бўлса, улар ҳам оддий бир инспектордан зарба еб индамай кетишни ўзлари учун сўнчалик ор деб биялптилар. Ана шу орият уларни энг сўнгги пасткашлиқларға бошлаяпти. Мақсуд Солиев шуларни ўйлаб ўзини мамнун бўлди: «Шунча казо-казонинг тинч-ни бузган бўлсам чакки одам эмас эканман-да, а!»

Майор тўғридан-тўғри Қамариддиннинг хонадонига кирмай, унинг рўпарасидаги эшик қўнғироғини босди. Узун бўйли, қадди буқик қария эшикни қия очди. Солиев ўзини танитгач, ичкарига таклиф қилди. Унг қўлдаги кичикроқ хонага хонтахта қўйилиб, кўрпачалар тўшалган эди. Солиев ўтириши билан уй бекаси — кўринишидан ҳали ғайратини йўқотмаган кампир кириб келди. У саломға алик олиб, майорға бошдан оёқ синчиклаб разм солди.

— Мен қўшнингиз Қамариддин ҳақида бир-икки оғиз гап сўрасам деб кирдим, — деди Солиев, кампирнинг қарашидан ғаши келиб.

— Нима бало, яна одам ўлдирибдими? — деди кампир, унга янада қаттиқ тикилиб.

— Нимага унақа деб ўйлапсиз?

— Нимага бўларди, одам ўлдириб ўтириб чиққанми? Энди милиса бекорға суриштирмас?

— Бекорға ҳам суриштиради. У жазосини олди. Энди тўғри йўлга тушдими, йўқми, маълум вақтга қадар кузатиб юрамиз. Йигитнинг юриш-туриши қанақа?

— Юриш-туриши бинойи. Тинчгина юради. Саломни қанда қилмайди, — деди чол.

— Сиз тек туринг, билмасангиз мана мен гапирай: ҳеч кимга салом бермайди. Гунг-соқовнинг ўзи. Тум-тайиб юради. Кўзига қараган одам кўрқади. Қамокдан чиққанидан кейин бир ой кўрқиб, ухламай ётдим.

Солиев қараса, кампир тинмайди. Чолнинг жим бўлиб қолишидан маълумки, бу оилада биринчи сўз ҳуқуқи шу кампирға берилган. Солиев вақтни беҳуда сарф этмаслик учун савол бериб, кампирнинг гапини узди:

— Қамариддин ичиб юрмайдими, мушшлашмай-дими?

— Йўқ, — кампир гапи узилганидан норози бўлиб, бош чайқади-да, давом этди: — Тинч юришга тинч юради. Лекин ўшанда қамокдан қайтганда...

Майор барибир унинг бекорчи гапга берилишига йўл қўймади:

— Уйларига одам кўп келадими?

— Унақа кўп келмайди.

— Охирги марта ким келди?

— Эсимда йўқ.

— Бир болани кўрдик-ку, — деди чол, — ўзинг мақтадинг, «одобли бола экан, қироат билан салом берди», дединг-ку?

— Сиз тек туринг. Деган бўлсам дегандирман. Эсимга тушди. Бир бола келиб кетди.

— Илгари ҳам келармиди у бола?

— Йўқ, бир мартагина кўрдик.

— Каттароқ йигитлар келмайдими?

— Йўқ. Қамокдалигида онасиникига бир одам келиб юрарди. Энди кўрқиб келмаётибди шекилли?

— Балки келаётгандир. Сен қаёқдан биласан, пойлаб ўтирибсанми? — деди чол.

— Сиз тек туринг, келса мен билардим.

— Қамариддинни охирги марта қачон кўрдингиз?

— Икки кунми ё уч кун бўлди-ёв. Она-бола уришиб қолганими, онаси остонада «уволига қоласан!» деб ба-

қирди. Боласи «ишинг бўлмасин!» деб кетворди. Мени кўриб салом ҳам бермади. Одоб деган нарса бегона унга.

— Раҳмат сизга, — майор шундай деб ўрнидан турди. Чол-кампир билан хайрлашиб, тўғри Қамариддиннинг уйига қараб юрди. Кампир эшикни қия очганича то майор ичкарига киргунча қараб турди.

Қамариддиннинг онаси эшикни очди-ю, рўпарасида милиция майорини кўриб, саросимага тушди.

— Насибохон Камолова-мисиз, салом, — майор шундай деб унга ҳужжатини кўрсатди. — Мумкин бўлса, ичкари кирсам.

Аёл уни рўпарадаги катта хонага бошлаб юмшоқ ўриндиқдан жой кўрсатди. Ўзи эса майорнинг рўпарасига ўтириб, қўлига сигарет олди.

— Марҳамат, чекинг, — деди у илтифот кўрсатиб.

— Раҳмат, чекмайман, — деди майор унинг киприклари узун кўзига тикилиб.

Насиба эркаларнинг бундай тикилишига кўникиб қолганмиди, ҳар ҳолда эйтибор бермай сигарет тутатди.

— Тинчликми? — деди у тутун пуфлаб.

— Тинчлик, Қамариддиндан хабар олиб кетай дедим. Юриш-туриши қанақа, ишга кирганми?

Аёл унга савол назари билан қараб қолди.

— Қамокдан қайтиши билан ишга кирган. Сизларга ҳисоб бериб туради-ку. Ё янгимисиз?

— Бўлимда янгиман.

— Сизларнинг ҳам алғов-далғов қилиб ўзгартириб эйтишибдими? Ҳозир ҳамма ёқда шу аҳвол. Буёғи нима бўларкин?..

— Қаерда ишлаяпти?

— «Ором» ресторанида. Швейцар. Юриш-туриши яхши. Маст-аласт, дарбадар юрмайди.

— Муносабатларинг қанақа?

— Яхши.

— Уч кун олдин «уволига қоласан» дебсиз, кимни назарда тутдингиз? Ушанда ораларингиздан нима гап ўтди?

— Она-бола орасида нима гап ўтарди. Уни болалигида детдомга берганман. Шуни эслайверади, кечирмайди. Ўлгунимча ҳам кечирмаса керак... Уволига қоласан... деб ўзимни айтдим. Бунақа сиқаверса, адоий-тамом бўламан-ку...

— Шу аҳволда қандай бирга турасизлар?

— Нима қилай, ҳайдаб чиқаролмасам?

«Ҳайдаб чиқаролмасам... — ўйлади майор, — дедим, ундан безган, қутулса жон-жон дейди. Лекин сир бой бергиси келмапти ё кўрқармикин ўғлидан!..»

— Ҳозир у қаерда?

— Ишда.

— Ҳар қуни ишлайдими?

— Тайини йўқ. Ўзи уч кунда бир чиқиши керак. Бирови касал, бировининг тўйи бор. Швейцарларнинг бири ноғорачи, бошқаси сурнайчи, шуларнинг ўрнига ишлайди.

— Унинг майда кечқурун қаёқда эди, уйга нечада қайтди, эслайсизми?

Бу саволни эшитиб, аёлнинг мижжалари титраб кетди. Сигарет тутган қўли қотди. Ундаги ўзгаришни майор сезди. Қутилмаганда қўшни хонада Салим инграб юборди. Майор шу томонга ярқ этиб қаради. Аёл сапчиб кетаёзди.

— Ким бор? — деб сўради майор.

— Жияним... меҳмонга келувди, тоби йўқ. Иситма-лаб қолибди.

— Эсладингизми?

— Нимани?... Ҳа, хаёлим қурсин, Қамариддин ўша

куни ишда эди, бирдан ошганда келди.

«Тальятнинг гапига қараганда, уни ўнинчи майда пивохонада кўришган. Қизиқ...» деб ўйлади майор.

— Уйга ўртоқлари келиб турадимми?

— Йўқ, унинг ўртоқлари бўлмаса керак. Бу ерга ҳеч ким келмайди.

— Қамариддин келса, манави чақириқ қоғозини бериб қўйсангиз. Эртага соат ўн бирда кутаман уни.

Майор ўрнидан тураётиб ҳозирги овоз чиққан хона томон қараб қўйди. Аёл буни сезди. Чаққон ўрнидан турди-да, меҳмонга жилмайиш ҳада этиб, уни кузатди.

Солиев кўчага чиқиб автомат телефон уйчасига кирди. Хотини кун бўйи уни кутиб қон бўлгандир. Майор янглишмаган эди. Хотини йиғламсиради.

— Бордингизми каттасига, югурдаклари яна келишди?

— Бордим, хавотир олма, — деди майор хотинини юпатиб. — Ҳаммаси тўғри бўлади. Мен бир соатдан кейин бораман.

Хотини индамай трубкани жойига қўйди. Солиев болалар инспекциясига қўнғироқ қилди. Муллақўзиев кутиб ўтирган экан, майорнинг овозини эшитибоқ ҳисобот берди:

— Аниқладим, ўртоқ майор, Салим бокс билан мунтазам шуғулланмаган. Икки йил олдин «Динамо»нинг бокс мактабига қатнаган. Беш-олти ой машқ қилган. Кейин болалар билан муштлашгани учун четлатилган. Ҳозир ҳеч қаерда бу ёшдаги болалар мусобақаси йўқ.

— Баракалла, лейтенант. Энди гап бундай: эртага соат саккизу ўттизда мактаб олдида учрашамиз. Асрорни топиб, гаплашиш керак.

Майор трубкани жойига илиб, йўловчи машина тўхтатди-да, «Ором» ресторанига жўнади. Ресторан эшигига одатдагидай «Жой йўқ» деган лавҳа осилган, останада шопмўйлов барзанги тўғаноқ бўлиб туриб олган эди. Майор яқинлашгач у ўзини четга олди.

— Қамариддин шу ердами? — деб сўради майор ундан.

— Қайси Қамариддин?

— Филай йигит.

— Э, уми... йўқ бу ерда. Жавоб сўраб кетган.

— Сиз... ноғорачимисиз?

— Э, ким айтди? Ноғорачи ҳув ичкарида, мен карнайчиман. Лекин ишдан ташқари пайтда. Пул тўлаб, патент олиб қўйганман. Буёғи қонуний.

— Ўнинчи майда тўйдამидингиз?

— Ўнинчидами?... Ҳозир... — Шопмўйлов кўкрак чўнтагидан дўмпайиб турган шапалоқдек ёндафтарчани олиб, варақлади-да, бош чайқади. — Ўнинчида тўй йўқ, ишда эканман.

— Навбатингиз тўйга тўғри келиб қолса нима қиласиз? Урнингизга Қамариддин турадимми?

— Саволингизга қараганда, гапингиз жиддийга ўхшайди. Ичкарига киринг, хўжайин шу ердалар. Ўзлари бир нима демасалар... биз кичкина одаммиз.

Ресторан директори гапни бир оз айлантирди-ю, кейин ўринбосарини чақирди. Майор кутгандай бўлиб чиқди: ўринбосар Қамариддиннинг шунчаки рўйхатда туриши, аслида эса бошқалар унинг ўрнига ишлашини тан олди. Директор унга ўша заҳотиёқ ҳайфсан эълон қилиб, кейин вазиятни юмшатишга уринди:

— Онаси бошқармада ишлайди, йўқ дея олмаган-да. Узр, энди қайтарилмайди.

Майор эрталаб уйидан чиққанида дили хун эди. Кундузги ишлари, ниҳоят, ресторандаги суҳбат унинг кўнглига равшанлик олиб кирди. Иш пича силжиган эди. У ҳали Қамариддин, Салим, Асрорлар Миртиллаев ўлимига дахлдор эканини билмасди, лекин бу гуруҳ

атрофидаги сир унга ниманидир ваъда қиларди. Майор Миртиллаев ўлимига Келдиёровлар айбдор деган гумонидан ҳали бутунлай воз кечмаган, келгуси сўроқларда кўп нарса аниқланишига ишонарди. Келдиёровнинг уринишлари майорни баттар сергаклантирган, «фақат ўғирлик учун боласини бунчалик ҳимоя қилмас, каттароқ жазодан қўрқяпти. Менинг ўғрилари эмас, қотилларни излаётганимни билади-ку?» деган гумон миясига қаттиқ ўрнашиб қолган эди.

Майор бугунги ишларидан қониқиб, уйига боратурсин. Биз эса Асрор билан юзлашишга борайлик. Кундузи қаерда эди?

Охири келгуси сонда



Ойбек Раҳим



\* \* \*

Кўкдан ойни излама,  
Излама юлдузларни ҳам.  
Ой ботган менинг кўксимга,  
Кўзим осмонига кўчган юлдузлар.  
Кўзимда юлдузлар нурини кўриб,  
Мени бахтли деб аташганида  
Кўзимдан ерга қулар юлдузлар.  
Ой эса, ярим, доғли ой,  
Оғир тўлғанар.  
Ярми ғамга айланган ой,  
Бир кун муҳаббатдан тўлишар эҳтимол.  
Лекин ундан ўчмас,  
Сенинг изларинг.

\* \* \*

Майсалар ёноғида кўз ёш кўраман,  
Сенсиз қаршилаб ҳар тонгни.  
Қандай унутай юрагимда  
Улар қарашидан уйғонган оҳангни.  
Сени излаб кетаман,  
қолишар улар,  
Оёқ изларимни кўтариб бошга.

\* \* \*

Тошлигимни англадинг ниҳоят  
Қаттиқман, совуқман, теккизмагин лаб.  
Сен ҳам тош бўл, тоғдаги тошлар  
Исиниб ётишар бир-бирин қучоқлаб.

\* \* \*

Ошёнларинг мени йиғлатди,  
Сасларингга бўлолмадим жон.  
Юрагимдан кўчди ғамлар ўпқони,  
Юракнинг хокига айланди армон.

Ҳар қадамда энди дорлар қурилган,  
Нетамиз манзиллар экан тескари.  
Гуноҳларимга қўшилди гуноҳ  
Сенинг дунёндан кетганим сари.

Ошёнларинг мени йиғлатди.

1965 йили Янгиариқ районининг Таган қишлоғида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультети талабаси. Шеърлари республика матбуотида, «Ёшлик» альманахларида бир неча мартаба эълон қилинган. Республика ёш ёзувчиларининг V семинар-кенгаши қатнашчиси.

\* \* \*

Кучоғига олади майсалар мени,  
Кўкдан ёғдулар тўкилаверар.  
Тарк этмайди мени ҳаяжон,  
Юрагимда бир қиз гул терар.

Унутади кўнглим фарёдни  
Кўкнинг оғуши яна кенгаяр.  
Мастона кулгумдан дунё сархуш  
Юрагимда бир қиз гул терар.

Бахтли лаҳзадан улғаяр вужуд,  
У уфқдан бу уфққа қадар.  
Ниғоҳимга суянар осмон,  
Юрагимда бир қиз гул терар...

\* \* \*

Бошингни силайвериб  
толлар шамол қўллари,  
Канда қилар у сенга бахт тилашни.  
Энди сен албатта ўрганмоғинг шарт.  
Ўз бошингни ўзинг силашни.

\* \* \*  
Кўз ёшлардан сўқмоқ қолди ёноқларимда,  
Шу сўқмоқдан чопқиллаб ўтди кунларим.  
Гулларга бердим маъсум кулгуларимни  
Фақат бир лаҳзалик севги бўлолди умрим.

Мен учирган бахтнинг оппоқ қушлари  
Қанотларин судраб қайтдилар майиб, хор.  
Умидвор этди қўшиқлар мени,  
Ҳазонгир экан мен кутган баҳор.

Барибир худога шуқр қилавердим мен,  
Дунёда мени ҳам суяр одам бор.  
Оташ улашмаса оташдан яралган юрак,  
Дунёда мени деб куяр одам бор.

\* \* \*  
Кўзим равшан тортсин деб онам  
Қабристондаги қудуққа ташларди буғдой.  
Болалик уйқусига тўймасдан тонгда  
Онам билан борардим кечиб лой.

Узоқ тикиларди онам қудуққа,  
Тиниқ эди қудуқ суви ҳам.  
Қудуқда буғдой унганин кўрганман шунда,  
Онам мени койирди қудуққа эгилсам.

Бу бир болаликдан қолган хотира,  
Эсласам онамни қўмсай бошлайман.  
Энди равшан тортсин деб қудуқлар суви  
Мен қалб кўзларига буғдой ташлайман.

\* \* \*  
Гул бўлмоқ эди тошнинг орзуси,  
Ким ҳам биларди унинг дардини?  
Минг йиллар оққан шаршара ҳатто  
Юва олмади юрак гардини.

Неча баҳорга мафтун бўлди у,  
Гулларнинг ҳусни — бағрида оташ.  
Тонгда охир бир кун думалаб пастга,  
Бир лаҳзалик садо бўлди тош.

\* \* \*  
Эски деб уйимизни қулатдилар,  
Илдизи ер остида қолди.

Ҳар гал қишлоққа борганимда  
Пайпаслаб топаман илдизни.

Илдизидан униб чиқмас экан уй.



## Каромат Дўстматова



### Баҳор келар қандай кўйлақда?


\* \* \*  
Менинг кўзим кўр-у, сенинг қўлинг шол,  
Эрта баҳор келар қандай тилақда?  
Ушлаб кўролмайсан қўлларинг билан —  
Эрта баҳор келар қандай кўйлақда?  
Сенинг кўзинг кўр-у, менинг қўлим шол,  
Пажмурда гавдасин кўтаролмас ток.  
Бир дона чаросга зор-у зор бўлиб  
Куз хазон сочларин юлар аламоқ.  
Менинг юрагим шўр, забонгинам шўр,  
Қирон келди, қарға чўқимас нечун?  
Қоним қайнаб туриб қон бўлмагандай,  
Офтоб номозгарин ўқимас нечун?  
Сенинг дилгинанг ғўр, тилакларинг ғўр,  
Бошпана тополмай хўрсинар осмон.  
Бунда энди бўйсиз гуллар ўсади,  
Тошдай тўшакларин ёяр биёбон...

\* \* \*  
Ёмғир ёғар, ёмғир — бедордил  
Рутубатли боғни қучгали.  
«Вақт бормикин, бормикин бизда  
Никоҳ сувин бирга ичгали.»

Ёмғир ёғар, йўлақлар аро  
Судралади кеч куз оёғи.  
Сен девона, мажнунаман мен  
Чорлар Камол Хўжандий боғи...

### Миртемир ёди

Юлдузлар тўкилиб кетмайди абад,  
Одамлар йиқилмас она заминга.  
Фақат энтикиброқ айланади ер,  
Кўникиб борамиз гумон, тахминга.  
Хокдан одам ясаб ўйнамас дунё,  
Хокдан дунё ясаб ўйнайди одам.  
Буюкларнинг улкан эшикларига  
Термулиб ўтади курраи олам.  
Гоҳида йил бўйи чекилган ҳасрат  
Арзимас бир кунлик тортган жафога.  
Элим, кўзмунчоғинг нега узилди,  
Йўқса, етармиди бўйинг самога?




# НИМГОХ

Янгиликнинг ҳаётга кириб келиши осон кечмайди. Кимдир уни маъқул топса, кимдир муқаррар инкор этади. «Ўзбекистон маликаси» кўриги ҳам шундай баҳсу мунозараларга сабаб бўлди. Кўригининг бизга манзур бўлган жиҳатлари шундан иборатки, қизларимизнинг ақлу заковатини синовчи саволлар ҳам, улар намойиш этган либос ва тақинчоқлар ҳам миллий заминга эга. Кўрик гарчи муайян нуқслардан холи бўлмаса-да, бир қадар миллий йўсинга қурилганлиги билан Фарбдаги шу хил конкурслардан ажралиб туради.

Бу йил бухоролик Гулҳаё Исмоилова «Ўзбекистон маликаси» дея эътироф этилди. Уқиш, оилада, ҳаётда ҳам Гулҳаё малика бўлиб қолади, унинг бошидаги тож ўзга маликаларга соя ташламайди, аксинча, дилларга ёруғлик улашади, деб умид қиламиз.

Абдугани ЖУМАЕВ  
тайёрлаган.

# ЎЗБЕКИСТОН МАЛИКАСИ-89







FUNK



# «Шоҳнома» и туркии

## ҚИССАИ СИЁВУШ

Сиёвuş ибни Ковуснинг бу олами ғаждори нобакорға келиб, шарбати шаҳодат ичгонининг баёни. Аммо ровиёни ахбор ва ноқилони осор\* андоғ ривоят қилибдурларким, бир куни Тус ибни Навзаршоҳ сипоҳсолор Геви Гударз ва бўлак паҳлавонони Эрон бирла аз барои дафъи малол\* ва дафъи дилғирлик қилмоқ учун бешаи дашти Гурға жамъи паҳлавононлар бирла бабр\*, шер, гур\*, гавазн\*, нахчир\*, кийик шикор айлаб қариби Туронзамин бориб эрдилар. Ногоҳ бир шер узоқдин намоён бўлди. Тус бирлан Гев сайд қилмоқ талабида отларини кўйдилар. Ногоҳ йўл устида маҳбубаи хубчеҳра ва яғонаи даврон бир қизни кўрдилар, аммо дарахт шоҳига банд қилинган. Булар кўриши бирла ҳусну жамолиға шефта\* ва шайдо бўлуб, бу дашти ҳалокида бу паричеҳра бу янглиғ ғазаб бирла ётгонга иковлари шафқат назари бирла боқиб, ширинзабонлиқ бирла ҳол-аҳвол сўрадилар. Қиз айтдиким: ман подшоҳ Афросиёбнинг бародари Фарсивази номдорнинг қизи бўлурман, манга парий ошиқ бўлуб, мани беҳуд қилиб бу ерға келтурди, ҳануз беҳушлиқдин тўзалмаб эрдимким, сизлар келдингизлар. Аммо бу шаҳриёрлар ва номдорлар бу моҳчеҳранинг жамоли бокамолиға ошифта бўлуб, вола ва беқарор ва ҳусни жамолиға интизор турар эрдилар. Алқисса, марде тушуб ул ҳурлиқонинг бандларини ёзиб ва ул дарахт шоҳидин

жудо қилиб отиға миндуруб ўзи ҳам савор ўлди\*. Аммо бу паҳлавлонлар орасида ул ҳурнажод талошқа тушти: бири ман шаҳзода, бу ҳам шаҳзода экан, бу манга раводур дер, бири айтодурки, мен шаҳриёри қалъадурман, жанг кунлари манинг кўлумдин ишлар келур, мунни ман олурман дейдур. Геви солор айтодурким, ман бу бешага\* сизларни олиб келмасам нимани олур эдингизлар, бу бешага келмоқға аввал ман майл боғладим андин сизлар мани орқамдан кириб келдингизлар, бу қизни ман олурман деб бир-бирлари бирла жадаллашиб, охируламр жанг талошлари ҳеч ерға етмади. Маслаҳат қилдиларким, подшоҳи олийжоҳ\* қошиға борғаймиз, бу қизни ороға солғаймиз, шаҳаншоҳ қайсимизға илтифот айлаб фармон қилодур, бу маликайи хуршидчеҳраи шунга бўлсун деб ҳамма бу сўзга боқиб шоҳ қошиға бормоқға муқаррар бўлдилар. Барча паҳлавлонлар бешайи дашти Гурдин юруб манзил-мароҳилни тай қилиб сарҳади Эронға етдилар.

Алқисса, пойтахт Шерозға келиб, шоҳи жаҳон Кайковуснинг олдиға кириб, ул маликанинг воқеасини шоҳға тақрир айлади. Кайковус дедиким: Қани ул маликани мунда келтурунлар деб, фармон қилди. Ул маликайи моҳвашии шоҳнинг олдиға келтурдилар. Шоҳ кўрмак ҳамон ул дилбар жамолиға ошиқи бечонумон бўлуб паҳлавлонлардин тилади. Жумла дилаворлар ҳеч илож топмай бечоравор бўлуб, шоҳнинг ҳузурда шоҳға ниёз айладилар. Шоҳ Кайковус ул маликайи моҳпайкарни ақди никоҳиға киргузуб, тамоми халойиқға қирқ тун тўй кўргузуб ва жашн ораста айлаб шароб берди. Ҳар тарафдин, ҳар диёр-

\* Изоҳ ва луғатлар қиссанинг охирида берилган.

Фирдавсий «Шоҳнома»си, маълумки, азалдан халқимиз орасида кенг тарқалган, севиб ўқилган; шоҳномахонлик халқимизнинг табаррук анъанаси бўлган; бу жангнома гузар, чойхона ва қарвонсаройларда маҳсус қиссахонлар томонидан алоҳида усулда ўқилган, кўпчилик тинглаб, унинг оҳангига замзама қилиб ўтиришган; ўзбек котиблари «Шоҳнома»ни қайта-қайта кўчиршган. Кўқон, Хива ҳамда Тошкент мусавирлари гўзал миниатюра, лавҳалар билан безашган; ўлкада босмаҳоналар ташкил этилиши билан бу шоҳ асар ва унинг таржималари бир неча бор чоп қилинган.

Ана шу қизиқиш натижасида XIV асрдан «Шоҳнома»ни ўзбек тилига қисман ва тўла таржима қилиш бошланди.

Ун саккизинчи асрда эса «Шоҳнома» ўзбек тилига уч марта қисман ва тўла таржима қилинди. Тахминан 1740—50-йиллар орасида кўқонлик мутаржим Шоҳ Ҳижрон Фирдавсий асарини «Бишон ва Манижа» дostonидан «Искандар» дostonининг хотимасигача бўлган қисмини ўзбек тилига таржима қилди. Гарчи Шоҳ Ҳижрон «Форсий насрий «Шоҳнома»дан таржима қилдим» деб таъкидлаган бўлса-да, лекин таржимани синчиклаб ўрганиб чиқиб, у ҳам шеърий, ҳам насрий «Шоҳнома»дан фойдаланган, деган хулосага келиш мумкин.

1750—51-йилларда кўқонлик шоир ва таржимон Низомиддин Фозил Хомуший Шоҳ Ҳижрон ишини давом эттириб, «Шоҳнома»нинг бошидан «Искандар» дostonигача назм ва насрда ўзбек тилига таржима қилди. Хомуший «Сабаби таълифи «Шоҳнома» бобида асарни Хўжа Жаҳон Хўжам топшириғи билан Шоҳ Ҳижрон «Таҳамтан ғуссаҳидин Жаҳоншир шер ва Барзўйи далер қиссаси»ни таржима қилгани, лекин Кўқон билан Қашқар ўртасидаги жанглар пайтида «варақ жуздин, жуз қулдин ажраб, қиссаи хубе ва ҳикояи марғубелар ожиз ва мутафаррак» бўлгани учун асарнинг бошидан Искандарномаининг охиригача таржима қилганини уқтирган. Демак, Хомуший Шоҳ Ҳижрон таржимасининг юқорида биз таъкидлаган нусхасини кўрмаган.

Хомуший ҳам Шоҳ Ҳижрон анъанасини давом эттириб, асл шеърий «Шоҳнома»даги воқеа баёни тартибига риоя қилмай, ҳар бир дoston сарлавҳасини воқеа гоёвий мундарижасидан келтириб чиқаради. Лекин таржима муқаддимасидан олдин қадимги Ажам шоҳлари шажараси ва уларнинг салтанатдорлик даврини пешдодийлар, ҳаёнийлар, ашконийлар, сасонийларга бўлиб, худди Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» дostonидаги сингари тартибда баён этиб, китобхонга мухтасар



дин сардор ва солорлар келиб шоҳни муборакбод айлаб кетар эрдилар. Шоҳ ҳам ҳар қайси шахриёр, шаҳзода ва паҳлавони пурдилларга сарпойи шоҳона ва тожи мулукона\* ва камари Хисравона ва ганж-ҳазина бериб ва онча дилнавозлиқлар қилиб ёндурур эрди.

Алқисса, неча кун ўтуб муддатедан кейин ул маликаийи жаҳон шоҳи олийшоҳдин ҳомила бўлди. Тўқуз ой ва тўқуз соатдин кейин ул маликаийи хурнажод бир писари тобон таваллуд қилди. Аммо ровий айтур, ул малика туғуб фарзанд ерға тушмак ҳамон бу жаҳони фониийдин саройи боқийға\* риҳлат қилди. Подшоҳ бошлиқ Золи Зар, Таҳамтани зарринкамар, вазирлар ва амир ва акобирлар, барча диловарони пурдиллар мотамдор бўлуб, либоси мусибат кийиб, ул мохрўйи хуршидчехранинг жасадини шоҳлар оини бирла олтун тобутға солиб ғўрстони дахмайи шоҳона элтиб қўйдилар ва анда дафн қилиб, дуо ва такбирдин кейин келиб шоҳ маҳрам саройиға кирди, фарзандини қўлиға олиб кўрдиким шоҳлиқ осори ва улўғлиқ сири жабҳасидин\* хувайдо\* эрди ва ул фарзандни Рустами тожбахшға тилади. Таҳамтан бу фарзандни олиб отоси Золи Зар била ва тамоми лашкари била Сиистон тарафиға равон ўлдилар. Манзил-мароҳиллар тай қилиб неча кун ичида Сиистонға еттилар. Аммо Таҳамтан ул фарзанди аржумандни яхши асраб тарбиятлар қилур эрди. Отини Сиёвуш қўюб, уч энага тайин қилди. Бу энагалар парвариш қилиб, кундин-кунғача чўнг бўлур эрди.

Алқисса, уч ёшға кирди эрса бу уч энаганинг сутиға тоқат қилмай, уч ботмон қанд-шакар ғизо қилиб, анинг узасиға уч барра гўштини бир ер эрди. Охируламр тўрт ёшға кирди, мактабга бериб, анда етти ёшға киргунч илм-одоб, фазли камол бирла ораста бўлди. Назм:

**Бўлуб илм ила турға ораста,  
Адаб бирла фазл ичра пироста.  
Ўтуб барча олам элидин иши,  
Тақаббул бўлурға йўқ эрди киши.**

Алқисса, Сиёвуш етти ёшдин то ўн тўрт ёшға киргунч илм ва одоб, услуб ва қоидаийи шоҳийни ва лаъби сипоҳигари, жанг-жўйлуқни ўрганди. Зол ва Рустам онча тарбиятлар қилур эрдиким, туқғон ото-онасидан ҳам беҳроқ парваришлар бирла навозишлар қилур эрдилар. Алқисса, Сиёвуш андоғ доно ва оқил ва хушёр киши бўлдиким, юзи пурнур ва хуршиди тобондек ламъа\* била ҳар ким кўрса, жамолиға шефта ва беқарор бўлур эрди ва аёқиға бош қўюб ҳамма симинбар гумон қилур эрди. Таҳамтани шердил Сиёвушға онча хунарлар ўргаттиларким, жавлонбозлик ва чавгонсозлиқ ва найзаворлик ва тирандозлик ва амудбозлик ва камандандозлик ва сипарбозлик ва синсонсозлик ва гўштингирлик — ўтуз икки лаъби сипоҳигарини тамом таълим берди. Ва Сиёвуш ҳам тамоми хунарларни Рустами филтандин олиб ниҳояти комил ва устувор бўлди. Ул вақтлар Сиистон гули-гулзор ва Кобулистон ва Зобулистон полазорлари орасида Фаромарз ва Заввора, Жаҳонгир бирла гўйбозлиқлар\* қилур эрдилар. Ул асрда Рустамдин ва фар-

зандларидин бўлак киши чиқмас эрдиким, Сиёвушға баробарлиқ қилиб панжа-барпанжа олишғудек. Бир кун Таҳамтани шердил Сиёвушни олдиға чорлаб дедиким: Эй фарзанди дилбанд, келғил, сани эмди додонг қошиға элтарман ва сани отонг Кайковус қўлиға топшурурман дегоч, Сиёвуш дедиким: Эй Таҳамтан, мани сандин бўлак отом йўқдур, кимни айтурсан отонг қошиға олиб борурман деб, ман Кайковусни билмасман ва анингдан кўнглумда зарра меҳру вафо йўқдур. Рустам дедиким: Эй фарзанд, додонг ҳафт иқлимнинг подшоҳидур, агар анинг қошиға борсанг, ани кўрмак ҳамон ото демакни кўнглунг хоҳлар ва анинг қошида бўлмакни ихтиёр этарсен деб ҳар иков савор ўлдилар. Сиистон ва Зобулистон улўғлари бирла шоҳ хузуриға бормоқ учун Эрон сори юзландилар. Кечаси яхши ерға тушуб, то тонг отғунча шароби ноб ичиб, кундузи бешалар ичра бабр ва шер, гўру гавазн, нахчир шикорсайд айлаб, манзил-мароҳилларни ва кўх биёбонларни катъ қилиб неча кунда Эронға еттилар. Ва буларнинг келгон хабари шоҳи Жаҳон қулоғиға эшитилиб Гударзи Гўшвод бошлиғин жамъи вазирлар ва надимлар, гарданкашларни ва тамоми сардор ва солорларни Таҳамтани Эрон-Турон ва солори мулки Мозандароннинг олдиға чиқорди. Булар уч манзиллик ерға Рустами Жаҳонпаҳлавоннинг олдиға келиб, Ҳамованд кўҳнинг ичида Жаҳонпаҳлавон бирла мулоқот ўлдилар. Гударзи Гўшвод ва барча паҳлавонни олийнажодлар Таҳамтани шердил ила канор олиштилар, бир-бирларини ҳол-аҳволларини сўрашиб, яхши ерға тушуруб ва анда шароби ноб ичиб, шундин ҳамма улўғ-кичик отланиб шаҳри Истарихға равон бўлдилар. Уч манзил йўл юруб тўртинчи кун пойтахт Шерозға еттилар. Шаҳардин кўча ва гузарға эл фавж-фавж, гуруҳ-гуруҳ, қабила-қабила чиқиб эрдилар, токим Жаҳонпаҳлавон келадурмиш, шоҳ Кайковуснинг ўғли Сиёвушни келтиродурмиш деб, ҳамма тамошо учун халойиқ пиру жавон, зийраку нодон шоҳи Жаҳоннинг ўрдасиға ўтар йўл узасида турардилар.

Алқисса, ул кун туш маҳали эрди Жаҳонпаҳлавон шаҳарға кирди. Барча халойиқ Рустами Жаҳонпаҳлавонни кўруб дуойи хайр қилиб, ҳамма хушхол-хуррам бўлиштилар. Аммо Сиёвушни барча халойиқ кўруб подшоҳлиқ осори ва бузурғлиқ сири нишонасида маълум бўлуб, ақида-ихлосларини зиёда қилдилар. Не учунким, Кайковус пири наҳиф бўлубдур, кўнгли айшн ва осудаликни ихтиёр этодур, тахти салтанатга ким чиқодур ва халойиқға ким кўрунуш беродур?! Албатта, бу ўғул Кайковуснинг ўрнида шаҳаншоҳи олийжоҳ бўлуб, тахти Жамшидийда ўлтуруб, дод-адл бирла мамлакатларни обод айлар. Огоҳлиғидин ва раиятнавозлиғидан ғофил бўлмас деб.

Алқисса, Жаҳонпаҳлавон бузургони Эрон ва диловарони дамон ва муборизони шери жаён ва писарони шоҳи Жаҳон, яъни Сиёвуши вали бирла шаҳарға кириб, боргоҳи саропардаи қаён ва ўрдайи сурунгоҳ, айвони Жамшидий эшикиға келиб, ҳамма бодрафторларидин тушуб шоҳ қошиға кирдилар. Таҳамтани шердил дарборгоҳдин кирмоқ ҳамон шоҳға саломи таҳият адо айлаб келиб шоҳ бирла кўрушти. Шоҳ ҳам тахтдин тушуб Таҳамтан бирла канор олишти, боз ўрнида қарор топди. Сиёвушинг менгизига суюб ниҳояти меҳрибонлиқлар қилиб

маълумот беради. Шундан сўн «Соқийномаи Хомуший», «Ҳаживётти Султон Маҳмуд»нинг мукамал шеърӣ таржимаси, Мирзо Бойсунқурнинг 1425 йили «Шоҳнома»нинг танқидий матниға ёзган сўзбошиси берилган. Хомуший ўз таржимасини «Шоҳномаи туркий» деб атайди ва бу билан ўзидан кейин «элиға бир ёдгор қолдиришини» кўзлайди ва ўқиганлар ундан панд олишини истаиди:

**Ғараз бу сўздан барчаға панддур,  
Агар зойиқа қилсалар, қанддур.**

Хомуший Фирдавсий дostonларини ўзига хос бир тарзда идрок этиб, ҳис қилиб, халқ дидиға мослаб, яъни «Шоҳномаи туркийни» яратган. Шунинг учун ҳам бу асар халқ орасида кенг тарқалган, 1902—1906—1908-йилларда тошбосма усулида миниатюралар билан чоп этилган. Машҳур шоир Чўлпон 1927 йили «Шоҳнома»нинг 1510 йили Султон Қонсухғўр топшириғи билан Шариф Амидий томонидан усмонли турк тилиға қилинган шеърӣ таржимаси ҳақида ёзган мақоласида «Хомушийнинг «Шоҳномаи туркий»си ҳамон меҳмонхона ва карвонсаройларға файз киритмоқда» деб алоҳида таъкидлаган эди.

Чунки бу таржимада Фирдавсий асарининг моҳияти тўла ифодаланиши билан бирга, ўзбек халқ қиссалари, назму наср аралаш халқ китобларию дostonларининг кўп фазилатлари ҳам ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам у «Шоҳнома»нинг халқ китобларига ўхшатиб қайта яратилган ўзбекча вариантига ўхшаб кетади.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги фикрлар, биринчидан, Фирдавсий «Шоҳнома»си ўтмишда халқимиз орасида кенг тарқалгани ва севиб ўқилганини кўрсатса, иккинчидан, ўзбек таржимачилиғи анча қадимий анъаналарға эга эканлиғидан далолат беради. Бу шоҳ асарнинг ўзбекча таржималари орасида Хомушийнинг «Шоҳнома»и туркий»си айниқса кенг тарқалган, қайта-қайта кўчирилган, нашр қилинган. Октябрь инқилобигача ўзбек халқи Фирдавсий меросини асосан ана шу таржима орқали билган. Шунинг учун биз бугун азиз журналхонларға «Шоҳномаи туркий»дан «Сиёвуш қиссаси»ни ҳавола қилмоқдамиз.

Ҳамиджон ҲОМИДОВ



ёнида ўлтурғузди. Рустами шердилдин ҳордуқ ва кўфта-мондалиқдин сўраб ва ўзининг хол-аҳволини ва Золи Зарнинг сихат-саломатлигини сўрди. Таҳамтани шердил таъзимлар бирла ва узр-тавозеълар бирла шоҳга бир-бир тақрир айлаб келиб курсийи Жаҳонпахлавон устуна чиқиб ўлтурди. Таҳамтан учун шоҳ фармони бирла дастурхон солдилар. Маҳозир-ҳойи гуноғун ва ҳалвоҳойи ранго-ранг ва меваҳойи фаровон ва газакҳойи бисёр келтурдилар. Таҳамтан маҳозирга кўл келтуруб дуо ва такбирдин кейин мажлиси олий ва жашни Жамшидий қилиб шароби ноб ичмоқга машғул бўлдилар. Соқибни симинсоқлар бодайи аёқни юз минг тумтароқ бирла гардишга киргузуб, ҳофизони хушовозлар савту садоси ва ромишгарони\* парийруйлар, раққоси ва муғанниёни нағмапардозлар нағмаоти авжга келиб, бу мажлиси олийдин сипехри нилгун ва чархи бўқаламун рашк этгудек кўрмагонларга доғ ва кўрган-эшитганларга фироғ ҳосил бўлғудек, андоғ мажлиси Жамшидий бунёд айладиларким, ул кунларда барча халойиқ шод ва сарвар, беғам ва боҳузур эрдилар. Ногоҳ бир кун шоҳ ўғли Сиёвушни ҳарами саройга юборди ва дедиким: Эй фарзанди аржуманд, сен ҳарами саройга боргил, анда санинг юз анонг бордур, ҳар бири тўғон ва сут бергон анондин юз ҳисса беҳроқ эш келур деб фармон қилди. То бу сурунгоҳи айвони Жамшидийнинг ва ҳарам саройнинг оралигида тўқуз пардаий ганж барпо қилиб, ҳама улўғ матолардин пойандоз солиб ўтар йўл узра филларни ва шер бабрларни боғлатиб ва дорбозларга дор ростлатиб, аввал улўғ кўчининг уйига буюрди. Аммо Кайковуснинг юз бир хотуни бор эрди. Ҳамма-сининг улўғини отини Судобайи ҳурнигор дер эрдилар. Аммо Судоба ниҳояти маккори модарсўхтайи рўзгор эрди, ҳусн-жамоли ниҳояти хуб эрди. Ул эшитиб, Сиёвуш келурмиш деб, олдига чиқти. Барча ўтоғаҳойи корфармой\* ва энагаҳойи маҳфилоройи\* ва ғуломи заррин камарлар ва канизакҳойи дарғўшлар\* бирла Сиёвушнинг олдига чиқиб, ул тўқуз ердки ганж барпо қилиб эрди, Сиёвушнинг назаридин ўтказиб бошидин сочдилар. Онча шаҳарнинг фақир-фуқаролари, мискин-нотавонларига Сиёвуш ҳақида исор айлаб маҳрам саройга тушурди. Аммо Судоба деган мазлума Сиёвушни кўрмак ҳамон ошиқи беқарор, шефта ва саргардон бўлди.

Алқисса, Сиёвушни ҳарам саройига юборурда шоҳ Судобаға айтиб юбориб эрдиким, Сиёвушни бу кеча сен меҳмон қил, канизаклардин кўнгли қайсини хоҳлайдур ани қошида қўй ва яхши илтифотлар бирла кўнглини олиб хушҳол ва хуррам мани олдига юбор деб эрди. Аммо подшоҳнинг сўзи қаён кетти, барча хизматкорларни, ғулом ва канизакларни, ўтоға ва энагаларнинг ҳар қайсини бирор ишга буюруб уйни аёғрдин холи қилиб, дедиким: Эй жонимнинг сарвари ва кўнглумнинг хузурисен, ман бул ёқ неча замондан бери санга ғойибона куяр эрдим, кеча ва кундуз санинг ёдинда нолалар қилиб, таваж-жуҳлар қилур эрдим. Ногоҳ Яздони пок манинг тилагимни муста-тажоб айлаб, толемий раҳнамунлиғ қилиб сани мунда келтурди деб, Сиёвушқа яқин бўлуб дедиким: эй маҳлубим ва дил-навозим ва маъшуқи жонгудозим, не бўлурким бир суюб қўйсанг, бу кеча мани бирла айш-роҳат бистарида ётиб, хоби фароғат тақясиға бош қўйиб, мурод-мақсад гулистонидан гул узуб коми дил ҳосил қилсак деб, кўл узотиб бўйнидин тутуб суйгай. Сиёвуш дедиким: Додомнинг хотуни ниҳояти бешарм ва беҳаё ва дағол хотун экан деб, кўнглида аччиғлиниб бир салла\* ул хотуни маккор ва Судобайи ҳурнигорнинг гарданиға уруб хашмолуд\* ҳарам саройдин чиқиб, айвони Жамшидийдин чиқиб додоси қошиға кирди. Кайковус кўрдиким, Сиёвуш хашмолуд кириб келди. Кирмак ҳамон Сиёвушни қучоғига тортиб сўрдиким, эй фарзанди дилбанд, эй жигаргўшайи аржуманд, ул заифалар олдинға чиқиб яхши пеш келмадиларму, икки қошининг аросиға чинлар солиб хашмолуд кириб келдинг?! Ва яна ботроқ ёдинг?! дегач, Сиёвуш дедиким: Эй падари бузургов, фарзанд онодин хизмат тамаъ қилурму, фарзанд ато-аноға хизмат қилурлар. Ул зайифалар яхши илти-фотлар айлаб, баса дилгирлиқлар қилди деб шук бўлди\*. Аммо Судобайи маккори ғаддор шул замон Сиёвуш чиқиб кетмоқ ҳамон фикр қилдиким, бир иш қилайким жаҳон саф-ҳасиға ёдгор қолғай деб, кўнглида дедиким: Ҳоло Сиёвуш чиқиб атоси қошиға кириб манинг қилгон афёоли ношойиста-ларимни ва айтгон сўзларимни бир-бир шоҳга еткургондур, ҳануз шоҳ аччиғлаб мани тутуб бадарқа қилғали ва қасри айвондин қачқарғали киши буюрмадин бурун ман ҳам чиқиб сурунгоҳи\* айвони Жамшидийға кириб тамоми бузурғони

Эрон ва паҳлавонони гарданкашон ва барча улўғ кичикнинг олдида, анжуман ичида туруб Сиёвушға бир тўхмате қилайки, эл орасида расво ва макру фиреб бирла халойиқнинг ғавго ва можаросиға мубтало бўлсун ва макр-ҳийла ўтида чургонсун ва жавон жонига макр-тадбир ўқи қадалсун деб, шул замон атроф-жонибға барча хизматкорларини ва ғулом-канизакла-рини ва энчаларини жамъ қилди. Бир ҳомиладор канизаги бор эрди, анга динор ва дирам бериб дунёдин беҳожат қилди. Бир қулға буюрдиким: мунинг курсоқиға тефиб бўйнидан тушурги деб мумтоз айлади. Аммо ул қул бу канизакнинг ғул ўтросиға бир тефиб эрдиким, сутлочи қошиға экизак фар-занд ўлуқ тушти. Судоба юзини, кўзини татолаб, чот орасиға қонларни сувоштуруб, сочини чўбуб йиғлаб, нолаю зорилар била ўзини маҳофаға олиб, ўтоға ва энагаларини кениға солиб ва икки баччайи маъсумни канизакка кўтартиб, ғуломи зар-ринкамарлар маҳофани кўтариб подшонинг ўлтуратургон суфайи Жамшидийға келиб маҳофани ерға қўйдилар. Ҳама халойиқ ҳайрон қолдиларким, нима бўлдиким бу заифаларға деб тургайлар. Судоба маҳофадан чиқиб йиғин элининг ичида туруб, дод-фарёд қилдиким, шоҳ, ул ёнингда ўлтургон бад-феълни ўғлум деб, онанг қошиға бориб онангларни кўруб кел ва қайси канизакни кўнгли хоҳлайдур ани қошида қўйгил ва яхши меҳмондорлиқ қилиб кўнглини хушҳол қилинлар деб эконсен, ул унамай, сен бўлсанг, бас, улар даркор эмас деб, уйдагиларни ташқари чиқорди, уйнинг эшикни маҳкам этиб, қулф бирла устувор айлаб мани кўтариб бости. Ман ҳомиладор десам ҳам унамай, ончунон муштлар урди, мандан коми дил тилади. Ман унамадим, курсоқимға бир пеша солиб чиқиб кетти ва курсоқимдин икки баччайи маъсуми яримжон тушти, ҳоло ўлди. Ман шунга додға келдим, агар сен Сиёвушдин бу икки фарзанднинг хун-интиқомини олмасанг, бу ҳаззор\* маж-лисда Сиёвушни шарманда қилмасанг, тонгла қиёматда худойи таолонинг даргоҳида ман санга даъвогар бўлуб, темур тирно-қим бирла яқонгни тутуб, фарзандларим хуни интиқомини сандин олғайман деб, зор-зор чун абри набахор йиғлади. Шоҳ Кайковус Сиёвушға боқди. Сиёвуш дедиким: Шоҳ, ман мундоғ ишлардин беҳабар, хотунинг манга тўхмат қилодур, ниҳояти беҳаё ва бешарм ва маккор ва ғаддор мазлума экан, Яздони пок гувоҳ, мундоғ ишларни ҳаргиз қилмагандурман дегоч, шоҳ Кайковус уйқулуқ эрди бедор, балки ўтгон умри-дин безор ўлди. Дедиким: Биров кўпуб бўроб\* боқсун, бўроб Сиёвушдин ҳеч шарб-шароб иди келмади. Аммо Судобадин шароб бўйи келодур. Шоҳ билдиким, гуноҳ Судобада, таҳқиқ Сиёвушға тўхмат қилодур бўлғай деб, Судобаға қаҳр-ғазаб қилғай. Судоба фарёд-фиғон айлаб дедиким: Ман мазлум ожиздурман, шоҳдин бўлак ҳеч пушту паноҳим йўқ, магар парвардигоримдур, мани шоҳдин бўлак сўз айтурға кишим йўқ, Сиёвушға ҳар тарафдин халойиқ киришиб анинг сўзини айтодур дегоч, Шоҳнинг Судобаға раҳми келиб, фарзанд меҳридин кўнглини узуб, барча ҳукамо ва ситорашуносларни йиғиб қошиға ҳозир қилди. Шоҳ уларга фармон қилдиким, фол-қуръада кўринларки, гуноҳ қайси тарафда, қайси пок ва қайси нопок деб. Мунажжимлар ва ситорашунослар қуръа устурлобин\* келтуруб ўн икки бурж йигирма тўрт соатни сайр айлаб Судобанинг ва Сиёвуш борасида ончунон сарҳисоб бориб дедиларким: Шоҳ, Сиёвуш ҳеч гуноҳ қилғони йўқ, балки ғуломдин вужудға келгон, Судобадин ҳеч ном-нишон маълум эмас ва туғмас зоҳир бўлодур. Сиёвушға майлон бў-луб, ул унамаслик сабабидин мани шоҳи Жаҳонға чақор кўз-дин ташқори қилиб гуноҳкор қилур деб, Сиёвушға тўхматлар қилибдур. Ул хотун ниҳояти маккорлиқ бирла бу фитнани анинг гарданиға юклябдур, деб эрдилар, Судоба ғавго солиб нолалар бирла дедиким: Шоҳ, бу ҳама ахтаршунослар, ҳу-камолар Рустамни кўркунчидан Сиёвушға бўлушбу бу сўзлар-ни айтодур, мани сандин ўзга ҳеч кимсам йўқ, дегач, Кайковус дедиким, бўлмаса Сиёвушни ўтға ташлал, агар бу ахтаршу-нослар сўзиға унамасанг деб, Судобанинг кўнглини тиндирди. Аммо шоҳ Кайковус Судобаға ниҳояти... меҳрибон эрди, аз-баройи нанг-номусдин, эл орасида бу сўзларни айтти. Бир хо-туни маккорни деб жондин азиз фарзандини ўтға солмоқға фармон қилди. Ул вақтда, ул замонда, уларнинг расмлари киши ҳар тариқада гуноҳ қилса, ё одам ўлдурса ё зино қилса ва ё ўғурлуқ ва ё афёоли ношойиста қилса, ўтға ташлар эрди-лар; агар гуноҳ қилгон бўлса, ўтда қуюб кетор эрди ва агар гуноҳ қилмагон бўлса, оташи фаровондин сихат-саломат қуй-май чиқор эрди. Ва ул вақтдаги одамларнинг шарт-қасами ўт

эрди. Ул боисдин Сиёвушни ўтга солмоқчи бўлдилар. Рустам ҳам қабул айлаб дедиким: Одам агар мундоғ фарзандни боқиб катта қилиб худодин қўрқмай ва расули худодин шарм тутмай Яздони пок даргоҳида мундоғ ямон ишларни қилса, жазоси ўтда куйдурмоқ деб Сиёвушга киришмай ва анга ёварлик қилмай, буртнаб ўтга солмоқларига ризо берди.

Алқисса, шоҳ фармони бирла тамоми шаҳри Шероз, хоҳ сахро аҳли ўтун келтуруб шаҳарни тошида бир майдони васеъ ерга жамъ қилдиларким, беҳад-ниҳоят андоғ дўбаладиларким, бир жавони қодирандоз\* бир тарафдин ўқ отса, ўтуннинг ул тарафига етмас эрди. Барча халойиқ ёғ келтуруб ул ўтунга сочи, ўт қўйдилар. Атроф-жонибдин халойиқ тамошо учун келдилар. Гуруҳ-гуруҳ, анбуҳ-анбуҳ, хайл-хайл, қабила-қабила ҳар жонибдин келур эрдилар. Барча халойиқ Сиёвуш учун Кайковусга лаънат, нафрин ўқур эрдилар, бир хотуни маккорни деб мундоғ оқил ва доно, зийрак ва донишманд ўғулни ўтга солодурмиш деб, ҳамалари подшога лаънатномани ўқуб, дашном қилишур эрдилар.

Алқисса, шоҳ Кайковус, барча паҳлавонлар, Таҳамтани шердил ва жамъи диловарони номдор, далерони ханжаргузорлар, ўн икки минг тождор солорлар, барча ҳурду-калон ва пиру-жавон, зийраку-нодон ул ўтнинг атрофига йиғилдилар. Сиёвуш ҳам шабранги беҳзодига миниб майдони оташга келиб, отдин тушуб атосининг олдига келиб, атосининг узангусига суяб, юз-кўзига суртуб дедиким: Шоҳо, рухсат берсанг, бориб хонайи хилватга кириб фусли тоза ва таҳорати беандоза қилиб келай деб, отига миниб уйга борди ва ҳужрайи хилватга кириб уд-анбар яғочидин ўтун келтуруб бир қазон сув иситиб ул ҳужрага уди анбар ва мушки заъфар сочиб ул сувда фусл ва таҳорат қилиб, бўқчадин янги киймаган либоси шохонани олиб кийди... отига савор ўлуб майдонга келди. Онггача ўт аланга уруб, оташ шароралари осмонга ўрлаб, андоғ авжиға келдики, оламни ўт олғудек бўлди.

Алқисса, Сиёвуш келиб атосининг олдиға бориб шоҳдин ва Таҳамтани шердилдин рухсат тилади. Шоҳнинг ва Таҳамтани шердилнинг рикобини\* бўсалар қилиб шабранги беҳзодига\* савор ўлуб, отига жавлон кўргузуб ўтни бир айланиб... дарёйи оташга чўкти, эл кўзидин нолпайдо бўлди. Барча халойиқ тамошо айлаб турур эрдилар. Дер эрдиларким, ҳайфки шундоғ шаҳсавори ҳушёрни ўтга кирмоқини далил айладилар, ул азбаройи элнинг сўзидин бадном ва ёмон маломатидин қўрқуб ўзини ўтга ташлади, дарег-ҳазор дарегки, эмди ўтда куюб нобуд бўлур, мундоғ улўғ ўт ичра кириб саломат чиқмас, ўтга тушгон нарса куймай қолурму деб тургон чоғ етти соатдин кейин то эртадин чошгоҳғачалик ўт ичра ҳаял бўлуб, ҳеч нима бўлмай, куймай ўтдан сиҳат-саломат чиқти. Барча халойиқ кўрдилар, Сиёвуш саломат ўтдин чиқиб атоси қошиға келди. Тамоми халқ Сиёвушни... аёғига бош қўюб дуо ва такбир қилур эрдилар. Бас Кайковус номусдин қўлиға шамшир олиб Судобани чопғай, Сиёвуш яна Кайковуснинг қўлини тутуб ханжарни олиб йироқ ташлади, дедиким: Шоҳо, ул зайифи бечоранинг гуноҳини ўтсунлар, ман анга шафеъ ўлурман, ул қилмади ман қилдим, гуноҳ манда, не деб мунда келаман, агар мунда келмасам бу ишлар бўлмас эрди. Ҳоло ҳам бу диёрда турмасам деб, бу юртларнинг отини атамасман, бу фалаки кажрафтор, дунёйи гаддорнинг иши гаҳи ранж етқузмок ва гаҳи роҳат ва гаҳи меҳнат етқузур, гаҳи фароғат ва гаҳи айш-ишрат билан нўш\* берур ва гаҳи мол-ғурур ва завол-зарур бирла заҳри ниш етқузур.

Назм:

**Бу янглиғ келибдур саройи дуранж,  
Берур гоҳи роҳат, берур гоҳи ранж.  
Бировга берур авжу иззатда бахт,  
Бировга берур тожу заррина тахт.  
Бировни қилур чоҳ ичида ниҳон,  
Бировни бошиға арра қўйди аён.  
Биров кўсига лоладек қўйди доғ,  
Бировни қилиб гул каби боғ-боғ.**

Бу жаҳони нопойдор\* ва фалаки кажрафторнинг зиёнлиқиға, шодлиқ ва хушҳоллик келтурғониға асло пушаймонлар қилиб ва ношод ва масрур ва дилжам ва боҳузурлиқиға мағрур бўлса, ул кишини оқил ва доно демаслар, эмди Судоба бирла кўнглинги кузотиб, умринги тинч ва хотир бирда кечургил деб ёндилар. Яна бир ривоятда Рустам Судобани аччиги билан

осмонга ташлаб эрди, эл кўзидин ғойиб (бўлиб) хийла маҳалдин кейин тушуб пора-пора бўлди дебдурлар. Шоҳ Кайковус ҳам барча бузургон ва паҳлавонони гарданкаш, вазирон, надимон, ҳурду калон мақомларига ёниб, ҳар ким ўз жойиға келиб ором қарор олдилар. Шоҳ ҳам барча лашкари билан шаҳарга кириб жо-бажо ором олдилар. Кун ҳам кеч бўлди. Сиёвуш Рустами филтан бирла Сиестонга кетти. Бўлгон воқеаларни Таҳамтан Золи Зарға баён айлади. Золи Зар эшитмок ҳамон Кайковусга лаънату нафрин ўқуди, Сиёвушга илгаригидан ҳам зиёдроқ ақида ихлос қилиб, иззат-икромлар қилдилар.

Алқисса, Эронда шоҳ Кайковус тахтгоҳиға чиқмай ва халойиққа кўрунуш бермай дод-адлга қадам қўймай ва юртнинг аҳволидин хабар олмай гўшайи узлатнишин бўлуб, хилватда Судоба бирла айш-ишратлар қилиб рўзғор кечирур эрди. Алқисса, бузургони Эрон ва паҳлавонони гарданкаш, акобирони мамлакат ва сардорони вилоят бири ерга жамъ бўлуб, бу бобда машварат қилдилар. Маслаҳатлари андоғ муқаррар бўлдики, Таҳамтанға нома битгайлар, бир қосиди тезрафтордин зуд Сиестон тарафига юборгайлар. Алқисса, муншийи хушиншо келтурдилар, тавҳиди боритаолодин\* кейин таъриф ва тавсифи Жаҳонпаҳлавон Рустами Достон ва андин кейин юрт ва мамлакатнинг ҳолини ва шоҳи Жаҳоннинг олам ишга парво қилмаслигини, душманларнинг авзойини нома ичра дарж айлаб, бу қосиди тезрафтор қўлиға бериб Сиестон тарафига юбордилар. Бу қосиди тезрафтор боди сарсардин\* гард элтиб, хоб хўрдин ўзиға ҳаром этиб, уч кеча ва кундузда йўл юруб тўртинчи кунни шаҳри Сиестонга етти. Шаҳарга кириб, Таҳамтан ва Золи Зар қошиға кириб номани бошидин олиб Таҳамтанға тутти. Таҳамтани шердил номани олиб ўқуди. Битибдурки, Таҳамтани Эрону Турон ва солори мулки Мозандарон, яъни Рустами Достонға бузургон, аркони давлат ва аъёни мамлакат ва жамъи паҳлавонлар ва далерони пурдиллар, сардор ва солорларнинг арзи буким, шоҳ Кайковус тахтға чиқмайдурур ва кўрунуш бермайдурур ва олам иши билан парвоси йўқ, ҳар тарафдин фитна ва фасодлар пайдо бўлуб келодур. Мабодо билиб бўлмайдурум, шохнинг мундоғ ҳутуватишин бўлғонидин ва тахти Жамшидийдин ўзини торғонидин агар Афросиёб хабар олса, албатта, лашкар тортиб келур, бизларни асир қилиб, тахтни холи топиб, мамлакатни вайрон айлаб, ғорат ва торожлар қилиб кетор, агар бот фурсатда ўзунг келиб тахтгоҳи Эронда тургил: Афросиёб кўркунчунгдан ва санинг пурдиллигингдан кўрқуб келмайдурур. Агар эмди келгудек бўлса, бизларни ўлдурур ва болаларимизни асир қилиб юртга бархам бериб ва шикасти азим етқузур. Нома тамом, вассалом.

Алқисса, Жаҳонпаҳлавон додаси Золи Зар билан маслаҳатлашиб, Сиёвушни олиб Эронға олиб бормоқни тақозо қилди. Тамоми Сиестон, Кобул ва Зобулистон, Синд ва Ҳиндистон лашкарини жамъ айлаб, яроғ-жабдуқи сафар айлаб борғайлар. Аммо ровий айтур, бу жонибда Афросиёбға андоғ эшитилдики, мамлақати Эронда Кайковус йўқ эрмиш деб ва ё ўлуб-дурмуш деб. Ва баъзилар ривоятда гўшанишин бўлубдурмиш ва тахти Жамшидий холи. Аҳли Эрон бесар қолибдурмиш деб. Пирони Виса ва Хумон, Бормон ва Андаримон ва Зуфин ибн Пирон ва Гулбоди Виса ва Гўрўйи Зиреҳ ва Гўрўйи Газам ва Қаражони Турк ва билсими Турк ва Лаҳҳоки Бабрдандон ва Қарахони солор ва Гарсивазн номдор ва Фарҳод, барча сардор ва солори лашкарни жамъ қилиб, як асбни ду асб қилиб бир ой ичда юз лак\* сипоҳи жаррори номдорни ҳозир қилдурди. Яхши кунда ва яхши соатда ганж, дафина, оқмашта ва оқтарат, онча моли манол олиб фил ва тева, от ва хачирларға юклаб, боргоҳи саропардайи тахти салтанатни кўтариб Эрон заминға бориб Кайковусни тахтдин тобутға тортиб мамлақати Эронни тасарруфимга кирғузуб келгайман деб, юз лак лашкари жаррор\* бирла отланиб эронзамин сори юзландилар. Манзил-мароҳилларни тай қилиб, дарёйи Жайхундин ўтуб, шаҳарға яқин келиб, сарҳади Эронға етиб эрдилар, тарабдорони сарҳад нигоҳбонларининг қоравуллари Афросиёб паҳлавонони комёблар лашкари фаровон бирла келгонидин хабар олиб, шоҳ Кайковус қулоқиға етқуздилар. Шоҳ уйқулуқ эрди бедор ва маст эрди хушёр ўлди, шул замон кунжи булунгдан чиқиб, айвони Жамшидийға кириб, тахти салтанати Жамшидий устуна ўлтуруб, халойиққа кўрунуш бериб, барча сардор ва солорларни, вазир ва надимларни ҳозир қилдуруб, Афросиёб келмоқидин машварат қилдилар ва Рустами Жаҳонпаҳлавонға нома юбормоқ керак ва Афросиёби бедодгарнинг олдини



тўсқали лашкари жаррор борсун, то Рустам келгунча ул солор лашкари душманларни ҳаял қилиб турсун деб, маслаҳатни мундоғ муқаррар қилдилар.

Алқисса, шоҳ Кайковус амр-фармони бирла муншийи хушиншо келтуруб Рустам отиға нома мураттаб қилғайлар, ногоҳ хабар келдиким, Жаҳонпахлавон Рустами Достон Сиёвуши пок бирла ва лашкари фаровон бирла келур эмиш деб. Алқисса, шоҳ фармони бирла жумла улўғлар, вазирлар, акобери ашроф ва жамоҳири аъроф, аркони давлат ва аъёни мамлакатлар Рустами Жаҳонпахлавоннинг истиқболиға чиқиб, эъзоз-икромлар била шаҳарға тушурдилар. Рустам шоҳ қошиға кириб неча сиеватлар била ва аччиғ сўзлар била шоҳни кўрқутуб ва яна узрлар била кўнглини олиб, сози сафар жабдуғини тайёр айлаб юрур эрдиларким, шоҳ Сиёвушни чорлатиб дедиким: Эй Сиёвуш, сен бориб Афросиёбнинг олдини тўсуб бу казобнинг ном-нишонини жаҳон сафҳасинин артиб, саркашлик қилса бошини танидин жудо қилиб, бошини келтургил деб, васыятлар қилди. Рустамни қичқириб дедиким: Эй шердил, сен бориб пури Пашангин сар-гарданидин боғлаб ўғлонларидин ҳеч бирини қўймай асир айлаб келтургил, макр-фиреб сўзларига фирефта бўлмагил ва сулҳ қилса унамагил, илгаридан мунча маротиб сулҳ қилишиб, яна ўзи қилгон ишларини бузуб, лашкар тортиб келгон эмиш деб, Рустамға зинҳорлаб юз сардор-солор лашкарини қўшуб, Рустам била Сиёвушни Афросиёб жангиға юборди.

Алқисса, булар юз минг сипоҳи жаррор бирла савор ўлуб, боргоҳ-саропардаларини ва чодирини шомиёналарини фил, уштур ва асб ва хачирларға ортиб, Таҳамтан фармони бирла кўс-нақора тортиб кўчуб Турон сори юзландилар. Манзил-мароҳилларни тай қилиб, дарёи Жайхун канорига етдилар. Алқисса, буларнинг келгон хабарини Афросиёби бедодгар эшитиб тамоми лашкари бирла шамъ ва фонусларға ўт ёқиб кечалаб орқасига ёниб дарёи Жайхундин ўтуб дарёнинг ул соҳилиға келиб тушдилар. Рустам ва Сиёвуш бу тубсиз дарёи хунхор ва жазираи беканор ичиға боргоҳ-саропардаларини тикиб ором қарор олдилар. Аммо Афросиёби бедодгар дарёдин ўтуб тамоми сардор ва солорларини йиғиб, улар бирла машварат айлаб дедиким: Солор-сардорларим ва эй паҳлавонони гарданкашларим ва эй вазирларим, эмди шундин ёнасак, ул Рустами Зобулийи сахўрда ва мурғпарвардайи фусунгар ва макр-ҳийлагар келибдур, ул бизга омон бермас, биз ани учун келуб эрдукким, Рустам Эрон узасида йўқ эрмиш, Кайковус тахтгоҳи Жамшидийға чиқмас бўлубдур, ўғли Сиёвушни ўтға солиб, кўнглини озурда қилиб ва барча улўғларни, доно ва донишмандларнинг олдида мунфаил\* ва шармисорхижил бўлуб шодлиқ доирасидан чиқиб гўшайи хилватинин бўлубдурмиш, тахти каёнийи холий ва халойиқ бесар қолгон эрмиш, деб, бу диёрларға қадам қўюб эрдук, бизлар эшитгондек эмас экон, ҳануз ёнамиз, сулҳ эшикинни очиб Рустам ва Сиёвушға элчи юборсак не дерсизлар ва яна бу жаҳон ичра мандурман, ўзга халойиқ мани ва ани туфайлимиздин беҳуда ўлодур, уларнинг уболи гуноҳи иккимизга бўлодур ва яна ҳар бир жанг-муҳорабалар қилмоқ учун иқлимдин лашкар, солор ва сардорларни келтуруб йироқ ердин келгунча ва ё ҳарб-жангда улар ўлуб болалари етим ва хотунлари тул ва халқи бесар қолса, уларнинг уболи бизга бўлмай кимга бўлур? Ва яна улким, шаҳзода Навзрнинг замонидин бери то бу вақтгача талаби Эрон ва тож-тахти каёнийи деб неча қатла сипоҳи фаровон ва жамоати аждаҳойи дамон бирла Эрон узасиға бордук. Биз ҳам шикасти азим ва адаби балиғ еб қочиб ёндук, асло муяссар бўлмади, агар чандеки баҳам бўлса ҳам, бот фурсатда бизлар илигимиздин чиқти, бизларнинг давлатимиздин уларнинг давлати кундан-кунга зиёда вуқў бўлодур. Бизлар ҳам уларнинг сўзиға етиб, агар бу сулҳни қабул айласа, улар итоатиға эгилиб, Кайковус ёшга мандин кичик ҳам бўлса, ул ағо, ман ини бўлуб, арода низоъ ва хусумат бўлмаса, олам тинч ва омон бўлур деб бурунғиларни ёд этти. Назм:

Қани ул Каюмарси некўнажод,  
Қани ул Сиёмак шаҳи покзод.  
Қаён борди Хушанг ила Таҳмурас,  
Уларнинг боши ҳам кетибдур абас.  
Қани ул жаҳонжўй Жамшид шоҳ,  
Тутуб амрини барча шоҳу сипоҳ,  
Қаён кетди Заҳдоки бедодгар,  
Еб эл бошини бўлди зеру забар.

Қани ул Фаридуни фаррух нажод,  
Кетиб бу жаҳондин топиб яхши от.  
Қани Салм, Тур ва Эражи навжавон,  
Қани ул Манучехри шоҳи Жаҳон.

Алқисса, шоҳ фармони бирла муншийи хушиншоини келтуруб, аввал ҳамдавтаҳиди бори таоло, иккинчи таъриф ва тавсифи шоҳи Жаҳон Кайковус, учинчи таъриф ва тавсифи Жаҳонпахлавон ва ҳам Сиёвуш, тўртунчи, ўтган сўзларнинг таърифи ва тавсифи бирла юрт ва мамлакатларнинг аҳволини ва халойиқнинг бесар бўлуб беғуноҳ ўлмоқининг сабабини илгарини-кейин ўтгон, бўлгон хижолатликин нома ичра дарж айлаб\* Андаримонни расолатға муқаррар қилди. Афросиёб номани мунши кўлидин олиб, мўхр босиб, Андаримоннинг қўлиға берди. Уч юз сипоҳи жаррор бирла савора айлаб Рустам, Сиёвушға элчиликка юборди. Алқисса, Андаримон дарёи Жайхундин ўтуб уч юз лашкари номдор бирла Сиёвушнинг боргоҳиға келди. Шул замон хабар еткурдиким, Афросиёбдин элчи келибдур деб. Аммо Сиёвуш Рустами шердил бирла боргоҳ-саропардайи каёнийида майгусорлиқ қилиб ўлтуруб эрдилар. Андаримон барча навкар ва чокари бирла боргоҳи саропардайи каёнийиға келиб отидин тушуб, икки юз киши билан Сиёвуш ва Рустам қошиға кириб саждайи таҳият адо айлаб, бошидин тожиға қистуруғулук номани олиб Сиёвуш қўлиға берди. Сиёвуш ва Рустам Андаримонға иззат-икромлари беҳад ва гоят илтифотлар қилиб юқори ўрун кўрсатдилар. Вақтеки Рустам фармони бирла дабири аторудназир номани олиб бир-бир ўқуди, Рустам ва Сиёвуш нома мазмунини муталаб бўлуб, ҳар иков бу сулҳни қабул айлаб, Андаримонға тушодиган хона тайин айлаб, ул кун Андаримонни турғузуб тонг отгунча Афросиёб номасинин лойиқида жавоби нома битиб, Андаримонни чорлатиб, либоси шоҳона ва тожи мулукона ва камари Хисравона ва асби тўфичоқи\* ироқий бериб, жавоби номани ҳам бериб ёндурди.

Алқисса, Андаримон лашкари бирла савор ўлуб, дарёи Жайхундин ўтуб, боргоҳи саропардайи Туронига келиб Сиёвуш ва Рустам номасини Афросиёб қўлиға берди, салом ва паёми Рустам ва Сиёвушнинг айити ўрнида ўлтурди. Бас, Афросиёб фармон қилдиким, дабири келиб туронғилар деб. Шоҳ фармони бирла дабири аторудсарир келиб номани шоҳ қўлидин олиб сар-басар ўқуди. Битибдурким, эй Афросиёб, эшитгил ва огоҳ бўлғилки, яхши ишни қилибсан ва илгаринин ақл-хушунг йўқ эрди, эмди пайдо қилибсан, бу сулҳунгни қабул қилдук. Сен ҳам бизларға макр-фиреб қилмай, узри дигар оғоз айламай, бизларнинг сўзимизға кирсанг, ўғлонларингдин бирини ўз уруғ туғгон хешовандларингдин уч юз кишини ва яна туронзаминнинг йиллиқ бож-хирожини юборгил, ўзунг шаҳри Кангдижға бориб хушқол-хуррам ва тинч-омон шароби ноб ичиб айш-роҳат ва хоби фароғат бирла ётгил, мундин кейин халойиқнинг кўнгли тинсун ва ҳар ким ўз мақоминда оромни дил бирла ўлтурсун, нома тамом-вассалом.

Алқисса, Афросиёб вазирлариға ва умаролириға боқдиким, не дерсизлар ва бу бобда нима маслаҳат кўргазасизлар дегач, ҳама дедиларким: Шоҳо, сен қандоғ фармон қилсанг, бизлар фармонбардордурмиш. Ва яна улким, бу сулҳни бизлар қилдук, улар ҳам қабул айлаб маъқул кўрубдурлар ва яна бизларға рой-ихтиёр солиб жавоби нома юборибдур, бўлмаса улар бизлардин кўрқмайду, чароки бизлар қўй гала — рама, улар гург\*, бабр, бизлар тулки, улар гўё шер, уларнинг дегонидек қилмасак, бизларни яна бесаранжом айлар деб, ҳама бу маслаҳатни маъқул кўруб, мазкур бўлғонларни юбормоққа муқаррар қилдилар. Алқисса, Афросиёб улўғли Сирхани уч юз диловари номдори жаррор ўз хешовандларидин Сирхаға қўшуб, туронзаминнинг уч йиллиқ бож-хирожини юклатиб юборди. Булар дарёи Амудин ўтуб Сиёвуш хизматиға келдилар. Сиёвуш ҳам буларға иззат-икромлар айлаб, дилнавозликлар бирла навозишлар қилур эрди. Алқисса, бир кун Сиёвуш Рустам бирла бу сулҳ борасида маслаҳат қилдилар. Дедиларким: Бу сулҳни Кайковус қабул қилур ё йўқ, не учунки ниҳоят тунд-жоҳил ва яна зинҳорлаб юбориб эрдиким, Афросиёбни йўқ қилмай келманғилар деб эрди, эмди бу сулҳномани бир кимарса олиб боргай, Кайковус қабул қиламан ё аччиғи келиб, қаҳр-ғазаб қиламан дер, анга боқиб иш қилойи. Шунгача мунда турали деб, сулҳнома битиб мўхр босиб тайёр айладилар. Сиёвуш дедиким: Жаҳонпахлавон, бу сулҳномани сен олиб борсанг, сендин ибo қилиб, сенин сўзунгга унаб бу



сулҳни қабул қилур, валло ўзга киши борса анингдан ҳеч шарм тутмай, балки анга қаҳр-ғазаблар қилур, мани кўнглум сани юбормоқға тақозо қилур, агар гарон келмаса бу номани олиб борсанг, ниҳояти хўб бўлур эрди деб айди. Таҳамтани шердил қабул айлаб, якка-танҳо Раҳшга савор ўлуб, сулҳномани тожға қиствуруб, Бодпойи\* Зобойлини ҳамроҳ айлаб Эрон сори равон бўлди. Манзил-мароҳил тай қилиб, Кўху биёбон ва дашту ҳомунларни қатъ қилиб Эронга етти. Шаҳарнинг улўғ ва сардорлари Рустам келгонин билиб барча шаҳар аҳли олдиға чиқти, Рустамни эъзоз-икромлар бирла шаҳарға келтурдилар. Рустам кўрдик, шоҳ Кайковус хилватға кириб айш-фароғат бирла ўлтурубдур. Шоҳ ҳам паҳлавони Жаҳоннинг келгон хабарини эшитиб гўшанишлиқдин Рустамға кўрунуш берди. Таҳамтани шердил номани олиб шоҳға тутти. Шоҳ фармони бирла дабир келиб бир-бир ўқуди. Кайковус нома мазмунидин иттилоъ\* ҳосил қилиб, қаҳр-ғазаб ўти аланга уруб, Рустамға аччиғи келди. Дедиким: Эй галча, ман сани Афросиёбнинг ном-нишонини етуруб, балки бошини кесиб келтур деб юбориб эрдим, анинг узр-макр сўзларига фирефта бўлмағил, Сиёвуш ҳануз хом ва кичик бошлиғ ва нодондур деб сани анга раҳнамунлиқ қилсун ва ҳар ишларда йўл ва маслаҳат кўргузсун деб юборгон эрдим. Агар сен бу сулҳни қабул қилибсен, хато ишларни бошлабсен, ҳоли ҳам бориб Афросиёбни макр бирла тутуб бошини кесиб юборғил, бўлмаса юртунга бориб осойиш бирла ётғил, ани илож ва тадбирини ман қилурман деб, Рустамға неча аччиғомиз сўзларини айтиб боргоҳдин чиқорди. Рустам совутини кийиб, боргоҳдин ташқари чиқиб, бир нома битди ва ул номани Бодпойи Зобулийға бериб Сиёвушға юборди, ўзи танҳо Систонға равон бўлди. Манзил-мароҳил тай қилиб Рустам Систонға етти. Мақомиға бориб ўтган воқеаларини атоси Золға бир-бир баён қилди. Андин уч кун Систонда туруб бешайи Новандға шикор айламоқ учун равон бўлди.

Аммо, ровий айтур, ул кунки Бодпойи Зобулий номани олиб батаври Турон равон бўлди, манзил-мароҳил тай айлаб андак фурсатда Сиёвуш даргоҳиға етти. Номани Сиёвушға бериб яна Систонға ёнди. Бас, Рустам номасини ўқуб кўрди. Мазмуни бу эрдиким, эй Сиёвуш, атоғ Кайковус бу сулҳни қабул қилмай санга ва манга аччиғи келди, ўз фикрингни ўзунг қил, ман Систонға кеттим. Нома тамом-вассалом. Алқисса, Сиёвуш Рустам номасини ўқутуб фикр-андеша қасдиға тушуб ўлтуруб эрди, яна бир қосиди айёр дари боргоҳдин кириб, шаҳзода Сиёвушға салом ва паёми Кайковусни еткуруб, номайи шоҳни олиб Сиёвушға тутуб берди. Сиёвуш дабирни чорлатиб номани сар-басар ўқутти. Битибдурким, бу нома Сиёвушға етмак ҳамон ҳаял қилмай Афросиёбнинг ўғли Сирханинг бошини кесиб мунда юборсун, ул уч юз хешованди Афросиёбни гўл-занжири гарон ва мисмори оҳанин бирла беркитиб гунҳорлар янглиғ бадарға қилиб мунда юборсун, токим дорға осиб тирборон қилғаймиз. Ва ул эл-молини, от-улоғини торож айлаб, Афросиёб кенидан қувлаб турсун, то дари Гангдижғача бориб ном-нишонини жаҳон сафҳасиндин артсун. Агар Сиёвуш бу ишни қилмаса, бу тарафларға келмасун ва дидорини манга кўрсатмасун, қаён кўнгли хоҳлайдур борсун. Бу номанинг кенидин Туси Навзарни ўтуз минг сипоҳ бирла юбордим. Бориб Афросиёбнинг рўзгори мусойидидин думор чиқорур\* ва анинг орқасинин бир-бир илғор юборибдурман. Нома тамом-вассалом.

Алқисса, Сиёвуш Сирхани чорлатиб ва ўз афродларини ҳам келтуруб дедиким: Эй бародар, сизлар ҳамаларингиз шоҳи Турон хизматиға борингизлар, сизларни тутғали Туси заринакаш барча авлодлари бирла, ўтуз минг сипоҳи жаррори найзагўзор бирла келур эрмиш деб, номада мазкур бўлгон сўзларини бир-бир тақрир айлади. Ва яна дедиким: Эй бародар, атоғ шоҳи Туронға мандин салом ва паём дегил ва айтғилки, манга юнонзамин сори ўтмоқға хат ва йўл берсун, юнонзамин сори борурман, минбаъд Кайковус қошиға бормасман, эмди умрумни шу ён ўтказурман, Кайковусдин кўнглум оғриди, ҳаргиз ато демасман. Андоғ саронг ва сарар қошида турмасман деб Сирхани барча афродлари бирла қўяберди. Улар шаҳзода Сиёвушдин юз минг миннатдорлиқ қилиб, боргоҳ-саропардаларини улоғларига юклаб, хушхол-хуррам дарёдин ўтуб йўлға равон бўлдилар. Афросиёб Туронға кетиб эрди, Сирха ул уч юз сипоҳи жаррори номдорлар бирла шаҳри Гангдиж тарафиға юзланиб, манзил-мароҳилларини кезиб ва ҳафта йўл юруб шаҳри Ганга етдилар. Булар келгони хабари Афросиёбға эшитилди, барча ҳайрон қолдилар.

Алқисса, Сирха Афросиёб қошиға кириб Сиёвушнинг қилгон дўстлиқларини, дилдорлиқлар бирла навозиш қилгонини ва ўтгон воқеаларини бир-бир тақрир айлаб, Сиёвуш номасини шоҳи Туронға тутуб берди. Афросиёб Сиёвушнинг номасини ўқутуб, мазмунидин муталлаъ бўлуб, барча вазирон, Пирон ва Ҳумон ва Андаримон, барча гарданкашларға караб дедиким: Эй вазирлар ва эй аркони давлат ва аёни мамлакатлар, агар Сиёвушнинг мунда келтуруб қошимизда турғузсоқ ва анга лутфу марҳаматлар кўргузуб ўзумға домод айласам не дерсизлар; у ниҳоят оқил ва донишманд, зийрак ва донодур. Ва яна Рустамдин онча хунарлар ёд олгон эрмиш, атоси Кайковус бир зани маккора бирла бадном қилиб ўтға ташлабдур. Анинг учун кўнгли ниҳояти оғриб тургон вақтда ани бизларнинг жангимизға буюрубдур. Кўрунғларким, оқил, зийрак ва бино учун Сирхани, афродларимизни ўлтурмай ва торож айламай атоси сарез ва мажнунни сўзига кирмай уларни бизларға юборибдур. Эмди давлат ва саодат эшиклари бизларнинг юзимизға очилибдур, не учунким Кайковус ақл-хушдин қолибдур. Агар Сиёвуш бизларнинг тарафимизға келса, гўё тож-тахти Эрон қўлға келгондек бўлур. Не учунким, паҳлавони фюор, диловари пурзўр, агар ул мунда, бизлар қошимизда бўлса, бот фурсатда Кайковусни тахтдин тобутға тортиб, тож-тахти қаёниини дастғари айлаб, мамлакатаи Эронни тасарруфимизға киргузуб, жаҳонға ёлғиз подшо бўлурман ва ҳар бирингизларни бир иқлимға подшоҳ айлаб, ўзум пойтахти Эронға бориб анда турарман деб, Ҳумони Висани ўтуз минг сипоҳи жаррор бирла Сиёвуш олдиға юборди, токим булар йўл узра келурлар. Аммо Сиёвушким, Сирхани атоси қошиға юборди ва андин атоси қўшуб юборгон эллик минг сипоҳи номдорнинг сардор ва солорларини қичқириб дедиким: Эй сардор ва солори лашкари Систон, Кобул ва Зобул, Ҳиндистон Рустам бирлан келгон эллик минг сипоҳ ёниб кетинглар, Рустам ҳам подшоҳдин ямонлаб Систонға кетибдур, Сизлар ҳам лашкарни олиб Эронға ёниб борурсизларму ё ман не ерга борсам манга эргашиб, ҳамроҳ борурмусизлар?! Бу бодба не дерсизлар?! Бу сардор ва солорлар аросидин етти паҳлавони пурдил Сиёвушнинг хизматида бўлмоқни ихтиёр этти ва андин ўзгасини Эронға ёндурди. Ул етти паҳлавон мисли Геви солор, Раҳҳоми Гударз, Баҳроми филданон ва Фарҳоди Гударз, Гургини Милод, Шидўши Гударз ва Зангайи Шаварон. Бу етти киши Сиёвушға эргашиб туронзамин сори равон бўлдилар.

Алқисса, бу жонибдин Туси Навзар қирқ минг, Фарибурз эллик минг, Густаҳами Навзар олтимиш минг, Ардашири Қубод етмиш минг сипоҳи жаррор бирла бир-бир илғор келдилар. Ҳеч қайси Сиёвушға ё Афросиёбға етолмадилар. Ночор, ноумид ва маъюс бўлуб, беҳуда ранж-меҳнатлар чекиб, орқаларига ёниб эронзамин сори бадар кеттилар. Манзил-мароҳилларини тай қилиб, неча кунда шаҳри Истарихға келдилар. Утган саргузаштларини ва Сиёвушнинг лашкарини ташлаб Афросиёб тарафиға кетгонини бир-бир шоҳи Жаҳонға тақрир айладилар. Кайковус қилгон ва дегонларига ниҳояти пушаймонлар ва надоматлар қилдилар, фойда бермади. Жунуни илгарилигидан зиёда бўлди. Халойиққа кўрунмади ва кўрунуш бермай яна хилватнишлиқни ихтиёр этти. Халойиқнинг бориш-келиш йўлини беркитти, аҳволи жамаъи оламдин хабар олмади, гўшани ихтиёр айлаб, айши фароғатға машғул ўлди.

Аммо ул жониб — Афросиёб тарафидин воқеа эшитмоқ керакким, вақтеки Сиёвуш Турон тарафиға кетиб борур эрдилар, йўл узра олдиға Ҳумони Виса ўтуз минг сипоҳи жаррор бирла йўлқути. Ҳумон Сиёвушни кўрмак ҳамон отидин тушуб, Сиёвуш ҳам бодпойидин сакраб тушуб бир-бирлари бирла кўруштиллар ва андин бу етти паҳлавони Эрон Ҳумон бирла канор олишиб ва ул ерда тушиб, боргоҳ саропардаларини тикиб, Ҳумон Сиёвушни меҳмондорлик қилди. Афросиёб айтгонларини Сиёвушға сар-басар айтиб таклиф айлади. Дедиким: Эй шаҳзода, Афросиёб сани бисёр дўст тутодур, агар сен борсанг, анинг суҳбатига оройиш ва санга осойиш бўлғай. Сиёвуш дедиким: Юнонзамин сори борур эрдим, агар ҳоқони Чин манга бу янглиғ атолиғ ва дўстлуқ қилайин дейдургон бўлса, ман не деб фарзанд бўлмағайман, деб Ҳумор бирла олганиб, манзил-мароҳилларини тай қилиб, кундузи бешалар ичра шикор айлаб ва кечаси шароби ноб ичиб, сайр-тамошойи Турон қилиб шаҳр канориға еттилар. Афросиёб тамоми амир-умаро, вазир-вузуро, ақобир, аркони давлат ва аёни салтанати — барча паҳлавонон, гурдонни гарданкашлар ва бародар, фарзандларини шаҳзода Сиёвушнинг олдиға чиқарди. Алқисса, бу жумлаи

халойиқ уч-тўрт манзиллиг эрга — Сиёвущининг олдиға келдилар. Жойи хушхавоё дилкушойи сабзасори хуррам ва лозазори пурнам узасида боргоҳи саропарда, чодир ва шомиеналари тиктилар. Шароби ноб ичиб ва туфайл кабоб — меҳмондорликлар лозимасини келтуруб эрдилар, ҳаммани тайёр айлаб тургон чоғ биёбон тарафидин гард намоён бўлди ва ул гард-ғубор сузулуб лашкаре намудор ўлди. Таҳқиқ қилдиларким, Хумони Виса шаҳзода Сиёвущи бирла келодур. Яқин етиб келгон замон Пирон бошлиқ жамъи саркардагони Турон ва барча хурду калон ўрунларидин кўпуб, неча қадам илгари келиб тургач, шаҳзода ҳам Шабрағи бехзоднинг инонини тортиб тўхтатиб тушти, неча қадам илгари келиб Пирони Виса бирла канор олиб ва андин ўзга сардор ва солорлар бирла кўрушти. Афросиёбнинг фарзандлари ва бародарлари бирла кўрушуб ул жойи басофага туштилар. Алқисса, барча сардор ва солор, мисли Пирон ва Бормон ва Андаримон ва Лаҳзоки Бабрдандон ва Насиҳин ва Зуфин ибн Пирон, Гарсивазин номдор ва Ахвости нобакор, Гурўйи Гаразми бадхоҳ ва Гурўйи Зираҳ ва Тураки Фархошжўй ва Қарахон солор ва Фарҳод ва Родуйи шужо, Турк ва паҳлавон Рўйи. Афросиёбнинг ўғуллари Сирха ибни Афросиёб ва Шидо ибни Афросиёб ва Жаҳин ибни Пашанг ва жамъи сардор ва сарҳанглар Сиёвущи бирла кўрушуб, ҳол-аҳвол сўрушуб, обу маҳозир еб, бир-икки давра шароби ноб ичишиб андин кўчтилар. Сиёвущини эъзозикромлар бирла шоҳи Турон даргоҳиға келтурдилар. Сиёвущи дари боргоҳдин кирмак ҳамон шоҳи Туронга сождай таҳият адо айлаб, шоҳи Турон ҳам тахти салтанатидин тушуб шаҳзода Сиёвущи бирла канор олишти, ўнг ёнидин, барча бародарларидин юқори ўрун тайин этти. Шул замон мажлиси олий ва жашни Жамшидий қилмоққа буюрди. То қирқ кун Сиёвущиға мажлис бериб, кўнглини олмоқ учун беҳад ва ғоят илтифотлар қилди. Гоҳ соғликида, гоҳ мастликида ончи саволлар айлади, Сиёвущи хушёрлик ва огоҳлик бирла жавоб бериб, йўсун ва қоидаи подшоҳлик бирлан ўлтурур эрди. Неча кун ва неча замон бу сиёқ меҳрибон — мушфиқлик бирла Афросиёб Сиёвущиға муҳаббатлар кўргузуб, бот-бот Сиёвущини ҳамроҳ айлаб шикор қилур эрди. Сиёвущида ҳеч айб ва нуқсон тобмай, ҳамма ишларини писандида кўруб, аввал синамоқ учун Пирони Висаннинг қизи Жарибонунини қирқ кун тўйи шоҳий ва мажлиси шаҳаншоҳий қилиб, туронзаминнинг муғанний ва ромишгарларини йиғиб, Сиёвущининг бошидин табақ-табақ зар ва дурру жавахир исор айладилар. Барча муғанний ва ромишгарлар дунёдин бениёз бўлуб, мумтоз ва сарафроз ўлдилар. Афросиёб ўзи ато бўлуб, тўй жабдуқини тайёр айлаб, Сиёвущиға сару поийи шоҳона ва тожи туроний ва камари Хисравоний ва тўфичоки ироқий, зину лажоми мурассаф\* бирла тамоми тиллодин, лаъл-ёқут, зумуррад ва забаржаддин кўз қўйгон илтифот этти. Сиёвущи таъзимлар қилиб Афросиёбға ситойишлар айлади. Яхши соатда ва яхши кунда ул бонуйи хурнажодни шаҳзода Сиёвущи поктаңға аввал вақтнинг дин ва миллати тариқи бирла меҳри габинга сарвини иқд боғлаб жилвагар қилдилар. Бир йилдан кейин ўзининг қизи Фарангисбонунини Сиёвущиға берди, етти минг сипоҳи жарронни хизматида қўуб, то бир йилу уч ой қошида тургузуб, андин мамлаката Хўтанға подшоҳ қилди.

Алқисса, Сиёвущи Афросиёб фармони бирла тамоми борхона ва чодир-шомиеналарини фил ва тева ва от ва хачирларга ганж-хазина, боргоҳи саропардаларини юклаб, барча лашкар ва чокарлари бирла савор ўлуб Хўтан сори равон бўлдилар. Манзил-мароҳил тай айлаб, ўн икки кун йўл юруб, кўху биёбонларни қатъ қилиб шаҳри Хўтанға еттилар. Аҳли Хўтан Сиёвущини келадурмиш деб, барча халойиқ олдиға чиқтилар, эъзоз-икромлар бирла шаҳарга келтуруб ўрдаға тушурдилар. Сиёвущи келиб бу шаҳри Хўтанни обод этти, халойиқнинг кўнглини олиб, дилдорлик бирла навозишлар қилиб зару жавахир ва либоси фоҳир ва камари мурассаф\* бериб, неча ерда қалъа бунёд этти. Аммо бир шаҳар солдурдиким, кўнгура ва фарсанг-дарфарсанг ниҳояти зей-зибнатлиғ. Ва ул қалъани Сиёвущигирд дер эрдилар. Ул кунларда андоғ обод ва маъмурлуқ эрдиким, ҳеч юрт-мамлакат Хўтандек обод эмас эрди. Сиёвущи дод-адл қилиб, халойиқнинг кўнглини илтифот, инъом ва эҳсон бирла шод айлаб, кўрунушнинг эшикинни очиб, халойиққа дурру жавахир сочиб ўлтурур эрди. Халойиқ ҳар тарафдин ва ҳар жонибдин Сиёвущини дўст тутуб, хизматида бўлмоқни ихтиёр этиб, жамъи ўтуз минг сипоҳи жарронни найзагузор кеча ва кундуз қошида турар эрдилар.

Алқисса, Сиёвущини мундоғ юртни обод айлаб, дунё йиғмай

элга сарф этиб лашкар жамъ қилғонини Афросиёб эшитиб ҳамма хушхол ва хуррам бўлдилар. Бас, Афросиёб фармон қилдиким, бу мажлис ичидин неча киши Сиёвущини кўруб келмоқни кўнглим хоҳлайдур, борсун, манинг салом-паёмимини Сиёвущи бирла Фарангисбонунга еткурсун, Сиёвущининг эткон иморатларини ва солғон қалъаларини кўруб, анинг сиҳат-саломатликин хабарини манга еткурсун дегоч, етти паҳлавони номдор ўрунларидин кўпуб, сандалдин тушуб пойгоҳға келиб, шоҳи Туроннинг рухсатиға боқиб турдилар. Шоҳи Турон ҳам буларға рухсат бериб, Сиёвущиға салом ва паём айтиб, шаҳри Хўтан тарафиға юборди. Бу етти паҳлавон мисли: Гарсивазин шум, Бормони хум, Хумон ва Андаримон, Гурўйи Зираҳ, Гурўйи Гаразм ва Фарҳоди турксавор ўлуб, Мочин сори равон ўлдилар. Аммо Гарсиваз Сиёвущи борасида душманлик қилғали баҳона тобмай юруб эрди. Булар манзил-баманзил, мароҳил-бамароҳил тай қилиб, андак муддатда шаҳри Хўтанға еттилар. Булар келгонидин Сиёвущи огоҳ ўлуб, жамъи аркони давлат ва аёни мамлакат, барча сипоҳ, шоҳу гадони жамъ қилиб, тухфаго пешкашлар олиб ул етти паҳлавони туроний олдиға чиқтилар. Уч кунлик эрга келиб улар бирла мулоқот ўлдилар. Сиёвущи Гарсиваз юзини кўрмак ҳамон шабранги бехзодидан тушуб, Гарсиваз бирла мулоқот ўлуб, кўрушуб ниҳояти эъзоз-икромлар қилиб, андин қолғон паҳлавонлар бирла кўрушти, не учунки Афросиёбнинг бародари ва хешовандлари эрди. Ул боисдин олдиға чиқиб Афросиёбнинг хотири учун уларға иззат-хурматлар қилиб, шаҳарга келтурдилар. Сиёвущи бу маккор-ғаддорлар учун мажлиси шоҳий ва жашни Жамшидий бунёд айлаб, то қирқ кунғача ҳар кун бўлак базм ва бўлак жашн кўргузуб, бошларидин дур-ғавҳар ва зар-жавоҳир нисор айлаб, мажлис ичра ўлтургон муғанний ва ромишгарларға, ул юртнинг ожиз ва нотавонлариға сочтилар. Улар паҳлавони туронийларға сарупойи шоҳона ва тожи мулкона ва қамари хисравона ва тўфичоки ироқий ва чоркуббайи каёни\* бериб мамнун ва сарафроз айлади. Алқисса, Сиёвущи ул паҳлавони туронийларни бошлаб, Хўтан вилоятининг бешалариға бориб, атроф-жониб Хўтанни сайр-тамошо айлаб, не ерда майдони васеъ ва сабзасори хуррам бўлса, ул ерга тушуб, боргоҳсаропардаларини тикиб, ул ерда шароб ичмоқ учун мажлис тузар эрдилар. Гоҳи бешалар ичра юруб, бабр-шер, гавазин, нахир шикор айлаб, яхши ерга тушуруб, анда ором олиб, бу янглиғ кўху биёбонларни сайр-тамошо қилиб юруб эрдилар. Ногоҳ кетиб борур эрдилар, олдилариға бир майдони васеъий хушхавойи дилкушойи сабзасорлик манзил йўлуқти ва анда боргоҳ-саропардаларини келтуруб тиктилар. Шароб-шарбат ва ноз-неъматларни тайёр айлаб, ул ерда уч кеча-кундуз туруб, мажлиси олий қилуб, кўнгулларини шод айлаб, хушхол — хуррам ва боҳузур-беғам ул манзили басофада айши фароғат бирла ўлтурур эрдилар.

Алқисса, Гарсиваз бир кун маккор-ғаддорлик бирла Сиёвущиға дедиким: Эй Сиёвущи, келғил, бу майдони дилкашда ҳар иков гўйбозлик қилоли, эшитидурманким сани Рустамдин ўтуз икки лаъби сипоҳийгарликин таълим олғор эрмиш деб. Сиёвущи дедиким: Сен ва ман ўлтурули, паҳлавонлар бир-бирлари бирла чавгонбозлик қилсунлар, сен шоҳи Туроннинг бародари, санинг бирла ўйнашиб бўлмас, деб етти паҳлавони Эронийға фармон қилди; бу тарафдин етти паҳлавони туроний Гарсиваз буйруғи бирла майдонға кириб жавлон кўрсатди. Ул Бормон бирла Зангайи Шаворон, Андаримон бирла Геви солор, Хумон бирла Раҳом, номдор Фарҳод бирла Гурўйи Гаразм, Гургини Милод бирла Гурўйи Зираҳ, Фарҳоди Дороб бирла Баҳроми Ял гўйбозлик қилди. Бу олти паҳлавони Эрон олти паҳлавони туронийға солиб келди. Гўйи чавгон бирла уруб майдондин чиқардилар. Эрса Гарсивазнинг душманлик ўти шарора тортиб, ториқиб кўпуб отиға миниб Сиёвущининг бошиға дебаб келиб дедиким: кўпғил, эй Сиёвущи, ҳар иков гўйбозлик қилали, булар бирла мурод ҳосил бўлмади демек бирла шаҳзода Сиёвущи кўрдиким, Гарсиваз сўз тирикти, икки қоши оросиға чин солиб душманлик изҳор айлаб туродур. Шабранги Беҳзод тўқуғулқ турор эрди, Сиёвущи кўпғанча бодрафториға савор ўлуб, қўлиға чавгон олиб, Гарсиваз баробарға келиб гўйбозлик қилди. Сиёвущи хотир соқлаб рой-ихтиёрини Гарсивазға қўйди. Гарсиваз ин ҳамма чавгон уруб Сиёвущининг олдидин гўйни элтолмади. Сиёвущи зиеда келди, гўйни уруб майдондин элти, Гарсиваз дағи ҳам тирикти, Сиёвущи ёмонлаб, Сиёвущи бирла шаҳарга бормай, шул тарафдин бешалар ичра юруб шаҳри Ганға келди. Афросиёб қошиға кириб



онга ўтгон воқеаларни, Сиёвушнинг ҳол-аҳволини ва мамлакатининг ободлигини ва халқининг мусарвар-шодлиқини ғийбат ва шикоятмиз сўзлар бирла шоҳи Туронга бир-бир баён айлаб дедиким, шоҳо, вақтеки бизлар бордук, санинг салом-паёмингни еткурдук, бизларни ҳаргиз назариға келтурмади. Санинг дуо ва саломингни айтмоқлик бирла асло ўрнидин тебрамади, бизларни кўзиға илмади, ким келибдур, ким эмас, парво қилмай, одам ўрнида кўрмай, санинг сиҳат-саломатликингни сўрмади, онча илтифот ҳам кўргузмади, саҳаллик бирла ёндурди. Аммо қошида қирқ минг ўзидек навжавони сипоҳи жаррори найзагузор жамъ қилибдур, маҳкам ва ораста қалъалар бунёд айлабдур, бошида ҳаёли бор эмишким оламга подшоҳ бўлмоқ, бу жаҳоннинг подшоҳларидин хирож илмоқ ва жаҳонгир бўлмоқлик ҳавойи бор эмиш. Ва яна эшиттукким, шоҳи Туроннинг узасиға лашкар тортиб бориб, тамоми туронзаминни тахти тасаруфимга киргузуб, Афросиёбни ўлдуруб, тож-тахти Туронға соҳиб ўлғайман дер эрмиш. Бу сўзларга мувофиқ узогини шундоғ чоғлади, қадимги душманлигини кўнглидин чиқорғони йўқ, охир ҳар неча атолук ва дўстлуқ, меҳр-муҳаббат бирла анга лутф кўргузуб парвариш қилмоғлик норавадур, не учунким, ул душманнинг фарзандидур, бизларға ҳаргиз кўнгул бермас; агар бизлар анингдин илғари анинг узасиға бормосоқ, ул бизнинг узамизға лашкар тортиб келур деб, Сиёвуш ҳақида неча макр сўзлар бирла йиғлаб айтиб, Афросиёб кўнглиға шўришлар солиб фитналар пайдо қилди. Афросиёб бу етти макор-ғаддори модарсўхтойи рўзгорларнинг сўзиға кириб, Сиёвушни ўлтурмак қасдиға тушти. Жамъи надимон, вазирон, барча гарданкашларни ҳозир қилдурди. Сафар жабдуғи ва зоди роҳила ва олоти ҳарба ва салоҳи набардийларини\* тайёр айлаб, тамоми сардорони Турон ва сипаҳсолори шоҳи туркон ҳар қайсиси ўз лашкари бирла келиб, маймана-майсара қилиб, чаноҳгоҳи соқий ва камингоҳий қилиб, ясолорлиқни бажо келтуруб кўрдиларким, юз лак лашкар жамъ бўлбдур. Бу лашкар гўё бир дарёйи азимки, мавж урор эрди.

Аммо Сиёвушдин эшитмоқ керакким, вақтеки Сиёвуш ул саги маккорлардин жудо бўлуб уйиға келди, Фарангисбону кўрдиким, Сиёвуш паршонҳол ва хомуш, бир ердин зеҳни қочиб келибдур деб аҳвол сўради. Сиёвуш дедиким: Эй Фарангисбону, отангинг бародари Гарсиваз ва Ахвост, Гўрўйи Горазм ва Гуруй Зираҳ, Андаримон ва Ҳумон мандин ямонлаб кеттилар, ваҳоланки, худойи таоло гувоҳдурким, мандин уларнинг назарида ямон сўз ўтмай ва ё кўнгуллари чигил бўлғудек ямон иш содир бўлмади. Бешайи Аргуванзорни Ҳўтанда шикор айлаб, анда жавлон кўргузуб манинг бирла гўйбозлиқ қилиди деб тутти. Уларнинг табъи куймасун деб ўзум рой-хотир сақлаб, паҳлавони Эронийларни буюрдум, кириб улар бирла гўйбозлиқ қилинлар деб, гўйбозлиқ қилиб буларға ғолиб келолмагач, ул боисдин манга аччиғлаб неча сўзлар айтиб Турон тарафиға кеттилар. Албатта, мандин ғийбат ва шикоят-омиз сўзларини шоҳи Туронга еткурғандур деб. Бу етти паҳлавони эронийки ҳамроҳ келиб эрдилар, буларни қичқиртиб ҳар қайсиға рухсат берди, дедиким: Эй ёронлар, сизларнинг уй-фарзанд, ва аёлларингиз бордур, мани деб чиқиб келиб эрдинлар, ҳалиғача мани танҳо қўймай ниҳояти хизматларни қилдингизлар, мабодо, билиб бўлмайдур, Афросиёб бизларға душманлик қилмағай, сизлар ёнинглар деб Эронға юборди. Геви Солорға дедиким: Сан манинг дўстум, сандин ман ниҳоятни рози, не учунким сан манинг фарзандларим учун неча йил саргардон мамлақати Туронда жафо ва меҳнатлар чекиб хизматлар қилурсен. Санинг қўлунгдин ишлар келур, ул ишинг замона охириға қолур; санинг даст-бозунгға жаҳон аҳли офаринлар ўқугай, аммо манинг фарзандларимдин хабардор ўлғил, манинг барча яроғ-жабдук ва салоҳи набардим санга мандин ёднома деб, Рустам, Золи Зарға, Гударзи Гўшводға ва дигар паҳлавонони олийнаждоларға дуою салом-паём айтиб, уларға йўл кўрсатти. Алқисса, бу етти паҳлавони эроний Турон ўлкалариға шўриш солиб, барҳам уруб чиқиб Эрон тарафиға равон ўлдилар. Манзил-мароҳиллар тай қилиб, неча кун йўл юруб Эронға келдилар. Ҳар қайсилари ўз жой-мақомларига бориб ором ва қарор олдилар. Аммо Геви Гударз вақтеки уйиға келди, кўрдиким бир кичик бола ўйнаб юрубдур, ҳануз тўрт-беш ёшқа кирибдур. Гев дедиким: Бу кимнинг фарзандидур?! Бону Гершасп кулуб дедиким: Бенаволарнинг фарзандидур. Геви пурдил билдиким, ўзининг ўғли. Сиёвуш бирла туронзаминга борурда Гершаспону борҳомила қолиб эрди.

Бас, Гев сўрдиким, бу ўғулнинг отини нима қўйдунлар?! Гершаспону дедиким: Бижони шахриёр от қўйдик. Мунинг бу ердаки не от қўюшунгни узунг билурсан. Гев ҳам Бижон деб тарбия қилур эрди.

Алқисса, Сиёвушки паҳлавонларни ўз жой-манзилиға юбориб кўржлариға васыятлар қилди. Дедиким: Эй меҳрибони рўзгорим ва эй муниси ғамгусорим, отанг Афросиёбдин вафо келмас, бизларға андин жабр-жафо ва зулм-ситам етар, сани гунаҳкор айлар ва мани ўлдурурлар ва қонимни тўкарлар, бу кеча ман туш кўрдум, таҳқиқ Афросиёб бу диёрларға келур ва бизларни торож ва ғоратлар қилмоқға буюрар. Ул саги маккорларнинг ёлгон сўзлари бирла сани ва мани ўлдуermoқчи. Булар мани олдига боргон ерда тутар ва сани мунда бадағға қилур. Аммо санинг гуноҳингни Пирон тилар ва фарзандларимға дўстлуқ ҳуқуқини еткурур, мандан рози бўлғил, ман сандин рози ва хушнудурман. Аммо туғсанг фарзандингнинг отини Кайхусрав қўйғил, ўғлинг етти иқлимға — кун чиқшиндин кун ботишғача подшоҳ бўлур ва сен иззат-хурматға чиқорсен ва манинг хуни интиқомимни (алардин) олур ва бу мамлақати Туронда ер юзи гўё от наъли бирла оханпўш бўлур, қон дарё бўлуб оқар ва одам жасади бирла пушталар кўпар деб неча оғиз сўзи бор эрди, Фарангисбонуға айтиб, ҳар икков йиғлашиб рози дилларини айтиб ўлтуруб эрдилар, бир қосиде кириб келди. Аммо бу қосиди Афросиёб юбориб эрдиким, биз мана отландук, то биз боргунча сен Сиёвушға етиб боргил, нима иш қилиб ўлтурубдур, дўстлуқ ва душманлиқини англаб, Сиёвушға бизни келодур деб хабар еткурғил деб юбориб эрди.

Алқисса, бу қосиди айёр уларнинг мундоғ уйини холи қилиб, рози дилларини айтишиб, эшиқни ғайрилар қадамидин беркиртиб ўлтургонларидин хабари йўқ. Сиёвуш уйдан бот чиқмай киши кириб хабар бердиким, хоқони Чин элчи юборибдур, нома олиб келдим дер. Бир қосиди айёр тезрафтор эшик тубида кирмоқға арбада\* қилиб туродур дегоч, Сиёвуш дармаҳал девонхонайи айвонга чиқиб, жамъи арқони давлат ва барча сардор-сипаҳсолори вилоятни жамъ айлаб Афросиёбнинг номасини ўқутти. Битибдурким, яъни шоҳи Турон Хоқони Чиндин Сиёвушға сўз буким, бизлар сани кўргали бородурмиз, бу нома етмак ҳамон меҳмондорлиқ асбобини муҳайё қилиб, бизларнинг олдимизға келғил, бизларнинг санга ямонлигимиз йўқ. Аввал туз бердук, андин киз бердук, вилояти Ҳўтанга подшоҳ қилиб, неча минг хизматкор, боргоҳ-саропарда, туғалам, кўс-нафир, етти минг паҳлавони далер илтифот айлаб, бир ўғлум ақида қилиб, фарзандларим қаторида билдим. Аммо сан мандин дигаргуна сўзлар эшитиб, кўнглунгни ўзгача қилибсен, ваҳоланки, шунчалик бирла сани кўрмақлик, жамоли бокамолларингға қараб фироқ ва орзу унини паст қилмоқлик ҳавоси ғолиб келиб, баҳонайи шикор бирла санинг тарафингға юрдук. Сен ҳам ул етти паҳлавони Эроний бирла манинг олдимизға кел, кўрқмағил, ҳеч ибод кўргузмағил. Нома тамом-вассалом.

Алқисса, Сиёвушнинг юроки титради, ҳеч тарафга чиқиб кетарға йўл топмади. Кўнглида фикр ва андеша қилиб боқди, ҳеч чора ва илож топмади, бу ишда ожиз келди. Ночор қазоға ризо бериб Афросиёбнинг истиқболлиға бормоқликдин бўлак тадбир топмади. Не учунким ёлғуз, қошидаги хизматкорларининг хабари йўқ ва яна Турон мамлақатининг атрафини билмагон жиҳатидин Эронға қочолмади.

Алқисса, ноиллож меҳмондорлиқ лозимасини тайёр айлаб, барча амир-умаро, вазир-вузаро, ақобири ашроф ва жамоҳири аъроф, паҳлавони гарданкашлар бирла Афросиёбнинг олдига чиқти, уч-тўрт кунлук манзилға боргай. Онғача Афросиёб бешайи Ишмага келиб тушти деб Сиёвушға хабар етти. Сиёвуш шул замон ул бешаға равон ўлди. Афросиёбнинг олдига кириб, туҳфаю пешкашларини ўтказиб боргоҳда қўл боғлаб турди. Афросиёб Сиёвушни кўрмак ҳамон фармон қилдики, сўзлатмай, ҳеч дам-дуд чиқармай Сиёвушни ўлтурғил деб, бир ташт\* келтуруб, Сиёвушни тутуб, либосини солдуруб, қўлини боғлаб ва ул таштага Сиёвушнинг бошини тутуб ханжари обдор бирла жудо қилдилар. Тамоми ганждафина, гала ва рама, барча эл ва молни торож-борож қилмоқға фармон қилди. Сиёвушнинг хотуни борҳомиласини туғқали оз қолиб эрди. Фарангисбонуни бадағға қилиб, либосини солдуруб гуноҳкорлар қаторида Афросиёбнинг олдига келтурудилар. Афросиёб Сиёвушнинг хотуни Фарангисбонуни кўрмак ҳамон аччиғи келиб ўлтурмоқға буюрди. Пирони Виса Фарангисбонунинг гуноҳини тилаб дедиким: шоҳо, ҳеч подшоҳ ўз қизини ўлтур-



гони йўқ ва яна ҳомиласи бордур: агар туғса ўғулми ё қизму, агар ўғул бўлса, андин кейин ўлдурса бўлур, Фарангисбонуда ҳеч гуноҳ йўқ. Ул ожиза бечоранинг қўлидан ҳеч нима келмас, Фарангисбонуни, ўзининг қизи Жарирабонуни тилади. Афросиёб буларнинг ўлум гуноҳини ўтти, ҳар иккаласини Пирони Висага топшурди; ўз ўғлонларидан бирини Хўтан мулкига подшоҳ айлаб, шундин Туронга ёндилар.

Алқисса, Пирони Виса Фарангисбонуни бир подачиға топшурди. Ул подачининг уйи бир дашт-биёбонда эрди. Ва ўзининг қизи Жарирабонуни шаҳри Гангага яқин бир тоғ бор эрди, ани Сапидкўҳ атар эрдилар. Анда бир қалъа бор эрди, ул қалъа Сапидкўҳ устида эрди, йигирма беш хизматкор бирла анда келтуруб қўйди. Аммо Жарирабону, Фарангисбону — ҳар иккаласининг Сиёвушдин ҳомиласи бор эрди. Вақтеки Фарангисбону тўқуз ой, тўқуз соатдин кейин бир ўғули моҳи тобон ва хуршиди рахшондек таваллуд қилди ва ўғулнинг отини Кайхусрав қўюб, яхши тарбиялар бирла парваршилар қилур эрди. То вақтеки етти ёшқа кирди, эрса бир кун болалар бирла биёбонда мол боқиб юрур эрди. Аммо Афросиёб айвони гул зариюн устида тамоми улуғ сардорларини йиғиб, шароби ноб ичиб, мажлис тузуб ўлтургон чоғ Сиёвушни ёдланиб ўлдургонига пушаймонлар қилиб, фитна ва ғийбат ўтини қўзғаб, хуни ноҳақ тўкмоқдин кўрқмай, жаҳонни хароб айлагучиларга қаҳр-ғазаб, дашмон ва сиёсатлар бирла адаб бериб, Фарангисбону ҳолиға раҳми келиб, Пирони Висанинг юзига боқиб дедиким: Эй Пирон, Фарангиснинг ҳоли нечукдур, ҳомила эрди, туғдимун?! Пирон дедиким: Эй шоҳи туронпаноҳ, Фарангисбону туғди, бир писари зебожамоли ҳумоюнфол таваллуд қилди, отини Кайхусрав қўюбдур, биёбонда шўбонларнинг кун болалари бирла ўғлоқ, қўзи-қўй боқиб юрибдур, ақл-хуши йўқ, сараъ ва саранг маълум бўлодур\*, дегоч, Афросиёб дедиким: Эй Пирон, ул ўғул фарзандни мунда келтур. Пирон дедиким: ул ўғулнинг ҳануз тили йўқ, девона ва жиннидур. Шоҳи Турон дедиким; Ҳар нечук бўлса, мунда ано-балони келтургил, деб фармон қилди. Эрса Пирон ул юз савори жаррорни мусаллаҳ ва мукамал қилиб, олоғи сипоҳигарини дарбар айлаб Фарангисбону бирла Кайхусравни даштдин келтирмоқ учун буюрди. Бу уч юз савори найзагузорлар отланиб, барча салоҳи жангини кийиб, қўлларига найзайи жонситон, амуди гарон олиб, тиғи бурро ва табари аждаҳопайкарларини ўзларига ораста айлаб, ул бешайи биёбонга равон бўлдилар. Манзил ва мароҳилларни тай қилиб, бешайи Ардулга етдилар. Келиб ул шўбонларнинг қўлидан Фарангисбону бирла Кайхусравни олиб, отга миндуруб шаҳри Канг тарафиға юзландилар. Кеча-кундузлаб йўл юриб шаҳри Канга етдилар. Пирони Виса боргоҳиға тушурдилар. Пирон кўрдиким, Кайхусрав катта бўлбдур, ақл-хуш пайдо қилибдур. Аммо юзида шаҳаншоҳлик ва бузурглиғ асари маълум бўлур эрди. Ул кун кеч бўлди. Пирони Виса Фарангис бирла ўғлини уйда кўндуруб, яхши илтифотлар қилиб, неча васиятлар бирла Кайхусравга панд-насихатлар қилиб, ул жумладин бири, дедиким: Эй Кайхусрав, атоғ манинг дўстум эрди, ани меҳр-муҳаббати ҳануз манинг кўнглумдин кетмади. Аммо санга сўз ўшбуки, Афросиёб савол сўраса мухталиф\* жавоб бергил, бўлмаса сани ўлдурур. Атоғ Сиёвушни ҳам ўлтургон, бир туғқон бародариға вафо қилмай, зулм-жафо кўргузуб, бошини танидин жудо қилгон санга ҳам вафо қилмас, қаси ўлтурмоқ. Сен ҳам ўз фикринги ўзинг қил деб, ул кеча ўтуб, кун чиқиб оламни равшан ва мунаввар қилғоч, Пирони Виса кўпуб Фарангисбону била Кайхусравни шоҳи Турон қошиға элти. Афросиёб Фарангисбону бирла Кайхусравни кўруб ҳар иковни олдиға келтуруб, ҳар иккаласининг пешонасига суюб қўйди. Фарангисни ҳарам саройиға кегузди. Кайхусравни қошида ўлтургузуб меҳрибонлиқлар қилиб дедиким: Эй Кайхусрав, санга тахт салтанат ва тожи шоҳий, камари каёний бериб бир шаҳарга подшоҳ қилсам, не дерсен?! Кайхусрав дедиким: Орий, ола говмиш туғубдур, сут беродур, ул почаси оқ-қизил, бугоз говмиш ўтлаб юродур, демак ҳамон, шоҳи Турон кулуб дедиким: Эй ўғул, сани ўғлонларим қаторида кўрай, олтин тож ва зумуррад тахт ва тўфичоқи ироқий ва камари Хисравий ва либоси фохир, дуруу жавоҳир бериб бир мамлакатга подшоҳ қилай дерман, не дерсен?! Тузук жавоб бергил! дегоч Кайхусрав дедиким: Орий, айтоменки ул почалари оқ-қизил қара говмиш бугоз, ўт ейдур, ул ало говмиш туғди, сут беродур. Алқисса, Афросиёб кулуб, ҳайрон қолиб дедиким: бу сараъи жиннини яна ўрниға элтиб қўюнлар, деб фармон қилдиким, Фарангис бирла Кайхусравни жойи қади-

мийға элтиб яхши муҳофазат қилинлар деб, қошидин чикорди. Бас бу уч юз сипоҳи жаррори найзагузор Кайхусрав бирла Фарангисбонуни бир аробаға миндуруб, ароға олиб, шаҳардин чиқиб, бир-икки фарсанг ерга бориб, бир улуғ сув яқосида туштилар. Ҳар қайсиси отидан тушуб ул сув лабида об-таом емоқға машғул бўлдилар.

Аммо ровий айтурки, ул кунеки Кайковус Сиёвушни Афросиёб жангига буюруб, Сиёвуш Афросиёб бирла сулҳ қилиб, ородин низоъ ва хусуматни кўториб, ато-ўғул, оғо-ини бўлуб, жаҳонни дод-адл бирла обод айламоқ қасдида душман эшикни очиб, атоси сўзини бузди. Охир ул маккор ва фаддорлар иликида ўлум чоҳиға йиқилди. Бас, Кайковус Сиёвушнинг ўлгон хабарини англагач, баса мутолим бўлди, онча пушаймон ва надоматлар қилиб, фойда бермади. Охир гўшанишинлиқни ихтиёр этти, тахти Жамшидийға чиқмай, халойиқнинг аҳволидин хабар олмай, улуғларга, паҳлавонларга кўрунуш бермай, қариб пири наҳиф бўлуб, ул мамлакатлар ичида фитна-фасодлар тўла бўлуб, барча халойиқ: улуғ-кичик жамъ бўлуб шоҳ Кайковуснинг ўрдасига келдилар, дод-фарёд қилдилар. Шоҳ хилватдин чиқиб, жумла улуғларга кўрунуш берди ва ҳар қайсини ҳол-аҳволидин сўрдилар. Тамоми бузурғони Эрон ва гарданкашонлар кўпуб шоҳга тазимлар қилиб дедиларким: шоҳо, тахт-салтанати Жамшидийға чиқиб аҳволи оламдин хабар олмай, не учун гўшанишин бўлдинг, агар сен ҳамиша бу тариқа пинҳон бўлсанг, Афросиёб англаб яна лашкари фаровон бирла келодур. Ҳар тарафдин гафво ва можор, фитна ва фасод бўлур, эмди рухсат бергилки, санинг ўрнунда яна бировни подшо қилғаймиз. Чароки сен ожиз ва пири наҳиф бўлбсен, Жами Жаҳоннамони қўлингға олиб, атрофи оламға қарағилки, Жамшид авлодидин ҳеч киши бўлғайму, ани келтуруб, тожи шоҳийни бошиға қўюб, тахт-салтанати Жамшидийға ўлтургузуб, жаҳонга подшоҳ айлаб, анга итоат қилурмиз дегоч, Кайковус дедиким: Жами Жаҳоннамоға боқиб андоғ кўрдумки, Турон диёрида Жамшидининг авлодидин бир писари шаҳсавор вужудға келибдур, ҳануз кичик, аммо жаҳонға — кун чиқишдин кун ботишға, Қофдин то Қоф шаҳаншоҳ бўлур, оламни дод-адл бирла обод айлар деб, ахтаршиносларга фармон қилдиким, силлар ҳам қуръада кўрунларким, мани ўрнунда подшоҳ бўлғудек кимарса бу жаҳон ичида борму? Бас, жамъи ситорашинослар ўн икки буржда ўн икки юлдузларни сайр айлаб, қуръа ичида кўрдиларким, туронзамин диёрида Жамшид авлодидин ва Кайковус вужудидин Кайхусрав отлиғ бир навжавони баланд қомат отиға далолат қилди. Бу мунажжим — ҳукамолар қуръаи рамак хикматини Кайковусга, барча халойиқга бир-бир баён айлади. Кайковус барча улуғларига боқиб дедиким: Эй аркони давлат ва аъёни мамлакат, эмди таҳқиқ бўлдиким, Кайхусравни истаб борурга киши борсун деб фармон қилди. Ҳама улуғлар дедиларким, шоҳо, ўзунг бизларнинг орамиздан биримизни буюргил, ҳар не фармон айласанг, бизлар фармонбардордуримиз, демак ҳамон, шоҳ Кайковус дедиким: Гевии солор борсун, бу мушжик банд анинг қўлида очилур ва андин ўзга киши борса Афросиёбнинг юртидан сиҳат ва саломат Кайхусравни толиб келтурмоки маҳолдур деб, Гевии солорни жабдуғ зоди роҳила ва тўша яроғини тайёр айлаб, анча айтгулук сўзларни Гевии пурдилға айтиб, сар-басар уқтуруб йўлға равон айлади. Бас, Гевии солор тамоми салоҳи жангийнни дарбар қилиб, тиғ, табар, зупин ва ханжар ўзига ораста айлаб, тўфичоқи ироқийға савор ўлуб, зоди роҳила, тўша-яроғини ҳамроҳ айлаб, атоси Гударзи Гўшвод бошлиғ жамъи улуғлар, вазирлар ва паҳлавонлар бирла видоъ қилишиб, туронзамин тарафиға равон ўлди. Манзил-баманзил, мароҳил-бамароҳил, кўҳ-биёбонларни тай қилиб, саҳроларда кийик ва қулон шикор айлаб, не ерда кеч бўлса, анда қўнуб, туронзамин сарҳадиға етти. Вақтеки бу туронзамин сарҳадиға етмоқ ҳамон от, сару пой, тожу камарини сотиб ўзига харж қилди. Бу мамлақати Туронда киши тонимасун деб сўфи сураатида бошиға дастори малла\* ўраб, бир-икки либос толиб кийди. Китфиға хуржун солиб, қўлиға асо олиб Кайхусравнинг жусту жўйиға кирди. Шаҳар-башаҳар, саҳро-басаҳро, элдин-элға юруб сўраб истади. Ҳеч хабар топмади. То етти йил Турон ичида юруб Кайхусравдин ном-нишон тополмади. Охир шаҳри Кангдиниға келди. Анда сўраб, Кайхусравдин андак хабар толиб, шаҳар тошида бир улуғ сув яқосида фасле дам олиб ўлтуруб эрди, ногоҳ шаҳар тарафининг уч юз савори жаррор бирла бир мазлума кишини бир ўн турт ёшқа киргон ўғли бирла бир отга миндуруб, ароға олиб чиқиб келдилар.

Алқисса, Геви солор буларни тамошо қилиб ўлтуруб эрди, улар ҳам ул су яқосиға келиб туштиллар. Ҳар қайсилари об-таом емоқға машғул бўлдиллар. Геви пурдил кўрдиким, шул мазлумнинг олдида ўлтурсон ўғул Сиёвушга ниҳояти ўхшайдур, Кайхусрав шулмукин деб мунтазир ўлтуруб эрди, Фарангисбонунинг кўзи Геви пурдилға тушти. Фарангисбону пурдил Гевни кўрмак ҳамон Кайхусравға дедиким: Эй, ўғлум, кўпғил, ул ўлтурсон пирамард қошиға борғил, ул атонинг дўстидур, отини Геви солор дерлар. Бориб ўзингни анга танитғил, атонг васият қилиб эрдиким, Геви солор келур, Сизларни Эронға элтиб, давлати азимға еткурур, ўғлунг Кайхусравни тахти салтанати Жамшидийға ўлтурсурур, Афросиёб лашкарининг думорини рўзгори мусонидидан чиқорур. Эмди атонг айтгон сўзлар вақўға келди бўлғай. Оё ул пирамард бу бадкеш, зулм-жафоандешлар илқидин ажратиб олғали келди бўлғай деб, Кайхусравни ул марди калон оқсоқол қошиға юборди. Кайхусрав келиб Геви солор бинни Гударзға салом қилди. Геви пурдил Кайхусравни кўруб, сачраб ўрнидин туруб Кайхусрав бирла кўрушти. Гев шердил дедиким: Эй фарзанд, ким бўлдунг, отинг недур ва сени Сиёвушға ўхшатарман, дегач, Кайхусрав дедиким: Эй пирамард, маннинг отимни Кайхусрав дерлар, ман Сиёвушнинг ўғли бўлурман, мани онам бирла даштдин келтуруб, Афросиёб бедодгар хузурға еткуруб эрдиллар. Афросиёб мандин неча калима сўзларни сўраб, худойи таоли мани оздурмай, тилимни каж қилиб, аниг зулм-ситамидин соқлади, ўлтурсок учун келтуругон экон, эмди маконимизға элтиб қўймоқға бу уч юз савори жаррор киши бизларни арога олиб, эҳтиёт қилиб, бу ёқ бирла ўз ватан-манзилимизға еткуруб қўймоқ учун келдиллар. Геви солор дедиким: Эй ўғлум, алҳол бориб анонға дегилким, тез-тунд таомларингни еб, отларингға миниб манинг тарафимға келингллар. Ул халқни аччиғи келиб қўймасалар, сизлар ҳам унамангллар, мен ўзумни сизларға еткурурман ва ул зolim-бедодгарлар қўлидин ажратиб олиб йўлга солиб, ул душманларни ер бирла яқсон айлағайман деб Кайхусравни аноси қошиға юборди. Кайхусрав келиб Геви солорнинг сўзини аносиға бир-бир тақир айлади. Фарангисбону дармаҳол об-таом еб, ўғли бирла отға миниб юргайлар. Бу лашкарнинг сардори Кайхусрав бориб бир сўфийи пири куҳансол бирла сўзлашиб келгондин хабардор эрди, шул замон Кайхусравни қичқирди, олдиға келтуруб дедиким: Эй Хусрав, не ерға борасен, бизлар об-таом еб, фасле ором олиб кўпгунча нима изтироб қиларсен ва ё ул дарвеш пирамард афсун қилиб, бошингни айлантурдим, мунда турғил, бизлар бирла ҳамроҳ борғил, дегоч, Фарангис ўғли бирла отиға қамчи уруб Геви солор тарафиға юрди.

Алқисса, бу уч юз савори жаррорнинг сардори бир нечасиға буюрдиким, сизлар бориб Кайхусравни аноси бирла боғлаб келтурунгллар, улар гадо бирла топишибдур. Ул гадони сизлар қақир кўрмангллар, марди мубориз ва диловари номдор бўлса билиб бўлмайдур, суратиға тағйир бериб келгондур, аниг учун Фарангисбону ўғли бирла аниг тарафиға кетиб бородур, сизлар ҳам орқасидин етиб ул гадони уруб яқоға қувлаб Кайхусрав бирла Фарангисни келтурунгллар деб, неча номдорени юборди. Онғача Фарангис бирла Кайхусрав Геви солор қошиға еттилар, эрса Геви пурдил ўрнидин туруб, асо-таёқини олиб буларни олдиға солиб йўлга равон бўлдиллар. Онғача ул гумашталар етиб келдиллар. Фарангисни, Кайхусравни ончунон қичқириб айттилар: Буён ёнғил, бир фиреб солғучи гадонинг сўзиға фирефта бўлмағил ва биздин қочмағил. Геви солор уларнинг орқасида оҳиста пиёда кетиб борур эрди. Бир туроний етиб келиб Гевни бир қамчи урди, яна қўлини кўтариб урғай, Геви солор қўлидаги таёқи билан ул туронийни бир урди, таёқ икки пора бўлди. Ул туроний қўлиға найзасини олиб Геви солорни найзаси бирла солғай. Геви солор қўл узотиб найзаниг илмонидан тутуб, ул туронийнинг қўлидин найзасини тортиб олиб, гарданиға андоғ урдиким, ул паҳлавони туроний отидин йиқилиб оёғи синди боши танидин жудо бўлгондек бўлди. Геви пурдил ул туронийнинг отини минди. Қўлиға найзасини олиб юрғач, орқасидин ул юз савори жаррор келиб тўрт тарафдин қуршаб олдиллар. Геви шердил буларнинг кўпини ўлтуруб ва жонини жаҳаннамға юбориб ва жисми палидларидин тефалар кўпориб тутатти. Бу уч юз савори номдордин йигирма киши қутулиб қочтилар ва ўзгалари тамом ўлдиллар. Ва баъзиси хаста ва мажруҳ бўлуб ўзларини ўлук қаториға олиб омон топтилар. Ва баъзилари қочиб қутулмоқни ганимат билиб қочмоқни ихтиёр эттилар. Ва баъзилари қочиб ке-

либ, Хоқони Чиннинг даргоҳиға келиб Фарангис бирла Кайхусравни бир дарвеш пирамард олиб қочқанини, ул уч юз савор куштасидин пушталар кўпориб, хаста ва мажруҳ қилғонини Афросиёбға бир-бир тақир айлағач, Афросиёбдин ҳуш кетти, маст эрди, ҳушёр ўлди, уйқулуқ эрди, бедор ўлди. Шул замон Пирони Висаға киши буюрди ва жамъи сардорлари фармон қилди лашкарни жамъ қилингллар деб.

Алқисса, атроф-жонибға қосид бирла нома юборди, токи Турон сарҳадларининг нигоҳбон ва дидбонлари йўлларини тўссун, Кайхусравни Фарангис бирлан тутсун. Бас, Пирони Висаға ўн минг лашкар бериб Кайхусравнинг орқасидин юборди, бориб агар ҳар ерда топсанг Фарангисни ўғли бирла бошини кесиб ва ул пирамарди шердилни тирик тутуб, бўйинидин боғлаб, икки қўлиға отнинг наълини солиб, банд қилиб, отингға судраб келтурғил деб зинҳорлаб юборди.

Алқисса, Пирони Виса келгунча Геви шердил Кайхусравни аноси Фарангисбону билла Сиёвушнинг мол-ганж, ҳазина ва дафина, қалқон, совут ва дубулға хафтон, катон, гурз, шамшир, табар — барча салоҳи набардини ниҳон қилиб, тилсим боғлаб қўйгон ерға етқузди. Фарангис Сиёвушнинг васияти бирла Геви солорға нишон берди. Геви шердил бу тилсим ҳазинани ушотиб Сиёвушнинг зираҳсини ва дубулға ва камар ва қамчисини ва тожини олиб ўзиға дарбад қилди ва бир югонни топиб Фарангисға кўргузди. Фарангис дедиким: Бу югонни бу беша устиға чиқиб чолдиратса Шабранги Бехзод келур эрди дегоч, Геви шердил ул югонни олиб бир тефаға чиқиб чолдиратиб эрди, Сиёвушнинг оти Шабранги Бехзод минг беш юз йилки бирла юруб эрди, қулоғиға югонни овози келди. Отларни олдиға суруб Геви шердилнинг олдиға келди. Кўзини Геви солорға тикиб, сайҳа тортиб, замин суқуб, кокилафшонлиқ қилиб турди. Геви солор югонни бошиға солиб, ҳазинадин тўқумини олиб чиқиб эгарлаб, Кайхусравни аноси бирла миндуруб йўлга равон айлади. Андин ўзи ҳам бир тўфичоқи туронийни эгарлаб миниб, бир мунча нақдина олиб, яна мадфун айлаб, маҳкам устувор этиб, киши билгусиз қилиб йўлга кирдиллар. Бир соат юруб, бир тош ерға бориб бир дарёға еттилар. Фарангисни Кайхусрав билла ул судин ўтказиб ул дарё соҳилиға тушиб, андак ором олиб, об-таом еб, юргаймиз деб ўлтуруб эрдилар, ногоҳ кўрдиларким, аломати осори сойқа биёбон тарафидин пайдо бўлди ва ул гард-ғубор сузулди, йигирма парколаи алам\* намоён бўлди. Нишоани йигирма минг савори жаррори найзагзор бирла Хумони Виса, Бормони Виса қичиб келодур. Дарҳол Геви солор Фарангисбонуни, Кайхусравни Шабранги Бехзоди Сиёвушға миндуруб йўлга солди. Ўзи ҳам найзасини қўлиға олиб асби бодрафториға савор ўлуб буларнинг орқасидин юрғай. Яна биёбон тарафидин гард намоён бўлди. Кўрдиким Пирони Виса ўтуз минг сипоҳи номдор бирла Хумон, Бормоннинг орқасидин етиб келди. Алқисса, Геви шердил дарё лабида отиға жавлон қурсатиб, наърайи пурхайбат тортиб асло парво қилмади ва назариға илмади. Анда туруб эрди, Хумон ва Бормон йигирма минг лашкар бирла келиб дарё соҳилиға туштиллар. Булар дедиларким: Эмди Геви солорни туттук, қаён борур, мунча лашкарға тоб келтуролмас деб турдиллар. Андин Пирон етиб келмак ҳамон Бормонға аччиғлаб дедиким: Шунда не деб ўлтурсизлар, жавлон қилиб отдин тушмай душман бирла турушмай атроф-жонибидин қуршаб олиб, ани дастгир айламай деб. Хумон дедиким: Мунда бир дарёе бордурким, ниҳояти чуқур, андин ўтарға кечик топпай аниг учун андак ором олали деб тушуб эрдук, агар бу дарёдин саломат ўтсак, Геви солорни тутармиз ва яна бизларни бу судин ўтгунча тири дилдўз бирла отиб турса ҳеч биримизни саломат ўтгали қўяр ё йўқ. Пирон аиди: Ҳаммамиз бир йўли дарёға кирали, бу судин ўтмагунча тутгали бўлмас, ул шердил бизларнинг қўлимизға мушкуллик бирла бандға тушар, оё йўқ. Сизлар ҳаммаларинг тўхтангллар, ман танҳо бу дарёдин ўтуб Геви солор бирла тақаббул бўлуб, аввал уни чорлаб, чарбзабон ва ширинкорлиқ бирла фирефта қилиб, анга унамаса бир зўри диловари ва қуввати паҳлавоний бирла банди дастидан ва бошу гарданидан боғлаб қулоқлариға отимнинг наълини ҳалқа қилиб, олдимға солиб шоҳи Туронпаноҳ даргоҳиға олиб борурман, сизлар Геви солордин кўрқсангллар ман кўрқмайдурман деб, отиға даб бериб ул дарёға кирди. Дарёдин с'ихат-саломат ўтуб, Геви шердил олдиға равон бўлди. Аммо Геви солор ул дарё кирғоғида бир баланд тефа устиға чиқиб, Афросиёб лашкарини тамоша айлаб туруб эрди. Пирони Виса тавсани барққирдорини жавлонға киргузуб,



сипарини алвожга келтуруб жүш бирла етиб келди. Овози пурхайбат бирла дедиким; Қаён кеттинг, эй Гевии солор, кўр-кўб тулкулардек бу беша ичида буқуб ётмоғил, мани санга ямонлигим йўқ, неча оғиз сўзум бор, айтурман ва санга макр-хайла қилмагайман деб наъралар тортиб келур эрди. Аммо пахлавон Гевии кўрмай кетиб борур эрди, ногоҳ олди тарафидан Гевии пурдил бир пушта узасидин тушуб Пироннинг сарраҳадини танго-танг тўсти. Пирон ҳам Гевии кўрмак ҳамон наъраи жарожар тортиб Гевининг олдини тўсуб дедиким: Эй Гевии солор, сен бизлардин ибo қилмай, кўзунга илмай, Кайхусрав била Фарангисни не ерга элтарсен деб, шамшерни обдорни жонгузор бирла урғай. Гевии солор банди дастидин тутуб бир молиш бериб эрди, Пироннинг жони ғалат йўлдан чиқмоққа такозо қилди. Қўлидин шамшер ерга тушти, юзидин ранги ва бошидин тожи учти, жонидин умид узуб, келгонига юз минг надоматлар қилиб, ночор нанг-номусдин диловарлиқ кўргузуб, наърайи пурхайбат бирла қўлини силкиб тортиб Гевининг қўлидан ажратғай, Гевии шердил наърайи жарожар тортиб... яна бир молиш бериб олдиға тортиб эрди, Пирон эгар узасидин жудо бўлди, бошидин тожи ерга тушуб сарнагун бўлди. Гевии шердил диловарлиқ зўри ва шижоатлиқ ҳиммати бирла хўрушон жўшон Пиронни кўтариб ерга урди. Босиб кофурдек сақолини тутуб синасига миниб, ханжар олиб халқумиға қўйғай, яна раҳлин келиб, ўлум гуноҳидин ўтуб, қўлини орқасига мақкам боғлади. Отининг наълини олиб Пироннинг ҳар икки қулқига зираҳ қилиб солди, аҳд-қасам бердиким, минбаъд Эрон тарафига Афросиёбни бошлаб келмасликка ва душманлик қилмасликка ва бу бандни уйиға бориб хотунидан бўлак кишиға ечтурумасликка шарт бериб, отиға тескари миндуруб ул дарёдин ўтказиб, Гевининг ўзи Эрон тарафига равон бўлди.

Алқисса, Пирон қўлини орқасига боғлаб отиға тескари миниклик, қулқига отнинг тақаси солиғлиқ, яроғ-жабдуғи йўқ, дарёдин ўтуб Хумон, Бормоннинг олдиға келди. Булар кўруб анча кулушуб дедиларким: Эй солор, бормағил десак унамадинг, ўзунга ишониб ва пахлавонлигиниға мағрур бўлиб бординг, ўзинг айтган сўзларни ўзиниға кўрсатибдур, инсоф қилиб ўлтурмабдур, бизлар анинг зарби дастини мушоҳида қилгон, анинг учун ваҳм-харосидан анинг рўбарўсига яқин боролмай, сани манъ қилиб эрдук, борса борсун, бизларнинг ҳеч нимарсамизни олиб қочмади, бир кишини олиб қочқони не ерга борур деб Пирон бирла сўзлашуб туруб эрдилар, Афросиёб юз лак лашкар била бир-бир орқадин илғор юбориб етушуб келдилар. Хумон ва Бормон Афросиёбнинг олдиға бордилар. Афросиёб бирла мулоқот ўлуб, Пирони Висанин Гевии солор қўлида шикаст егонини, аҳд-паймон бериб ўлтурмай қўйиб юборганини, қўлларини орқасига боғлаб, қулқига отнинг тақасини ҳалқа қилиб солғонини, отиға тескари миндуруб, Гевининг орқасидин лашкар юбормасликқа шарт қилиб қасам бергонини бир-бир тақир айлалдилар. Афросиёб айдиким: яши, Пиронни ўлтурмабдур, Гударзининг ҳам ўғлонлари пурзўр ва шижоатлиқ пахлавони мубориз бўлубдур, бизларнинг орамизда Гевии солорға тақаббул бўлғудек Пирон эрди, они ҳам забун айлаб, назарига келтурмай, сен менинг ҳарифим эмас деб бу тарафға юборибдур, илгари саҳал эрди, бу гударзийлар борғунча аждари дамон ва ё мисли шери жаён бўлуб, бизлардин думор чиқориб, думогамиздин дуд урлатиб юродур. Гев бир киши бўлса, танҳо туронзаминиға келиб, шўришлар солиб, бизлардин кўрқмай ва ибo қилмай келиб қизим бирла набирамни олиб кетса, не нанг-номусдур, илгари Андаримон ва Хумон ва Зупин ибни Пирон ва Лаҳхоки бабрдандон ва Гарсивази номдор ва Гуруйи зираҳ ва Гуруйи Горазм ва Ахвост ва яна неча тан пахлавон бу мазкур бўлгон пахлавонларнинг жангиға келмай қочиб юрур эрди, эмди улар шер ва бабр бўлубдур ва бизлар гўё улар олдида гала ва рама бўлубдурмиз, ҳоло ҳам орқасидан қувлаб юрунлар деб фармон қилди. Барча лашкар ўрнидан тебрадилар, салоҳи жангларини ва яроғ жабдуқларини ўзларига ораста айлаб, Гевии шердилнинг орқасидин қувлаб юрмоққа йўлга равон бўлдилар. Дарёдин ўтуб то юз мингғача лашкар бир-бирининг кенидин илгари юрдилар.

Алқисса, булар Гевии солорға етгунча Гевии шердил дарёйи Жайхунга етти, Фарангис билан Кайхусравға дедиким: Сизларни ман фол қилдим. Агар Кайхусрав оламға шаҳаншоҳ бўлса, бу дарёйи Жайхундан саломат ўтармиз, бўлмаса душманни қўлида ўлгунча дарёда ўлгон беҳроқдур деб, ул тегсиз дарёға

кирдилар. Таваккал қилиб яратқоннинг инояти бирла ул дарёнинг суий икки бўлунуб булар аёғи остидан гардлар ўрлаб, Гевии шердил Шабранги Беҳзоднинг жиловини тутуб, бир қўлида шиноварлиқ қилиб сиҳат-саломат ўтдилар.

Аммо ул жониб-Афросиёб тарафидин лашкар фавж-фавж, гўрўх-гурўх, анбўх-анбўх келиб бу дарёйи хунхор лабига туштиллар, Гевии пурдилға аҳсан ва офарин ўкудилар. Барча сипоҳи Турон хайрат ва надомат бармоқини таажжуб ва таассуф дандони бирла тишлаб ҳайрон қолдилар. Афросиёб ҳамашкари фаровон бирла батариқи илғор кеча-кундузлаб юруб, тинмай тамоми сардорлар кенидин сурьат бирла етиб келдилар. Жумла сардорлар ва солорларға газаб қилиб шул ердин ёнди-лар. Турондин Эронға борадургон йўллари беркитиб, бандаргоҳларға қоровул ва дидбон қўйди. Шаҳри Гангға бориб шароб ичмоқға машғул ўлди. Тамоми сардор ва солорлар ўз навкар ва чокарлари бирла жой-оромгоҳлариға бориб қарор олдилар.

Алқисса, Гевии шердил Фарангис бирла Кайхусравни шаҳарға келтурди. Султони Рой булар келганидин воқиф бўлуб олдиға чиқти. Шаҳарнинг улуғлари тўхфа-пешкашлар олиб волини Рой бошлиқ жумла улуғлар Гевии солорнинг, Фарангис била Кайхусравнинг олдиға бир-икки фарсанг ерга келиб мулоқот ўлди. Гев бирла канор олишиб, барча Кайхусравға саждайи тахият адо айлади, тўхфа-пешкашларини ўтқариб шаҳарға тушурдилар. Кайхусрав отиға нақорайи шодий чолдуруб, ҳар тарафға ва ҳар диёрға нома юбордилар. Бир нома Кайковус бирла Гударзи Гўшводға ва жамъи бузургони Эрон ва пахлавонони олийнишонларға битиб, бир қосиди тезрафтор бирла Истарихға юборди. Алқисса, бу қосиди чобук боди сар-сардин гард элтиб, ором-қарор олмай, кеча-кундузлаб йўл юруб, Истарихи Шерозға келиб шоҳ Кайковус даргоҳиға кириб номани шоҳға берди. Шоҳ Кайковус тамоми вазир-вузаро, амиру-умаро ва аркони давлат ва аъёни салтанатни жамъ айлаб, ўн икки минг заррин тождор ва номдори заррин камар ва курсиниши сардор ва солорларнинг хузурида ҳозир қилдурди. Андин сўнг Гевии солорнинг номасини дабири аторудназирға ўқутти. Битибдурким, шоҳи Жаҳон, яъни Кайковусға ва дигар бузургони Эрон ва пахлавонони олийнишонларға Гевии солордин андоғ маълум бўлсунким, бу нома етмак ҳамон тезу тунд ҳаял қилмай тахт-тожи Жамшидийни филларға юклаб ҳазина ва дафиналарнинг эшикни очиб зар-ганжларни чиқориб, уштур ва хачирларға ортиб, улуғ-кичик тўхфа-пешкашлар бирла келинлар, етти йил саргандон бўлуб, Турон мамлакатларида юруб Кайхусравни аноси бирла толиб келтурдум, юз минг сипоҳи Афросиёб орасидин қутқазиб дарёйи Жайхундин кема-сиз саломат ўтуб шаҳри Ройға келиб ором қарор олдук. Афросиёб лашкари орқадин қувлаб келур эрди, оё келурмукин, сизлар бот фурсатда ўзунларни етқузунлар. Нома тамома-вассалом.

Алқисса, шоҳ Кайковус ва барча улуғлар Гевии солор номасининг мазмунин англаб, иттифоқ бирла Рустами Жаҳонпахлавон бирла Золи Зарға нома юборди. Вақтеки бу нома Золи Зарға ва Рустами шердилға етмак ҳамон салоҳ табарларини, яроғ-жабдуқларини муҳайё қилиб, Систон, Зобул ва Кобул лашкарини олиб, ўз ўрнида Фаромарзи Рустам ва Заворони нигоҳбон қўйди. Узлари Эрон сори равон ўлдилар, уч кеча-кундуз йўл юруб шаҳри Истарихға келдилар. Алқисса, булар келгон хабарини шоҳ бошлиқ жамъи бузургони Эрон ва пахлавонони пурдилон эшитиб истиқболиға чиқтиллар. Рустами Жаҳонпахлавонни, Золи Зар, Достонни эъзоэ-икромлар била шаҳарға туширдилар. Жаҳонпахлавонга уч кеча-кундуз мажлис бериб, тўртунчи куни шоҳ фармони бирла борхона ва чодири шомиёна, боргоҳ-саропардалар, туғ-алам ва кўси навоини ташқари олиб чиқиб тиктиллар. Нақорайи шодиеналарни Кайхусрав отиға урдилар. Овози карнай ва садойи кўси нафир, сурнай бу гунбади гардун ичиға жиқ тўлди. Ун икки минг сардор ва солор ва юз минг лашкари жаррори сувори найзағузур бирла шоҳи Жаҳон Кайковус, Гударзи Гўшвод ва Золи Зар ва Рустами Жаҳонпахлавон ва барча улуғлар савор ўлуб шаҳри Рой тарафига равон ўлдилар. Манзил-баманзил, мароҳил-бамароҳил тай қилиб неча муддатда шаҳри Ройға етдилар. Кайковуснинг келгон хабарини англаб волийи Рой, Гев ва Кайхусрав эшитиб уларнинг олдиға чиқтиллар, шоҳ бирла мулоқот ўлуб, бир-бирларин ҳол-аҳволларин сўрашиб, шоҳ Кайковус Кайхусравнинг пешонасига сууб бисёр илтифотлар қилди. Шоҳ бошлиқини тамоми бузургони Эрон ва пахлавони дило-



варон Кайхусравни кўрмак ҳамон пешонасидин шаҳаншоҳлик фарри ва бузурглик асарини ҳувайдо кўрдилар ва яна Сиёвушка жуда ўхшар эрди, зебо қад, равшан тарх, оқил, ҳушёр эрди. Ҳар ким кўрса Сиёвуш гумон қилур эрди. Алқисса, шаҳр тошида боргоҳ, сарпардаларни келтуруб тиктилар, тахти Жамшидийни ораста айлаб, ўнг қўл-сўнг қўл ўн икки минг тахт, курси ва сандалларни келтуруб барпо қилдилар ва ул ерда қирқ кун мажлиси Жамшидий бунёд айлаб, Кайхусравга шароб бердилар, тожи Жамшидийни бошига кўюб ва тахт салтанати Жамшидий узра ўлтургузуб, Кайкубоддин қолғон ва андин бери йиқон ганжларни келтуруб сипар-сипар зар ва сим, табак-табак дурру жавоҳир Кайхусравнинг бошидин сочтилар. Кайковус ўзи аввал бошлаб Кайхусравга салом таҳият ва саждаи абудият адо айлаб ва ул шаҳарнинг муғанний ва ромишгарларини жамъ қилиб базм ораста қилдилар. Кайхусравни озмойиш қилмоқ учун Рустам, Гударзи Гўшвод, Золи Зар Кайхусравга дам-бадам аёқ тутур эрдилар. Кайхусрав улар қўлидин пиллани олиб ҳар қайсиларига узр-тавозеълар бирла дилнавозлик қилиб, ложарам дам тортиб, йиқилмай, ҳушёрлик бирла ўлтурур эрди. Кайхусрав боболаридин қолғон хазиналарни очтуруб тамоми сардор ва солорларга ва лашкарга инъом-эҳсонлар қилиб ва қолғонларини ул сардор ва солорлар шохнинг бошидан сочиб, ул диёрнинг фақир, мискин ва нотавон, ожизларига исор айладилар. То қирқ кун шароби ноб ичиб, зарру зевар сочиб, эл кўнглини шод айлаб, базми Жамшидий айшига машғул бўлдилар. Ва соқиёни гулрухсор ва моҳрўёни симин узорлар бода-аёқни юз минг тумтароқ бирла гардишга кегуздилар. Ҳофизони хушовозлар ва муғаннийёни нағмапардозлар савту садосидин ҳамма сармаст эрдилар.

Алқисса, муддати қирқ кун тўлуб мажлисларини барҳам бериб Эрон пойтахтига бормоқга азм бўлдилар. Шох Кайхусрав фармон қилдиким: Эмди барча халойиқ кўчуб эронзамин сори юрсун, борхона ва чодиршомиёналарни, хазина ва дам-

финаларни фили хачир ва уштур, отларга юкляб, эронзамин сари равон бўлсунлар, биз ҳам отландуқ, деб тамома лашкарини бир-бир юрутти; улар орқасидин аноси Фарангисбонуну бир тахти зарринга солиб, хизматида тўрт юз парируйи моҳпайкар канизакларни ва неча фаросатлик энагаларни ва неча ясавули чўбдастаи заррин таёқларга қарор берди; уларни Фарангисбону хизматиға муқаррар қилиб, уларни ҳам Эрон тарофиға юрутти. Андин ўзи барча улў сардор ва солорлар бирла, мисли: Кайковус, Фарибурз ва Гударзи Гушвод, Золи Зал ва Рустами тожбахш, Туси Навзар ва Густаҳами Навзар, Геву солор... Ардашер бинни Қубод, Гургини Милод ва Раҳҳоми Гударз, Шийдўши Гударз ва барча диловарлар бирла отланиб шаҳри Истарих сори равон бўлдилар. Манзил-мароҳил тай қилиб, андан фурсатда Шерозға келиб, пойтахтни анда қилиб, жамъи улўларға зару жавоҳир бериб, ҳар қайсисини ўз жойманзилиға ёндурди. Рустамни, Золи Зарни қошида тургузуб, етти кун мажлис бериб, тўла муҳаббатлар кўргузуб, ато деб ситойишлар қилиб, кўп узрлар айтиб, шох Кайхусрав Жаҳонпаҳлавонга қадим боболари илтифот эткон иқлимлардин шаҳри Ҳиротни қаламрави билан инъом айлади. Либоси заррин ва тожи мурассаи қуббаси баланд, гавҳари шабчироғ қадағон ва камари заррин, лаъл ва зумуррад, ёқутдин ва забаржаддин кўз қўйғон Рустами шердилға илтифот айлади. Рустам ҳам шох Кайхусравга таъзимлар қилиб ўлтурди. Бу тариқа ҳар паҳлавонга ўз муносабатида илтифот ва инъомлар қилди. Ҳар диёрларда ва ҳар шаҳарларда хароб, вайрон бўлғон мулк-ноҳияларни обод айлади, ул диёрнинг фақир, нотавон, ожизларига эронзаминнинг бир йиллик хирожини исор айлади. Халойиқ ҳар шаҳар ва ҳар диёрдин фавж-фавж, гурўх-гурўх, анбўх-анбўх келур эрдилар. Шохи Жаҳон Кайхусравга итоат қилиб, ақида ҳалқасини қулоқларига солиб, ғулум ва чўри бўлуб кетар эрдилар.

## ИЗОҲ ВА ЛУФАТЛАР

АРБАДА — шовқин-сурон  
 БАБР — қоплон, арслон, йўлбарс маъноларида қўлланилади  
 БАРОИ ДАФЪИ МАЛОЛ — ҳордиқ чиқариш учун сайр қилмоқ  
 БЕША — ўрмон, чангалзор  
 БОДИ САРСАР — учқур ел, тез эсувчи шамол  
 БОДПО — от  
 БУРАБ — ҳидлаб, исқаб  
 ГАВАЗН — оҳунинг бир тури  
 ГҮЙБОЗЛИК — чавгон ўйини  
 ГУРГ — бўри  
 ГҮР — қулоннинг энг учқур тури; қабр  
 ДАРЖ АЙЛАМОҚ — ёзмоқ, битмоқ  
 ДАСТГИР АЙЛАМОҚ — қўлга туширмоқ  
 ДАСТОРИ МАЛЛА — салла  
 ЖАБҲА — пешона, манглай  
 ЖАРРОР — жангари  
 ЖАВОНИ ҚОДИРАНДОЗ — камон отувчи мерган йигит  
 ЖАҲОНИ НОПАЙДОР — бевафо дунё, ўзгариб турувчи олам  
 ИТТИЛОЪ — огоҳ, хабардор  
 КАНИЗАКОНИ ДАРГҮШ — ишга кўз-қулоқ бўлиб турувчи канизаклар  
 КАМАРИ МУРАССАЪ — олтин камар  
 КОРФАРМОЙ — ишбоши  
 КОФУР — оппоқ  
 ЛАЖОМИ МУРАССАЪ — олтин юган, сувлик  
 ЛАК — юз минг  
 ЛАМАЪ — ёрқин, равшан, порлоқ  
 МАДФУН АЙЛАМОҚ — дафн этмоқ  
 МАЙМАНА ВА МАЙСАРА, ЧАНОҲҒОҲ, КАМИНҒОҲ — чап, ўнг, олд ва орқа кўшинлар  
 МАҲФИЛОРОЙ — мажлис зийнати  
 МУНФАИЛ — уятли, ҳаёли  
 МУХТАЛИФ — пойма-пой, тескари  
 НАХЧИР — ов ҳайвонлари  
 НУШ — шарбат  
 ОСОР — белги, воқеа, нишона  
 ПАРКОЛАИ АЛАМ — байроқнинг кўриниши

ПОДШОҲИ ОЛИЙЖОҲ — шаҳаншоҳ, олий мартабали шох  
 РИКОБ — узанги  
 РОМИШГАР — раққоса  
 РҮЗГОРИ МУСОЙИДДИН ДУМОР ЧИҚАРМОҚ — қатл этмоқ  
 САВОР УЛМОҚ — минмоқ  
 САЛЛА УРМОҚ — тарсаки, мушт туширмоқ  
 САЛОҲИ НАБАРДИЙ — уруш қуроллари  
 САРАИ САРАНГ БУЛМОҚ — телбаланмоқ  
 САРОЙИ ФОНИЙ — ўткинчи дунё  
 СУРУНҒОҲ — аркдаги майдон  
 ТАВҲИДИ БОРИ ТАОЛО — худони таърифлаш  
 ТАШТ — тоғора, жом  
 ТОЖИ МУЛУКОНА — шохлик тожи  
 ТҮФИЧОҚ — арғумоқ, от  
 УСТУРЛОБ — юлдузлар ҳолатини текширадиган асбоб  
 ФАР — ҳашамат, савлат  
 ХАШМОЛУД — ғазабланган, аччиқланган  
 ЧОРҚУББАЙИ КАЕНИЙ — каёний тож  
 ШАБРАНГИ БЕҲЗОДИЙ — зотли от  
 ШЕФТА — маҳлиё, ошуфта  
 ШУК БУЛМОҚ — тонмоқ, сир сақламоқ  
 ҚАРИБ — яқин  
 КАТЬ ҚИЛМОҚ — кечиб ўтмоқ, босиб ўтмоқ  
 ҲАЗЗОР — ҳозир, айна шу топда, одамлар ҳузурда  
 ҲУВАЙДО — намён, пайдо

ю бузилади.  
 қолади.  
 қалқ мақолини олиб



Муҳокама, мунозара

# АДАБИЙ ТИЛИМИЗ МУАММОЛАРИ

Халқ тили — катта хазина. Тилшунослик фанимизда бу бойликнинг барча томонлари ва хусусиятлари мукамал акс этган, деб айта олмаймиз. Бу жиҳатдан қараганда қилинган ишларимиз қанчалик салмоқли бўлмасин, қилинажак ишларимиз ундан кам эмас.

Дарҳақиқат, адабий тилимизнинг ҳали тўла ҳал қилинмаган муаммолари кўп. Буларнинг бир қисми тилнинг аниқ қонун-қоидаларига амал қилмаслик ёки уларни ёзув-имлода тўғри акс эттирмаслик оқибатидаги хатоликлар бўлиб, бундай нуқсонлар тилимизнинг равангага борган сари сезиларли раҳна солмоқда. Масалан, «х»нинг «ҳ» билан аралаштирилиб айтилиши, «в»нинг икки хил вариантыни тўғри фарқлаб талаффуз қилолмаслик, «дж», «нг» ундош товушларининг алоҳида белги (ҳарф)лар билан берилмаслиги, жуфт унлиларнинг ёзувда фарқланмаслиги боис юзага келадиган жуда кўп талаффуз ва маъно хатоликлари, аффиксларнинг бир қанот қилиб ёзилиши, қаратқич ва тушум келишиклари ни аралаштириб қўллаш ёки хусусан -нинг аффиксини ҳаддан ташқари кўп тушириб қолдириш билан боғлиқ хилма-хил маъно чалкашликлари шулар жумласидандир.

Адабий тилимизнинг ана шундай муаммоларидан энг муҳими, бизнингча, оғзаки талаффуз ёки орфоэпия билан орфографияни бир-бири билан мувофиқлаштириш йўлида бажарилиши лозим бўлган долзарб ишлардир.

Тилшунослигимизда йўл қўйиб келинаётган камчиликлардан икkitаси бир-бири билан узвий боғлиқ. Шулардан бири умуман олганда ҳамма туркий тилларга, жумладан эски ўзбек тилига ва ҳозирги ўзбек оғзаки адабий тилига хос бўлган сингармонизм қонунидан ёзувда воз кечилганлиги бўлса, иккинчиси амалдаги алифбода жуфт унлиларнинг алоҳида белгилар (ҳарфлар) билан ифодаланмаганлигидир.

Сингармонизм қонунига риоя қилмаслик натижасида ҳозирги нутқий жараёнда, нутқ маданиятида қатор хатоликлар содир бўлмоқда, уларнинг сони кейинги вақтларда тобора ортиб бормоқда. Сингармонизм қонунини яхши билиш тилимизнинг фонетик табиатини, орфоэпик ва орфографик қоидаларини тушунишга, сўзларнинг талаффузи орқали уларнинг маъноларини фарқлашга ҳамда тилнинг грамматик қонуниятларини чуқур англашга ёрдам беради, деди қилдим.

бу дарёи Жайхунда тилимизда қўлланаётган «ў» ҳарфи кўлида ўлгунча дарёда ўлчил товушни ифодалашга хизмат

қилади («у» ҳарфи ҳам худди шундай). Бу товушлардан биттаси тил олди, юмшоқ фонема, иккинчиси эса тил орқа, қаттиқ унли ҳисобланади. Образлироқ қилиб айтганда, бу икки товушдан бири нозиклик ва нафисликни, иккинчиси дағаллик, қаттиқликни билдиради. Тилимиз вокализми (унли товушлар системаси)даги бу хусусият грамматикага ўтиб, аффикслар (қўшимчалар)ни қўллашда муҳим роль ўйнайди. Унлилардаги бундай симметрик ҳолат туфайли сўзлар маъно жиҳатидан ҳам бир-бирдан фарқ қилади. Шоирларимиз турли сўз ўйинлари, туюқлар, тажнис санъатининг турли хил кўринишларини, ранг-баранг қофиялар яратишда туркий тилнинг ана шу хислатига суянишган.

Адабий тилимизнинг ушбу бетакрор фазилатини классик шоирларимиз жуда яхши билганлар. Улуғ бобомиз Алишер Навоий сўз ўзагидаги унлининг юмшоқ ва қаттиқлигига қараб, аффиксларнинг ҳам камида икки хилини, юмшоқ ва қаттиқ шаклларини қўллаган. Жумладан, Алишер Навоий «Муҳокама-ул луғатайн»да:

**Ишим тоғ узра ҳар ён ашк селобини сурмакдур,  
Фироқ ошубидин ҳар дам булут янглиғ  
укурмакдур, —**

деб ёзар экан, «сурмак» ва «укурмак» феълларининг ўзагидаги унли юмшоқ бўлгани учун уларнинг охирида ҳаракат номи аффиксининг майин варианты «мак»ни қўллайди ва шу билан ўша феъллар таркибидаги товушларнинг уйғунлигини таъминлайди.

Улуғ шоир:

**Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,  
Низомий панжасига панжа урмоқ, —**

байтида эса «турмоқ», «урмоқ» феълларининг ўзагидаги унли товуш қаттиқ бўлгани учун «-моқ» аффиксининг қаттиқ вариантыни танлаган ва шу йўл билан яна товушлар оҳангдошлигига эришган.

Ёки Алишер Навоийнинг:

**Ўзорингни очарга қимсанурмен,  
Вале эл кўрмагига қизғанурмен, —**

мисраларидаги «очарга» сўзида жўналиш келишиги аффиксининг қаттиқ варианты (-га), «кўрмагига» сўзида эса юмшоқ варианты (-га) қўлланиши ҳам юқорида айtilган фикрлар билан изоҳланади.

Афсуски, ҳозирги алифбомизда ва ёзма адабий тилимизда жуфт унлиларнинг алоҳида ҳарфлар билан берилмаслиги натижасида жуда кўп нуқсонлар эндиликда оғзаки талаффузга ҳам ўтиб бормоқда. Ўзбек тилида «бўл», «ўр», «тўр», «ўт», «бўз», «ўз», «тўла», «ўсма» сингари икки хил талаффуз

қилиниб, икки хил маъно берувчи сўзларни фақат бир хил талаффуз қилиш оқибаотида маъно чалкашликлари келиб чиқади. Масалан, «бўз» сўзидаги унли тил олдида талаффуз қилинганда майин эшитилади ва газмолнинг бир навини англатади. Шу сўз таркибидаги унли товуш тилнинг орқа қисмида талаффуз қилинганда эса тўлишганлик, етилганлик маъноларини билдиради: «бўз ер», «бўз от», «бўз йигит» каби. Қолбуки, баъзи қўшиқчилар «бўз ердаги бўз йигит» иборасини қаттиқ қилиб эмас, юмшоқ талаффуз этганда «латта ердаги латта йигит» дегандек хунук бир услубий хато содир бўлади.

Еки: «ўр» сўзидаги «ў»ни нотўғри талаффуз қилиш натижасида ҳам шундай ғализликлар рўй беради. Масалан, радиодан берилган бир инсценировкада бир актрисамиз сочи фашислар томонидан қирқиб ташланган кизни юпата туриб, «Хафа бўлма, дугонам. Сочинг яна ўсади. Мен ўзим яхшилаб ўриб қўяман» дер экан, «ўриб» сўзидаги «ў»ни қаттиқ қилиб талаффуз этиши туфайли «Сочингни яна қирқиб ташлайман» деган кулгили маъно келиб чиқади.

Ҳозирги нутқимизда содир бўлаётган бундай камчиликларни санаб адоғига етиш қийин. Шундай чалкашликлардан қутулишнинг бирдан-бир йўли алифбода тил олди ва тил орқа «ў»ни алоҳида белги (ҳарф) билан ифодалашдан иборатдир.

Ҳозирги ёзувимизда жуфт унлиларни фарқламаслик билан боғлиқ бўлган камчиликнинг аста-секинлик билан ўз таъсирини оғзаки адабий тилимизга ўтказиб бораётганлиги, оғзаки ва ёзма нутқнинг бир-бирига таъсири оқибаотида сўнги вақтларда адабий тилимизда, умуман, мувозанатнинг бузилиши юз бермоқда. Масалан, «бўлгон» сўзини майинлаштирмасдан, ўзининг табиий ҳолатига мос равишда қаттиқ талаффуз билан айтишнинг ҳеч иложи йўқ. Чунки амалдаги имломизда «-гон» аффикси йўқ, у грамматик қоидага киритилмаган, «-ган» аффикси эса «ў» унлисини қаттиқ қилиб айтишга имкон бермайди. Шунинг учун ҳам бу сўзни кўпинча тил олдида «бўлган» (майдаланган) тарзда талаффуз қиладилар ва ўз-ўзидан маъно чалкашлиги келиб чиқишига йўл очилади.

Ёзма адабий тилимиздаги бундай нуқсонларнинг яна бир ёмон томони шундан иборатки, улар Навоий даврининг ва Навоий тилининг талаффузидан бизни бутунлай узоқлаштиради ва умуман, адабий талаффуз нормасини тобора тор рамкага солиб қўймоқда.

Бу каби камчиликлар, айниқса, тарихий ўтмишга бағишлаб ёзилган бадий асарлар тилида кўзга яққол ташланади, бу эса уларнинг эстетик таъсир кучини маълум даражада сусайтиради. Бир неча йил бурун Ойбекнинг «Навоий» романи асосида намойиш қилинган тўққиз серияли видеофильмда кўзга кўринган санъаткорларимизнинг талаффузида юз берган хилма-хил чалкашликлар, асосан, тилимизнинг ҳозиргина юқорида айтиб ўтилган жуфт унлилар талаффузи билан боғлиқ қонуниятини яхши билмасликлари ва унлиларни пала-партиш талаффуз қилишлари билан изоҳланади. Чунки сингармонизм қонунига кўра «ўз», «кўз», «қўл» сўзларидан кейин -га ёки -гай аффикслари қўшилиши керак. Улар эса шундай сўзлардан кейин ҳам -га ёки -гай аффиксини қўшиб гапирадилар. Бундан гўё Алишер Навоийнинг тили фақат қаттиқ товушлардан иборат экан-да, деган тушунча пайдо бўлади. Қолбуки бундай ҳол Навоий тилини сохталаштиришдан бошқа нарса эмас.

Хўш, биз Алишер Навоий асарлари ва умуман, классик лирикамиз тилида, жонли халқ тилининг кўпчилик қисмида ҳамда бошқа туркий тилларда кенг амал қиладиган сингармонизм қонунини инкор қилиш оқибаотида нимага эришдик? Юзаки қараганда, маълум «ютуқларга» эришилгандек бўлиб туюлади. Чунки жуфт унлиларнинг талаффузини фарқлашдан озод бўлдик, 9 та унли ўрнига ёзувда 6 та унлини, шунингдек, жуфт аффиксларни йўқотиб, уларнинг ўрнига ёзувда бир хил аффиксларни қўлай бошладик. Гўё бу билан грамматик қоидаларимиз «осонлашгандек» бўлди. Лекин кейинчалик аниқ бўла бошладики, биз сингармонизмдан воз кечиш билан тилимизнинг товушларига хос бўлган жуфтлик мувозанатини йўқота бошладик. Икки хил талаффуз ўрнига бир хил талаффуз қилиниши натижасида кўпгина сўз маъноларининг чалкашлиги юзага келди. Тилимиз унли товушларининг бўёқдорлиги ва оҳанг бойлигига путур етди. Бу эса тилимизнинг товуш табиатида катта хавф тугдирди.

Қолаверса, унли товушларнинг бир хил талаффузи туфайли аффиксларнинг икки хил кўринишидан воз кечилди. Мавжуд икки хил формадан фақат биттаси қўлланиши тилимизнинг аффикслар системасини, грамматик имкониятларини қашшоқлаштирди. Масалан, -моқ ва -мак ўрнида фақат -моқ, -лик ва -лиқ ўрнида фақат -лик, -гон ва -ган ўрнида фақат -ган, -га ва -ға, -ка ва -қа аффикслари ўрнида фақат -га (қисман -ка ва -қа) аффиксини қўллаш адабий-орфографик нормага айланиб қолди.

Бадий тилимизнинг қофиядошлик, туюқдошлик имкониятлари ва сифатларига ҳам маълум даражада зарар ета бошлади. Дарҳақиқат, ҳозирги грамматик қоидамизда -го, -қа, -ган, -гон, -гай сингари аффикслар бутунлай қўлланилмайди. Ана шунинг учун ҳам баъзи замонавий шоирларимиз (масалан, Миртемир, Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Хуршид Даврон ва бошқалар) ўзларининг ижодий-услубий изланишларида Навоий тили анъаналарига ва халқ оғзаки тили тажрибасига суяниб, юқорида қайд қилинган аффиксларнинг ҳозирги ёзма адабий тилимизда ҳам яшаш ҳуқуқи-га эга эканлигини исботламоқдалар.

Эркин Воҳидовнинг «Яхшидир аччиқ ҳақиқат, лек ширин ёлгон ёмон» деб бошланувчи шеъри шу жиҳатдан характерлидир. Бу шеърда «ёлгон» сўзига «қолган» ва «олган» сўзларини тўлиқ қофия қилиб бўлмаслиги сабабли шоир бугунги ёзма грамматик нормада бўлмаган, лекин оғзаки адабий тилимизда ва классик адабиётимизда яшаб келаётган -гон формасидан ўринли фойдаланган:

**Яхшидир аччиқ ҳақиқат, лек ширин ёлгон ёмон,  
Шу ширин ёлгонга лекин алданиб қолгон ёмон...**

Эркин Воҳидов бошқа бир ғазалида -гай аффиксидан ҳам унумли фойдаланган:

**Сенингсиз менга ком йўқдир,  
асал ичсам захар бўлғай,  
Сенинг бирлан ширин сўзим,  
захар ичсам шакар бўлғай.**

Энди ўзингиз бир ўйлаб кўринг. Шу мисралардаги «бўлғай» сўзини «бўлғай» деб талаффуз этилса нима бўлади? Биринчидан, маъно бузилади, иккинчидан, табиий оҳангдорлик йўқолади.

Еки яна бир мисол. Қуйидаги халқ мақолини олиб



кўрайлик: «Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ». Агар сингармонизм қонуниятидан воз кечадиган бўлсак, бу мақолдаги «оққан» сўзини «оқган» тарзида ёзишга ва талаффуз этишга тўғри келади. Бу эса талаффузда ҳам сунъийлик, ғайри табиийлик ҳамда ўта қийинчилик вужудга келтиради. Ҳатто бундай талаффуз қилиш ўзбек тилининг товуш табиатини бузади ва бошқа миллат вакилининг ўзбекча гап-ришига ўхшаб кетади. «Тўғри гап туққанингга ёқмас» мақолидаги «туққан» сўзининг талаффузида ҳам худди шундай вазият юзага келади. Бунга ўхшаш мисоллар жуда кўп.

Демак, сингармонизм қонунини адабий тилимизда тўлиқ қайта тикламаган тақдирда ҳам жуфт унлиларни ва жуфт аффиксларнинг энг зарур турларини ёзма адабий тил нормасига киритишимиз лозим. Шунга кўра тилимизнинг бу хусусиятини мактаблардан бошлаб ўргата боришимиз, олий ўқув юртларида эса студентларда тўла таҳлил қилиш ва фарқлаш малакасини орттирмоғимиз зарур.

Ҳозирги имло ва ёзув қоидаларимизни ҳам юқоридаги талаблар асосида қайта ишлаб чиқмоғимиз ва такомиллаштирмоғимиз зарур бўлади. Бизга қолса «дж», «нг» сингари чалқаш ундошлар белгиси тузатилиши билан бир қаторда тилимиздаги 9 та унлининг ҳар бирига алифбода алоҳида-алоҳида ўрин (белги) ажратилиши керак. Ҳеч бўлмаганда, тил олди ва тил орқа «у» (о) унлилари бир-биридан фарқланиши, алоҳида белги (ҳарфлар) билан берилиши лозим.

Маълумки, 1988 йилнинг январь-июнь ойлари давомида Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти олимлари тайёрлаган «Ўзбек орфографияси ва пунктуацияси қоидаларининг янги лойиҳаси» «Ўқитувчилар газетаси» саҳифаларида эълон қилинди ва муҳокама объекти бўлди. Лекин бу муҳокамада алифбомизни такомиллаштириш, ўзбек тилидаги жуфт унлиларни алоҳида ҳарфлар билан акс эттириш, адабий тил тараққиётини изчил ўрганиш ва

муҳокама қилиш кун тартибига киритилмади. Ҳолбуки, ўзбек адабий тилининг орфографияси ва пунктуациясини бу масалаларни четлаб ўтиб тўғри ҳал этиш қийин. Шунинг учун ҳам биз ушбу муаммолар бўйича мунозарани давом эттириш керак, деб ўйлаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар доим шуни ёдда тутишимиз лозимки, халқ тили — умумхалқ мулки, халқ бойлигидир. У адабий тилимизнинг ички озиклантирувчи ҳаётбахш манбаидир. Юқоридаги сингари муаммоларни ҳам халқ тилининг материаллари ва қонуниятларига таянган ҳолда, улар билан боғлиқ ҳолда ечиш керак бўлади. Адабий тилимизнинг асосига халқ тили элементларини тобора кўпроқ ва мустаҳкамроқ киритмоғимиз зарур. Чунки адабий тил қандайдир қотиб қолган нарса эмас. У ҳам ўзгаради, ўсади, бойийди ва такомиллашади.

Дарвоқе, замонамизнинг машҳур адиби Ч. Айтматов тўғри қайд қилганидек, «Халқнинг абадийлиги унинг тилидир. Биз ҳеч қайси тилни у қайси халқники бўлишидан қатъи назар, ҳеч вақт камситмаслигимиз керак, бундай қилишга ҳаққимиз йўқ. Ҳар биримиз бизни дунёга келтирган ва бизга ўзининг энг муқаддас бойлиги — тилни ҳада қилган халқимиздан бир умрга қарздор эканлигимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз шарт. Агар биз ўз она тилимиз, унинг ривожига ҳақида жиддийроқ ўйламасак, бора-бора унинг йўқолиб кетиши ҳеч гап эмас. Тарихдан шу нарса маълумки, тилнинг йўқолиши осон, йўқолган тилнинг эса қайта пайдо бўлиши амри маҳол. Янги тиллар вужудга келадиган замонлар аллақачон ўтиб кетган. Шунинг учун ҳам мавжуд тилимизни асраб авайлашимиз, уни ривожлантиришимиз керак. Тил экологияси ҳам табиат экологияси сингари мўрт ва мураккабдир».

ХУДОЙБЕРДИ ДОНИЕРОВ, профессор,  
НУРИДДИН ШУКУРОВ, профессор,  
БЕКМУРОД ЙЎЛДОШЕВ, доцент,  
Самарқанд.

## ТИЛ САНДИФИ

**Бўғанмой** — мол ичагига солиб қишлоққа сақланадиган сариеғ.

**Бўртман** — қайноқ сутга сўк солиб тайёрланган таом.

**Енсувак** — остона, эшик олди.

**Епир** — мол бачадони.

**Жозлиғ** — эгар тагига қўйиладиган кигиз мослама (тўқум эмас).

**Имодуқ** — оғир касалликдан кейинги заиф ҳолат.

**Ингир** — қоронғи туша бошлаган, қош қорайган пайт.

**Йирма** — тирноқ остининг йиринглаши (касаллик) (фанарина).

**Кан** — мўри.

**Масил** — сариеғга сўк аралаштирилган таом.

**Печа** — пастиди ертўла бўлган омбор.

**Салава** — кўргулик, фалокат.

**Син** — айб.

**Сизловуқ** — чипқон.

**Сургулдук** — чумчуқнинг бир тури (кўксиди қора холи бўлмагани).

**Соғиш** — ўртоқнинг хотини (дугонанинг эри).

**Сўз** — олови ўчиб қолган, лекин совимаган кул; кўнгли совиган одам.

**Тарғалоғи** — қозон атрофига тутун, олов чиқмаслик учун қўйиладиган намланган латта (кул) мослама.

**Ул** — эски паҳса девор ўрни (харобаси).

**Унгуранг** — сув тушишидан ҳосил бўлган чуқурлик, ўнгир.

**Чув** — мол йўлдоши; чув тушган — бой берган (қиморда).

**Чоповул** — жарчи, овозачи.

**Уқмон** — инерция (ҳаракат зарби).

**Қоротошқол** — кўкрагида қора холи бор чумчуқ.

**Энни оққо ботмоғон** — рўшнолик кўрмаган.

Каримжон Тойжонов,  
Чимкент

**Кўкай** — қалбнинг туби. «Кўкайингда яхшилик бўлса, ҳеч қачон кам бўлмайсан».

**Тайров** — шўх, эрка. «Бирам тайров қиз бўптики...»

**Тўркун** — келиннинг ота-онаси уйи. «Келиним тўркунига кетган эди» (қайнона гапидан).

**Сила** — салкам, тўла эмас. «Дастурхонга сила пиёла қаймоқ келтирди».

**Урал** — тўғри, ҳақ. «Оқсоқол, сизнинг гапингиз ўрал».

Турсунали Жуманов,  
Тошкент области, Оқангарон районидан



# ОМОНАТ ПОЙДЕВОР ЕКИ НАВОИЙНИ ИЗЛАБ...

Аввал ғиштни қийшиқ қўяркан меъмор,  
Юлдузга етса ҳам қийшиқдир девор.

Мирзо Абдулқодир БЕДИЛ.

Еш авлодни билимли ва маърифатли қилиб тарбиялашда мактабнинг роли ҳаммамизга аён. Турғунлик йилларида мактабларимизда аҳвол қандай кечди? Уч йилдирки, матбуотда план кетидан қувишлар, саёз дарсликлар ҳақида кескин мунозара бормоқда, амалда-чи? Келинг, яхшиси қайта қуриш ва ошкоралик даврида — 1987—88 йилларда нашр этилган 1—4 синф «Ўзбек тили», «Ўқиш китоби» ва «Ватан адабиёти» дарсликларини биргалликда кутатайлик.

Бугунги кунда Нвоийдан замон нуқтаи назаридан эмас, буюк шоирнинг юрак садоларини англаш жиҳатидан ҳам тобора узоқлашаётганимиз ҳақида кўп гапирилаётир. Бунда ҳаммиша «Нега?» деган дардли сўроққа дуч келамиз. Ва биргина «Нега?» олдига жуда кўп жавобларни қалаштириб ташлаймиз: Навоий асарлари тилининг мураккаблиги, мактабда адабиёт ўқитилишининг паст савияда эканлиги, бу фандан сабоқ берувчиларнинг сўз санъатини теран ҳис қилмаслиги, ўз қадимий имломизни билмаслигимиз, ўқувчиларнинг қишлоқ хўжалик ишларига жалб этилиши, дарсликларнинг ғариблиги...

Фарзандларимизнинг келажакда комил инсон бўлиши учун уларга нималарни раво кўряпмиз? Уларни қандай қилиб классикларимизнинг руҳий оламига олиб кирмоқчимиз? Шу саволга жавоб излаб 1-синф учун чиқарилган «Ўқиш китоби»ни варақлаймиз: ўн бир бўлимдан иборат дарсликдан турли мавзудаги ҳикоя ва шеърлар (агар шеър дейиш жоиз бўлса!), жанри ноаниқ ҳар хил матнлар ўрин олган. Бу дарсликдан кўзда тутилган мақсад, энг аввало, ўқувчиларнинг ўқиш малакасини ошириш. Зеро, уларнинг адабиёт оламига қўядиган дастлабки қадамлари ҳам худди шу ердан бошланади. Дарсликни варақлай туриб ўйланиб қоласан киши: биз арна экиб бугдой даъво қилмаяпмизмикин? Масалан, «Онамнинг ишхонаси» (С. Баруздин, 111—113-бетлар) ҳикоясидан олинган қуйидаги парчага диққат қилайлик: «Светлана станок устидаги қизил байроқчаларни кўрсатиб, онасидан «бу нима?» деб сўради. Она шундай жавоб берди: « — Бундай қизил байроқчаларни яхши ишлаган ишчиларга беришади. Бизнинг цехимизда ҳамма яхши ишлайди.»

Светлана бошқа станокларга қаради, уларда ҳам қизил байроқчалар ҳилпираб турганини кўрди» (112-бет). Ҳамма станокларда «Қизил байроқчалар ҳилпираб турган» турғунлик йиллари ўтиб кетгандан сўнг ҳам бугунги покланиш ва янгилиниш кунларида бу асарни ҳамон китобда учратиб ажабланасан. Ешларнинг маънавий жиҳатдан саёзлашаётганлигига бу каби асарлар сабабчи эмасмикин? Наҳотки, ўзбек адабиётида бошқа асар топилмади? Айтайлик, «Маҳбуб-ул-қулуб»нинг насрий баёнидан олинган қуйидаги парча берилса бўлмасмиди: кимки ёлгон сўзни бировга тўнкагай, ўз қора юзини ёғга булайди. Озгина ёлгон ҳам улуг гуноҳдир; озгина заҳар ҳам ҳалок қилувчидир». Бор-йўғи 20 сўз!

Ҳаёт ҳақиқатини акс эттирмайдиган, бадииятдан йироқ бўлган асарларга Раҳмат Файзийнинг «Лаббай» ҳикоясини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Жўн бир ғояни айтиш учун 238 сўз «қурбон қилинган». Унинг ўрнига Алишер Навоийнинг:

Бошни фидо айла ато қошига  
Жисмни қил садқа ано бошига!  
Тун-кунингга айлагали нур фош,  
Бирисин ой англа, бирисин қуёш! —

сингари ота-онанинг улуглигини шарафлаган гўзал ва содда шеъри киритилганда эди, болаларимиз маънавияти, образли фикрлаш даражаси ўсган бўларди. Қачонгача ўзининг Саккокий ва Атоий, Лутфий ва Навоий, Бобуру Машраблари бўлган халқ фарзандлари 10 ёшга қадар бу маънавий бойликларидан бебаҳра қолиб, саёз асарлар ўқиб тарбияланиди? Бундай дарсликлар келажакка қўйилаётган омонат пойдевор эмасми?!

Ўқиш китобларига киритилган материалларнинг аксариятини шеър ташкил этади. Ахир, мазмунан жўн, бадииятнинг «б»си йўқ, қуруқ сўз тизмаларини шеър сифатида тақдим қилаверсак, «алдагани бола яхши» деган шior билан ўз илдизимизга болта урган бўлмаймизми? Қуйидаги мисраларга эътибор қилинг:

Қуёш чиқар, ой чиқар,  
гўё дер: — нуримиз ич.  
...Кел, эй билимдон мард  
бизни тезроқ эгалла.

(1—синф «Ўқиш китоби», Қуддус Муҳаммадий, «Билим ол, ҳунар танла»).

Ўқувчининг дидини ўтмаслаштиришдан бошқа нарсага ярамайдиган бу мисраларни шарҳлашнинг ўзи

азоб. Жуда кўп шеърлар (П. Мўмин — «Қочиб кетди», Ю. Шомансур — «Рустамжоннинг хатоси», Уйғун — «Гул ўтқаздим боғимга», Қ. Хикмат — «Мактабга кета туриб...») ни эса ёмон шеърга ёзилган пародия деса бўлади. Бундай шеърлар 1-синф «Ўзбек тили» китобида ҳам «гуллаган»: «Хой гулбеор, гулбеор(?)», Қанча ўртоқларинг бор?» (М. Зайниддинова). «Қуёш сенга кўп ярашган(?) Озод ўлкам, обод ўлкам...» (П. Мўмин) каби шеър деб болаларга раво кўрилган ширасиз сўзлардан қандай эстетик завқ олиш мумкин?! Қайси ўлканинг қуёши ўзига «кўп ярашмайди»? «Қайга узатсак етар қўлимиз» деб, болаларни қачонгача алдаймиз?! Бу китобларни ўқиган киши ўзбек адабиёти бўстонидан худди саҳрога чиқиб қолгандай бўлади. Қуйидаги парчага эътибор беринг:

Хилпирайди байроғимиз,  
Янгратамиз «ура» миз.  
Билиб қўйинг, аскар-аскар  
Уйнаб-ўйнаб юрамиз.

(С. Михалков, 1-синф «Ўқиш китоби»).

Бундай сийқа таржимадан, «ура» мизга «юрамиз»нинг қофияланганини ҳисобга олмасак, шеърятга хос бирор-бир белги топши қийин. Китобнинг 1988 йилда босмадан чиққан ўн тўққизинчи қайта нашрида саёз шеърларни кескин қисқартириб, уни адабиётимизнинг мумтоз намуналари билан бойитса бўларди-ку! Таржима асарларига эҳтиёж бор экан, нима учун жаҳон болалар адабиёти дурдоналаридан, шарқ классиклари асарларидан фойдаланилмаган? Юқоридаги қуруқ сўз тизмаси ўрнида, дейлик, Сағдийнинг ахлоқ-одобга доир бирор ҳикояти келтирилса бўлмасмиди? Масалан: «Луқмони ҳакимдан «Одобни кимдан ўргандинг?» деб сўрадилар. Луқмон жавоб берди: «Одобни беодобдан ўргандим». Жами 13 сўз! Бу ҳикоятнинг нимаси боланинг ёш хусусиятига, психологиясига тўғри келмайди?!

4-синф «Ватан адабиёти» да Уйғуннинг яхлит ҳолда берилган «Куз қўшиқлари» шеърдан парча 2-синф «Ўқиш китоби» да «Куз келди» ва «Боғда», 3-синф дарслигида «Куз қўшиқлари» номи билан урта асар сифатида тақдим этилганлигини қандай тушуна бўлади? Ўзбек совет адабиётининг биринчи бўғинига мансуб Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир каби улғу санъаткорларнинг асарларидан олиш мумкин эди-ку! Усмон Носирнинг:

Чу, қора тойчоғим! Чу, қора йўрғам!  
Муродга қасд қилиб югурган етар,  
Бўронни севмаса дил нечун тепур?  
Тириклик не керак бемехнат, беғам?!  
Чу, қора йўрғам! —

шеъри болаларбоп. Биз болаларни «чайнаб беришга» эмас, мағзини чақишга ўргатишимиз лозим. «Тун қанча қаро бўлса, Ой шунча ёруғ» мисралари қайси ўқувчининг ёдида қолмайди дейсиз?!

2-синф «Ўзбек тили» китобида киритилган 44 шеърнинг 10таси Пўлат Мўмин қаламига мансуб. Ўзбек болалар адабиёти шунчалар ғарибми? Абдулла Орипов, Омон Матжон, Рауф Парфи, Эркин Воҳидов, Жамол Камол, Чўлпон Эргаш, Анвар Обиджон, Турсунбой Адашбоевларнинг болаларбоп шеърларини дарсликларга киритиш пайти аллақачонлар етган.

Абдулла Ориповнинг «Қонли қўйлак» шеъри ўқувчиларга Улғу Ватан уруши фожиаси ҳақида жуда яхши тасаввур беради. Аммо асл нусхадаги:

Бер, онажон, бер отамнинг  
Кўйлагини қўлимга, —  
мисраларининг

Бер, бувижон, бер бобомнинг  
Кўйлагини қўлимга, —

тарзида «таҳрир» қилинганлиги уруш даври фарзанди бўлган лирик қаҳрамонни 2-синф ўқувчисининг тенгдошига айланатириб қўйган. «Таҳрир»нинг бундай ажойиб намуналарини «Ўқиш китоб»ларида кўплаб учратиш мумкин.

3-синф «Ўқиш китоби» да Пўлат Мўминдан 11 шеър (274 мисра!) Қуддус Муҳаммадийдан 10 шеър (286 мисра!) Зафар Диёрдан 9 шеър (276 мисра) берилган. Нега улғу бобомиз Алишер Навоийдан 6 мисра?! НЕГА Фирдавсийдан 2 мисра, Фозил Йўлдош ўғлидан 4 мисра? НЕГА???

Пўлат Мўминнинг мана ўша ўн бир шеърининг биттасидан мисол:

Мақтай десак,  
Бахт берувчи.(?)  
Қуёшга тенг(?)  
Ватан — жоним  
Бепоен кенг.

Бир томондан жонкуяр бир шоиримиз «қўлда қадоқ, мияда қадоқ» деб ўртанса-ю, иккинчи томондан «қуёшга тенг» деб турғунлик даври, буюк фожиа — монокультура мадҳ этилган шеърларни болаларимизга ўргатсак?! Шунини қандай тушуниш керак?

...Умид билан 4-синф «Ватан адабиёти» ни қўлимизга оламиз. 57-бетда Алишер Навоийнинг «Елғончи» масали номағълум муаллиф томонидан «таҳрир» қилинганлигини кўриб ҳафсаламиз пир бўлади. Математикадан мураккаб формулаларни, Жанна Д'Аркнинг тарихини тўтидай айта оладиган болаларга ўзларининг улғу боболарининг асарларини қачон раво кўрамиз?!

Ҳозирча эса раво кўрганларимиздан бир парча:

Пахта дейди кулиб, товланиб,  
— Севган киши мени мақтасин.

Ехуд:

Жонимга ур, — дейман, — етилибсиз,  
Қани энди отамлашайлик, (?)  
Ўзимиз етказган мевалардан еб —  
Қандимизни уриб яшайлик...

(Уйғун. «Куз қўшиқлари»,  
4-синф «Ватан адабиёти», 95-бет).

Бир замондош шоиримиз «эгатларга сочилган халқим», «Бир нафас бошингни кўтаргуну боқ» деб бонг урса-ю, иккинчи бир халқ шоири «жонимга ур», «отамлашайлик» деб мадҳия ёзса. Бу ҳам етмагандай, фарзандларимиз «ўзимиз етиштирган мевалардан» бебахра қолиб, болалар ўлими жиҳатидан олдинги ўринда бўлатуриб, 1988 йилда ҳам «қандимизни уриб яшайлик» деб юраверсак?! Боғу дарахтзорлар пахтазорга айланиб, монокультура халқнинг тинкасини қуритса-ю, халқнинг болалари «пахта дейди кулиб, товланиб Севган киши мени мақтасин»



деб бир ёш улгайсалар?! Деҳқоннинг меҳнату ташвишларига «мадҳия» керак экан, Абдулла Ориповнинг:

Дилбар Фарғонадан соҳибкор халқим  
Ҳар йили узатар тонналаб мева.  
Бундайн бисотни кўрмаган балким,  
Маккага қатнаган миллионлаб тева, —

деган машҳур сатрлари битилган «Совға» шеъри ўқитилса тушунарли, ибратли ҳамда бир зум бўлса-да, болани фикрлашга чорлайдиган бўлур эди.

Адабиёт дарсликларига ёзувчи ва шоирларнинг таржимаи ҳолларида «болаликдан Ҳофизу Навоий, Бобиру Фузулийни ўқиган» ликлари қайта-қайта таъкидланган. Мавжуд 1—4-синф дарсликларига бу классикларнинг бирорта асарини учратмадик. Бугунги болалар улгайиб шоир, ёзувчи ёки машҳур касб эгаси бўлсалар, уларнинг таржимаи ҳолларига «яшасин пахтазор»ни ўқиган деб ёзамизми?!


1—4-синф дарсликларига кирган аксарият шеърларнинг муаллифлари кўрсатилмаган. Масалан, 1-синф «Ўзбек тили» китобида 30 шеърдан 26 таси безга. Эҳтимол, болаларнинг кўзига тик қаролмагани учун муаллифлар ўз номларини яширгандирлар! Мана, номаълум муаллиф томонидан яратилган «санъат»дан бир намуна:

Попопим дер: — поп, поп, поп,  
Поп, поп, поп, поп, поп, поп, поп,  
Тезде олиб келавер  
Буюртмангни қоп, қоп, қоп.  
(2—синф «Ўзбек тили»,  
«Поппоп» шеъридан, 47-бет).

Шоир «булбул куйин шеъра солурман» деб Она тили ҳажрида ёнса-ю, болаларимизга булбул куйин ўргатиш ўрнига ҳамон «поппоп, поппоп» деб ўргатсак?! Узимиздан чиққан бундай хурофот яна кимда топилур?!

ЧЕКИНИШ. 1988 йилнинг апрелида Бухоро Давлат педагогика институтига шу ўқув даргоҳида ўқишга талабгорлар — область мактабларидан келган 10-синф ўқувчилари билан адабиётдан суҳбат ўтказилди. Улардан «Абдулла Қодирийни ўқиганлар борми?» деб сўраганимизда 120(!) кишидан атиги 3(!) киши «мен» дея олди, холос. Ойбекнинг «Навоий» романи ҳақида сўралганда эса аудиторияга чўккан жимлик юзимизга тортиб юборилган тарсакидай туюлди. Бизнингча, ана шундай совуқ сукунатнинг илдизлари ўша — бошланғич синф «Ўқиш китоб»ларининг сийқа матнларию муаллифи яширинган «шеър»ларида, умуман дарсликларимизнинг мутлақо ибтидоий савиясида бўлса керак.

...Ниҳоят, яна бир дардли сўроқ: **НАВОИЙНИНГ НАБИРАЛАРИ НАВОИЙНИ ҚАЧОН УҚИЙДИЛАР?!..**



Муҳаммад Солиҳ

## Муҳаббат

Муҳаббат. Сарик ва зангори.  
Мен ҳеч ҳам кўрқмайман ўлимдан.  
Сассиз капалаклар сингари  
Бургутлар учар ўнг-сўлимда.

Нимадир бормоқда янгориб,  
Нима у, қийиндир англарим.  
Муҳаббат. Сарик ва зангори  
Оҳ, мен узоқ кутган рангларим.

Титраб уйғонмоқнинг шавкатин  
Қайтадан берди-ку шафқатинг.  
Йўл бошла, муҳаббат, йўл бошла.

Мен эса кўрқмайман ўлимдан.  
Мушуклар мисоли йўлимдан  
Йўлбарслар ўтмоқда, йўлбарслар.

## Сонет

Сочлар — боя сени адаштирган тун.  
Бу эса — тонг мисол осуда манглай.  
Орзу каби дудоқ, хаёлдай бурун  
Ва илоҳнинг ўзи кўтарган танглай.

Теран-теранликка тизлаб эркини  
Сокин боқайтган кўзлар. Ёноқлар.  
Сочларнинг остига бекор беркиниб  
Олган тажрибасиз, жужуқ қулоқлар.

Сийна — мусичанинг икки боласи...  
Шу ерда дафъатан чарчаб қоласан,  
Сўздан йироқлашар унинг тасвири —

Сенга бошқа услуб керак, эй, дайди,  
Нафас билан чизмоқ мумкин бўлсайди,  
Балким чизар эдинг унинг расмини!

## Мен ўпмаган қўл

Сизга таъзим учун шайландим, бироқ  
Кимдир таъзим этди мендан олдинроқ.  
Сизнинг қўлингизни ўпмоқчи эдим,  
Кимдир яна мендан олдин улгурди.

— Салом, — дедим, ҳирқираб... Саломимни ҳам  
Ҳайдаб юбордингиз елпугич билан.  
Боқмайсиз. Мағрурсиз. Турибсиз чидаб  
Гул каби, ёввойи ўтлар ичида.

Ниҳоят, чарчайсиз. Таъзимлар аро  
Мен томон қарайсиз бир мотамсаро.  
Ёнимга келасиз, кўзлар жикқа ҳўл...  
Ва титраб қўлимда мен ўпмаган қўл...

## ХАЛҚЛАР...

...Ҳозирги тушунчаларимизга кўра, қадим ҳинд шеърляги асосан диний йўналишга эга эди ва у олам ва одам ҳақидаги фалсафий-диний, пантеистик қарашларнинг мустаҳкамланишига ғоят кучли таъсир кўрсатган. Санскрит (қадимги ҳинд) драмалари, эпоеялари ҳам мана шу руҳ билан суғорилган бўлиб, ғоят теран ва ғоят юксак бадиият касб этгандир. Қадимиятда бу асарларнинг таъсир кучи қандай зўр эканлигини шундан ҳам билса бўладикки, диний поэмаларни (айниқса, «Рамайна») ўқиш ва улар асосида томошалар кўрсатиш пайтида сахрога юз минглаб одамлар йиғилишган. Улар бутун ҳафта давомида ҳинд ўрмонлари, водийлари, Ганг соҳиллари бўйлаб, асар воқеалари юз берган жойларга кўчиб юришган. Шундай қилинсагина «Рамайна»да тарғиб этилган диний-фалсафий ғоя, эътиқод ва туйғулар халқ онига яхшироқ сингар эди.

Яҳудийларда ҳам, бизга маълум бўлишича, поэзия диний йўналишда эди. Яҳудий халқининг диний туйғулари равнақиға бошқа диний-мистик поэзия асарлари қатори, дуо, оятлар қадимда ва ҳозир ҳам қанчалик кучли таъсир кўрсатганлигини гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлаймиз. Шундай экан, айрим пайғамбарларни, айнқса, Исайя ва Иеремияни шоирлар ва улуғ шоирлар дейиш керак бўлади. Бизда вазн деб аталган тушунчага мос келувчи яҳудийларнинг поэтик шакл турлари ва шартлари қанчалик ўранилганини, шу асосда пайғамбарларнинг китоблари шеърда ёки прозада ёзилганлиги қанчалик тўғри эканини ҳозирча билмаймиз. Лекин, қандай бўлмасин, барча пайғамбарлар у ёки бу даражада чинакам шоирлар ҳамдир. Уларнинг башоратлари, айнқса мессия-халоскорнинг келиши ва шундан сўнг Исроил ҳукмронлигининг тикланиши ҳақидаги башорат яҳудийларга қанчалик кучли таъсир кўрсатганлигини гапирмасак ҳам бўлади. Башоратни сохта тушуниб, фанатизмгача бориб етган яҳудийларнинг рим-

## ДАҲОЛАР,

ликларга қарши қўзғалиши ва уларнинг жуда кўпчилиги қириб юборилганлиги шундан далолат беради. Христос таваллуди атрофида бу башоратлар яҳудийларнинг ватанпарварлик туйғулари учун азиз ва оташин шоирона ҳиссиёт билан ёзилганлиги учун ҳам муҳим аҳамият касб этган. Албатта, биз ҳам, агар пайғамбарларнинг китобларини яхши таржимада ўқисак, улар йўғрилган оташин поэзияға маҳлиё бўлишдан ўзимизни тиёлмай қоламиз. Ҳар бир яҳудий ҳаётиға чуқур сингиб кетган, яҳудийларни римликларга қарши исён кўтаришиға ундаган миллат туйғусининг ўзи ҳам дин замиридан келиб чиққан. Демак, диннинг инсонларға кўпроқ шеърлят, нафосат воситасида таъсир этишиға ҳозир ҳам ҳеч ким шубҳа қилмайди.

Худди шу сингари, қуръон ҳам мусулмон халқларига ана шу поэтик жиҳати билан қудратли таъсир кўрсатди. Муҳаммад таълимотининг тез тарқалганлигини, мусулмонларнинг эътиқодда ғоят собит, мустаҳкамлигини исломда кўпхотинликка йўл қўйилиши ва нариги дунёдаги ҳиссий лаззатлар ранг-баранг тасвирлангани билан изоҳлаш беҳуда иш бўлур эди. Шарқда кўпхотинлиликни Муҳаммад жорий этмаган. Ҳиссиётли одам назарида бошқа динлар олдида ислом бу жиҳати билан устун кўринмайди. Маърифатнинг шу ёки бундан баландроқ босқичида турган барча халқлар нариги дунё лаззатларини худди шундай ҳиссий тарзда ёхуд бундан ҳам ҳиссиётлироқ тасаввур қиладилар. Фақат равшан англандан пантеистик йўналишгина нариги дунёға бундай қарашлардан сақлай олади (шунинг учун барахманизм ва буддизмда ҳеч қанақа ҳиссиётли нарса йўқ). Аммо мусулмончиликка ўтиш ва унга кўнгил боғлаш учун бу ҳиссиётлар кифоя қилмайди. Чиндан ҳам мусулмончиликнинг тарқалишиға ва эътиқод бутунлигиға жаннатдаги лаззатлар асосий сабаб эмас. Наҳотки шундай жаннатдаги қилишни поэтик даҳо туфайли шу қадар собитлик, кучли эъти-

қод даражасиға кўтариш мўмкин бўлса? Бу ерда келгуси ҳаёт ҳақидаги дуо, ибодатлар билан уйғотиладиган ишонч, эътиқод кучини фақат тасвир равшанлиги ва жонлилиги билан изоҳлаш ярамайди. Аксинча, ҳиссиёт бандаси учун ислом ана бир нарсада фойдали эмас — у вино ичишни таъқиқлайди. Айнқса, иссиқ иқлимли мамлакатлар учун бу яхши қоида. Лекин, бу динни қабул қилган кўпчилик халқларни фақат ҳиссий орзулар маҳлиё этмаганлигини тушуниш учун тарихчи Несторнинг китобида келтирилган Князь Владимирнинг мусулмон дойларига (миссионерларига) берган салбий жавобини эслаб ўтишимиз керак. Ислом дини мутлақ ҳиссийликдан маънавият томонға катта қадам ташлаган улуғ диндир. Эндилқикда Шарқ маданияти цивилизацияси, янада жиддийроқ айтганда, Испания, Салб юришлари орқали — Ғарб олами ҳам кўп борда исломдан қарздор эканлигини, чамамда, ҳамма эътироф этади. Муҳаммад жиддий талаб қилган ва чиндан ҳам мусулмонлар қатъий бажарадиган саъоб ишларни қилиш фарзи, наҳотки фақат ҳиссиётли одамлар учун жозибали бўлса? Демак, муҳаммадийликнинг ўз издошлари қалбида мустаҳкам ўрнашгани сабаби уларнинг ҳиссиётларига ёқиши, манзур келиши эмас, йўқ, мутлақо бунинг учун эмас, балки Муҳаммад даҳоси тарғиб қилган соф ва юксак диннинг қудратли назм кучи билан йўғрилганидир. Бу шу даражада юксак дин эдики, ҳатто соф илоҳиёт соҳасидаги катта издошлари ҳам уни дастлабки юксаклигида тутиб қолмадилар. Чиндан ҳам қуръоннинг бадиий нафосат жиҳатидан нақадар буюк асар эканлигини англаш учун унинг бир неча саҳифасини ўқиш кифоя қиледи. Ақалли, ундан Пушкин таржима қилган парчаларни эслайлик. V таржимадан таржима қилса, барибир бу парчалардан оташ уфуриб турибди.

\* Маъқур мақола Н. Г. Чернишевский «Тўла асарлар тўплами»нинг XVI тоmidan олинди. Айрим қисқартишлар билан босилмоқда. Таржимон — М. Маҳмудов.

Вера Панова, Юрий Вахтин



Муҳаммад пайғамбар қачон яшаган? Узоқ ўтмишдами ёки яқин замонларда? Жуда олисдами биздан унинг ватани?

Бир қарашда у қанчалар узоқ бўлиб кўринади! Минг чақиримлар жанубга юриб, Қора денгиздан сузиб ўтиб, Туркия ва Сурия сарҳадларини орта қолдириб, ниҳоят, Саудия Арабистонига кириб борамиз. Пайғамбарнинг ватанига келдикмикан, деб ўйлаймиз. Йўқ, ҳали унғача анча-мунча олис йўл — бир минг тўрт юз йилга чўзилиб кетган тарих бор. Унинг ҳаёти ўша олис манзилда кечган. Биз у ҳақдаги жуда кўп нарсаларни билмаймиз... Ҳатто пайғамбарнинг замондошларини, улар айтган сўзларнинг маъно ва моҳиятини ҳам тушунишимиз қийин. Чунки биз тинимсиз жанубга юрарканмиз, ўзимиз сезмаган ҳолда европача цивилизация чегарасини кесиб ўтдик. Асрлар қаърига, тарих уммонига шўнғиётиб эса ўзимиз яшаётган ижтимоий ҳаёт «хуржуни»ни соҳилда қолдирдик. Бунинг устига, биз кўникиб кетганимиз — атеистик, даҳрийларча муҳитдан одамларнинг кундалик ҳаёти диний ақида ва тасаввурларга тўла бўлган, худога ишонмаслик эса, бориб турган калтабинлик ёки кибри мақтанчоқлик нишонаси, ҳатто хавфли, ғайритабиий ёвузликка ҳавас деб ҳисобланадиган дунёга қадам қўйдик.

Аммо бу дунё бизларга чиндан ҳам шунчалар узоқми? Зимдан ўзимизни, ўз давримизни улуглаш мақсадида, жуда номуносиб ва майда ўлчовлар олиб, ораликдаги фарқларни бўрттириб кўрсатмаётганимизми? Келинг, масофани ёруғлик йиллари, вақтни эса фарсаҳлар билан ўлчаб кўрайлик... Сезяпсизми, ҳаммаси бир зумда яқинлашиб қолгандай? Биздан минглаб чақирим узоқда, ўн тўрт аср муқаддам эмас, гўё мана шу ерда, биз билан ёнма-ён, айни шу дақиқанинг ўзида Муҳаммад пайғамбар ҳаёти бошланган ва ниҳоя топгандай... Орадан ўтган давр мобайнида инсон айтарли ҳеч қандай биологик ва психологик ўзгаришларни бошдан кечирмагани, ўз табиати га кўра ҳамон (албатта, тарбияси, билими ва ижтимоий тажрибаси бундан истисно) ўша-ўша эканидан тажжубланиш ўринлими? Эҳтимол, таажжубланса бўлар, аммо бу — илмий факт, азиз ўқувчи... Ҳа, ҳа, сизу биз пайғамбар даври одамларидан на руҳий, на жисмоний имкониятларимизга кўра асло фарқланмаймиз. Шу боисдан ҳам тарихий ўтмишга унинг умуминсоний аҳамиятига тўғри муносабатда бўлишимиз ва сира унутмаслигимиз керакки, маълум маънода Муҳаммад пайғамбарнинг ватани — она сайёрамиз, бутун Ер шаридир, у яшаган вақт бизнинг назаримиз учун ҳам кўринарли бўлган бир давр, унинг ўзи ва атрофидаги ки-



шилар бўлса, бизнинг салкам замондошларимиздир. Унинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилиш, бир қарашда бошқа ҳар қандай улуг инсон ҳаётидан сўзлашдек осон, аслида эса жуда мушкул ишдир...

Араб тарихчилари бўлғуси пайгамбарнинг 570 йил 29 августда онасининг Макка шаҳри чеккароғида, муқаддас Каъбадан уч юз метрлар ҳамаси узоқликда жойлашган ҳовлисида туғилганини айтадилар. Орадан тахминан юз йиллар ўтгач, бу ҳовли қайта қурилиб, масжидга айлантирилди. Уша давр урф-одатига кўра, Муҳаммаднинг туғилганига етти кун тўлгач, бобоси Абдул Муталлиб зиёфат уюштириб, қурайш қабиласининг обрўли кишиларини базмга чақиради. Базмда ҳаммага эшитиларли қилиб, тантанали равишда чақалоқнинг исми Муҳаммад экани эълон қилинади. Меҳмонлар беозор гўдакни катта қувонч билан эркалайдилар, унга бутун дунё бахтиёрлигини тилаб, келажакда унинг ўз яқинлигига юпанч ва суянч тоғи, қурайш қабиласининг фахр-ифтихори бўлажағига ишонч билдиришади.

Отаси Абдуллоҳ зиёфатда иштирок этолмайди — бу пайтда у Сурия сафарига бўлиб, Муҳаммад туғилгандан сўнг икки ой ўтгач, Маккага қайтаётганда, йўлда вафот этади. Ўғлини бир бор кўриш бахтига ҳам муяссар бўлолмаган отадан бешта нортуя, бир неча бош қўй ва Баракат исмли бир чўри қиз мерос қолади.

Болакай, баҳор ойлари бошлангунича уни беҳад суйган ва ҳар қандай бахтсизликлардан ҳимоя қилган онасининг ғамхўр назорати ва парваришида бўлди. Араб аёллари гўдакларга кўзикиш, ҳар хил оғир, кўпинча ўлим билан тугайдиган касалликлар хавфини солувчи ёмон кўзлардан, ёвуз руҳлар — жину шайтонлардан, айниқса, қаттиқ кўрқишар эди. Ёвуз руҳлар ва совуқ назардан сақловчи ҳамма тан олган восита турли туморлар бўлиб, гўдак Муҳаммаднинг ҳам бўйнига Қизил денгиз соҳилларидан топиб келтирилган майин, ажойиб бир чиғаноқни осиб кўйдилар. Уни балогат ёшига етгунича тақиши лозим эди. Ун олти ёшга кирганида чиғаноқни олишиб, ўрнига ўсимир йигит учун анча муносиброқ бўлган бошқа бир тумор — митти қилични осиб қўйишди. Бундай ҳимоя усулларига ҳали ақли етмаган болалар, кўпинча ўз чиғаноқларини сўриб, Макка кўчаларида ўйнаб юришарди.

Ҳар йили икки марта — баҳорда ва кузда — теварак-атрофдаги кўчманчи уруғларнинг аёллари вақтинча болаларни ўз қарамолларига олиш, тарбия қилиш учун Маккага келар эдилар. Нафасни бўғувчи жазирама, иссиқ ҳаво, чанг-тўзон, ҳар гўшада ғужғон ўйнаган пашшалар гўдаклар соғлиғига жуда ёмон таъсир кўрсатар, ўртаҳол маккаликлар орасида чақалоқларни кўчманчи оилалар парваришига бериш одати бор эди.

Етим бола учун ўз вақтида яхши ҳақ тўламасликларидан қўчиб, ўша йили Маккага келган Вану Саъд — Вану Бакр қабиласи аёлларидан ҳеч бини кичина Муҳаммадни ўз тарбиясига олишни истамади. Бунинг устига кўчманчи аёллар болакайнинг онаси бошқа кишига турмушга чиқса, умуман ҳақ тўламай қўяди, деб ўйлашарди. Ниҳоят, бошқа бирор чақалоқни тополмаган Ҳалима исмли аёл эрининг розилиги билан Муҳаммадни ўз тарбиясига олишга журъат этади. Шундай қилиб олти ойлик Муҳаммад ўзининг ёшгина онасидан айрилиб, тахминан тўрт йил мобайнида Вану Саъд қабиласи кўчманчилари орасида тарбия топди. Қабил аъзолари Макка шаҳридан икки юз километрлар жанубдаги тоғлик водийда пода боқишар эди. Бу ерлар, бойбадавлат қурайшийлар йилнинг жуда иссиқ ва серташвиш фаслларида ҳам ўз оилаларини ҳордиқ чиқариш учун жўнатадиган гўзал, гуллаб-яшнаётган Таиф воҳасига жуда яқин эди.

Муҳаммад меҳрибон Ҳалима энага, унинг эри ал-Харис, уларнинг икки қизалоғи, ҳамда ўзининг кўкалдош оғаси билан кўчманчи қабил аёлларининг одатдаги ҳаётини яшай бошлади. Гўдак тарбияси учун қандайдир миқдорда нафақа олган оила бошлиқларининг ишлари юришиб кетди ва болалар оч қолишмайдиган бўлдилар.

Вану Саъд араблари танавул қиладиган асосий озиқ бошқа барча кўчманчи қабилалардагидек, туя ва эчки сuti, улардан тайёрланадиган ҳар турли қатик, пишлок, сариеғ каби ширину нордон таомлар эди. Воҳа одамларидан сотиб ёки сутга алмашлаб олинган хурмо улар учун нон

ўрнини босар, ҳафтада бир мартадан ортиқ гўштилик овқат ейишмас эди.

Ғамхўр оналар ўз болаларини икки-уч ёшгача кўкрак сuti билан боқар, бу эса муттасил тўйиб овқат емаслик ва ҳатто очлик шароитида ҳам чақалоқларнинг нисбатан яхши ўсишини таъминлар эди. Болалар бақувват, қотмадан келган, эпчил ва тик қоматли бўлиб улғаярдилар. Табиий яшаш шароитлари кўчманчиларга кўркам қиёфа бахш этар, бу билан улар воҳа деҳқонлари ва шаҳарда яшовчи аҳолидан кескин ажралиб туришар, хомсемизликка мойил ер эгалари ва ҳунармандларни унчалик ёқтирмас эдилар.

Ривоятлар Муҳаммаднинг Ҳалима энага оиласидаги ҳаёти ҳақида айтирли маълумот бермайди. Кейинчалик Муҳаммад Ҳалимани ҳар доим қувониб ёслаганига қараганда, бу оилада у яхши парвариш кўрган, ҳеч ким уни хафа қилмаган, дейиш мумкин.

Фақат бир ривоят борки, у тахминан Муҳаммаднинг Вану Саъд қабиласидаги ҳаётининг тўртинчи йилида содир бўлган воқеа ҳақида хабар беради.

...Бу воқеа куппа-кундуз кuni, қуёш тиккага келган пайтда содир бўлди. Ҳалима энага ва унинг эри чодирда уй ишлари билан банд, Муҳаммад ва эмакдош акаси эса, чодирдан унчалик узоқ бўлмаган яйловда ўтлаётган кўзичоқларга қараб, ўйнаб юришарди. Тўсатдан болалар ёнида оппоқ либосга ўранган икки киши (улар фаришталар бўлиб, табиийки, болалар бuni тушуниб етмас, билмас эдилар) пайдо бўлди. Нотаниш кишилардан бири қўлида кўзни қамаштирар даражада оппоқ қор тўла олтин тоғора кўтариб турарди.

Улар Муҳаммадни чалқанчасига ётқишиди, кўкрак қафасини ёриб, юрагини қўлга олдилар. Вола юрагидан фаришталар қора рангли бир томчини олиб, улоқтириб юборишди. Шундан сўнг улар боланинг юраги ва ички аъзоларини олтин тоғорадаги қор билан ювдилар, тезда юракни ўз ўрнига жойлаштириб, кўздан гойиб бўлдилар. Муҳаммаднинг эмакдош акаси эса қичқириб, чодир томон чоғида бўлган воқеани ота-онасига айтди. Қўрқиб кетган Ҳалима ва эри яйловга югурдилар, соппа-соғ, гўё ҳеч нарса бўлмагандек турса ҳам, ранги мурданикидек оқариб кетган Муҳаммадни кўрдилар. Ҳалиманинг сўровларига жавобан Муҳаммад ҳам эмакдош акаси айтган гапларнинг худди ўзини такрорлади. Бу воқеа Ҳалимани шунчалик хавотирга солдики, у эрига сира кечиктирмай болани ўз онасига топширасиз, деб туриб олди. Кўринадики, Ҳалима бирор кор-ҳол бўлиб, Муҳаммадга шикаст етишдан жуда жуда қўрқар эди.

Кўпгина тарихчиларнинг ёзишларича, бу кейинчалик Муҳаммаднинг ўзи ҳам бир неча марта бошқаларга сўзлаб берган ягона ривоят бўлиб, худонинг амрига кўра фаришталар уни гуноҳга элтувчи иллатдан халос этишган экан. Болакайнинг мурданикидек оқариб кетган юзи, Ҳалима энаганинг қўрқув-хавотирга чўмиши, унинг Муҳаммадни тезда ўз туғишганларига элтиш керак, деган қарорга келуви — буларнинг ҳаммаси ривоят замирида чиндан ҳам бошдан кечирилган, ҳаётий саргузашт ётади, деб тахмин қилишга ундайди.

Нима бўлганда ҳам, Ҳалима эртасигаёқ эрининг ҳамроҳлигида Муҳаммадни олиб, Маккага жўнади. Шаҳарнинг юқори, гавжум қисмида болакайни, дастлаб, йўқотиб қўйдилар, хайриятки, дарҳол топиб, соғ-омон бобосининг қўлига топширдилар. Фаришталар билан бўлиб ўтган фаройиб воқеа аста-секин унутилиб, бир неча йиллар бу ҳақда ҳеч ким гап очмади.

Муҳаммаднинг Вану Саъд қабиласида бўлиши ана шундай ниҳоя топди. Кейинчалик у бу ҳақда фахр билан: — «Мен ҳар бирингизга қараганда кўпроқ арабман — қурайшийман, мени Вану Саъд — Вану Бакр қабиласи воёга етказган», дер эди кўпинча ҳамроҳларига.

Муҳаммад илк бора кўриб турган Макка ўша даврда чиндан ҳам каттагина шаҳар бўлиб, унда митти болакайнинг адашиб кетиши ҳеч гап эмасди. Шаҳар кичик адирликни тўла эгаллаб, тахминан уч километрга чўзилиб кетган ва атрофни қуршаган тепаликларга ҳам ўрмалай бошлаган эди. Шаҳарнинг, энига бир қақирим келадиган қуйи, шимолий қисмида Каъба жойлашган бўлиб, аҳолининг кўпчилиги қисми шу ерда яшар эди. Худди шу жойда адирликни катта-

гина тош девор кесиб ўтарди. Бу аслида кўчманчиларнинг тўсатдан бостириб киришини тўхтатиб қолиш учун қурилган бир тўсик вазифасини бажарарди. Деворда қарвонлар учун каттагина ўтиш жойи бўлиб, бир қанча қарвон йўллари ҳудди шу ердан бошланар эди. Шимолга кетган йўл Ярибга элтарди. Ғарбда эса Жидда шаҳри бўлиб, у орқали денгиз йўли билан Эфиопиядан чиққан қарвонлар Маккага жуда кўп мол-товар келтирарди. Қизил денгиз соҳиллари бўйлаб бир ярим минг километрга чўзилиб кетган, Фаласгин, Дамашк, Ўртаер денгизи бандаргоҳларига элтувчи Бош қарвон йўли ҳам шундан бошланарди. Маккадан Фрот дарёси қирғоқларига томон йўл олган қарвонлар эса шимолий-шарқ тарафга бурилиб кетардилар.

Маккага қайтганидан сўнг Муҳаммад икки-уч йил меҳрибон онаси Аминахоним ва чўри қиз Баракат қарамоғида яшади, у олти ёшга тўлганда онаси Муҳаммад ва Баракатни олиб, Ярибдаги қариндошлариникига меҳмонга борди. Маккага қайтаётиб, Аминахоним тўсатдан вафот этади ва Абва қишлоғи яқинида йўл ёқасига дафн этилади.

Отадан ҳам, онадан ҳам етим қолган Муҳаммадни бобоси, ҳошимийлар уруғининг бошлиғи Абдул Муталлиб ўз тарбиясига олди. У шундай буйруқ чиқардики, каттақон оиласи аъзоларидан доимо кимдир Муҳаммаднинг оч ва қаровисиз, назоратсиз қолмаслиги учун жавобгар эди. Бошқа барча ҳолларда Муҳаммадни ўз эркига қўйишар, ҳеч ким уни ранжитмас эди.

Ҳақатгина бир инсон — бобоси Абдул Муталлибнинг ўзи Муҳаммад тарбиясига катта меҳрибонлик ва эътибор билан ёндошди. Уша пайлғари қартайиб қолган чол Каъба бутхонасининг калитларини ўзида сақлар, ибодатгоҳ тўсини ёнида, очик осмон остида у қундузлари ўтириб, кечалари ухлайдиган супача бор эди. Муҳаммад Абдул Муталлибнинг бошқа барча неварачеваралари учун руҳсат этилмайдиган имтиёзга — бобоси билан ўша супачада ёнма-ён ўтириш бахтига муяссар бўлар эди.

Бобо билан неварачеваралари бундай яқинлик боис узоқ давом этадиган ўзаро суҳбатлар чоғи Муҳаммад Каъба ибодатгоҳи ёнида ўтадиган диний маросимларнинг гувоҳи бўлар, бобоси унга бу маросимлар моҳиятини тушунтириб беради.

Уша вақтларда Каъба жуда дағал тарашланган тошлардан куб шаклида терилган, баландлиги 12—15 метрлар келадиган, на томи, на деразаси бўлган иморат эди. Ибодатгоҳ ичида, деворларида ва яқин теъарағида 360 тага яқин турли катталиқдаги бутлар териб қўйилганди. Уларнинг сони тахминан бир йил — 360 ёруғлик қуллари сонига тенглаштирилган эди. Турли худолар шарафига ўрнатилган, турли араб қабилалари сизнадиган бут ва санамларнинг кўпчилиги маълум услубда нақшлар солинган инсон қиёфасида ишланган эди. Аммо турли ҳайвонлар кўринишидаги, узунчок, каттақон тош бутлар ҳам учрарди. Улардан бири — машҳур Қора тош — ибодатгоҳнинг шимолий-шарқий деворига, ердан бир ярим метрлар баландликка ўрнатилган бўлиб, унга барча қабилалар вакиллари эҳтиром кўрсатишарди.

Бутлар олдида хушбўй тутатқилар ёқишар, уларга совғасалом келтиришар, уларни безатишар эдилар. Бутларнинг юз-қўлларини шифобахш сувлар билан ювишар, гоҳо эса асал, қурбонликка сўйилган ҳайвонларнинг қони, саккура деган ўсимликнинг қондай қип-қизил шарбатини суртишарди. Бутлар номи билан қасамёд қилишар, бу қасамларга катта собитлик бахш этар, чунки қасамни бузиб, сўзида турмаганлар ҳақоратланган бутнинг ғазабига учрайди, деб қаттиқ ишонишарди. Бундай қасам ичишлар кўпинча сўйилган ҳайвонларнинг, баъзан одам қони билан ҳам мустаҳкамланар, айримлар бармоқларини озгина кесиб, бутларнинг пойига, муқаддас тошларга қон томизар, ярадор қўлларини бир-бирига беришиб, ёки бўлмаса, қурбонликка сўйилган ҳайвон қони билан тўлдирилган идишга қўлларини ботириб ўзаро садоқат изҳор қилар эдилар.

Бутхона тўсини ёнига махсус ётқизилган тошлар устида туя, хўкиз, қўй ва эчкиларни бўғизлаб сўйишар экан, бу садақаларни қайси худога аташган бўлса, унинг номини бақриб такрорлашарди. Тошлар устига иссиқ қон тўкилар, арабларнинг тасавурича, бу қонда ҳайвонларнинг руҳи бўлиб, уни ичиш, истеъмол қилиш мумкин эмасди. Ғўштни

эса ўзаро тақсимлаб олишар, пишириб ейишарди.

Табий, шундай араблар ҳам бор эдики, улар асосан Каъбанинг ёлғиз ўзига сиғинар, уни «худонинг уйи» деб аташар ва унда энг олиғ худо — Оллоҳга сажда қилардилар. Тарихчи Шахристониининг гувоҳлик беришича, худога мурожаат қиларкан, баъзи араблар дуо ўқиб, тахминан шундай ёлворишарди: «Худойим, мен сенга хизмат қилишга тайёрман, ҳар қандай амрингми бажаришга ҳаммаша ҳозирман, ҳар доим хизматингга шайман! Сен ҳукмронлик қиладиган, сен ўзинг подшоҳи бўлган дўстдан бошқа сенинг дўстинг йўқ!» Каъбага совға-саломлар олиб келишарди. Бутхонага кираверишда оёқ кийимлари ечилар эди. Деворларга сўйилган ҳайвонлар қонини суртишар, қасамёд чоғи уларни сийпашар, ҳар хил гўзал нарсаларни осишар, хуллас, бутхонани ҳам худди худо қизларининг ҳайкаллари каби безантиришга уринишар эдилар. Каъба атрофини етти марта айланар, ҳар сафар деворга ўрнатилган Қора тошни силаб ўтишарди.

Йилнинг муқаддас саналган уч ойи давомида барча қабилалар ҳамкорлигида ўтадиган диний маросимларга айниқса жуда катта аҳамият бериларди. Бундай маросимлар чоғи Каъбага ва шаҳарнинг бошқа азиз жойларига сиғинувчи одамлар ҳар тарафдан Маккага ёпирилиб келаверишар.

Саккиз ёшида Муҳаммаднинг бошига оғир жудолик тушди — унинг васий бобоси Абдул Муталлиб вафот этди. У вафотидан сал олдин Макка вакили сифатида форсийларнинг гумашталари — Жанубий Арабистоннинг янги ҳукмдорлари билан муносабатларни йўлга қўйиш учун жуда муҳим дипломатик сафар билан Яман пойтахти Сану шаҳрига борган эди. Ўлими арафасида эса, ўз ишларини тартибга келтиргандан сўнг, катта ўғли Абу Толдibili хузурига чақирди ва ҳошимийлар уруғининг бўлажак бошлиғи сифатида унга, Муҳаммадга ғамхўр ва доим кўз-қулоқ бўлиб туришни тайинлади. Айтишларига қараганда, у қизлари София, Барра, Атиқа, Ум Ҳаким ва Арваларни ҳам қошига тўплаб, ўзининг бўлажак таъзиясида улар айтиб йиғлайдиган марсияларни такрорлашларини ҳам сўраган экан.

София шундай андуҳли сўзлар айтиб, отасини йўқлаган экан: «Мен ўз ҳаёт йўлининг шон-шараф гулчамбарини эгаллаган инсон айрилиғида йиғлайман. Оҳ чекиб, ухлламай кўзларим қуяди.

Кўз ёшларим худди маржонлардек тўкилади — мен ўта олижаноб, иродасизлик нима билмаган, саҳийлиги ва яхшилиғи ҳаммага аён бўлган инсон ғамида йиғлайман!

У, улугвор Шейба, менинг фазилатлар соҳиби бўлган саховатли отам дунёдаги барча яхшилик қилувчиларнинг меросхўри, ҳаққўй, мустаҳкам иродали ва ишончли одам эди!

Қудратли, ғанимлари дилига қўрқув солувчи, лекин шундай саховатли одамлардан эдики, унинг ҳиммати ва мурувати худди туяларнинг елинидаги сўт ҳам тутаган пайтда ёққан ёмғирдай ҳаётбахш эди! У нақадар покиза, заррача бўлсин уят ва исноддан холи, ҳаммадан хушхулқ, эркин ва эркин бўлмаган барча одамлардан улугвор, олийҳиммат, шердай соҳибқудрат, енгилмас инсон эди!

У, агар кўп йиллик шон-шухрат одамни ўлмайдиган мавжудотга айлантира олсайди (афсуски, ўлмаслиқнинг ҳеч иложи йўқ!), менинг машҳур ва донгдор отагинам умрининг охиригича кечасини абадият қадар чўзилишга мажбур этган бўлар эди...»

Барра бўлса, отаси Абдул Муталлибни «омадли, хушсират, саховат билан ҳада тарқатувчи, ўз халқининг шон-шарафи», деб улуглади. Бошқа қизлари ҳам тахминан шунга яқин марсиялар айтиб йиғлашди.

Бундай марсиялар хуштабиат араб аёлларининг керак бўлган пайтларда ўз туйғуларини шеърга солиб айта олиш қобилиятини кўрсатиши билангина эмас, балки, умуман, араблар тасавурида инсонни қандай фазилатларига кўра улуглаш мумкинлигини билдириши билан ҳам катта аҳамиятга моликдир. Шубҳасиз, бу борада биз инсоннинг шахсий ор-номуси ва шарафи деб атайдиган, аини пайтда эса, бутун уруғ ва қабиланинг ҳам ғурури бўлган сифат (олий насл-насаб) биринчи ўринга қўйлади. Диний мансублиги, қайси худога тобелиги деярли тилга олинмайди. Гуноҳсиз-



лик ўрнига — олижаноблик, саховат, уят ва инсондан фориғлик. Сўнгра ижтимоий кадр-қийматлар келади: ҳамма ҳавас қиладиган, етук инсон — оила, уруғ, қабиладан умиди, суянчи, ҳимоячиси ва ҳоказо... У ҳар доим биринчи ўринда бўлмоғи, иккинчи даражали мавқелардан қониқмаслиги, ҳамма қатори эмас, балки энг улугвор, энг доворак, ҳаммадан саҳийроқ ва ҳиматлироқ бўлмоғи лозим. Бизнинг давримизга келиб, бундай ҳолларда кишиларни юқоридагидай мақтовларга кўмиш амалдан қолган. Гарчи қабр тепасидаги нутқларда гоҳо марҳумнинг номига ҳаддан ташқари кўп олқиш сўзлари янграса ҳам, ҳеч ким уни «энг ақлли», «энг иқтидорли» ва ҳатто «энг саховатли» деб айтмайди, балки доимо «энг талантли кишилардан бири, энг кўп хизмат кўрсатганлардан эди», деб қўшиб қўйишади, холос. Араблар ҳар доим «биринчилардан бири» эмас, балки биринчининг ўзи бўлишга интилишарди. Улар ўз шахсий шарафини жуда юксак баҳолар эдилар. Уларни саҳро аслзодалари деб бежиз айтишмаган.

Макка осуда, хилват шаҳар эмасди. Карвонларнинг кириб келиши, жўнаб кетиши, муқаддас ойларда тўда-тўда бўлиб юрвчи кўчманчилар, шоирларнинг оммавий мушоиралари уюштирилаётган сершовқин, гавжум савдо расталари — буларнинг ҳаммаси шаҳар ҳаётига ёрқинлик, қайноқлик, гала-говур кўтаринкилик бахш этарди. Болалар ва ўсмирлар катталардан ажратиб қўйилмасди. Уша давр урф-одатлари тақозо этган камтарлик ва катталарга ҳурмат сақлаган ҳолда Муҳаммад ҳам муҳим ижтимоий муаммолар муҳокама этиладиган йиғинларда, диний ва ахлоқий мавзулардаги баҳсларда, савдогарлик сафарларида кечган саргузаштлар, узоқ мамлакатлардаги воқеа-ҳодисалар, турли қабила ва халқларнинг урф-одатлари ва қадим анъаналари ҳақида ҳикоя қилинадиган мажлисларда иштирок этарди.

Бизнинг давр, ҳозирги цивилизация одамларидан фарқли ўлароқ, у замонларда катталар ўз ҳаётининг турли қирраларини, сирларини айтиб беришдан унчалик уялишмас, жумладан, у чоқларда интим ҳаёт борасидаги «болалар кулгои учун мўлжалланмаган» масалалар рўйхати ҳозиргидан анча қисқа эди. Натижада болаликдан ёшликка, сўнгра эса ҳар томонлама камол топган инсон даражасига етиш жараёни бизнинг замонамиздаги каби жуда кўп адашишлар, қарама-қаршиликлар, руҳий ларзалар остида кечмас, анча-мунча енгил, табиий йўналишда ниҳоя топар эди. Шунинг учун ишонч билан айтиш мумкинки, бола катталар билан биргаликда, уйғун ҳаёт кечирар экан, у чиндан ҳам тўлақонли «маълумот» эгаси бўлар, келгуси мустақиллик йиллари учун ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрар эди.

Энг яқин, энг суюкли, уни ҳаммадан кўпроқ севадиган инсонлардан айрилганлик Муҳаммад болаликданок ўз ҳис-туйғуларини эркин ошкор эта олиш имкониятини бермас, унинг ички олами маълул маънода ташқи дунёдан эрта ажралиб қолаётганлиги кузатилади. Муҳаммад кўпинча ўзи билан ўзи ёлғиз қоларди. Тўққиз ёшли бола энди анча улғайиб қолган ҳисобланар, Макканинг яқин атрофларидагина эмас, балки шаҳардан анча олисдаги ўтлоқларда ҳам пода боқиши мумкин эди. Туялар, қўй-эчкиларни боқаркан, бундай ўтлоқларда у тез-тез бир неча кунда ёлғиз ўзи қолиб кетар, лекин сира ёлғизликдан қийналмас, нолимас эди. Бу ҳол боланинг маънавий камолотига қанчалик таъсир ўтказганини айтиш қийин, аммо унинг ўзи кейинчалик «ҳамма пайғамбарлар ёшлигида пода боқишган», деганига қараганда Муҳаммад чўпонлик бурчлари ва пайғамбарлик заковати орасида қандайдир боғланишлар кўрганга ўхшайди.

Муҳаммад анча одамови ўсмир бўлса ҳам, уни асло ғамгин, бадқовоқ деб баҳолаш мумкин эмасди. У тезда Абу Толибининг меҳрини қозонди. Бир неча йил аввал Муҳаммаднинг бобоси Абдул Муталлибда бўлгани каби, Абу Толиб қалбида ҳам ёш жиянига нисбатан катта меҳр-эътибор уйғонди. Ҳошимийлар хонадонининг улуги ва васийси сифатида ҳам ундан худди шундай муносабат талаб қилинади. Болалик йиллариданоқ Муҳаммаднинг тақдир унга дуч келтирган одамларда ўзига нисбатан майл, меҳр уйғотиш, самимият ва ҳурмат асосига қурилган муносабатини қозониш қобилияти бор эди.

Агар нақл қилишларига ишонадиган бўлсак, ўн икки

ёшида Муҳаммад илк бор узоқ сафарга чиқади. Абу Толиб Сурияга бориш учун навбатдаги карвонни йўлга ҳозирлар эди. Муҳаммад кўпдан бери бундай сафарни орзу қилар, аммо амакисидан ўзини ҳам бирга олиб кетишини сўрай олмасди. Энг сўнги дақиқада, Абу Толиб отига миниб учун шайланаётган чок Муҳаммад ундан бирга олиб кетишини шундай ўтиниб сўрай бошладики, Абу Толиб рози бўлишдан бошқа илож тополмай қолди. Албатта Муҳаммадга ҳам карвонда унинг ёши ва кучига мос келадиган вазифа юклатилган эди.

Карвон йўли шимолий ғарбга эмас, Ясриб ва Табукни четлаб ўтиб, Жанубий Сурияга йўналган эди.

Жанубий Сурияда Арабистон ерлари тугаб, ўша давр араблари учун ҳамон румликлар мамлакати ҳисобланган Византия сарҳадлари бошланганини сезмай қоларди киши. Чунки варварлар босқини натижасида Ғарбий Рим империясининг емирлани улар учун катта аҳамият касб этмас, чунончи, греklar ва римликлар ўртасидаги фарқтафовутлар арабларга иккинчи даражали нарсалар эди. Уларга қўшни давлатларда аҳвол аввалгидек қолаётган эди: бу музофотларда Александр Македонский замонасидан бери грек маданияти устунлик қилар, пойтахтнинг Римдан Константинополга кўчирилиши (бунда араблар ҳам иштирок этишган) ҳеч қандай ўзгариш киритолмаган эди.

Византияда VI асрнинг охирларига келиб, христианликнинг грекча (проеваслав) оқими узил-кесил ва мустақкам ғалаба қозонган, давлат мамлакат территориясида мажмуийларга ҳам, бидъатчиларга ҳам асло тоқат қилолмасди. Фақат чегарага яқин жойларда бундай ҳол ҳукм сурмас, чунки ҳарбий манфаатлар гоҳ у, гоҳ бу диндаги одамлар билан келишувни тақозо қилар эди. Жанубий Сурия эса факатгина монофизитлики (христианликнинг ақидавий илоҳиёт йўналиши) қабул қилган, ёки қарам Ғассон князлигининг бутпараст араблари эмас, балки жуда кўп ҳар хил мазҳабларга мансуб араблар ҳам истикомат қиладиган ана шундай чегара райони ҳисобланарди. Худди ана шу сафар чоғида, айтишларига кўра, Муҳаммаднинг христианлик билан илк бор муносабатга киришуви юз берди. Қачонлардир, кўп йиллар мобайнида Муҳаммаднинг ким билан — Исонинг чинакам издошлари биланми ёки ўз динини бузиб, аблаҳларча ҳақоратлаб, оғир адашувлар исканжасида қолган одамлар билан учрашганини аниқлашга катта аҳамият берилган эди. Айрим христиан ёзувчилари: «Эҳ, агар Муҳаммад ўз вақтида равноапостол черкови таълимоти билан танишганда борми, ким билсин, ер юзидан янги бир дин пайдо бўлмаган бўлармиди», — деб ҳасрат чекишарди. Ҳозирги кунда бу масала унчалик муҳим эмас. Табиийки, Муҳаммад ўшанда православие билан танишган тақдирда ҳам, ўз-ўзидан аёнки бу христианлик таълимотининг биргина варианты, нисбатан кенгроқ тарқалган бир мазҳаби билан танишув бўларди, холос. Бундан ташқари, шунини айтиш керакки, христианлик асосларини ўша йиллари Макканинг ўзида ҳам ўрганиб чиқиш мумкин эди. Богославлар илоҳиётининг бошқалар учун унчалик қизиқарли ва аҳамиятли бўлмаган турли нозик томонларини ўша давр христиандларининг ҳам кўпчилиги умуман биллишмаган.

Албатта, Маккада христианликнинг расм-русумлари, данғиллама ибодатхоналар, тантанавор, дабдабали сажда қилиш маросимлари, греklar чизган иконалардан катта-катта кўзлар билан боқувчи авлиёларнинг қиёфалари, хушқомат черков ашулачилари, олий мартабали диндорларнинг жимжимадор либослари, монастыр деворлари ортида сертакво ҳаёт кечирувчи роҳибларнинг зоҳидликлари кўзга ташланмас эди. Абу Толиб ва ҳамроҳларининг Басра шаҳри яқинида ана шундай роҳиблардан бири билан учрашиб қолганидан ҳикоя қилувчи нақл ҳам бор.

Одатига кўра, Абу Толиб шу ердаги монастыр девори тагида тушдан кейинги ҳордиқ учун тўхтар эди. Хужралардан бирида Багира исмли роҳиб яшарди. У Абу Толибни бир неча марта кўрган, аммо ҳеч суҳбатлашмаган эди. Шу боис Абу Толиб карвон қўниши биланоқ Багиранинг югуриб келиб, хордиқ чиқариш ва кечки овқат учун ҳужрасига таклиф этганидан жуда ҳайрон бўлади.

«Мен атай сизлар учун таом тайёрлаган эдим, эй, қурайш



қабиласи одамлари, истагим шулки, сиз барчангиз, кексаю ёш, аслзодаю қорача, ҳукмдору хизматкор, ҳамма-ҳамма-ларингиз менинг азиз меҳмоним бўлсангиз», — дер эди тинмай Багира.

Абу Толиб ва ҳамроҳлари Муҳаммадни юкларга кўз-қулоқ бўлиб туриш учун қолдиришиб (улар болани бундай шараф учун ҳали жуда ёшлик қилади деб билишарди), ўзлари монахникига ўнадилар. Аммо Багирани фақатгина Муҳаммад қизиқтирарди, у христианларнинг сирли ва донишманд китобларида ўқиган эдики, тез орада худонинг навбатдаги расули ташриф буюради, энг муҳими у бўла-жак пайғамбарнинг аниқ белгиларини, сифатларини ҳам биларди. Карвон монастырга яқинлашар экан, Багира бу белгиларни Муҳаммаднинг қиёфасида дарров таниб қолган эди. Унинг кўярда-қўймай ўтинишларидан сўнг Муҳаммадни ҳам ҳужрага чорладилар.

Таомдан сўнг Багира секин-аста Муҳаммаддан ҳаёти, кечирмишлари, у кўрадиган тушларнинг мазмуни ҳақида сўрар экан, қаршида бўлажак пайғамбар ўтирганига тобора тўла ва мустаҳкам ишонч ҳосил қилган эди.

Тахминан йигирма ёшларга кирганида Муҳаммад тоғаси Абу Толиб таъсиридан чиқиб, мустақил ҳаёт кечира бошлади. Бу пайтга келиб, Муҳаммадга боғлиқ бўлмаган шарт-шароитлар унинг нима билан шуғулланиши лозимлигини узил-кесил аниқлаб қўйган — у савдо-сотик қилиши керак эди. Карвонларни бошқариш тажрибасини эгаллаган, аммо мустақил савдогарчилик сафарларига чиқиш учун ҳали етарли маблағи йўқ эди. Араб тарихчиларининг ёзишларича, у жуда ажойиб феъл-атвор, ўта ҳаққонийлик, тўғрилик ва соф виждон эгаси эди. Ҳамиятли қўшни, садоқатли ҳамроҳ, хуллас, барча етук фазилатлар унда мужассамлашган эди. Зеро, унинг касб-кори ҳам ақл-заковатли, фаҳм-фаросатли, ҳақғўй ва ўз сўзининг устидан чиқадиган бўлишини, ўз ихтиёрига топширилган мол-мулк учун катта масъулият ва жавобгарлик билан қарашни талаб қилар эди одамдан. Муҳаммаднинг савдо-сотик ишлари тезда юришиб кетган экан, демак, одамлар унга ишонишар, Муҳаммад мақкаликлар кўзи олдида бенуқсон обрў-эътибор топган, қурайишлар уни эҳтиромлаб қақирганларидек — Ҳақиқатгўй киши сифатида донг таратган эди.

Муҳаммаднинг ана шу давр маънавий ҳаёти ҳақида аниқ ҳеч нарса билмаймиз. Ўзининг айтишига қараганда, жуда яхши тартиб, эзгу мақсад билан умр кечирган, уни бутпарастликнинг барча гуноҳлари ва офатларидан Оллоҳнинг ўзи сақлаб қолган.

Нима учун ривоятлар кўпгина насроний авиёларнинг ҳаётини безовчи турли дев ва шайтонларга қарши қаҳрамонона кураш каби лавҳаларини Муҳаммаднинг фаолияти билан сира боғламайди? Асосий ва ўринли сабаб шунда кўринадики, аслида жиддий синовларнинг ўзи бўлмаган, Муҳаммад эса самимий ва тўғрисўз одам бўлиб, ўзининг кўрсатмаган жасоратлари ҳақида ҳеч нарса тўқиб айтолмас эди. Бошқаларнинг бу борада турли хаёлларга чўмишлари учун халқ орасида у қозонган обрў-эътибор етарли озиқ берар эди. Бундан ташқари кўпгина сорий халқларда кенг тарқалган тасаввурларга кўра, авиёлар ва пайғамбарлар ўртасида кескин фарқлар амал қилади. Авиёлар жуда хилма-хил қаҳрамонликлар кўрсатиб, шу улуг мартабага эришадилар. Бунда улар аста-секин кўтарилиб келадиган илк босқичдаги гуноҳлар жарлиги қанчалар чуқур бўлса, уларнинг хизматлари шунчалар юксак баҳоланади, ўзлари эса ҳурмат ва саждага шунчалар кўпроқ муносиб ҳисобланадилар. Пайғамбарлар бўлса деярли ҳар доим ўзларининг туғма афзалликлари, фазилатлари учун худо томонидан танлаб олиндилар. Шу нуқтага назардан қаралганда, ҳар бир одам ҳаракат қилса, авиё бўлиши мумкин, аммо пайғамбарлик мавқеи, заковати — бу инсон иродасига боғлиқ бўлмаган ҳислатлардир.

Муҳаммад бир қатъий фикр билан катта ҳаётга қадам қўйди: гарчи келиб чиқишига кўра бошқа аслзодалардан қолишмаса ҳам, уларга қараганда кўпроқ маънавий фазилатлар эгаси бўлса-да, Муҳаммад учун «юқорига йўл» тобад ёпиқ эди. Маккада аллақачон савдогар шаҳарнинг урф-одатлари, ахлоқ ва таомили буткул ғалаба қозонган, ўзаро таъсир ҳамда ҳурмат-эътиборни биринчи навбатда но-

мус ва виждон ёки олижаноблик эмас, балки моддий бойлик белгилаб турарди.

Муҳаммад умрининг йигирма бешинчи баҳорига қадам қўйди. Мустақил ҳаётнинг дастлабки тўрт йили, сирдан қараганда, унинг тақдирида ҳеч нарсани ўзгартирмади — у ҳамон пода боқар, туяларни ҳайдаб, сорбонлик қилар, савдо-сотикқа тегишли турли топшириқларни бажариб юрар эди. Юқорида айтиб ўтилганидек, Муҳаммад тўғри, виждонли, ишбилармон киши сифатида ном қозонган, оқи-батда эса фақатгина тоғалари ва бошқа ҳошимийлар эмас, балки барча сулоаларнинг бадавлат савдогарлари ҳам унинг хизматидан фойдаланиш учун шошиладиган бўлдилар. Муҳаммад ўзига мерос қолган, аммо унча кўп бўлмаган маблағни ҳам савдога сафарбар этди, лекин барбир айтирли фойда ололмади, аҳволи яхшиланмай қолаверди. Унинг бойлик орттириш учун ҳеч қандай имконияти йўқ эди.

Мазкур йиллари Муҳаммаднинг ички дунёси ташқи назарлардан яширин анча мураккаб ўзгаришларни бошдан кечираётган эди. Бу ўзгаришлар болалигиданоқ Муҳаммаднинг қалбида анча мустаҳкам ўрнашган диний муаммоларга бўлган қизиқишни янада кучайтирди ва чуқурлаштирди.

Дин масалаларига қизиқишнинг кучлилиги, умуман олганда, Арабистоннинг ҳамма бурчакларидан тинмай зиёратчилар келиб турадиган «муқаддас шаҳар» ҳаёти учун табиий ҳол эди. Эрамизнинг V ва VI асрларига келиб, бу қизиқиш худоизловчиликнинг конкрет шакллари олдди. Турли ривоятлар бир қанча мақкаликларнинг ўша даврда амал қилаётган дин ақидалари танқидига, янги диний концепциялар яратишга умрини бахшида этганидан гувоҳлик беради. Бундай руҳий, маънавий ҳаракатлар тасодиф бўлмади — Макка шаҳри оғир ижтимоий танг-ликка дучор бўлган эди.

Қабилавий қонулар ҳеч бир тўсиқсиз амал қилар, аммо уларга риоя қилиш тобора сунъий тус олар, қабилаларнинг ўзаро ҳамкорлик руҳи ғойиб бўлган, қонулар муқаррар обрўсини йўқотган, улар энди муқаддас саналмасди. Ҳаётда «ким бой бўлса, у қудратли, ким қудратли экан, ўша ҳақ» принципи тобора кўпроқ қўлланиладиган бўла борди. Бой-бадавлат кишилар, ҳаммаси тўғри йўлда бораётир, ҳаммаси адолатли, деб ҳисоблашар эди. Улар бу борада кўчманчи араблар фатализи — қисматнинг азалдан белгиланганлиги назариясига асосланар эдилар. Кўчманчи қабилаларда чиндан ҳам доим кимдир қашшоқ, кимдир бадавлат бўлган, бировга омад кулиб боққан, бошқа биров эса, аксинча, офатда қолган. Нима ҳам қила олардинг — қисмат, тақдир... Айтгандай, худолар ҳам кимга бойлик, бахт ато қилишни, кимни эса ҳеч вақосиз қолдиришни яхши билишади. Мазкур мантиққа асосан, аҳвол қандай бўлмасин, битта хулосага келинар эди: Макка шаҳрининг энг улуг ва шарафли, ҳамма ҳурмат қилиши ва бўйсунуши лозим бўлган кишилари — катта бойлик эгаларидир.

Бойлар томонидан савдо-сотик қилиш ишларида сиқиб қўйилган мақкаликларнинг кўпчилиги нохуш воқеалар бўлаётгани, номаъқул тартиблар жорий этилаётгани, хуллас, нотинч ва адолатсиз замонлар бошланганидан норози эдилар. Кўчманчи ҳаёт шароитида тақдир турли адолат-сизликларни сахийларча сочиб ташлаганди — биров соғлом ва бақувват, бошқа биров эса нимжон ва касалманд бўлиб туғилар, бировнинг оила аъзолари ва подасига ўлим шафқат қилса, бошқа бировнинг бошига кетма-кет бахтсизликлар ёғилар эди. Қабиланинг ўзи ҳам қисмат ўйинларини бошдан ўтказар — қурғоқчилик, мол-ҳолга ўлат тегиши ва очарчилик каби офатлар мўл-кўлчилик ва фаровонлик йиллари билан, қонли мағлубиятлар — каттагина ўлжа келтирувчи талончиликлар билан алмашиб турар эди.

Аммо тақдирнинг бундай адолатсизликлари насдан-наслаб, авлодан-авлодга кўчиб ўтавермади. Инсонлар ҳар доим, эртага, ё бўлмаса, яқин кунларда бахт кулиб боқишига, ўзларининг шахсий хатти-ҳаракатлари ва келажақ омад ҳамма нарсани яхшилик томонга тубдан ўзгартириб юборишига ишонар эдилар. Ҳақиқатан ҳам, кўчманчи ҳаёт тақдирларнинг кескин ва кутилмаган бурилишлари билан тўлиб-тошиб борарди. Бу ҳол фақат фатализмни ёклабгина қолмай, айни чоқда бойлик ва шон-шухрат йўли ҳамма учун очик эканини ҳам кўрсатиб турар эди.

Лекин Маккада бундай бўлмади. Шаҳар савдо билан тирлик, савдо-сотик қурайишларнинг барча уруғлари эгаллаб олган каттакон «ўтлоқ» эди. Ва мана шу ўтлоқни бадавлат оилалар борган сари кўпроқ ўз қўлларига кирита бошладилар, нисбатан ожиз қабиладошларини қувиб, уларни ўзларининг хизматига олдилар. Тақдир ҳам, фожиа ҳам инсон учун кашшоқликдан бадавлатликка кўтарилиши, жамиятда ўзига муносиб ўрин эгаллаш учун имкон бермади. Бой ва ўтакетган айёр Абд Шамс, Навфал, Махзумалар ҳамма нарсани ўз қўлларида маҳкам тутиб туришар, тақдир араваси қай томонга бурилиб, қайси кўчага кирмасин, камбағаллар яна камбағаллигича қолаверар эди.

Эскича, анъанавий фикр юритадиган кишилар учун ҳаёт чидаб бўлмас даражада оғир, мунгли, маъносиз, ҳақоратга тўла, тутуриқсиз бўлиб қолганди. Нима қилиб бўлмасин, шундай дунёқарашни ишлаб чиқариш керак эдики, у инсонларга социал адолатсизлик шароитларида ҳам ҳаёт мазмуни ва мақсадини англаш бахти, аллақачон йўқотиб қўйишган ўз турмушидан қувониш туйғусини қайтариб берсин.

Мухаммад худоизловчи-ханифларга доимо ҳурмат билан муносабатда бўлар эди. Уларнинг таълимотида диний маросимлар яккахудочилик ва одамнинг барҳаётлиги ғоялари билан табиий равишда алмашилиб турар эди. Ақл-идрок сон-саноксиз ва ҳар хил қатъий қарор ва мақсадлар, бир-бирига тенг даражада адолатли ғалабаси эҳтимол туюлган диний ғоя ва тушунчаларнинг хилма-хил уйғунлигини

тавсия этарди. Табиийки, фақатгина мантиқий фикрлар, қарашлар воситасида ҳақиқатга эришиш мумкин эмасди.

Дин йўлидаги изланишлар қадим-қадимдан ўзига хос бир йўналишга эга. Бу — ўзликни тобора пухта англаш, ўз ички дунёсига янада чуқур кириб, ҳис-туйғулар ва ўй-хаёлларни бошқара олиш маҳоратини эгаллашдир. Инсон ўзининг ҳайвоний ва худбин (эгоистик) табиатини қай даражада енгиб, жиловлай олса, у юксак илоҳий оламга шунчалар кўпроқ яқинлашади, унинг кўз олдида аста-секин ёхуд бирдангина, худди сира қутилмагандек, барча ғаройиботлар, барча илмларнинг сири очилади. Ана шундай мукамал (абсолют) билим ёрдамида инсон бутун ер ва осмон, барча одамлар ва руҳлар устидан шундай қудратли ҳукмронликка эришадики, ўзи яшаётган воқелик қонунлари ҳам унинг иродаси билан ўзгарадиган, унинг бир сўзи билан қуёш ҳаракатдан тўхтаб, тоғлар ўрнидан силжиб, тошлар олтинга айланиб, жинлар ва парилар унинг ҳар қандай буйруғини бажаришга шай турадиган бўладилар. Одамлар, шу пайтгача бу қудратли зотни менсимай, ўз кучи, ақли ва давлатига ишониб юрган одамлар эса, энди уни улуғлай бошлайдилар, севадилар ва ундан қўрқадилар ҳам...\*

ДАВОМИ БОР

\* «Наука и религия» журналининг 1988 йил 11-сонидан таржима.



ЎШЛИК

«СЕНСИЗ ЯШОЛМАЙМАН!»



(изҳори дил)

Ўтмишни ҳаёдан қочиролмайман,  
Манглайдан шўримни ўчиролмайман,  
Ҳаммани кечирдим дунёга келиб,  
Фақат мен ўзимни кечиролмайман.  
Амирқул Пўлкан.

Дарсга кечикаётган эдим. Аксига олиб студентлар шаҳарчасига қатнайидиган маршрут-таксини кутиб турганлар беҳисоб экан. Мен ҳам бориб навбатда турдим. Бир оздан сўнг келиб кимдир сўради:  
— Сизми охири?

Мен овоз келган тарафга ўгирилдим. Бир дақиқа, фақат бир дақиқа кўзларимиз тўқнашди. Шундай лаҳзалар бўлар эканки, ҳаётингни ҳал қилар экан. Дақиқалар сени юксакликка олиб чиқиб қўйиши ёки ер билан яқсон қилиши мумкин экан.

Сессия. Сиз талаба бўлганмисиз? Иمتиҳонлар мавсуми ўзи шошқалоқ бўлган студент халқи яна ҳам шошиб қолишади. Китоблар, конспектлар талаш. Кутубхоналар тирбанд. Ҳамма имтиҳон ташвишида. Уқув даврида бир ҳафта бетоб бўлиб, дарслардан қолиб кетган эдим. Шу сабаблими, негадир «КПСС тарихи»ни сира ўзлаштиролмасдим. Дардимни айтган эдим, дугонам Дурдона:

— Эртага бизникига келақол, — деди, — бирга тайёрланамиз имтиҳонларга.

Бордим. Айтган маҳалла, айтган уйни топдим, дарвоза қўнғирогини босдим. Эшик очилди.

— Ассалому-алайкум, Дурдона уйдадилар?

— ...

Шунақа бўлиши мумкинми? Уша, худди ўзи, ўзгинаси. Нега у индамайди? Нега суратдай қотди?

Ичкаридан Дурдона овоз берди:

— Ким экан, оқа?

Ниҳоят. Дурдонанинг ўзи чиқиб келди.

— Салом! Кир, киравер.

Тасодиф. Биз тасодиф туфайли яна юз кўришдик. Кейин...

Биринчи учрашув.

— Сенинг кўзларинг... анча вақтгача мени таъқиб қилиб юрди. Унутгандек эдим. Тўғри-да, маршрут-такси бекатида тасодифан учратган қизнинг кўзлари ҳақида ўйлаш... Эслайсанми, ўшанда эшигингни очиб, остонада туриб қолганман. Сен ни мадир дединг. Эшитмайман. Қулогим том битгандай. Рости, сени узоқ қидирдим. Ниҳоят, топиб олдим. Фақат билмасдим: Сен бахтим эдингми ё бахтсизлигим.

Мен муҳаббат фарзандиман. Ойим билан дадам



синфдош бўлганлар. Севишиб оила қурганларини эслашади. Йигирма беш йил ўтибди, ҳамон бири-бирини ардоқлаб яшашади, зимдан менинг тўйимга ҳозирлик кўришар, рости, бахтиёр эдим, чунки менга муҳаббат насиб этганди. Лекин инсон ўлим талвасига тушмагунга қадар ҳаётнинг қадрига етмагани каби, чинакам бахтсизликка учрамагунча бахтиёр бўлганини чинакамига тушуниб етмас экан.

У билан кўп вақтимизни бирга ўтказар эдик. Бизнинг сеvimли жойимиз, висол, суҳбатларимиз, баҳсларимизнинг тилсиз гувоҳи — «Космонавтлар хиёбони». Эсимда, бир куни Стефан Цвейгнинг «Бесабр юрак» романи ҳақида тортишиб қолдик. У, бечора, ногирон Эдитни айблаб:

— У аввало ўзини тушуниб олиши, севгисига аввало ўзи ишониши керак эди,— деди.

— Йў-ўқ, ахир сени алдаганликларини билиб турсанг-у, қандай қилиб ўз севгинга ишонишинг мумкин?!— дейман мен. Ҳақиқатда киши аввало ўзига ишониши керак экан. Буни мен жуда кеч тушундим.

Бир куни мен, балки мақтангим келгандир, кўксимга уриб эшгирдим:

— Эшигимизни қоқиб, ялинуб келаётганлар кун сайин кўпайиб бормоқда. Мавсум бошидан буён совчилар сони ўн иккитани ташкил этди.

— Бу улкан муваффақиятлар билан сени табриклайман. Жуда соз. Иложи бўлса мажбуриятни ҳам тезроқ бажар. Фурсат ғанимат!..

Очиғи, шунда мен қаттиқ хафа бўлдим. Ун икки кун кўришмадик. Ун учинчи куни ўзи телефон қилди.

— Мени кечир, эшитясанми, ҳеч қачон шундай деб айтмайман.

— Йиғлама, кечир мени. Ваъда бер: муносабатларимиз ўзгармади, деб айт.

— Сизсиз яшолмайман, лекин яна қайта шундай десангиз ҳеч қачон кечиролмайман сизни...

Бу менинг биринчи ва сўнгги марта севгимга иқрор бўлишим эди. Шу орада ёз келиб, мен Югославияга ўқиб практикасига жўнаб кетдим. Узга мамлакатда гарчи таасуруларга бой бўлса-да, бир кунни ҳам уни ўйламасдан ўткази олмадим. Унга қаттиқ боғланиб қолгандим. Аммо... Сафардан қайтган кунимоқ дарҳол кўнғироқ қилдим.

— Ҳа, мен...

— Утинман: энди ҳеч кетма. Утган гапларни унут. Айтганлар-ку: «ҳаммаси ўтиб кетади».

Бирин-кетин кун, ой, йиллар ўтди. Уни малака ошириш учун чет элга — 2 йиллик командировкага жўнатилди. Хайрлашиш олдидан у:

— Виласанми, балки икки йил кутиб ўтирмаганинг маъқулдир?.. Фурсат?..— деди.

Икки йил. Бу дегани мен учун икки асрдек узун эди. Хўрлигим келарди: «демак, муҳаббат йўқ нараса». Мендан воз кечиб кетди-ку. Муҳаббат фақат китобларда, киноларда бўлади. Ҳаётда эса ҳамма нараса бошқача. Яна ўйлардим: «эхтимол, мен билан бахтли бўлолмайсан, демоқчи бўлгандир».

Мен беҳосдан сувга тушиб кетган, сузишни билмайдиган кишига ўхшардим. Сувдан чиқиш учун қанчалик ҳаракат қилсам, сув шунчалик домига тортиб кетаётгандек эди. Қутқариб олувчи кимса йўқ.

Ойим, меҳрибон ойижоним. У кишига ҳаммасини айтиб бергим келарди. Хаёлимдагини кўзларимдан уқиб олгандек, ўзлари гап бошладилар:

— Қизим, Латофатхон яна келди бугун. Қизим

«йўқ» деган десам ҳам яна келибди.

Латофатхон — ойимнинг дугоналари, у киши ойим билан «қуда бўламиз» деб ният қилган эканлар. Ойижоним менинг кўнглимга қарар, оғзимни пойлар эдилар.

Тўй. Бугун уйимизда тўй бўляпти. Ота-онам орзу қилган, қайнона қайнотам умид билан кутган тўй. Қизлар менга оро беришяпти. Эркалашади, тергашади:

— Оқ кўйлак жуда ярашди, пари бўлиб кетдинг!

— Жуда аломат.

— Ҳозир куёв келса ҳушидан ажралади-ёв.

Йўқ, йўқ, ҳаммаси тўғри. Худди шундай бўлиши керак эди. Мен бахтли бўлишим керак! Шунда ҳеч ким ҳеч қачон мен уни жондан ортиқ кўрганимни юзимга солмайди.

Кўзларим тизим-тизим ёш тўкяпти.

Нега қизлар бунча хурсанд. Улар нега бунча кўп гапиришади?

— Келинпошиша куёвни интизорлик билан кутяптилар,— ҳазиллашади Гули.

«Кутяпман, интизорлик билан. Йўқ, куёвни эмас!»

Қизлар бирдан шошиб қолишди:

— Куёвлар келишди.

«Тамом, ҳеч қандай мўжиза юз бермади.»

Мен энди келинман. Ке-лин. Бегона бир хонадонга ке-лин. Эрим бор, биз у билан бегоналардекмиз. Урта-мизда жуда баланд, мустаҳкам девор бор. Наҳотки бир умр мана шундай бирга ва айни замонда бир-бирисиз яшаш мумкин бўлса?! Наҳотки ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмаса?! Биз унутмаймиз, талашмай-миз, лекин бир-биримиз билан қизиқмаймиз ҳам. Мен у ҳақда ўйлолмайман, ўйламайман ҳам.

Эрим, у ўзи ҳақида ўйлашга мажбур қилди мени. Тун. Бедорман. Эрим уйқусида босинқираяпти.

— Яшнасин... Им-м, қаердасан, Яшнасин?

Биз, аввало, ўзимизни, бир-биримизни алдаб яшаётган эдик.

Бугун мен ўз уйимда меҳмонман. Ойижоним елиб-югуриб меҳмон кутяптилар. Ахир, куёвларини пайғамбар ҳам сийлаган. Ойижоним ҳам сийлаяптилар. Кичик синглим мени имлаб чақирди:

— Нима дейсан?

— Сизга хат келди.

— Қани, кимдан?

— Конверти жуда чиройли, менга берасиз-а?

Синглим келтириб берган хатни очиб ўқийман.

«Сен мени тушунишинг керак. Мусофир бўлмагунча, мусулмон бўлмас экансан. Мен ҳам сендан узоқда сенсиз яшолмаслигимни тушундим. Мен сени севаман! Тез орада жавоб ёзсан деб умид қиламан».

Хат менинг тўйим бўлаётган куни ёзилган эди.

Сўнгги пушаймон — оч бўри. Мен эса бўри тутиб олган, дунёга эндигина келган, қоронғи ўрмонда адашиб қолган қўзичоқман...

Дилноза.

Мен ушбу ўқисик армонларга тўла мактубни кутубхонада «Чолиқуши» китобини ўқиётиб, ичидан топиб олдим. Китоб қаҳрамонлари бир зум хаёлимдан чекиндилар. Улар ўрнини мактубнавис Дилноза эгаллади. Ахир китобдаги одамларга ишонмаслик мумкин, бу хат муаллифи ҳозир ҳам қайсидир гўшада изтироб чекиб ўтирган чиқар. Шу туйфайли мен уни Сизнинг эътиборингизга ҳавола этдим.

Дилобар ҒУЛОМОВА



Табиат ўзининг азалий қонуниятлари, мангу сир-синаотлари билан турки. Бугунги кунда инсоннинг табиат ишларига ноўрин аралашуви шу даражага бориб етдики, жуда катта фазовий миқёсларда табиий уйғунлик ва мувозанат бузилаётир. Бу жараён янада кескинлашаверса, оқибати ҳалокат бўлиши турган гап. Шундай экан, бутун инсоният олдида табиат бойликларидан инсоф ва меъёр билан, фақатгина эзгу мақсадлар йўлида фойдаланишга, уни асраб-авайлашга ўрганишдек муқаддас вазифа турибди.

Биз кўпинча ўзимиз яшаётган ЕР ҳам жонли, тирик бир организм эканини, унинг ҳам мағлум шароитларда «юраги сиқилиши», «вужудига совуқ титроқ кириши» мумкинлигини унутиб қўямиз. Табиатшунос олим Раҳмат Эровнинг ушбу мақоласида Ернинг ички олами ва уни қуршаган муҳитдаги ўзгаришлар таъсирида юз берувчи ҳодисалар тўғрисида айрим фаразлар баён қилинган.



Биз доим сейсмологлардан сўраймиз: нима сабабдан, табиатнинг қайси қонунига кўра зилзилалар содир бўлади? Ҳаммаси бир оғиздан: Ер қатламларининг тектоник ҳаракатидан, деб жавоб беришади. Синоптиклардан сўраймиз: ёғингарчилик ёки қурғоқчилик боиси нима? Ҳаммаси жўр бўлиб: циклон ва антициклон, дейишади. Вулканологлардан сўраймиз: нима учун вулкон отиляпти? Ер олган нафасини чиқаряпти, тоғ пайдо бўляпти, деб жавоб берадилар. Лекин бу жавоблар унчалик тўғри эмас. Шунингдек, қуёшда бўлаётган зилзилалар унинг устки қаватидаги тебранма ҳаракатга боғлиқ деганлари ҳам нотўғри. Бизнингча, бу саволларга планеталар ва бошқа осмон жисмларининг ўзаро таъсири ҳамда уларнинг ўз мувозанатини сақлаш учун тинимсиз ҳаракатини англаш, табиий олам тараққиёти, жамиятнинг табиатга таъсирчан муносабати тарихини ўрганиш орқали тўғри жавоб топиш мумкин.

Авалло шунини айтиш керакки, қуёш системасида бўлаётган барча табиий ҳодисалар планеталарнинг ўз орбиталарида мувозанатини сақлаш қонуни асосида содир бўлади. Ернинг массаси, Ер атмосфераси оғирлиги, Ойнинг массаси, литосфера ва атмосферадаги ўзгаришлар ҳосиласи бўлган кучлар таъсири — ҳаммаси Ернинг магнит ўқиға тушади. Магнит ўқи ва унинг қутблари Қуёшнинг экваториал магнит қутбларига тортилиб, Ернинг барча ҳаракатини таъминлаб туради. Ернинг магнит ўқи билан унинг устидаги мантия қавати ўзаро доимий ишқаланишда бўлиб, модда алмашув жараёнида газлар ажралаб чиқади. Бу газларнинг бир қисми табиий пайдо бўлган каналлар орқали мантия қаватдан, Ер қобиғидан чиқиб доимий вулқонларни ҳосил қилади. Қолгани эса, Ернинг устки қаватида, қаерда табиий мувозанат бузилган бўл-

# ЗИЛЗИЛАЛАР ЭПИЦИНТЛАРИ

# САБАБИ НИМА?

са, ўша ердан ёриб чиқади ва зилзила билан «янги уйғонган вулқон» номини олади. Мантия қавати ва Ер қобиғининг бундай тебранишлари тектоник ҳаракатларнинг бош сабабчиси-дир.

Буёқ олим Исаак Ньютон: «Тортиш кучининг хоссалари сабабини ҳанузгача мен ҳодисалардан топа олмадим, гипотезаларни эса тўқиб чиқармайман», деб тан олганига қарамасдан, табиатшунослар унинг «Бутун олам тортишиш қонуни»га ёпишиб олиб 300 йилдан бери осмон жисмлари ҳақида кўплаб фаразлар тўқидилар. Биз ҳали Ойнинг аҳамиятини ҳам тўла англамаймиз. Агар Ой ва Марс Ернинг йўлдоши бўлмаганида, Ерда ҳаёт бўлмас эди. Ой Ер устида сувни ва атмосферани сақлаб турибди. Атмосферадаги ўзгаришлар, шу жумладан, циклон ва антициклон ҳаво оқимлари Ой ва Ер магнит майдонлари куч чизиқларининг ўзаро таъсири натижасида содир бўлмоқда. Ер — Ой ўртасидаги ўзаро магнит тортишувларининг нормадан ошиб кетиши планетамиз учун ҳалокатлидир.

Ернинг магнит қутблари Қуёш экваторидаги магнит қутблари билан боғланган бўлиб, Қуёшнинг магнит кучи Ерни ўз ўқи атрофида (сутка) ва Қуёш атрофида (йил) айлантиради. Ер эса ўз магнит кучи билан Ойнинг ҳаракатини таъминлаб, ўз атрофида айлантиради. Демак, Ойнинг масса оғирлиги ҳам Ернинг магнит ўқиға тушмоқда.

Бундан ташқари бизга маълумки, Ернинг устки қобиғида қуруқлик билан сувлик тенг тақсим бўлмаган. Шарқий ярим шарда қуруқлик кўп бўлса, ғарбий ярим шарда сув кўп. Агар биз бошланғич меридиан деб Гринвич чизигини эмас, ернинг магнит ўқи экватор билан кесишган нуқтани олсак, шарқий ярим шарда қуруқлик майдони ғарбий ярим шардагидан 13 фоиз, сув эса ғарбий ярим шарда шарқий ярим шардагига нисбатан худди шунча кўплигини кўраимиз. Қуруқликка ёғин шаклида тушаётган сув миқдорига нисбатан қуруқликдан жаҳон океанига оқаётган сув кўпдир. Ҳар йили ўртача 540 куб километр ёки иккита Волга, иккита Днепр дарёларининг бир йиллик оқимиға тенг сув жаҳон океанига қуйилмоқда. Жаҳон океанида сув сатҳи кўтарилмоқда. Бошқача қилиб айтганда, қуруқликда ҳар йили ана шу икки дарё сувиға нисбатан икки баробар кўп сув ресурслари камаймоқда. Бу камайиш, асосан, Осиё қитъаси, шу жумладан, Орол ҳавзаси ҳисобидан бўлмоқда. Жаҳон океани сатҳи 7—8 минг йилдан буён аста-секин кўтарилиб борапти. XVII—XIX асрларда ҳар йили ўртача 1 миллиметрдан юксалган бўлса, эндиликда, XX асрда 1,5 миллиметрдан кўпаймоқда. 1900 йилдан то 1964 йилгача жаҳон океанининг сатҳи 95 миллиметр, шу

жумладан, Тинч океани — 60, Атлантика — 125, Ҳинд — 40 ва нихоят Шимолий Муз океани сатҳи 100 миллиметр кўтарилган.

Яна шундай ахборот борким, ҳар йили Ҳинд океани суви 3000, Шимолий Муз океани суви эса 6000 куб километрга ошиб бормоқда. Чунки Тинч океанида сувнинг ҳаракати актив бўлиб, Шимолий Муз океанида пассивдир. Шимолий Муз океанида сувнинг кирими кўп, чиқими кам бўлганидан Шимолий кўтб оғирлиги ортмоқда.

Шундай қилиб, қуруқликда сув ресурсларининг интенсификацияси, жаҳон океани сатҳининг кўтарилиши, Шимолий Муз океанида ортиқча сув тўпланиши, сув ва қуруқликнинг Ер юзиде тенг тақсим бўлмаганлиги — буларнинг ҳаммаси Ернинг ўз ўқи билан магнит ўқи ўртасидаги масофани орттирмоқда, Ернинг ўз орбитасида мувозанат сақлашига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бошқача қилиб айтганда, Ернинг экватор билан орбита текислиги ўртасидаги бурчак каттараётир. Бу бурчакка таъсир этувчи бошқа бир қанча омиллар ҳам бор, албатта. Бутун инсоният келгуси авлодлари олдида турган стратегик вазифа экватор билан Ер орбита текислиги ўртасидаги бурчакни ҳозирги 23 градус 45 минутдан оширмаслик, сўнгра, бу бурчакни 22 градусгача аста-секин камайтиришдан иборатдир. Чунки бу бурчак астрономик ҳисобда бир секундга ошса, Ер юзиде ўнлаб кучли zilzilалар, бўронлар, вулқон отилишлари, қурғоқчиликларни келтириб чиқаради.

Александр Македонский даврида, бундан тахминан икки ярим минг йил муқаддам Ернинг экватори билан орбита текислиги ўртасидаги бурчак 22 градусга тенг, шунинг учун Саҳрои Кабирдан бошқа дунёнинг ҳамма манзилгоҳларида табиат гўзал ва серфайз бўлган. Бу даврда фан ва маданият ривожланган бўлса-да, табиатни яшнатишга оид бирор иш қилинмади. Давлатлар ўртасида дунёга ҳоким бўлиш учун кураш давом этaverди. Бирор вилоятнинг табиати фожиага учраса, уни ўз ҳолига ташлаб, табиати гўзал бўлган бошқа вилоятларни эгаллаб олавердилар. Бу тарихий жараён Америка қатъаси кашф этилиб, европаликлар уни эгаллаб олгунларигача давом этди.

Европада капитализм ривожланган, табиатшунослик фанлари бир қанча ютуқларга эришган бўлса-да, йирик давлатларга қарам бўлган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари халқлари ҳаётига, бу қитъалар табиатига мутлақо ғамхўрлик кўрсатилмади. Бундай мустамлакачилик сиёсати қанчалки оғир оқибатларга олиб келганлигини, халқлар ҳаёти ва табиатни нақадар фожиага ахволга туширганлигини биринчи марта қаламга олган инсон 25 ёшли Карл Маркс бўлди. У 1853 йилда ёзган «Ҳиндистонда Британия ҳукмронлиги» асарига Осиё ва Африка қитъаларида ирригация ва сўғориш ишларининг нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб, «Европада ҳосил об-ҳавонинг яхши-ёмон бўлишига боғлиқ бўлса, Осиёда ҳукуматнинг яхши-ёмон бўлишига боғлиқдир. Инсоният Осиёнинг социал шароитида тубдан революция қилмасдан туриб ўз зиммасидаги вазифани бажара оладими-йўқми — гап мана шунда», деган хулосага келди.

Табиатнинг то бутун олам тўфонигача бўлган тарихини билолмаймиш. Тўфондан кейин она-табиат ўз қонунига мувофиқ, аста-секин органик олам ва инсоният зарарига ўзгариб, катта-кичик фожияларга учраб келмоқда. Инсоният қулдорлик давлатлари пайдо бўлганидан, Миср пирамидалари бунёд этилганидан то ҳозирги фан-техника инкилоби даврига қадар табиатга меҳр-муҳаббат билан ёндашиш, уни ўрганиш, ижобий таъсир ўтказиш ўрнига доимо эътиборсизлик, гоҳо эса нафрат билан қараб, қиргинбарот урушлар воситасида, табиий офатларнинг кўпайиши, чуқурлашуви учун «кўмаклашмоқда» холос. Фан-техника ривожланган сари табиатга ҳоким бўлиш ғояси тобора кучли тус олмақда. Ҳозиргача Ер атмосферасига 4000 га яқин сунъий йўлдошлар чиқарилган, унда захарли газлар миқдори жуда тез суръатлар билан кўпаймоқда.

Бутун олам тўфонидан то бугунги кунгача табиатнинг ўз қонунияти ва инсоннинг нотўғри аралашуви билан жуда катта обод территориялар чўлу биёбонларга айланиб кетди. Шу тарихий давр ичида кўплас дарёлар, кўллار қуриб битди, гўзал манзилгоҳлар ўнганмас ҳалокатга учради. Ўсимликлар ва ҳайвонот олами ҳам катта қиргинларга дуч келди. Тоғларда қор ва муз қатламлари Қизил китобга ёзиладиган даражада камайди.

Орол денгизи фожиаи табиатнинг тарихидан бир саҳифадир. Утган эрнинг охирларида Урта Осиё ва Қозғистон ёки Орол денгизи ҳавзасида сув ресурслари ҳозиргидан тахминан 1000 марта, экин майдонлари 10 марта кўп, флора — 100 марта, фауна 70 марта бой бўлган. Аввало, айтиш керакки, Орол фожиаи бу регионал проблема эмас, Орол денгизи ҳавзаси 2,36 миллион квадрат километр майдонни қамрайди. Буюк Британия, ГФР, Испания, Италия ва Франция территорияларини бирага қўшиб ҳисоблаганда, улар майдонидан 1,3 марта каттадир. Фазода ҳаракат қилаётган улкан кема — Ернинг улкан бир бўлаги, таркибий қисмидир. Бу ерда сув ресурсларининг камайиши, улкан денгизнинг қуриши сайёрамиз ҳаракатига таъсир этмасдан қолмайди. Қадимда ҳозирги Каспий ва Орол битта денгиз бўлган. Тахминан бундан 4000—5000 йил муқаддам Орол денгизи Каспийдан ажралган. Кейинги 2300—2400 йил мобайнида бу денгизларни сув билан таъминлаб турувчи табиий манбалар мунтазам қашшоқлашиб келмоқда. Масалан, Помирдаги «Федченко» музлиги фақат сўнгги саксон йил ичида 40—50 км масофага чекинган.

Ҳўш, тарихда Урта Осиёда мавжуд бўлган ўша катта денгиз, тоғлардаги музликлар суви қаёққа кетди, Ойгами ёки бошқа сайёраларгами? Ҳеч қаёққа учиб кетгани йўқ. Ҳаммаси атмосфера орқали жаҳон океанига бориб қўшилди. Жаҳон океанида сув сатҳи доимий равишда кўтарилиб боришининг сабабларидан бири ана шу. Сувнинг кўпайиши океанлар тубидаги босимни оширади, айна пайтда қуруқлик ерлар қатламларида босим камаяди. Ернинг ўз орбитасидаги мувозанати бўлиши натижасида, Кўёшнинг магнит қутблари Ер магнит ўқига кўрсатган таъсири билан, Ер ядроси ва мантия қават ўртасида ишқаланишининг кучайиши сабабли тобора кўпроқ ажралиб чиқаётган газлар биринчи навбатда босим камайдган, айниқса, экватордан 35 градус шимолий ва жанубий кенгликлардаги қуруқлик қобилини ёриб, вулқон ва zilzila шаклида атмосферага чиқиб кетади. Бундай ҳодисалар кейинги 300—400 йил ичида тобора каттароқ территорияларда содир бўлмоқда. Нью-Йорк штати, Олмаота шаҳри, Аляска ва Чукотка ярим оролларида бўлган воқеалар фикримиз учун далиллар. Кейинги йилларда Орол денгизида сув камайиши муносабати билан турли районларда zilzilалар, вулқонлар активлиги ошиб бормоқда. Бизнингча, Америка қитъасида, Калифорния ярим оролида бўлган zilzilалар, Нью-Йорк штатида вулқон отилиши, Мехико шаҳрига катта талофат етказган табиий офатнинг бош сабаби Осиё қитъасида, жумладан, Орол ҳавзасида сув миқдорининг камайишидир. Орол денгизи қуриб қолса, нима бўлади, деган савол туғилиши табиий. Агар бугун Орол қуриса, сўзсиз эрта-индинга (XXI—XXII асрларга бориб) Каспий денгизи ҳам қурийдир. Бу икки денгизнинг қуриб қолиши оқибатида жаҳон халқлари бошига тушадиган қулфат оқибатларини ҳисоб-китоб қилишга кибернетика фани ҳам ожиз қолади. Табиат ҳозирнинг ўзидаёқ тахминимизча, Туркмистон ва Эронда 11—12 балли, Ўзбекистон ва Тожикистонда 10—11 балли, Қирғизистон, Қозғистон, Туркия, Кавказ, Шимолий Кавказда 9—10 балли zilzilалар бўлиши учун замин тайёрлаган. Қурғоқчиликлар, об-ҳаво ноқулайликлари зўрайиб, ҳосилдорлик кескин камаяди. Натijaда озик-овқат тақчиллиги бутун дунёни қамраб олади. Шу боисдан ҳам Совет Иттифоқида турғунлик ҳукм сураётган 1971 йилда Шимол ва Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини жанубга — Каспий ва Орол денгизлари ҳавзасига буриш масаласи кўтарилди. Демак, Орол ҳавзасини фожиядан қутқариш бутун инсоният истиқболини таъминлаш учун ҳам жуда муҳим шартдир.

Очиқ айтмоқ керак, бу тадбирнинг ташкилий томони талабга жавоб бермас эди. Чунки шундай жаҳоншумул иш фақат маълум соҳа мутахассислари — гидрологлар, инженер-мелиораторлар, тупроқшунос ва агрохимикларга топширилган эди. Улар сув ресурслари камлигидан деҳқонлар ва чорвадорлар қийналаётганлигини, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш зарурлигини яхши билишар эди. Лекин бу тадбир Фарбий Сибирь, Жанубий Урал, Қозғистон ва Урта Осиёнинг иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, сейсмик ҳолати ва нихоят, Ернинг табиатига қандай таъсир этишини чуқур ўрганмаган эдилар. Бу олиму инженерлар Сибирь сувини жанубга оқиштириш нотўғри йўналишда ҳал қилишга киришдилар. Яъни сувни биринчи навбатда Орол ҳавзаси эмас, Каспий денгизи томон оқиштириш зарур деб топдилар.



Улар тузиб чиққан «Аср лойиҳаси» бўйича қазиладиган канал маршрути бошдан-охир ноқулай ва қимматга тушадиган қилиб белгиланган эди. Ана шундай камчиликлар, лойиҳага қарши олимларнинг турли гипотезалари муносабати билан «Аср лойиҳаси» бўйича бошланган ишлар 1986 йилнинг августда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг махсус қарори билан тўхтатиб қўйилди. Лойиҳага қарши гипотезалардан айримларини келтираман.

1. Сибирь дарёлари жанубнинг иссиқ энергиясини олиб Шимолий Муз океанига қўйиб, бу билан унинг иқлимини нормал ҳолда сақламоқда. Агарда Совет Иттифоқи Сибирь дарёлари сувини Орол ҳавзасига оқизадиган бўлса, Шимолий Муз океанида иқлим нормадан пастлаб, Скандинавия ярим оролидаги мамлакатлар, Канада ва Алясканинг об-ҳавоси кескин совиб кетади.

2. Сибирь дарёлари сувининг Қозоғистон ва Урта Осиёга оқизилиши Ернинг ўз ўқи атрофида айланишига салбий таъсир кўрсатади. Яъни у секинлашиб, жаҳон миқёсида табиий офатларни келтириб чиқаради.

Бу икки фараз тарафдорлари Ернинг экватор билан орбита текислиги ўртасидаги бурчакни кичрайтирилса, Шимолий Муз океанига Қуёш нури ҳозиргига қараганда кўпроқ тушиши, бу эса Шимолда керакли мўътадилликни сақлаб туришини эътиборда тутмадилар. Ҳолбуки, Шимолий Муз океани ва Ҳинд океанларида сув нормадан ортиқ тўпланяпти, айна пайтда икки океан ўртасидаги қуруқликларда сув миқдори кескин камаймоқда. Шунинг учун Ер юзиде бўлаётган табиий офатларнинг 55—60 фоизи Евросийнинг мазкур океанлар ўрталлигидаги қуруқликларга тўғри келяпти.

3. Сувдан тежамкорлик билан фойдаланилса, хўжаликлар сув учун ҳақ тўласа (?), мавжуд экин майдонлари икки баравар кўпайса (?) ҳам, Урта Осиёда сув ресурслари етарлидир. Сибирь дарёлари сувини Урта Осиёга оқизиш иқтисодий жиҳатдан жуда қимматга тушади, ўзини қоплаши учун 30 йил керак. Бу фараз муаллифлари: академик А. Аганбегян ва В. Переведенцев.

4. Сибирь дарёлари суви Қозоғистон ва Урта Осиёга бурилса, Шимолий Муз океани абадий музликка айланади ва кемалар қатнай олмайди. Шунингдек, Фарбий Сибирда Юпитердаги катта қизил доғни эслатувчи мангу торф алангаси пайдо бўлади.

Тўртинчи фараз муаллифи фалсафа фанлари доктори Ю. Школенкодир.

5. Оролбўйи экологик фожиага учраган. Бу экстенсив йўл

билан шўр ерларни ўзлаштириш ва ўйламасдан кўпдан кўп сув ҳавзалари барпо этиш, дренаж сувларини дарёга ташлаш, пахта майдонларини ҳаддан ташқари кенгайтириш оқибатидир. Бу фожиадан қутулиш йўли — пахта майдонларини тобора камайтириш, иложи бўлса, уни (пахтани) бошқа экинлар билан алмаштириш, барча канал ва ариқларни бетонлаштириш, ғўзани тупроқ тагидан ва томчилатиб суғориш, озиқ-овқат ва ем-хашак экинларига кўпроқ эътибор бериш, суғориш нормаларини камайтириш, Оролбўйи аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, географик қулай жойларга қайта тақсимлаш — бошқа жойларга кўчириш, уларни қайта ўқитиб, бошқа касбларни ўргатиш ва ҳоказо... Бу таклифларни «Правда» газетасининг 1988 йил 14 июнь сониде СССР ФА мухбир аъзоси В. Котляков илгари сурган эди.

Кўринадики, ҳеч бир фаразда масалага комплекс ёндошилмаган. Ҳеч бир олимнинг назари муаммони лозим даражада юксакликда туриб, улкан миқёслари ва барча қирралари билан қамраб ололган эмас. Орол денгизнинг қуриш жараёни эса ҳали тўхтагани йўқ. Табиий мувозанат аста-секин бир томонга оғаётир. Шундай экан, эндиликда бизга маълум соҳа олимларининг фақат ўз йўналишига тортиб кетадиган бирёқлама тахмин ва кўрсатмалари эмас, балки Урта Осиёдек жуда катта регионда юз берган фожиавий аҳволни барча жиҳатлари билан ёритиб, кишилар ҳаётидан бошлаб, то Ер шари табиий мувозанатигача бўлган ораликда бу ҳол юзага келтирадиган оғир талофатларнинг олди олинишини гарантияловчи аниқ, пухта илмий тадқиқотлар зарур. Бир сўз билан айтганда, масала жуда баҳсталаб. Экологик фалокат ёқасида турган катта регионни сув билан таъминлаш, Оролни қутқариб қолишнинг конкрет йўллари ҳалигача аниқ кўрсатиб берилмади. Бу регионда юз берган ҳолат туфайли СССР экономикаси ҳар йили 10—15 миллиард сўм зарар кўрмоқда. Орол ҳавзасида сув ресурсларининг камайиб бориши, бу региондан жуда кўп табиий газ, нефть ва бошқа ер ости бойликлари қазиб олинаётганлиги натижасида регионал мутаносиблик бузилиб, Ер ўз мувозанатини тиклаш жараёнида юз берган зилзилалар оқибатида кўрилган зарар ҳадсиз-ҳисобидир. Айтмоқчимизки, Орол ҳавзасини экологик фожиадан қутқариш, оламшумул аҳамият касб этиб, бу йўлда энг тўғри чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мамлакатимиз, қолаверса, бутун дунё олимлари олдидаги энг долзарб вазифа бўлиб қолди.



## «Ёшлик» журналі редакциясига

Мен 1923 йилда Сурхондарё областининг Бойсун районидаги Пулҳаким қишлоғида туғилганман. Ҳозир Қумқўрғон районидаги «Ўзбекистон» совхозида яшайман. Партиямизнинг демократиялаш ва ошкоралик сиёсатидан хурсандман. Лекин мени афсуслантирган нарса шу бўлдики, айрим ёзувчиларимизнинг ҳозир ҳам содир бўлган воқеаларни чуқур ўрганмасдан, халқ орасида юриб, сўраб-суриш-тирмасдан асар ёзиши ҳоллари учрамоқда. «Ёшлик» журналининг 1988 йил ноябрь сонидagi Шукур Холмирзаев ва Тоҳир Усмонов қаламига мансуб «Қизил командирнинг қисмати» ҳужжатли қиссаси фикримнинг далилидир. Қиссада ёритилган Қора Пирман образи менинг тус отам Қора Пирманов ҳаётидан андоза олиб ёзилган. Аммо ҳикоя қилинган воқеалар отамнинг қилган ишлари, жамиятда тутган ўрни ва ижтимоий келиб чиқишига мутлақо тўғри келмайди. Наҳотки, авторлар Қора Пирманни мендан, яъни ўз ўғлидан, у билан бирга яшаган тенгқурларидан, Бойсундаги Сарикамиш ва Пулҳаким қишлоқларининг қарияларидан ҳам яхши билишса? Мен отамни оқламоқчи, қораламоқчи ҳам эмасман. Қора Пирманнинг қандай шахс бўлганини Пулҳаким ва Сарика-

Журналимизнинг 6-сонидa Ш. Холмирзаев ва Т. Усмоновлар қаламига мансуб («Ёшлик» 1988 йил, 10, 11-сонлар) «Қизил командирнинг қисмати» ҳужжатли қиссасидаги Саидзўр образи муносабати билан редакциямизга душанбелик муштарийлар йўллаган арзномани ўқиган эдингиз. Бугун эса мазкур асардаги Қора Пирман образи хусусида Сурхондарёдан келган мактублар ҳамда ҳужжатли қисса муаллифларининг журналхонлар мулоҳаза ва эътирозларига берган жавобларини эътиборингизга ҳавола этаётирмиз.

миш, шунингдек, Даштиғоз, Бандихон қишлоқлари аҳлидан, Олтинсой районидаги Ленинград колхозининг «Бўлак» қишлоғида яшовчи Тўғиз бободан, Денов районидаги Жармачит қишлоғида яшовчи Худойқул Пиримов каби кўплаб ота-хонлардан сўраб билиш мумкин. Қиссада келтирилган фактлар бўлиб ўтган тарихий воқеаларга зиддир. Бу эса ўз навбатида бир қишлоқда тинч-тотув яшаб келаётган икки уруғнинг ўзаро келишмовчилигига сабаб бўлмоқда.

Мен «Ёшлик» журналининг редколлегия аъзоларидан мазкур қиссадаги Қора Пирман образининг қайта ўрганилиб, ҳақиқатга мос қилиб яратилишида, оқни оқ, қорани қорага ажратишда ёрдам беришларини сўрайман.

Омон ҚОРАЕВ

Ёзувчи Шуур Холмирзаев билан Тоҳир Усмонов асарни аниқ маълумот олмаган ҳолда ёзишганга ўхшайди. Биринчидан, Қора Пирманнинг ота авлоди тўғиз ва она авлоди тоғлик тожиклардан эмас, балки ота авлоди ўзбек-қўнғирот элининг обохли жамоасидан она авлоди эса мўнка уруғидандир. Қора Пирманнинг икки ўғли ҳозир ҳам ҳаёт. Иккинчидан, асарда Қора Пирман босмачи дейилган. У гўеки, Раҳмонбек билан бирлашиб одамларни талаб, ўлдириб, ҳаттоки Эшнӣэзнинг хотинини ўғирлаб қочган эмиш. Бу гаплар мутлақо нотўғридир. Қора Пирманни

кўрган-билган, суҳбатлашган қарияларнинг ҳеч бири унинг босмачи бўлганига ишонмайди. Учинчидан, Қора Пирман Эшнӣэз билан бирга қамалмаган. Эшнӣэз қамалгандан сўнг у отряд командири ва қишлоқ совети раиси бўлиб ишлаган. 1934 йилда репрессия қилиниб, 1944 йилда қамоқдан оқланиб келиб қишлоқда мироб бўлиб ишлаган.

ИБРОҲИМ ШЕРАЛИЕВ,  
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси

«Қизил командирнинг қисмати» ҳужжатли қиссасини ўқиб шу нарсаи англадимки, ёзувчиларнинг мақсади Қора Пирманни бадном қилиш бўлган. Асардаги воқеаларни ўйлаб кўрарканман, мен бобомнинг Қора Пирман тўғрисида айтган илиқ гапларига ишонқирамай қолдим.

МЕНГЛИХОЛ ҚОРАЕВА

Эшнӣэз Юнусов ва Қора Пирманнинг ўғил-қизлари, неварачеваралари ҳозир бир қишлоқда, бир оиладек иноқ яшаб келмоқдалар. «Қора Пирманнинг 200 бош қўйини Эшнӣэз тортиб олди», «Қора Пирман чечамни ўғирлаб кетди» деган гаплар ва «Эшнӣэз кимнинг оқсоқоли» бобидаги воқеаларнинг ҳақиқатга зид экани қишлоқдаги кексаю ёшни жуда таажжублантирди. Биз ёзувчиларимизнинг билиб-билмай одамлар орасига совуқ сув сепмаслигини истардик.

ХОЛМАТ ҚОДИРОВ

МУҲТАРАМ М. РЎЗИЕВ,  
Р. ИСМОЙЛОВ,  
Ж. МИРЗОЕВ!

«Ёшлик» журналіда эълон қилинган «Қизил командир қисмати» номли ҳужжатли қисса-мизда бир кичик эпизодда иштирок этувчи Саидзўр образи боби-

да дарғазаб бўлиб ёзган арзномаларинг билан журналхонлар («Ёшлик» 6-сон) қисман танишдилар.

Сизларни жунбушга солган образ — Саидзўр 1926 йилда Бухорода эмас, Дуобада бўлган. Шўрога котиблик қилган. Кейин нопок ишлари учун Эшнӣэз коман-

дир тарафидан сувга чўктирилган. (Бу воқеани қуйида илова қилинадиган бошқа хатларга жавобимизда номлари саналган қарияларнинг Эшнӣэз отрядида хизмат қилганлари ўз кўзлари билан кўришган). Шунинг учун ҳам Эшнӣэз хусусида «33-сон қарор» вужудга келганки, оқибатда бу иш Эшнӣэзнинг «айб»ларига



иш Эшниеънинг «айб» ларига «айб» бўлиб қўшилган.

Дарвоқе, Эшниеъ тоғ қишлоқларида бу иш билан чекланмаган: Қўрғонча қишлоғининг оқсоқолини ҳам халққа етказган жабр-зулмлари учун қишлоқдан бадарға қилган: сойдан ўтказиб, ҳайдаб юборган. Айни ўша Дуоба қишлоғининг оқсоқоли Исҳоқ Исмоил ўғлини ҳам катта гуноҳлари учун қопга солиб, сувга пишиб, сўнгра қишлоқдан бадарға қилган. Бу ўринда Эшниеънинг соддалиги, Шўро тарафига ўтганлар ва эл бошида турган шахслар мутлақо айбсиз бўлиши керак, мутлақо ҳалол бўлиши керак, фақат эл нафини ўйлаши керак, деган ишончи-ақидаси ҳам ўз вазифасини ўтаган. Илло, унинг ўзи ҳалол, мард ва покиза инсон бўлган.

«Тожикистонда Гражданлар уруши тарихи» номли бағоят қимматли, ўнлаб романларга маълумот беришга қодир асарни ёзган СССР Педагогика Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси академик Мулло Эрқаев ушбу китобида Эшниеъ хусусида меҳр ва ҳурмат билан талай саҳифалар битганлар. Биз қиссага киритган «Гроза басмачей — Эшниеъ» мақоласини («Красная звезда» газетасининг 1926 йил 4 август, 134 сонида босилган) ҳам мазкур китобдан олганмиз.

Тафсилотларга бой арзнамаларингдан ҳам яққол кўриниб турибдики, бизнинг Саидзўр Сизларнинг 1958 йилда қазо қилган падари бузрукворларинг Саид Ҳожи Рўзи ўғлига сира ўхшамайди. Бунинг устига, Саид Ҳожи ўша йилларда Дуобада бўлмаган.

Бизга қисса учун, демак, Эшниеънинг Шўро обрўсини тўққан, элга жабр-зулм ва таҳқирлар ўтказган кимсаларга бўлган муносабатини лўнда қилиб акс эттирадиган йиғма бир эпизод керак эди, биз ўша эпизодни яратдик. Бунга ҳаққимиз борлигини инкор қилмасаларинг керак? «Ҳужжатли қисса» дегани — қандайдир ҳужжатларга таянган ҳолда би-тиладиган бадиий асардир. БАДИИЙ бўлиши лозимлиги учун ҳам у — ҚИССА деб аталади. Бинобарин, бу жанр бадиий ТУҚИМАга ҳам кенг майдон очади.

Сизларни чалғитган нарсалардан бири, бизнингча, «ҚИССА» жанридаги асарни негадир «ОЧЕРК» деб баҳолаганларинг

бўлади. «Очерк»да ҳам бемалол бадиий тўқимадан фойдаланиш мумкин. Агар биз академик Мулло Эрқаевга ўхшаб соф тарихни ёзганимизда «биографик-хронологик» жанрда китоб битганимизда, бошқа гап эди.

«Саидзўр» номига келсак, бундай исмлар Бойсуннинг ўзидаям талайгина бор. (Биз — ҳар икки муаллиф ҳам таги бойсунликмиз). Чунончи, қиссада келтирилган Пардазўр деган шахсинг ўзидан шаҳарда тўрт нафар бўлган. Бизга «Саидзўр исми, яъни, Саид зўровон ёки Саид полвон» исми дафъатан маъқул тушгани учун юқорида айтилган ҳар учала оқсоқолнинг кирдикорини ўзида жамлайдиган ва Эшниеънинг фикрича, шунга муносиб жазога лойиқ бир образга — жохил (саводсиз), хушомадгўй, халқни қўрқитиб олган образга БЕИХТИЕР шу исми қўйиб юборганмиз.

Энди, айтишларингча, Саид Ҳожи Рўзиёвнинг (адашмасак, у кишининг тўла номлари: Мулла Саид Ҳожи Рўзи ўғлидир) лақаблари ҳам «Саидзўр» эканига келсак, хўш, нима бўпти? Шу — бировнинг исмига қиблагоҳларингни лақаби ўхшаб кетганига қараб, Бойсун марказида ҳам ҳамон ҳурмат билан тилга олин-надиган, саводхон, дарҳақиқат, бешта тилни билган, Совет ҳукумати учун кўп йиллар содиқ хизмат қилган, табиатан камсуқум ва одамшаванда Мулла Саид Ҳожи Рўзиёвни — бизнинг пасткаш Саидзўрга менгзаб турсан-лар — падари бузрукворларинг руҳини ҳақорат қилган бўлмай-сизларми? Бунинг устига, биз қиссада — бирон жойда «Мулла Саид Ҳожи Рўзи ўғли» деган исм-шарифни тилга олмаганмиз. Қолаверса, биз Эшниеъ ҳақида ёз-дик.

Сизлар оёқ тираб: «Шу — бизнинг отамиз, бобомиз!.. Авторлар отамизни ҳақоратлаган!» деб, маъмурий маҳкамалардан бизга қандайдир жазолар берилишини талаб этасизлар. Тағин: «...это написано для получения крупной суммы авторского гонорара... путем обмана, народа и государства в целом...» деб ёзибсизлар... Ноқулай бўлса ҳам айтиб қўяйлик: икки йиллик меҳнатимиз синган ўша қисса учун ҳар иккаламиз 400 сўмдан қалам ҳақи олганмиз. Шу катта гонорарми? Анчайин хизматчининг бир ойлик маоши.

Бойсунда бир тожикча ге-юради: «Девори намкаш». Ҳ дегани — «намкаш девор», яън қаерда нам бўлса, ўшани сўри оладиган девор дегани. Бун-ҳар гапни ўзига оладиган, бир ўзича кулсаям: «Нега менда куласан?» деб устига борадиге сергумон кишиларга нисбат бери айтилади.

Кечирасизлар, Сизларнинг б-ҳуда ҳаяжон ва ғазаб била битган номаларингни илк бс ўқишдаёқ ана шу калима ёдимига тушди.

Шундай бўлмайлик, бирода-лар.

ҲУРМАТЛИ О. ҚОРАЕВ,  
И. ШЕРАЛИЕВ,  
Х. ҚОДИРОВ,  
М. ҚОРАЕВА!

Сизларнинг ҳам «Ешлик»н ёзган шикоятларингдан баъз парчалар журналда эълон қилиди. Уларда баён этилган даъв-ларингга бир бошдан жавс қайтарамиз.

Биз «Қизил командир қисми-ти»ни ёзиш учун керакли мат-риалларни Бухоро Халқ Шўр-лар жумҳуриятининг шарқий му-зофотлари — Сурхондарё, Қап-қадарё ва ҳозирги Тожикисто-тупроғида 20-йилларда бўлиб ў-ган инқилобий воқеаларнинг ба-восита иштирокчилари (бизд-улардан 31 нафарининг хотир-дафтери мавжуд) саргузаштлари-дан, сўнгра Ўзбекистон ССР Ма-казий архиви, Сурхондарё об-ласть архив бўлимида сақлан-ётган ҳужжатлар, бошқа илми-адабиётлардан олганмиз.

Илмий адабиётлардан айрим-ларини эслатиш фойдадан хол-эмас: профессор А. Х. Бобоҳ-жаев, «Ўрта Осиёда Англия им-периализми агрессив сиёсатининг барбод бўлиши» (рус тилида, ЎзССР Фанлар Академияси наш-риёти, Тошкент, 1957 йил, VII боб, 140—151 бетлар); Ю. Алекс-керов, «Ўрта Осиёда гражданла-уруши ва интервенция» (рус ти-лида, ЎзССР Давлат нашриёти, Тошкент, 1959 йил, 203—222 бет-лар); коллектив тўплам: «Ўрт-Осиё Коммунистик ташкилотла-рининг тарихи») ўзбек тилида «Ўзбекистон» нашриёти, Тош-кент, 1969 йил, VI бўлим, II боб, 716—760 бетлар); М. Эрқаев, «То-жикистонда гражданлар уруши-тарихи» (рус тилида, Душанбе, 1963 йил, IV боб, 241—364 бет-лар. Тағин — 599—601 бетлар)

«Қашқадарё ва Сурхондарё об-ластлари тарихи очерклари» (коллектив тўплам, ЎзССР Фанлар Академияси нашриёти, Тошкент, 1967 йил) ва бошқалар. Энди Сизларнинг энг муҳим даъволаринг ҳақида.

Қиссада Эшнӣёз командир отрядига 30 нафар йигити билан таслим бўлиб ўтган ва оқибат Эшнӣёздан кейин ўзи ҳам қамалиб кетган Қора Пирман деган кимсани — Сиз, Омон Қораев: «тус отам» деб атайсиз ва бизнинг қахрамонимиз қилган хатти-ҳаракатларга қараб, каминаларни «ёлғончи», тухматчи»га чиқарасиз. Журналнинг бош муҳаррири номига битган номангизда: «Бу масалани ҳаққўй (?), рост ва аниқ ҳал қилишда менга ёрдам берасизлар, деган умиддаман», дебсиз.

Биз бу масалага аниқлик киритамиз энди. Яъни, биз бир-икки эпизодда тасвирлаган Қора Пирман аслида киму Сизнинг «тус отангиз» кимлигини аниқлаймиз.

Масаланинг образга тегишли томонини жуда жўн қилиб тushунтирсак, гап бундай: бадий асарда ҳар қандай шахс образи ҳам ҳаётдаги бирон-бир мавжуд шахснинг — прототипнинг бирон-бир жиҳатига суянган ҳолда яратилади. Гапнинг бўларини айтсак, Қора Пирман образида отангизга яқин жиҳатлар бор. Шунинг учун образнинг номини ўзгартирганмиз. «Бизнинг бобомизнинг ота авлоди «тўғиз»лардан, она авлоди «тоғ тожиклари»дан эмас, балки ота авлоди «обоқли»дан, она авлоди «мўнқадан», деб ёзади бир қариндошингиз.

Ахир, шу фарқнинг ўзиёқ Сизнинг отангиз бошқа одам эканини

кўрсатмайдими? Биз биламиз, отангиз ўша Сиз айтган уруғлардан. Қора Пирманнинг ота авлоди эса «тўғиз»лардан эди, дейишимизга сабаб — «тўғиз» «тортувли» қабиласига мансубдирки, ўша тўфонли йилларда энг машҳур қўрбошилар худди ана шу «тортувли»дан чиққан эди. Қиссани ўқиган бўлсангиз, унда алоҳида-алоҳида бобларда тасвирланган энг жангари қўрбошилар Раҳмонбек, Саломбек, Мустафоқулбеклар ҳам «тўғиз»лардан чиққани қайд этилган. Биз ўзимизнинг Қора Пирманга қўшимча ёвқурлик бахш этиш учун шундай қилганмиз. Онасини «тоғ тожиклари»дан эди, деб айтиб ўтар эканмиз, қадим-қадимдан тожиклар билан ўзбеклар қиз бериб-қиз олиб келишганига асосландик. Кўриб турибсизки, бизнинг Қора Пирман Сизнинг отангиздан келиб чиқиш жиҳатидан ҳам батамом фарқ қилади. Қора Пирманнинг 200 бош қўйи бор-йўқлигига келсак, биз тасвирлаган қўрбошида ундан ҳам кўпроқ мол-қўй бўлган. Қўрбошида мол бўлмаса, йигитларини нима билан боқарди.

Бошқа бир хатда эса: «Эшнӣёз билан Қора Пирман қамалмаган. Эшнӣёз қамалгандан кейин Пирман отряд командири бўлиб, сўнг сельсовет раиси бўлиб 8—9 йил ишлаган ва 1937 йилда 8 йилга қамалган, репрессияга учраган. Сўнг қамоқдан оқланиб келиб, қишлоқда мироб бўлиб ишлаган» деб ёзасизлар. Бизнинг қахрамон бўлса Эшнӣёз билан бир вақтда қамалган ва унинг фожеали ўлимини ўз кўзи билан кўриб, бошқаларга айтиб беради.

Кўриниб турибдики, биз тасвир этган Қора Пирман Сизнинг ота-

нгизга аччиқ саргузаштлари билан ҳам сира ўхшамайди.

Мана, Сизнинг «тус отангиз» ҳақидаги гап ҳам адоғига етди. Кўриб турибсизки, бизнинг қисса қахрамонларидан (эпизодик образ) бири билан Сизнинг отангиз — бошқа-бошқа одамлардир.

\* \* \*

Ҳурматли журналхон! Ўзигизга маълумки, граждандар уруши йилларида халқимиз шафқатсизликлар, қонунсизликлар, шакланмаган маъмурий маҳкамаларнинг ёвузликлари, бир сўз билан айтганда, ҳарбий диктатура шароитида яшаган. Революциядан кейинги дастлабки йилларда миллий чегараланиш, миллий муносабатлар борасида катта хатоларга йўл қўйилгани, табиий-иқтисодий ривожланиш қонунлари оёқ ости қилингани энди аён бўлмоқда.

Тарихимизни, жумладан, Ўзбекистон тарихини ҳам қайтадан яратиш керак экан. Биз аминмизки, бу — тарихни қайта кашф этиш жараёнида биз фақат нафратлаб келган босмачилик ҳаракатига ҳам муносабат ўзгариши аниқ. Воболаримизнинг ўзларининг келиб чиқишларини яшириб: «Камбағалдан чиққанман!» деб фахрланишлари ҳам аслида ўзликни ҳақорат қилиш билан тенг эканига ақлимиз етиб қолди. Ана шундай пайтда ҳам, айрим юртдошларимизнинг ҳамон ўттинчи йиллар даражасида фикр юритишаётгани бизни қийнаётир. Шу боисдан улар учун ҳам, ўзимиз учун ҳам Сизлардан узр сўраймиз.

ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ,  
ТОҲИР УСМОНОВ.



# «ЭРКИН МУҲАББАТ» ҚУРБОНЛАРИ

Ун йил бурунги бир воқеа ёдимга тушди. Дорилфунуннинг биринчи курсида ўқирдим ўшанда. Қишлоқдан Тошкентга қайтгилман. Бухоро-Тошкент поездига мени уйдагилар чиқариб қўйишди. Хаёлларим тизгинсиз, орзу-ўйларим дунёга сиғмайди. Кўзларимга ҳамма нарса гўзал, одамлар ҳам содда, самимий кўринади. Фақат онамнинг кузатув олдидан: «Қизим, эҳтиёт бўл» деган сўзлари қулоқларим остида жаранглайди. «Эҳтиёт» ликни мен ўзимча тушундим.

Купе-вагондаги ҳамроҳларим — ёшгина жувон ва унинг тили эндигина чиқа бошлаган Марик исмли ўғилчаси. Ҳозир жувоннинг юз тузилишини яхши эслолмайман. Фақат унинг ўйноқи кўзлари, қулоғидаги каттакон балдоғи хотирамда қолган. У билан яқиндан танишган бўлдик, суҳбатлашиб кетдик. Самарқанддан ўтиб, қайсидир станцияда жувон мени уйғотди. Боласига қараб туришимни, ўзини эса шу станцияда бир таниши кутиб тургани, қўлидаги туғунни унга топшириб қайтишини айтди. У поезддан тушди-ю, аммо қайтиб келмади. Мақсади болани ташлаб кетиш экан.

Орадан йиллар ўтди. Уғлим — Беҳзод дунёга келди, ўша аёлни эсладим. Уғлим — Беҳруз дунёга келди — ўша аёлни эсладим. Қизим — Гулюз дунёга келди — яна ўша аёлни эсладим. Оналик табиатнинг аёл зотига берган энг буюк шарафи эканлигини ҳис қилдим — яна ўша аёлни эсладим. Эслайвердим...

Мақсад-мавзуимиз тирик етимлар, лаҳзалик кўнгил хуши истагида бир мурғак жонни бир умрлик бахтдан — ота-она меҳридан мосуво этгувчи нокаслар ҳақида десам, муҳтарам ўқувчига тушунарли бўлар.

Мен ҳаёт фаровонлигидан қувондим. Меҳр, шафқат деган инсоний хислатларни ўргандим. Ногоҳ, тақдир «жинкўча» ларига назарим тушди. Кўранларим туганмас нафратга айланди. Қадимий урф-одатларимизга кўра, ўзбек қизининг қўшни деворидан бўйлаб қараши ҳам уят. Йўқ, биз «илғорлашиб» кетдик. Утмиш «сарқит» ларининг илдизига болта урдик. Кўча-кўйдаки, аэропорт, вокзалдаки, кинотеатрдаки, хуллас, кўз-кўзга тушади. Танишамиз. Кўп ўтмай «муҳаббат» пайдо бўлади. Учрашув, сеҳрли дамлар. Сўнг эса... Сўнг — фожиа. Туғруқхоналар, болалар уйлари — тирик етимлик.

Ҳисоб-китобларга кўра болалар уйларида тарбияланаётган етимлар сони миллионга етибди. Улар-

нинг 95 фоизи ота-онаси тирик етимлар экан. Уруш йилларидагидан ҳозирги дорилмомон кунларда етимлар сони уч-тўрт баробар кўпайибди. Наҳотки биз шунчалар тубанлашиб кетдик? Наҳотки ўзлимизга қайтишимиз учун уруш йилларидагидек фожияларни бошдан кечиришимиз керак бўлса?!

Чақалоқларнинг «инга» овозлари туғруқхоналарга сиғмай ахлат уюмларида эшитиладиган бўлди. Урфимизга кўра бир бурда нонни ахлатга ташлаш гуноҳ саналган. Дунёга келиб, она сийнасини кўрмаган гўдакни ерга уриш нафақат гуноҳи азим, балки ўтакетган разиллик, қабихлик-ку, ахир! Мен ҳар гал дард ва изтироб билан кўрадиган «Номингни унутма» бадиий фильми сизга ҳам таниш бўлса керак. Фашистлар асирга олган рус аёли — аёллар концлагерида, унинг беш ёшлар чамаси ўғли — болалар концлагерида. Концлагерлар ораси унча узоқ эмас. Аёл ҳар гал иложини қилиб ўзига берилган бир бурда нонини ҳам ўғлига ташийди. Концлагернинг тиканли симларию фашистларнинг пистирмалари аёлни чўчитмайди. Аёл ҳар гал ўғли ёнига келаркан, девор тирқишларидан унга нон узатаётиб бир сўзни такрорлайди: «Уғлим, номингни унутма. Сенинг исминг Гена!». Бу-ку бир фильм. Аммо буғун ўз боласини ахлат уюмлари-ю темир йўл рельсларига раво кўраётганлар гўдак билан сўнг бор қандай сўз айтиб видолашар эканлар?

48-йилдан буён Тошкентдаги 22-болалар уйида директорлик қилаётган. А. Хлебушкина билан суҳбатлашарканман, мавзуимиз ота-онаси тирик етимларга кўчгани ҳамон бу аёлнинг самимий чехрасидан нур ёғиб турса-да, кўзларидан кутилмаганда ёш сизиб чиқди:

— Узи ҳаёт, тўрт мучаси соғ, аммо ўз фарзандидан воз кечаётган ота-оналарни инсонлар деб атагим келмайди. Унақалар билан кўришишга сабрим етмайди.

— Антонина Павловна, тирик етимлар сони кўпаяётганлигининг сабаблари нимада деб ўйлайсиз?

— Бунинг сабаблари жуда кўп. Енгил-елпи, ўйламай қадам ташлашнинг оқибатида огироёқ бўлиб, аросатда қолган қизлар кўпайиб кетяпти. Улар тўйсиз, никоҳсиз болали бўлишга ор қилишади-да, энг осон йўли — ундан воз кечиб қўяқолишади. Мен бундай қизларнинг тарбиясига бошдан путур етган деб ўйлайман. Ота-она тарбия, назоратни бўш қўйдими, фарзанд ҳар қандай кўчага киришдан ҳазар қилмайди. Менинг мингдан ортиқ ўғил-қизларим, набирачевараларим бор. Шукрки, шу чоққача бирорта ўғил-қизим юзимни ерга қаратгани йўқ.

Тирик етимларнинг кўпаяётганлиги сабабларидан яна бири: эркак оиласига хиёнат қилади. Агар аёл оқила бўлса, болаларини ҳеч кимга раво кўрмай жониди асраб катта қилади. Агар у ҳам эрдек ўз ро-



ҳатини ўйласа, болалар уйига топширади.

Антонина Павловна билан учрашганимга қадар мен болалар уйини бошқача тасаввур қилар эдим. Биз хоналарни бирма-бир айланар эканмиз, тасаввурларим ёришди. Озода, шинам хоналар бу ердаги ҳаётнинг гўзаллигидан, таълим-тарбиянинг уйғунлигидан дарак беради. Дунёдаги бор эззулик Хлебушкина сингари аёллар фидойилигидан яралишига ишондим.

Ховлига чиқарканмиз, мевазор боққа ўрнатилган ўриндиқда китоб ўқиб ўтирган қизчага ишора қилиб:

— Боринг, суҳбатлашинг, — деди Антонина Павловна.

— Бордим. Қизча сапчиб ўрнидан турди-да, саломлашди. Исмни сўрадим.

— Исмим Муқаддас. 6-синфда ўқийман, — жавоб берди у. Муқаддас билан анча суҳбатлашдим. У мактабда ўқиш билан бирга музика мактабда ҳам таҳсил оларкан.

— Муқаддас, бу ерга қандай келиб қолгансан? Саволимдан ўзим изтиробга тушаман.

— Дадам бизни ташлаб кетганлар. Ойимлар касаллар. Мен, синглим ва икки укам шу ерда яшаймиз.

— Даданг келса кетармидинг?

— Келишларига ишонмайман.

«Келишларига ишонмайман!» Муқаддаснинг бу ички нидосини изоҳлаш учун сўз тополмайман. Болалар уйи тўғрисидаги тасаввурларим рўё, кўрганларим чин бўлса-да, бунда фақат бир нарса — ўз ота-онаси меҳрига зорлик дилни ўртади. Тарбиячиларнинг бир инсончалик меҳрибонлиги, куйиб-ёнишлари ҳам қалбнинг дарз кетган нуқтасигача етиб боролмайди деб ўйлайман беихтиёр. Ўйлайману, аммо мен ҳам Муқаддаснинг дадаси қайтиб келишига ишонмайман.

Яқинда редакцияга бир хат келганди. Хат муаллифи Калинин район Эркин маҳалласида яшовчи ёш жувон. У ёзади: «Турмуш ўртоғим Насиба исми қиз билан бир ой Москвада бўлиб қайтишди. Энди бўлса Насибага уйланаман, деб уйдан чиқиб кетдилар. Наҳотки, бир қизнинг енгилеҳлиги сабаб менинг болаларим тирик етим бўлиб қолса?...» Жувоннинг мактубда битилган изтироблари сабаб бўлиб, ўша қиз — Насибани излаб топдим. Насиба билан учрашганимга қадар уни алданган, бир нокасининг ҳийлаларига учган деб ўйлардим. Лекин аксинча бўлиб чиқди. Маҳалла-кўй, район хотин-қизлар советининг аралашуви ҳам Насибани бу ўйдан қайтаролмаган экан. Ўз қадрини, ор-номусини билмаганлар атрофдагилардан уялиш, уларни ҳурмат қилишни ҳам билмайди. Шундай қилиб Насиба бир оила дарахтининг илдизини чиритди. Гуллаб, эндигина ғўрага айланган неғматни ер билан битта қилди — фарзандлар манглайига «тирик етим» муҳрини босди. Ўз фарзандларини хўрлаб, ўзгача кўнгилхушликни излаб кетаётган бебурд оталар, номусини сариқ чақага раво кўрадиган Насибалар, афсуски, жуда кўп.

Гражданлик қонунларимизни ўрганиб чиқарканман, бир таклиф кўнглимдан кечди. Боласини туғруқхона, кўча-кўйда ташлаб кетаётган андишасизлар, ўз оиласига хиёнат қилганлар ва қонунсиз қовушиб кетаётган бадахлоқларга нисбатан ҳам қандайдир қонуний жазо чораларини қўллаш фурсати етди. Шундай мулоҳазаларим билан Калинин район прокурори Бахтиёр Абдусаломовга муурожаат қилдим. У шундай дейди:

— Тўғри, бизнинг гражданлик қонунларимиз бир томондан жуда шафқатли кўринади. Бундан енгилеҳлар манфаатланиб қолишяпти. Хиёнат кўчасига кирган эр ёки хотин оиласидан нолиб, ажрим учун «муносабатларимиз тўғри келмай қолди» мазмунида судга ариза топширади. Суднинг белгиланган муддати тугагач, суд ажрим учун ҳукм чиқаради. Оқибатда беғуноҳ болаларнинг тирик етим бўлиши ҳеч кимни ўйлантирмайди, ташвишга солмайди. Жамиятимиз инсонпарвар жамият. Партия ва ҳукуматимизнинг етим болаларга кўрсатаётган ғам-хўрлиги беқийёс. Бизнинг ўтмиш тарихимизда ҳеч қачон бўлмаган — етим болалар учун махсус фонд ажратилиши ҳам қувонарли, ҳам кишини ўйлантирадиган ҳолдир. Сизнинг фикрингизга қўшиламан: ўз боласини ташлаб кетаётган ота-она, номусини топтаб, тинч оилаларнинг осойишталигини бузаётган хотин-қизларга нисбатан қонуний жазо белгиланса фойдадан холи бўлмайди. Биз шундай қилайликки, инсоннинг маънавий, руҳий дунёси сира шикастланмасин.

Бундан уч ярим аср аввал яшаб ўтган фаранг файласуфи Блез Паскал инсониятга шундай баҳо бериб кетган эди: «Одамлар ўзини гуноҳкор ҳисоблайдиган ҳалол кишилар ва ўзини ҳалол ҳисоблайдиган гуноҳкорлардан иборат». Бас, шундай экан гуноҳларимиз ортмасдан туриб ўзимизнинг ахлоқ дунёمизни поклаб олайлик. Ахир инсонлар бир-бирига бахтиқаролик келтириш учун яшамайдилар-ку!

Чиллахоналарда кўз очган жоннинг сарсонлиги ҳамда меҳр излаб сарғайишларини истамайман. Яшаш — инсонга бир марта берилган неғмат. Шу неғматнинг бутун ҳамда тўқин бўлишини истайман. Мўъжаз уйларда гўдакларнинг хандон кулгиси жарағлашини истайман. Яна кўп нарсани истайман... Истакларим фақат ЕРУҒЛИК.

\* \* \*

Бу ғариб нигоҳлар исканжасида  
Тунларим чўзилар, йўқолар тинчим.  
Болажон, номингни биламан, аммо  
Атаб қақирмоққа етмайди кучим.

Ҳаёт бир томоша саҳнаси монанд  
Нуқул яхшиликни қилар тарғибот.  
Афсус, қўлларингга тутмас хўрозқанд  
Саҳна ортидаги тошбағир ҳаёт.

Жажжи кафтларингга тугилган бу тош  
Отилмай сирғалиб тушади ерга.  
Ишониб яшайсан мунис энананг  
Айтган эзгу алдов эртақларига.

Сен ёлғон сўйлашни билмайсан, ё раб  
Алдовлар-ку сени яшатиб қўйган.  
Боққан нигоҳларга айтасан титраб:  
«Менинг ота-онам фронтда ўлган.»

Намчил киприкларинг тундан қародир,  
Қорачиғинг уйғоқ хаёлларимда.  
Юракка сиғиниб яшайсан энди  
АХД билан ПАЙМОНнинг ораллиғида.

МАТЛУБА ҲАМРОЕВА.

# ВАТАН ҚИЁФАСИ



«Ёшлик»нинг ўтган йилги олтинчи ва еттинчи сонларида хормлиқ журналист Рўзимбой Ҳасановнинг «Хива: хаёлот ва ҳақиқат» сарлавҳали, виждонли одамнинг вужудини зирқиратадиган, юрагида Она Ватан туйғуси бор кишиларни бефарқ қолдирмайдиган мақоласи чоп этилди. Кейинги ўн йилликлар мобайнида республика меъморчилик санъати ва таъмирчилик муаммолари батафсил таҳлил этилган бундай дардли чиқишни эсломайман. Муаллиф ўт бўлиб, куйиб-ёниб ёзган. Унинг бу фидойилигини қадрламаслик ношукрлик бўлур эди.

Ватан учун, халқ учун жонини жабборга бергувчиларни ёмонликка чиқариш, йўлдан олиб ташлашга уриниш — барча ҳокимман деганнинг, чаламулла ҳокимларга сифинишни тирикчиликнинг бош шarti деб билган маънан кўр ва ахлоқан кар кимсаларнинг қон-қонига сингиб кетган, шекилли.

Биз бугунги кунда чалажон имонимизга нари-бери аза тутган ҳолда Темур Оқсаройи харобалари, ўлаётган Орол ва оёқости бўлган Ўзбекистон табииати устида кўзёши тўкиб ўтирибмиз. Холисанилло айтганда, биз нодонларга бу кунлар ҳам камлик қилади-гандек...

Туркистон музофотларида 1913 йилда 7665 та мадраса бўлган экан. Бугун эса, ҳеч бўлмаса, беш юзта мадрасани санаб бера оламизми? Қани у муҳташам меъморчилик санъати намуналари? Кимлар уни ер билан битта қилди? Фашистлар вайрон этишди-ми? Йўқ. Бу маънавий тубанликнинг бош айбдори ўзимиз, ўзимиздан чиққан қўлбола гитлерчалар эканини ким инкор этади?!

Редакция менга юқоридаги мақоланинг ижобий томонлари эътироф этилган ҳолда эътирозлар билдириб ёзилган хатни ҳам берди. Бу хатга Хива музей-қўриқхонасининг Бош директори О. Абдуллаев бошлиқ раҳбарият аъзолари имзо чекишган. Хатда юқоридаги мақоладан сўнг ишлар юришиб кетгани таъкидланган. Хат муаллифлари Р. Ҳасановнинг куюнчаклик оҳангини ҳазм қила олишмаган кўринади. Музей ходимларининг баҳоли қудрат меҳнатларини инкор этмаган ҳолда, ҳар икки томоннинг бир-бирини айблашга интилишини қоралаб, бу мунозарага ҳакамлик қилишни ҳам ортиқча деб биламан. Кейинги пайтда қайта қуриш ва ошқоралик баҳонасида найзабозлик ва маҳаллийчиликка ўтиб кетиш ҳоллари халқнинг ғашига тегмоқда. Бундай тинглаб кўрсангиз, турғунлик деб аталаётган даврда ҳамма азоб чеккан, барча зулм кўрган бўлиб чиқаёттир. Лекин бу азоблар самодан ёғилмагани, ўзимизнинг гумроҳлигимизу ўша давр давлат машинасининг моторига ёғ қуйиб турган хўшомадгўйлар фаолиятининг оқибати ўлароқ бино бўлганлиги ҳаммамизга аён-ку! Бу номаъқулчиликларга ҳаммамиз ҳам дахлдормиз-ку! Биз эса ҳамон бир-биримизга маъруза ўқиб, бир-биримизни қоралаш билан оворамиз. Кимнинг оғзига қарашни, кимга эргашини билмай буюқда халқ ҳайрон. Унинг тўқис фаровонлигини белгилайдиган иқтисодий аҳвол ҳали-бери ўнгланадиганга ўхшамайди.

Шунинг учун бу ерда Хива меъморчилиги баҳонасида бутун Ўзбекистоннинг дардини айтиш керак деб ўйлайман. Барча яхши ва ёмон ишларда пойтахтлар музо-

фотларга ўрناق бўлиб келган. Тошкентдек донғи оламга кетган азим шаҳарда сақланиб қолган яккам-дуккам меъморчилик обидаларининг аҳволи кимни қониқтиради? Бешёғоч ва Хадра теварагидаги ҳадемай қулаб битадиган мачитлар тақдирига томошабин бўлиб тураверамизми? Кўкалдош мадрасасига ёпиштириб қурилган майда-чуйда ўткинчи бинолар қачонгача унинг маҳобатига соя ташлаб тураверади? Самарқанд ва Бухородаги ғоят ланжлик билан олиб борилаётган таъмир ишлари ва бу соҳадаги сифатсизликдан додлагинг келади. Шаҳрисабздаги Темур Оқсаройини эслаш эса азоб! Мана, неча ўн йилдирки, бу бетакрор обида емирилиб, талон-тарож бўлмоқда. Биз пахта-пахта дея кичқиришдан бир зум бўлса-да тўхтаб, ёнверимизга қарашимиз, хотирасизлик ва виждонсизлигимиз туйфайли халқимиз тарихи ва ўтмиш маданиятига қилинган, қилинаётган хиёнатни бор бўй-баста билан ҳис этмоғимиз шарт.

Балиқ бошидан сасир, деганларидек, Хивада муқаддас даргоҳ ҳисобланган мадрасанинг меҳмонхонага айлантирилиши (албатта, бу ерда ҳожатхона ҳам қурилади), ота-боболаримизнинг муқаддас излари қолган даргоҳларни дуч келган бўлар-бўлмас ташкилотларга сахийларча ҳада этилиши — бу масалаларга энг юқори идораларда лозим даражада эътибор берилмаётганининг оқибатидир. Ярим таноб ердаги ғўзани сув босса, сувчини ниҳоят танг аҳволга солаемиз. Бирок нураб ётган тарихий деворларни ўғит ўрнида ишлатишга бош-қош бўлган раис ёки бош агрономга эса орден берилади. Икки боғ хашакни фермадан кўтариб кетган



молбоқарни судга берамиз. Бироқ Бухоро арки, Оқсарой ёки Биби-хонимнинг кўзга суртулик кошнларини пуллаган ва ғишларидан ҳожатхона тиклаган ман-кўртнинг мушугини ҳеч ким пишт демайди!

Шаҳрисабзда бир аҳволни кўриб ёқа ушлаганмиз. Райкомнинг топшириғи билан шаҳар кўчаларига ўзи ағдарар машиналарда шағал тўкилиб йўл ҳаракати тўхтатиларди. Шунда одамлар ўз машиналарини минмай, пахта теримига чиқармиш... Шағал ташиётган машиналар эса галма-гал муюлишдаги мадрасанинг деворини туртиб ўтарди. Бу ҳам бизнинг маънавий-маърифий даражамизни кўрсатади, албатта.

Она юртим Бахмалда ўтмиш маданиятимиз ёдгорлиги сифатида бор-йўғи иккита мачит сақланиб қолган. Ер билан битта бўлган ўнлаб мачитларнинг ўрни аллақачон одамларнинг томорқасига айланиб кетган. Боғмозорсойдаги мачит... Эндиликда қишлоқ пода-си учун молхона вазифасини ўтайди. Мен газета орқали район комсомол комитети ва ёшларга мурожаат этиб, бу ерда халқ тарихи ёки табиат музейи ташкил этишни сўрадим. Бироқ Ойқор тоғидан садо чиқса чиқдики, Бахмал район комсомол ташкилотидан на «ҳа», на «йўқ» деган жавоб бўлди. Тарихий Новқа қишлоғидаги мачитни эса алламбало қилиб суваб ташлашди. Нима бўлса ҳам, ишқилиб, бу ёдгорликнинг мачит эканлиги билинмас-ю, район раҳбарлари юқоридан гап эшитимаса. Тавба, шу қадар ҳам маданиятсизлик ва ўтмишга ҳурматсизлик бўладими? Бу хусусда районда ҳеч бир кишининг сиз билан гаплашгиси келмайди.

Тошкентнинг қоқ белидаги тупроқ кўрғонни яқин ўтмиш авлодлар ҳам яхши билишади. Ҳозир эса унинг фақат биттагина дарвозаси сақланиб қолган. Бунинг ҳам сабаби бор. Дарвоза деворига кўрғонни олишда иштирок этган инқилобчиларнинг номлари битилган... Нима, Октябрь инқилобига дахли бўлмаган барча тарихий обидаларни кунпая-кун қилиш керакми?

Хива, Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, қолаверса, республикамизнинг бошқа шаҳарларидаги тарихий обидаларни таъмирлаш хусусида чет эл фирмалари ўз хизматларини таклиф этмоқдалар. Жумладан, норвегиялик таъ-

мирчилар ҳам қадимий Хоразм меъморчилигига қайта ҳаёт бахш этиш ишига бош қўшиш истагини билдиришган эди. Бошқа соҳаларни кўя турайлик, айнан таъмирчилик соҳасида ҳам ҳали-бери тузук-қуруқ бирор иш қила олганимиз йўқ ва қилолмасак ҳам керак. Шу боис, бу ишга чет эллик мутахассисларни жалб этиш энг тўғри ва оқилона йўлдр. Ҳамма норвегияликлар таклифига умид кўзини тиккан эди. Бироқ Москва рухсат бермаган эмиш... Очиғини айтганда, қачонгача бир ғиштни бир жойдан иккинчи жойга фақат Москванинг рухсати билан олиб кўямиз, қачонгача пойтахтдаги тор хоналарга биқиниб олиб, республикаларни қоғоз ва маҳкамавий қарорлар орқали тасаввур этадиган масъул ўртоқлар таъқиқ ва буйруқ бериш билан банд бўладилар, деб савол бериш адолатдан эмасми?

Шу ўринда Ўзбекистондан олиб кетилган минглаб нодир тарихий ашёлар ва музей безакларини ҳам қайтариб беришнинг вақти келганини айтиб ўтиш жоиздир. Тўғри, Москва ва Ленинград музейларида ҳам Шарқ санъати ҳамда маданияти намуналари бўлиши керак. Лекин бу иш халқимизнинг манфаатларига зид равишда амалга оширилмаслиги лозим.

Ўзбек халқининг бугунги маънавий камолотини беш ёки олти миллион тонна пахта етиштиргани эмас, ўз ўтмишига қай кўз билан қараётгани ва авлодлар келажиги учун ҳозир қандай маърифий бойликлар яратаётгани белгилайди. Она Ватанимизнинг келгаси заҳарли химикат сепаетган уоч, химиявий дори бурқситаётган завод мўриси эмас, беғубор тоғлару бепоён яйловлар, тиниқ дарёлару ям-яшил боғлар билан безаниши керак. Яна у — Амир Темури мақбарасининг қуёш нурида ярқирашию Хива ва Бухоро минораларининг салобатини йўқотмасин. Бундай юксак инсоний эътиқоддан мосуво кишилар умр бўйи Ватан дея аталмиш буюк туйғудан бенасиб, инсон сифатида шаклланмаган кимсалардир.

НУРАЛИ ҚОБУЛ

## Сирли тажовуз

Мен яқинда Хивада бўлдим. Обидалар аҳволи ниҳоятда ачинарли. Бизгача неча асрлар умр кўрган Хива шу кетгиде яна юз йил яшаши гумон. Албатта, мен «Хива: ҳаёлот ва ҳақикат» мақоласи билан таниш эдим.

Хива кўчалари бўйлаб юрар эканман, мақола эълон қилингандан сўнгра салкам бир йил ўтса ҳам ҳеч нарса ўзгармаганидан таажубга тушдим. Ҳатто, Огаҳий, Аваз Утар, Мунис Хоразмий, Қурбон ота Исмоиловларга ўрнатилган сохта қабрлар ҳам шундайлигича турибди. Ҳолбуки, бу сохта қабрларни олиб ташлаб, қадимий Хива кўйсидаги турғунлик давридан қолган битта доғни ювиш учун ҳеч қанча маблағ ҳам, уста ҳам зарур эмас. Пештоққига «Қорихона» деб ёзилган ёдгорликка эса сураткашлар ин қуриб олган, бинонинг ичи ҳаддан ташқари ифлос, қоғоз, фотоплёнкалар уюм-уюм бўлиб ётибди. Муҳаммад Аминхон мадрасасида ҳам, Жоме масжидида ҳам, Карвонсаройда ҳам аҳвол ўша-ўша.

Мутасадди ташкилотлар обидаларни таъмирлаш учун маблағ йўқлигидан нолишади. Бу гап унчалик ишонарли эмас. Негаки, мен шу ёшга кириб, «Тарих ва маданият ёдгорликларини асраш» жамияти ходимларининг бирорта обида маблағ йўқлигидан таъмир қилинмаётгани-ю, харобага айланиш арафасида тургани тўғрисида (куйиниб эмас) шунчаки эълон қилган мақоласини ҳам ўқиганим йўқ. Балки уларни ўзида халқнинг бой тарихини акс эттирган обида унчалик қизиқтирмади. Маблағ йўқлигини пеш қилиш эса лоқайдлик ёки касалликни хаспўшлаш учун энг яхши баҳона, энг силлиқ ва бешикаст сўқмоқдир. Маблағ баҳонасида ишни истаганча ортга суриш мумкин. Балки маблағ ростдан ҳам йўқдир. Аммо токи ҳаракат бўлмас экан, бу гап ростми ё ёлғонми, ҳеч нарса ўзгармайди, баҳоналигича қолаверади. Обидалар эса емирилиб кетаверади, демакки, таъмирлаш учун зарур бўлган маблағ миқдори ҳам ошиб бораверади.

Кўпчилигимиз ўнлаб, ҳатто юзлаб тарихий ёдгорликларнинг «диний обида» сифатида йўқ этилганини эшитганмиз. Рўзимбой Ҳасанов мақоласида ана шундай тамга билан таъмирлаш таъқиқланган обидаларни санаб ҳам ўтган. Обидаларнинг шундай қисматга дучор этилганига ҳам маблағ йўқлиги сабаб деб ким айта олади?

Обидаларнинг бундай қисматга дучор этилаётганига бошқа бир сабаб ҳам бор. У Сталин сиёсатида, сирли тажовузга бориб боғланади. Тарихий обидаларни йўқотиш бу сиёсатнинг бир йўналишини ташкил этган бўлса ажаб эмас. Тарихий ёдгорлик маблағ танқислиги юзага келтирилиб йўқотиладими, «диний обида» сифатида тугатиладими, барибир, мақсадга эришилса кифоя. Аввало динга, сўнгра эса араб имлосига тазйиқ бекордан бекорга амалга оширилгани йўқ, ахир.

Менинг назаримда, биз ҳали Сталин сиёсатининг агрессивлигини ҳамма жабҳаларда ҳам тўлиқ тушуниб етганимизча йўқ. Энг ёмони, унинг сиёсати партия номи билан, атеизм



билан пухта ниқобланганини назардан қочириямиз. У халқ ишонадиган ҳокимият ва партия номидан иш юргизиб, ўз сийёсатининг яшовчанлигини таъминлаган эди.

Сталинчилар, ва унинг турғунлик даври малайлари ана шундай йўллар билан юзлаб обидаларни забун этишга, халқни эса чалғитишга эришдилар. Бу жараённинг ҳали-ҳануз қисман бўлса-да, давом этаётгани шармандали ҳолдир. Хивадаги муҳташам обидаларни ҳеч йўлаб ўтирмасдан меҳмонхона, ресторан, магазин, фотолаборатория кабиларга айлангириб, яроқсиз ҳолга келтириляётганлиги бунинг исботи эмасми?!

ЧОРИ АВАЗ,  
шоир

## Чўмиляётган обида

Кўпгина олимларимиз Хивадан 12 километр нарида ўтган Қорақум каналининг тарихий обидалар ҳолатига салбий таъсир қилишини айтиб, бу канални ёпиб қўйишни маслаҳат бермоқдалар. Аммо Хивада кўрабилатуриб обидаларни чўмилиришяётган бўлсалар-чи? Муҳаммад Аминхон мадрасасида меҳмонхона очилганига анча бўлди. 125 хонадан иборат бу иморатнинг иккала қаватида ҳам душ, ванна, водопровод ишлаб турибди. Сув тинмай оқиб ётибди. Унинг ёнидаги Матнўз Девонбеги мадрасасида эса «Интурист» ресторани жойлашган. У ерда ҳам идиш-товоқларни ювиш учун сув шариллаб оқади. Иккала мадрасанинг ҳам ижарага берилмасдан олдинги ҳолати билан ҳозирги аҳволини солиштириб кўрсак, уларнинг нақ белигача захда турганлиги яққол кўринади.

Музей-қўриқхона маъмурияти обидаларнинг сақланиши учун тўғридан-тўғри жавобгардир. Амалда эса, кузатувчи, ижро қилувчи, мувофиқлаштирувчи ташкилотга айланган. «Юқори»дан қандай кўрсатма берилса, у тўғрими, нотўғрими, бу билан иши йўқ, фақат ижро қилишни билади. Ижро қилганда ҳам силлиққина қилиб, сихни ҳам, кабобни ҳам куйдирмайдиган қилиб, ўзини ҳимоя қилишга «йўл» қолдириб бажаради ишни. Жамоатчилик фикри билан «юқори»нинг хоҳишини бир қолпига тушираолмай сарсону саргардон.

Рўзимбой Ҳасанов ҳеч кимни юз хотир қилмасдан, ҳеч нарсадан ҳайқмасдан тарихий ёдгорликларнинг аянчли аҳволини рўйи-рост очиб ташлаган. Бу мақола ҳар бир хиваликнинг қалбини ларзага солди, уларда янгилинишга ишонч ҳиссини уйғотди, «юқори-қуйи» бўғинларда кўп бесаранжомликлар бўлди. Таажжубки, худди ўша вақтда «Шарқ юлдузи» журналининг 7-сонида Хива тўғрисида яна бир ажабтовур мақола эълон қилинди. Бу Анатолий Ершовнинг сафар таассуротларига тўла, қадимий ҳунармандчилик муаммоларига кўп-

роқ ўрин берилган, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос бир «саёҳатнома» сифатида қораланган «Хива — қўриқхона шаҳар» номли мақоласи эди... Иккала мақолани бир-бирига қиёслаб кўрадиган бўлсак, бир муаллиф дардлогриқли муножотнинг мушкулотини ижро қилса, иккинчиси ўша дардни енгиллаштириш, унуттиш, ҳушчақчақ ҳаётга ундовчи савти наво қисмини ижро қилаётгандай. Жуда яхши, ажойиб «уйғунлик». Аммо бу «уйғунлик»нинг асл моҳиятини зийрак журналхондан яшириб бўлмас экан...

МАТЕҚУБ БОВОЖОНОВ,  
Хива шаҳри.

## «ЕШЛИК» ЖУРНАЛИ РЕДАКЦИЯСИГА

Область маданият бошқармаси «Ешлик» журналининг 1988 йил 6, 7-сонларида босилган Р. Ҳасановнинг «Хива: хаёлот ва ҳақиқат» мақоласини кўриб чиқиб, унда кўрсатилган камчилик ва нуқсонларни асосан тўғри деб ҳисоблайди.

Ўтган йил февраль ойда область маданият бошқармасининг Совети Хива районларо прокуратурасининг Хива музей-қўриқхонаси маъмурияти томонидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг «Тарихий маданият ёдгорликларини сақлаш ва улардан фойдаланиш» қарори ёмон бажарилганлиги тўғрисидаги талабини кўриб чиқиб, қўриқхона фаолиятида бўляётган камчиликларга бефарқ қараганлиги учун музей директори ўртоқ А. Абдуллаевга ва унинг муовинлари Р. Искандаров ва Б. Болтаевларга қаттиқ ҳайфсан эълон қилган эди.

1988 йилнинг июль ойида Хива музей-қўриқхонасида маданият бошқармасининг кўчма Совети ўтказилиб, унда «Ешлик» журналида кўтарилган масалалар ҳам кўриб чиқилди ва уларни бартараф қилиш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Сўнги вақтларда маъмурий органлар томонидан Дишонқалъа деворини бузишда айбланган 8 кишининг устидан жиноий иш кўзғатилиб, Хива район халқ судига ўтказилди. Суд уларнинг ҳар бирига уч юз сўмдан жарима солди.

Ёдгорликларнинг техник аҳволини янада яхшилаш ва уларни таъмирлаш ҳамда смета-лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун Ўзбекистон маданият ёдгорликларини таъмирлаш илмий тадқиқот ва лойиҳа институтига буюртма берилди.

Музей-қўриқхона ходимлари томонидан қисқа вақт ичида 15 та ёдгорликка ҳимоя тахталари ўрнатилди. Дишонқалъа атрофида яшовчи 100 дан ортиқ хўжаликларга қалъа деворини сақлаш юзасидан мажбуриятлар юкланди.

Хоразм махсус илмий ишлаб чиқариш устахонасининг 1989 йилги лойиҳа-планида Ичанқалъа ва областдаги бошқа 30 дан ортиқ маданият обидаларини таъмирлаш кўзда тутилган.

И. СОДИҚОВ,


Халқ депутатлари Хоразм область Совети ижроия комитети Маданият бошқармаси бошлигининг муовини

## РЕДАКЦИЯДАН:

«Хива: хаёлот ва ҳақиқат» мақоласи эълон қилингандан сўнг журналхонлардан жуда кўп хатлар олдик. Улар орасида музей-қўриқхона раҳбар ходимларининг ўз-ўзини оқлов ва мақтовга зўр берилган мактуби ҳам бор.

Юқорида ўқиганингиз — Хоразм область маданият бошқармаси бошлиғи муовини И. Содиқовнинг жавобиде айтилган чора-тадбирлар ҳам Хива ёдгорликларининг ночор аҳволини яхшилаши дарғумон. Чунки турли ҳайфсанлар, жарималар, пухта йўланмаган буюртма ва мажбуриятлар «самараси» кўп йиллик тажрибаларимиздан яхши маълум.

Бизнингча, тарихий обидалар тақдирига бундай ёндошиш барҳам топиши керак.



Турсунбой  
Боймиров

## Копток

Педагогика советининг бугунги ййғилишида мактаб директори ҳар кунги одатига зид равишда очилиб-сочилиб ўтирарди. Ниҳоят, мажлис тугаб, ҳамма тарқалаётганида директор хурсандчилигини ичига сиғдиролмасдан илмий бўлим мудирининг енгидан тортиб севинчини у билан баҳам кўрмоқчи бўлди.

— Ихм... ихм... биласизми, ўртоқ Қораев! Доимо ошимизга курмак бўлиб, таъбимизни тирриқ қилиб юрадиган Дилозор Хўжамуродов энди орамизда йўқ, ундан қутулдик.

Бу хабардан сўнг директорнинг юзидаги севинч Қораевга ҳам юқди.

— Йўғ-э! — деди у хурсанд бўлганидан беихтиёр қарсақ чалиб ўрнидан туриб кетаркан.— Бугун оёқни узатиб бемалол ётарканмизда. Лаънати бир йилда устимдан РайОНОга ўн уч марта, облОНОга етти марта шикоят хат юборибди-я. Айтгандай, у гўрсўхтани қайси гўрга йўқотдингиз?

— Бир ойдан бери совхоз директори Эшонқуловга мақтай-мақтай қишлоқ хўжалик ишига

ўтказиб юбордим. Сизни облОНОга ёзса, мени тўппа-тўғри маориф министрлигига ёзарди, бемаза... Зўр қутулдим-да, ўзиниям шундай усталик билан копток қилиб совхоз директорига узатвордим. Бечора у ҳам бир лўкилласин... Ҳа-ҳа-ҳа! Лекин, биласизми,— юзидаги кулгичлари бирданига йўқолиб, ўйланиб қолди директор,— у андишасиздан хавотирдаман. Агроучастка бошлиғи бўлиб катта суммада пулни ўзлаштириб, мактабга қайтувди. Боғчага завхоз бўлиб, болаларнинг ризқидан ўғирлагани учун қўлга тушганида ҳам мактабга қайтувди. Кўрқаманки...

Унинг сўзини бўлиб телефон жиринглади. Илмий бўлим мудирини трубкани олиб қулоғига бир муддат тутиб тургач, сўнг уни мактаб директорига узатди.

Директор шошиб трубкани олди.

— Алло... ҳа-ҳа, менман. Мактаб директоридан совхоз директорига алангали салом. Қалайсиз? Биз тавсия этган кадрдан хурсандмисиз? Йўқ-йўқ... Сиз унинг кўзига қарманг. Кўзи бежо бўлса ҳам ўзи ишчан йигит. Қўй оғзидан чўп олманган. Қумурсқа олдини кесиб ўтса-чи, ўшанга йўл бериб, кутиб туради. Хўп-хўп, профкомга айтиб характеристика ёзиб берамиз... Уч ставка беринг деб тиқилинч қиляпти... Ҳа, баччағар! Дунёда ёмон одамлар ҳам кўп-да, Эшонқулов. Кимдир уни айнитган. Ўзи-чи, жуда, спокойно... Мана кўрасиз, кейин хурсанд бўлиб кетасиз... Копток-дек эпчил бола, сакраб-сакраб хизматингизни қилади.

Директор трубкани қўйиб, оғир «уф» тортди.

— Уҳ, хайрият-э. Яна ўзимизга қайтариб юборадими деб ўтакам ёрилаёзди. Ўртоқ Қораев, бу воқеани нишонлайлик. Профкомга айтинг, бир кунни белгилаб, мактаб ошхонасида битта ош ташкил этсин. Дилозор Хўжамуродов даврида макарон тўппа қилдиришга ҳам чўчиб қолгандик.

Директор билан илмий бўлим мудирини белгиланган кунда воқеани нишонлаш учун бошқалар қаторида келиб ўтирдилар. Ош сузилиб ўртага қўйилгунга қадар хурсандчиликдан «ҳуштак» чалиб хиргойи қилиб туришди. Ниҳоят, ош

ўртага келтириб қўйилди. Директор энди билак шимарган эдики, телефон яна қўққисдан жиринглаб қолди. У бир қўлини ошга, иккинчисини телефонга чўзди.

— Да, лаббай... Ҳа, ўртоқ Эшонқулов. Мактаб директоридан совхоз директорига алангали салом. Хўш, қалай бизнинг ка-ад... А? Қадрим бошимдан қолсин?! Нима қилди, кассир билан сизнинг устингиздан шикоят қилиб райкомга борибди... Ҳа, энди у ёш, биров пуфлаган-да, пуф-ф... Ўзимизга сийлов! Қанақа копток?

Директор ранг-қути ўчиб, трубкани телефон устига ташлади, енгини қайта туширди, сўнг ўзига ҳайрон қараб турган илмий бўлим мудирини ва профкомга қараб йиғламсираган оҳангда деди:

— Лаънати Дилозор Хўжамуродовни копток қилиб ошириб юборсам, совхоз директорига тегиб, зарб билан яна биз томонга қайтиб келаётганмиш... Энди кимга оширсам?..

Муқованинг 1-4 саҳифаларида  
рассом В. Охуновнинг  
«Рамзлар диалектикаси ёки...»  
асаридан парча.

## НАСР



Дилфуза ҚУЗИЕВА. Тавоф. Ҳикоя. . . . .	13
Тоҳир МАЛИК. Алвидо, болалик. Қисса-нинг давоми . . . . .	27
Шоҳномаи ТУРКИЙ . . . . .	42

## НАЗМ



Эшқобил ШУКУР. Чимилдиқ торлари силкинди . . . . .	11
Абдували ҚУТБИДДИН. Тасаввур лаҳзалари . . . . .	19
Ойбек РАҲИМ . . . . .	38
Каромат ДУСТМАТОВА. . . . .	39

## ПУБЛИЦИСТИКА



Ҳасан МАНЗУРОВ. Юракдаги битмас яра-лар . . . . .	2
Олам тинглаган сўзлар . . . . .	5
Вера ПАНОВА, Юрий ВАХТИН. Муҳаммад пайғамбар ҳаёти . . . . .	61
Дилобар ҒУЛОМОВА. Сенсиз яшолмай-ман . . . . .	66
Раҳмат ЭРОВ. Зилзилалар сабаби нима? «Ешлик» почтаси . . . . .	68, 71, 76

## ОЙНА



Асадулла ОРТИҚОВ. Адолатли тенглик та-рафдоримиз . . . . .	4
Унутилган жасорат . . . . .	10
Матлуба ҲАМРОЕВА. «Эркин муҳаббат» қурбонлари . . . . .	74

## АДАБИЙ ТАНҚИД



Худойберди ДОНИЕРОВ, Нуриддин ШУ-КУРОВ, Бекмурод ЙЎЛДОШЕВ. Ада-бий тилимиз муаммолари . . . . .	54
Илҳом ҒАНИЕВ, Нодида АҒОҚОВА. Омо-нат пойдевор ёки Навоийни излаб . . . . .	57
Н. Г. ЧЕРНИШЕВСКИЙ. Пайғамбарлар, да-ҳолар, халқлар . . . . .	60
Тил сандиғи . . . . .	58

## МУҲАББАТНОМА



Муҳаммад СОЛИҲ. Шеърлар . . . . .	59
-----------------------------------	----

## НИГОҲ



Ўзбекистон маликаси — 89 . . . . .	40
------------------------------------	----

## ЕЛПИҒИЧ



Турсунбой БОЙМИРОВ. Копток. Ҳажвия. . . . .	79
---	----



# ЕШЛИК

(«Молодость»  
ежемесячный  
литературно-художественный,  
общественно-политический журнал  
На узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и  
Союза писателей Узбекской ССР

Рассом: Х. ЛУТФУЛЛАЕВ  
Техник редактор: О. РАҲИМОВ  
Корректор: М. ТУРСУНОВА

Адресимиз:  
700113, Тошкент, «Правда» газетаси кўчаси,  
60-уй.

Телефонлар:  
Бош редактор — 78-94-05  
Бош редактор ўринбосари — 78-49-83  
Масъул секретарь — 78-97-07  
Проза бўлими — 78-97-58  
Поэзия бўлими — 78-77-16  
Публицистика, адабий танқид ва санъат  
бўлими — 78-17-47  
фотомухбир — 78-31-44

Редакция ҳажми 12 босма листдан ортиқ ро-  
ман ва 8 босма листдан зиёд қиссалар қўлёз-  
масини қабул қилмайди.  
Бир босма листгача бўлган асарлар авторла-  
рига қайтарилмайди. Редакция ўз тавсиясига  
кўра амалга оширилган таржима асарлар қўл-  
ёзмасинигина қабул қилади.  
Журналдан кўчириб босилганда «Ешлик»-  
дан олинди, деб изоҳланиши шарт.

Босмахонага 28.06.89 й. да туширилди.  
Босишга 26.07.89 й.да рухсат берилди.  
Р—08878. Офсет босма, 1-офсет қоғози.  
Қоғоз формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Қоғоз ҳажми 5,25 лист.  
Шартли босма листи 8,82.  
Нашриёт ҳисоб  
листи 12,6. Шартли бўёқли босмада нашр  
ҳажми 11,76. Тиражи 296.242 нусха.  
Буюртма № 1100  
Баҳоси 50 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Еш гвардия» нашриёти.  
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети  
нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли  
босмахонаси.

© «Ешлик», № 8, 1989.